

# **ҚИЙНОҚЛАР:**

## **АХБОРОТЛАР ТУЗИШ БҮЙИЧА**

## **КҮЛЛАНМА**

Инсон хуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро тизими доирасида  
қийноқлар түғрисидаги аризаларни ҳужжатлаштириш  
ва тузиш тартиб-қоидаси

Камий Жиффар

Инсон хуқуқлари маркази  
Эссекс университети



University of Essex

ТОШКЕНТ—2003

67.412.1 *Халқаро оммадвий ҳуқуқ*

## ДОИХАНИНГ АСОСИЙ ИШТИРОКЧИЛАРИ:

### Муаллиф ва талкикотчи:

Камий Жиффар

Эссекс университети илмий ходими

### Дойиха раҳбари:

Профессор сэр Найджел Родли, КВЕ

БМТ маҳсус маъruzачиси, Эссекс университети ҳуқуқ профессори

Профессор Джей Гилберт

Эссекс университети ҳуқуқ профессори

### Таҳрир хайъати:

Доктор Сильвия Касале

Қийноқ ҳамда қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадрқимматни камситувчи муомала ёхуд жазолашнинг олдини олиш бўйича Европа қўмитаси аъзоси

Профессор Малькольм Эванс  
Профессор Франсуаз Хэмпсон

Бристоль университети ҳуқуқ профессори

Профессор Джей Гилберт

Инсон ҳуқуқларини қўллаб-куватлаш ва ҳимоя қилиш бўйича БМТ кичик комиссияси аъзоси

Профессор сэр Найджел Родли

### Маъмурий таъминлаш:

Анн Слоугров  
Хейди Вигам  
Анна Массара (Ишчи кепгаш)

№ 31370  
4

### Ўзбекча нашрининг масъул мұхаррири:

*A. X. Саидов*, юридик фанлар доктори, халқаро ва қиёсий ҳуқуқ профессори

## МИННАТДОРЧИЛИК

Лойиҳа муаллифи ва раҳбарлари биринчи навбатда бутун лойиҳа жараённида берган қимматли маслаҳатлари ва самимий жонбозликлари, хайриҳоҳликлари ва қасбий маҳоратлари учун доктор Сильвия Касале, профессорлар Малькольм Эванс ва Франсуа Хэмпсонларга миннатдорчилик билдирадилар. Муаллифлар, шунингдек, лойиҳанинг турли босқичларида ёрдам кўрсатган ва унинг амалга оширилишида кўмаклашиб, файрат қилган ҳамда қўллаб-куватлаган кўплаб муассасалар, ташкилотлар ва кишиларга ҳам ўз миннатдорчилигини изҳор қиласидар. Буюк Британия Ташқи ишлар ва Ҳамдустлик вазирлигига алоҳида миннатдорчилик билдиришни хоҳлардик, зеро ушбу лойиҳа уларнинг қизиқиши ва молиявий мадади шароғати билан амалга ошиди. Шунингдек, 1999 йил 1 сентябрдан 3 сентябргача Эссекс университетида ўтказилган Ишчи мажлисларда иштирок этган барчага ташаккур изҳор этишни истардик. Шу мажлислар туфайли биринчи тахминий лойиҳа ушбу қўлланма шаклида мужассамлашди. У олдимизга қўйилган мақсадга хизмат этади, деб умид қиласиз.

Лойиҳани Барбара Бернас, доктор Джо Бейнен, Милен Бидо, Саид Бумедуха, Крейг Бретт, Алессио Бруни, Кристина Серна, Даниела де Вито, Карла Еделенбос, Каролина Форд, доктор Дункан Форрест, Ювал Джинбар, Сара Гюле, Роджер Уисенда, Мария Франсиска Изэ-Шарин, Сесилия Хименес, Марк Келли, Джоанна МакВейн, Натали Ман, доктор Эндрю Мосан, Фиона МакКей, Сесилия Моллер, Род Морган, Ахмед Мотала, Патрик Мюллер, доктор Майкл Пил, Борислав Петранов, Кармен Рока Рузда Кастаньон, Элеанор Соло, Эрик Сотас, Тревор Стивенс, Морис Тидбал, Рик Таули, Агнес Ван Стейн, Ольга Виларрубиа ва Джим Велшлар қўллаб-куватладилар.

### Маслаҳат берган муассаса ва ташкилотлар:

Халқаро Амнистия, Қийноқларнинг олдини олии ассоциацияси, Қийноқларнинг олдини олиш бўйича Европа қўмитаси девони, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Суди органи, Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро федерация, Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкааро комиссиянинг Ижроия девони, Интеритс, Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси, Қийноқлар қурбонлари медицина фонди, Қийноқларга қарши жаҳон ташкилоти, РЕДРЕСС, Болаларни Қутқаринг, Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ Олий комиссари бошқармаси ва Қочоқлар ишлари бўйича БМТ Олий комиссари бошқармаси.

## ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ НАШРГА СҮЗ БОШИ

1995 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қийноқлар ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи бошқа турларига қарши 1984 йил 10 декабрдаги БМТ конвенциясини ратификация қилди.

Ушбу Конвенция асосида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиясининг Қийноқлар бўйича маҳсус маъruzачиси Тео Ван Бовен 2002 йилнинг ноябррида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати тақлифига биноан Ўзбекистонга ташриф буорди. Ташириф якунлари бўйича Тео Ван Бовен жаноблари Ўзбекистон учун қатор тавсиялар тақдим этди.

«Қийноқлар юзасидан ахборотлар тузилиши» ҳақидаги мазкур қўлланманинг таржимаси билдирилган тавсиялар асосида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва Буюк Британиянинг Тошкентдаги Элчихонаси томонидан тайёрланди. Қийноқлар ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи бошқа турларига қарши курашни давом эттириши Ўзбекистон учун ҳам муҳим омил ҳисобланиб, ушбу қўлланма бу ишларни амалга оширишда муҳим ҳисса қўшади деб умид қиласиз.



British Embassy  
Tashkent



ISBN 1-874635-28-5

Чоп этилди: 2000 йил, февраль  
Инсон ҳуқуқлари маркази  
Эссекс университети

Human Rights Centre  
University of Essex  
Wivenhoe Park  
Colchester CO4 3SQ  
UK

тел: 0044 1206 872558  
факс: 0044 1206 873428  
E-mail: hrc@essex.ac.uk  
Интернет: <http://www2.essex.ac.uk/human rights centre/>

Чоп этилди: 2003 йил, декабрь  
Инсон ҳуқуқлари бўйича  
Ўзбекистон Республикаси  
Миллий маркази

Ўзбекистон Республикаси  
700029. Тошкент,  
Мустақиллик майдони, 5/3.

тел: 981 71 139 43 39  
факс: 981 71 139 13 56  
E-mail: ncpch@online.ru

© Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш маркази, 2000.

Барча ҳуқуқлар ҳимояланган. Бу иш Эссекс университети Инсон ҳуқуқлари марказини хабардор қилган ҳолда нотижорат мақсадларда қайта нашр этилиши мумкин.

© Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2003.

# МУНДАРИЖА

Кисқартмалар .....	i
Жадваллар рүйхати .....	ii
Махсус атамалар изохли лугати .....	iv

## I ҚИСМ. ДАСТЛАБКИ ҚОИДАЛАР

1

<b>1. КИРИШ .....</b>	<b>3</b>
<b>2. ҚҰЛЛАНМАДАН ҚАҢДАЙ ФОЙДАЛАПИШ КЕРАК .....</b>	<b>5</b>
2.1. Энг мұхим боблар шархи .....	5
2.2. Атамалар .....	6
2.3. Асосий сиёсий масалалар .....	7
<b>3. КОНТЕКСТНИ АНИҚЛАШ .....</b>	<b>9</b>
3.1. Кириш .....	9
3.2. Қийноқ құлланған ҳолатлар ҳақида ариза берса түриб, қандай натижаларин күтиш мүмкін? .....	9
3.2.1. Вазиятта диққатни жалб қилиш ва ҳуқуқбизарлықнинг умумий тенденцияларини анықлаш .....	9
3.2.2. Умумий вазиятларда ижобий ўзғаришлар қилишга интилинг .....	10
3.2.3. Жазосизликка қарши кураш .....	10
3.2.4. Жабрлашганиң ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг аниқ воситасын топынг .....	10
3.2.4.1. Ҳуқуқбизарлық фактини тан олиш .....	10
3.2.4.2. Ҳуқуқбизарларни жавобгарлыққа тортыш .....	11
3.2.4.3. Компенсация .....	11
3.2.4.4. Инсонни қийноқ хавфига дучор бўладиган мамлакатга депортация қилишнинг олдини олиш .....	11
3.3. Қийноқ тушунчасини анықлаш .....	11
3.3.1. Кириш .....	11
3.3.2. Қийноқ тушунчасини ҳалқаро ҳуқук нормаларидан келиб чиққиб анықлаш .....	11
3.3.3. Қийноқ тушунчасини анықлашнинг амалий аспектлари .....	13
3.3.3.1. Асосий элементлари .....	13
3.3.3.2. Азоб даражаси .....	13
3.3.4. Хулоса. Қийноқ нима? .....	15
3.4. Қийноқ содир бўладиган ҳолатлар .....	15
3.4.1. Ким ҳуқуқбизар ҳисобланади? .....	15
3.4.2. Ким қийноқ қурбони бўлади? .....	16
3.4.3. Қийноқни қўллаш эҳтимоли кўпроқ қаерда мавжуд? .....	17
3.4.4. Қийноқ қўлланилиши эҳтимоли катта ҳолатлар .....	18
3.5. Қандай ҳолатларда қийноқлар ҳақида маълумот олиш мүмкин? .....	18
3.6. Ноҳукумат субъектларга қарши маълумотлар бериш мүмкини? .....	21
3.6.1. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунга асосан чора кўриш мүмкинми? .....	22
3.6.2. Қийноқларни ноқонуний қўллашнинг ноҳукумат субъектлар билан боғлиқ бошқа турлари борми? .....	22
3.6.2.1. Қуролли мөжаролар тўғрисидаги ҳалқаро қонун .....	22
3.6.2.2. Инсониятга қарши жиноятлар .....	23
3.6.2.3. Давлат ички ҳуқуқи .....	23
3.6.3. Хулоса. Ноҳукумат субъектлар томонидан қўлланадиган қийноқлар тўғрисидаги ахборотлардан қандай фойдаланиш керак? .....	23

<b>1. КИРИШ .....</b>	<b>29</b>
<b>2. ҲУЖЖАТЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ .....</b>	<b>30</b>
2.1. Мазкур принципларга нега риоя қилиш керак? .....	30
2.2. Сифатли ахборотнинг таркибий қисмлари .....	30
2.3. Ахборотнинг энг кўп аниқлигига эришиш усууллари .....	31
<b>3. ҚИЙНОҚЛАР ҲАҚИДА ГУВОХЛИК БЕРУВЧИ КИШИ БИЛАН ИНТЕРВЮ .....</b>	<b>33</b>
3.1. Кириш .....	33
3.2. Умумий мулоҳазалар .....	33
3.3. Интервью ўтказиш .....	34
3.3.1. Дастрлабки қоидалар .....	34
3.3.2. Интервьюни нимадан бошлаш керак? .....	34
3.3.3. Интервью вақтида ёзиб бориш зарурми? .....	34
3.3.4. Интервьюни ким ўтказиши керак? .....	34
3.3.5. Таржимонлар хизматидан фойдаланишда ҳисобга олиниши лозим бўлган алоҳида жиҳатлар .....	35
3.3.6. Интервью берадиган киши ўзини эркин тутишига қандай эришиш мумкин? .....	35
3.3.7. Одамлар сиз билан гаплашишдан жуда қўрқиб қолган вазиятларда қандай йўл тутиш керак? .....	36
3.3.8. Турма ёки маҳбуслар гуруҳ қилиб сақланадиган бошқа жойларда интервью ўтказишда ҳисобга олиниши керак бўлган бирор алоҳида жиҳатлар мавжудми? .....	36
3.3.9. Руҳий жароҳат етказадиган масалаларни муҳокама қилишда қандай ёндашувдан фойдаланган маъқул? .....	37
3.3.10. Ахборотнинг ишончлилик даражасини қандай қилиб энг кўп ошириш мумкин .....	37
3.3.11. Интервью ўтказастган киши жиғсига ёки гуруҳга нисбатан бирор мулоҳаза мавжудми? .....	38
3.3.12. Болалар билан интервью ўтказилаётган ҳолатларда бирор мулоҳаза мавжудми? .....	38
<b>4. ЁЗИБ ОЛИНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН АХБОРОТ .....</b>	<b>39</b>
4.1. Моделли ахборот .....	39
4.1.1. Ушбу саволларнинг жавоби учун қандай тафсилотлар зарур? .....	39
4.1.2. Гувоҳлик аниқлигига таъсир кўрсатмаган ҳолда тафсилотни қандай билиш мумкин? .....	43
4.2. Алоҳида ҳолатлар .....	47
<b>5. ДАЛИЛЛАР .....</b>	<b>49</b>
5.1. Тиббий далиллар .....	49
5.1.1. Жисмоний далиллар .....	50
5.1.2. Руҳий далиллар .....	51
5.2. <i>Amius curiac</i> гувоҳлиги .....	52
5.3. Гувоҳларнинг кўрсатмалари .....	52
5.4. Далилларнинг бошқа турлари .....	53

<b>1. КИРИШ. МАЪЛУМОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАКТИКАСИНИНГ ЭҲТИМОЛ ТУТИЛГАН ВАРИАНТЛАРИ .....</b>	<b>59</b>
<b>1.1. Халқаро даражада чоралар кўриш .....</b>	<b>59</b>
1.1.1. Халқаро тартиб-қоидалар кўлами .....	60
1.1.1.1. Механизмнинг келиб чиқиши .....	60
1.1.1.2. Механизм функциялари .....	61

1.1.2. Халқаро тартиб-қоидалари танлаш .....	64
1.1.2.1. ФОЙДАЛАНА ОЛИШЛИК. Сизнинг фойдаланишингиз учун қайси механизмлар кулай?..	64
1.1.2.2. Айнанлик: қайси механизмлар сизнинг мақсадларингиз билан күпроқ айнан? .....	65
1.2. Давлат ички даражасида чора кўриш .....	65
1.2.1. Жиноят судлов ишларини юргизиш .....	66
1.2.2. Фуқаролик судлов ишларини юргизиш .....	66
1.2.3. Маъмурий судлов ишларини юргизиш .....	66
1.2.4. Интизомий судлов ишларини юргизиш .....	67
1.2.5. Сиёсий бошпана бериш тўғрисида аризалар .....	67
1.2.6. Ҳуқуқий ҳимоянинг алоҳида воситалари .....	68
1.2.7. Бошқа тартиб-қоидалар .....	68
<b>2. МАЪРУЗАЛарНИНГ ХАЛҚАРО МЕХАНИЗМЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ .....</b>	<b>69</b>
2.1. Ахборотлар шаклига кўйиладиган талаблар .....	69
2.1.1. Фойдалана олиш мумкинлиги .....	70
2.1.2. Салмоқдорлик ва ишонарлилик .....	71
2.1.3. Тафсилотлар .....	72
2.2. Мониторинг органиларига ахборот тақдим этиш. Ахборотигиз нималарни ўз ичига олиши керак? .....	72
2.2.1. Умумий ахборотни мониторинг органига жўнатиш .....	72
2.2.2. Индивидуал гувоҳликларни мониторинг органларига жўнатиш .....	74
2.3. Давлат маърузалари тартиб-қоидаси доирасида ахборот тақдим этиш .....	75
2.3.1. Давлат маърузалари тартиб-қоидаси қай тарзда ишлайди? .....	75
2.3.2. Маърузаларнинг давлат тартиб-қоидаси доирасида ахборот бериш орқали нимага эришиш мумкин? .....	76
2.3.3. Маърузаларнинг давлат тартиб-қоидаси доирасида тақдим этиладиган НХТ маърузалари нималарни ўз ичига олиши керак? .....	76
2.3.4. Маърузаларнинг давлат тартиб-қоидаси доирасида ахборот бериш бўйича амалий маслаҳатлар .....	77
2.4. Фактларни аниқлаш билан шуғулланувчи органга ахборот тақдим этиш .....	78
2.4.1. Фактларни аниқлаш бўйича ташрифгача ахборот бериш .....	78
2.4.2. Фактларни аниқлаш бўйича ташриф пайтида ахборот бериш .....	79
<b>3. ШИКОЯТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШНИНГ ХАЛҚАРО ПРОЦЕДУРАЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ .....</b>	<b>81</b>
3.1. Индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидаси доирасила нималарга эришиш мумкин? ....	81
3.2. Индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидаси доирасида шикоятларнинг қандай типлари қабул қилинади? .....	82
3.3. Индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидасининг амал қилиши .....	83
3.3.1. Асосий хронологик босқичлар .....	83
3.3.2. Йўл қўйиш мумкинлиги .....	83
3.3.2.1. Йўл қўйиш мумкинлиги .....	83
3.3.2.2. Нима учун шикоят йўл қўйилиши мумкин эмас, деб эътироф этилиши мумкин?....	84
3.3.3. Amicus curiae гувоҳдиги/учинчи томонларниң иштирок этиши .....	86
3.3.4. Вақтичалик чоралар .....	87
3.4. Индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидаси доирасида кўриб чиқиладиган аризада нималар бўлиши керак? .....	87
3.5. Индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартибидан фойдаланиш юзасидан амалий маслаҳатлар .....	89
<b>4. БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ. МЕХАНИЗМЛАР ВА ТАРТИБ-ҚОИДАЛАР .....</b>	<b>90</b>
4.1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимига кириш .....	90
4.2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида маърузалар механизмлари .....	91

4.2.1. Бирлашған Миллатлар Ташкилотининг пошартномавий тартиб-қоидалари .....	91
4.2.1.1. 1503-процедура .....	92
4.2.1.1.1. 1503-процедураларнинг амал қилиши .....	92
4.2.1.1.2. 1503-процедурага ахборот бериш йўли билан нимага эришиш мумкин? .....	94
4.2.1.1.3. 1503-процедура доирасида кўриб чиқиш учун жўнатиладиган хабарда нималар бўлиши керак .....	95
4.2.1.1.4. Аниқ маслаҳатлар .....	96
4.2.1.2. Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ Комиссиясининг маҳсус тартиб-қоидалари .....	96
4.2.1.2.1. Мавзулар бўйича маърузачилар ва ишчи гурӯҳлар .....	97
4.2.1.2.2. Қийноқ масалалари бўйича БМТнинг Маҳсус маърузачиси .....	99
4.2.1.2.3. Мамлакатлар бўйича маърузачилар .....	103
4.2.2. Бирлашған Миллатлар Ташкилотининг шартномавий органлари .....	104
4.2.2.1. Қийноқларга қарши қўмита .....	104
4.2.2.1.1. Қийноқларга қарши қўмитанинг амал қилиши .....	105
4.2.2.1.2. Қийноқларга қарши қўмитага ахборот тақдим этиб, нимага эришиш мумкин? .....	105
4.2.2.1.3. Қийноқларга қарши қўмитага жўнатилган хабарда нималар бўлиши керак? .....	106
4.2.2.1.4. Аниқ маслаҳатлар .....	107
4.2.2.2. Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита .....	108
4.2.2.2.1. Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг амал қилиши .....	108
4.2.2.2.2. Аниқ маслаҳатлар .....	108
4.2.2.3. Башқа қўмиталар .....	109
4.2.2.3.1. Аниқ маслаҳатлар .....	110
4.3. Бирлашған Миллатлар Ташкилоти тизими доирасида шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидаси .....	111
4.3.1. Қийноқларга қарши қўмита .....	111
4.3.1.1. Қўмита томонидан кўриб чиқладиган шикоятлар түрлари .....	112
4.3.1.2. Йўл қўйиш мумкинлиги талаблари .....	112
4.3.1.3. Аниқ маслаҳатлар .....	112
4.3.2. Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита .....	114
4.3.2.1. Йўл қўйиш мумкинлиги талаблари .....	114
4.3.2.2. Аниқ маслаҳатлар .....	115
4.3.3. Башқа қўмиталар .....	115
4.3.3.1. Йўл қўйиш мумкинлиги талаблари .....	115
4.3.3.2. Аниқ маслаҳатлар .....	116
<b>5. МИЛЛАҚАВИЙ МЕХАНИЗМЛАР ВА ПРОЦЕДУРАЛАР .....</b>	<b>117</b>
5.1. Европа тизими .....	117
5.1.1. Маърузалар механизми. Қийноқлар ҳамда инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёхуд жазолашнинг олдини олиш бўйича Европа қўмитаси .....	117
5.1.1.1. Қийноқлар ҳамда инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёхуд жазолашнинг олдини олиш бўйича Европа қўмитасининг амал қилиши .....	118
5.1.1.2. Қийноқларнинг олдини олиш қўмитасига ахборот тақдим этиш йўли билан нимага эришиш мумкин? .....	119
5.1.1.3. Қийноқларнинг олдини олиш қўмитасига бериладиган хабарда нималар бўлиши керак? .....	120
5.1.1.4. Аниқ маслаҳатлар .....	121
5.1.2. Индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидаси. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди .....	122
5.1.2.1. Йўл қўйиш мумкинлиги талаби .....	122
5.1.2.2. Аризангизда қандай маълумотлар бўлиши керак? .....	123
5.1.2.3. Аниқ маслаҳатлар .....	125

<b>5.2. Америкааро тизим .....</b>	<b>126</b>
5.2.1. Маърузалар механизмлари. Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкааро комиссия .....	128
5.2.1.1. Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкааро комиссиянинг амал қилиши .....	128
5.2.1.2. Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкааро комиссияга ахборот бериш йўли билан нимага эришиш мумкин? .....	128
5.2.1.3. Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкааро комиссия учун мўлжалланган хабарда нималар бўлиши керак? .....	129
5.2.2. Индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидаси. Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкааро комиссия .....	129
5.2.2.1. Ушбу тартиб-қоидадан фойдаланиш йўли билан нимага эришиш мумкин? .....	130
5.2.2.2. Кўриб чиқиладиган шикоятлар турлари .....	131
5.2.2.3. Йўл қўйиш мумкинлиги талаблари .....	131
5.2.2.4. Аниқ маслаҳатлар .....	132
<b>5.3. Африка тизими .....</b>	<b>133</b>
5.3.1. Маърузалар механизмлари .....	134
5.3.1.1. Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка комиссияси .....	134
5.3.1.1.1. Функциялари .....	134
5.3.1.1.2. Аниқ маслаҳатлар .....	134
5.3.1.2. Африкада турмалар ва қамоқда сақлаш шароитлари масаласи бўйича маҳсус маърузачи .....	135
5.3.2. Индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиби. Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка комиссияси .....	136
5.3.2.1. Йўл қўйиш мумкинлиги талаблари .....	136
5.3.2.2. Аниқ маслаҳатлар .....	138
<b>5.4. Бошқа минтақалар .....</b>	<b>138</b>
<b>6. ХАЛҚАРО ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ ЖАДВАЛЛАРИ .....</b>	<b>139</b>
<b>7. КЕЙИНГИ ЁРДАМ МАНБАЛАРИ .....</b>	<b>145</b>
7.1. Кейинги ёрдам нима учун зарур бўлиши мумкин? .....	145
7.2. Ёрдам олишнинг аниқ манбалари .....	146
7.2.2. Қочоқлар ишлари бўйича БМТнинг маҳсус вакили .....	147
7.2.3. Жойлардаги миссиялар ва ташрифлар .....	147
7.2.4. Халқаро ва маҳаллий НХТ, шунингдек ёрдам кўрсатувчи бошқа ташкилотлар .....	147
7.2.5. БМТнинг қийипоқлар қурбонларини қўллаб-қувватлаш кўнгилли жамғармаси .....	148
7.2.6. Лоббилаш .....	148

## ИЛОВА

153

<b>1. I ИЛОВА. РЕЛЕВАНТ ВОСИТАЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>155</b>
<b>2. II ИЛОВА. АЛОҚА ЎРНАТИШ УЧУН МАЪЛУМОТЛАР ВА КЕЙИНГИ АХБОРОТЛАРНИ ОЛИШ .....</b>	<b>158</b>
АЛОҚА УЧУН МАЪЛУМОТЛАР .....	158
КЕЙИНГИ АХБОРОТЛАРНИ ОЛИШ .....	165
<b>3. III ИЛОВА. АРИЗАЛАРНИНГ СТАНДАРТ ШАКЛЛАРИ .....</b>	<b>167</b>
<b>4. IV ИЛОВА. ОДАМ ТАНАСИ ДИАГРАММАСИ .....</b>	<b>170</b>
<i>Предмет кўрсаткич .....</i>	<i>172</i>

## ҚИСҚАРТМАЛАР

ИХХАХ:	Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка хартияси
ИҲАК:	Инсон ҳуқуқлари тўғрисида Америка конвенцияси
ИХХАК:	Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка комиссияси
ҚҚҚ:	Қийноқларга қарши қўмита
АҚБҚ:	Аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш қўмитаси
ИҚБҚ:	Ирқий камситишларнинг барча шаклларига барҳам бериш қўмитаси
ҚОЕҚ:	Қийноқ ҳамда қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёхуд жазолашнинг олдини олиш бўйича Европа қўмитаси
БҲҚ:	Бола ҳуқуқлари қўмитаси
ИҲЕҚ:	Инсон ҳуқуқлари Европа конвенцияси
ИҲЕС:	Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди
ИҲААҚ:	Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкааро комиссия
ИҲААС:	Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкааро суд
ХЖС:	Халқаро жиноят суди
ФСҲҲП:	Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт
ХҚҲҚ:	Халқаро Қизил Ҳоч Қўмитаси
МИКО:	Мамлакат ичидаги кўчирилган одамлар
ҚТҲҚ:	Қуролли тўқнашувлар тўғрисидаги халқаро қонун
НҲТ:	ноҳукумат ташкилоти
АДТ:	Америка давлатлари ташкилоти
АБТ:	Африка бирлиги ташкилоти
ИҲБМТОКБ:	Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ Олий комиссари Бошқармаси
ЕХХТ:	Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти
АТТҚШМММ:	Африкада турмалар ва турма қамоғи шароити масалалари бўйича махсус маъruzachi
ҚМБМТММ:	Қийноқ масалалари бўйича БМТнинг махсус маъruzachisi
БМТ:	Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
ҚҚБМТК:	Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи бошқа турларига қарши БМТ конвенцияси
АҚБҚ:	Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам берини тўғрисида конвенция
ИҚББМТК:	Ирқий камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисида БМТ конвенцияси
ИҲБМТК:	Инсон ҳуқуқлари тўғрисида БМТ конвенцияси
БҲБМТК:	Бола ҳуқуқлари тўғрисида БМТ конвенцияси
ҚБМТОК:	Қочоқлар ишлари бўйича БМТ Олий комиссари

## ЖАДВАЛЛАР РҮЙХАТИ

### КИЕСИЙ ЖАДВАЛЛАР

1-жадвал. Халқаро механизмларнинг келиб чиқиши ва функциясига кўра рўйхати .....	63
33-жадвал. I қиёсий таҳлил – ҚҚҚ, ИҲҚ ва ИҚТҚ (умумий маълумотлар) .....	139
34-жадвал. II қиёсий таҳлил – БҲҚ, АҚБҚ, ИҲҚММ ва 1503-процедура (умумий маълумотлар) .....	140
35-жадвал. III қиёсий таҳлил – ҚОҚ, ИҲАҚ ва ИҲАС (умумий маълумотлар) .....	141
36-жадвал. IV қиёсий таҳлил – ИҲАҚ, ТММ (умумий маълумотлар) .....	142
37-жадвал. IV қиёсий таҳлил – ҚҚҚ, ИҲҚ ва ИҚТҚ (индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидаси процедураси) .....	143
38-жадвал. V қиёсий таҳлил – ИҲЕС, ИҲАҚ, ИҲАС ва ИҲҲАҚ (индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб қоидаси) .....	144

### ХАЛҚАРО МЕХАНИЗМЛАР – АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР

5-жадвал. Асосий фактлар – БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси .....	91
6-жадвал. Асосий фактлар – БМТнинг Инсон ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўйича кичик комиссияси .....	92
8-жадвал. Асосий фактлар – 1503-процедура .....	94
10-жадвал. Асосий фактлар – Қийноқ масалалари бўйича БМТнинг Махсус маърузачиси .....	99
12-жадвал. Асосий фактлар – Қийноқларга қарши қўмита .....	104
13-жадвал. Асосий фактлар – Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита .....	108
14-жадвал. Асосий фактлар – Бола ҳуқуқлари қўмитаси .....	109
15-жадвал. Асосий фактлар – Аёлларга нисбатан камситишга барҳам бериш қўмитаси .....	109
16-жадвал. Асосий фактлар – Ирқий камситишнинг барча шаклларини тугатиш қўмитаси .....	110
21-жадвал. Асосий фактлар – Қийноқлар ҳамда инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи мумомала ёки жазолашнинг олдини олиш бўйича Европа қўмитаси ....	117
22-жадвал. Асосий фактлар – Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди .....	122
25-жадвал. Асосий фактлар – Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкааро суд .....	127
26-жадвал. Асосий фактлар – Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкааро комиссия .....	127
29-жадвал. Асосий фактлар – Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка комиссияси .....	133
30-жадвал. Асосий фактлар – Африкада турмалар ва қамоқда сақлаш шароитлари масаласи бўйича маҳсус маърузачи .....	135

### ИНДИВИДУАЛ ШИКОЯТЛАР БЕРИШ ТАРТИБ-КОИЛАЛАРИ – АМАЛИЙ ЖИХАТЛАР

18-жадвал. Индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидасидан фойдаланиш амалий жиҳатлари: ҚҚБМТК .....	113
19-жадвал. Индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидасидан фойдаланишининг амалий жиҳатлари: ФСҲҲПнинг мажбурий бўлмаган баёни .....	114
20-жадвал. Индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидасидан фойдаланишинге амалий жиҳатлари: ИҚТҚ .....	116
24-жадвал. Индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидасидан фойдаланишинге амалий жиҳатлари: ИҲЕК .....	125
28-жадвал. Индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидасидан фойдаланишинге амалий жиҳатлари: Америкааро тизим .....	132
32-жадвал. Индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидасидан фойдаланишининг амалий жиҳатлари: ИҲҲАҚ .....	137

## ТАРТИБ-КОИДАЛАР – АСОСИЙ ХРОНОЛОГИЯ

7-жадвал. 1503-процедуранинг асосий хронологияси.....	93
17-жадвал. Индивидуал шикоятларни кўриб чиқиши тартиб-коидасининг асосий хронологияси: ҚҚБМТК .....	111
23-жадвал. Индивидуал шикоятларни кўриб чиқиши тартиб-коидасининг асосий хронологияси: ИХЕК .....	124
27-жадвал. Индивидуал шикоятларни кўриб чиқиши тартиб-коидасининг асосий хронологияси: Америкааро тизим .....	129
31-жадвал. Индивидуал шикоятларни кўриб чиқиши тартиб-коидасининг асосий хронологияси: ИХҲАК .....	136

## БОШКА ЖАДВАЛЛАР

2-жадвал. Механизмларнинг типлари ва эҳтимол тутилган мақсадлар нисбати .....	65
3-жадвал. Маърузалар механизмига умумий ахборотларни киритиш мезонлари рўйхати .....	73
4-жадвал. Маърузалар механизмига индивидуал гувоҳликларни тақдим этишининг назорат рўйхати ..	75
9-жадвал. Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ Комиссиясининг релевант мавзуллар бўйича тартиб-коидалари .....	98
11-жадвал. Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ Комиссиясининг мамлакатлар бўйича маъruzachilari .....	103
39-жадвал. Ёрдамнинг эҳтимол тутилган манбалари .....	146

## МАХСУС АТАМАЛАР ИЗОХЛИ ЛУГАТИ

<b>Жоизлик</b>	Шикоятларни күриб чиқиш учун зарур бўлган шарт-шароитлар мавжудлиги тўғрисида суд ёки квазисуд органи қарор қабул қиласидаган индивидуал шикояти күриб чиқадиган тартиб-қоиди босқичи. Агар шикоят йўл қўйиб бўлмайдиган, деб тан олинса, у ҳолда у кейинчалик кўрилмайди.
<b>Ариза (қийноқ содир бўлганилиги тўғрисида)</b>	Қийноқ қўлланган ҳолат бўлганилиги тўғрисидаги (исботланмаган ва рад қилинмаган ариза).
<b>Amicus curiae далолати</b>	Суд мажлисига дахли бўлмаган шахс томонидан тақдим этилган, кўриб чиқиладиган ишниңг бирон-бир жиҳати тўғрисида суд органини хабардор қилиш учун мўлжалланган ахборот.
<b>Берувчи</b>	Индивидуал шикоятни бериш процедураси доирасида ариза берувчи шахс.
<b>Ариза</b>	Ишни индивидуал шикоятни кўриб чиқиш тартиб-қоидаси доирасида кўриб чиқиш учун суд органига илтимосни ўз ичига олган хат ёки бошқа ҳужжат.
<b>Кочоқ</b>	Бирон-бир мамлакатга (одатда, ўз мамлакатига) қайтишни истамайдиган шахслар, бошпана олишга муҳтож бўлади. Бошпана олган тақдирда улар мамлакатда қолиш ҳуқуқига эга бўладилар. Бошпана вақтинча ёки доимий берилиши мумкин.
<b>Пакт</b>	Қаранг: «ШАРТНОМА».
<b>Хабарнома</b>	Бирон-бир халқаро ташкилотга кўриб чиқиш учун йўлланган хат (ёки ахборот бошқача шаклда тақдим этилган ҳужжат). Бу атама БМТ да кўпилча индивидуал шикоят тартиб-қоидаси доирасидаги ариза учун қўлланилади. Хабарномани ёзган киши, одатда, хабарнома муаллифи, деб юритилади.
<b>Ҳуқуқни қўллаш</b>	Қаранг: «СУДЛОВ ИШЛАРИНИ ЮРГИЗИШ» (суд органларида).
<b>Даъвогар</b>	Индивидуал шикоят тартиб-қоидаси доирасида шикоят берувчи шахс.
<b>Маслаҳат мақоми</b>	НХТ маслаҳат мақомини олиш учун БМТ га ариза беришлари мумкин; бу улар БМТ маслаҳат учун мурожаат қилиши мумкин бўлган ташкилот сифатида расмий рўйхатга олинишини билдиради. Маслаҳат мақомига эга НХТ бошқа НХТ га қараганда баъзи имтиёзларга, масалан, Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ комиссияси сессияларида иштирок этиш имкониятига эга бўлади.
<b>Конвенция</b>	Қаранг: «ШАРТНОМА».
<b>Тасдиқлаш</b>	Бирон-бир аризанинг ҳақиқийлигини тасдиқловчи ёки рад этувчи далил.
<b>Суд қарори</b>	Суд иш тўғрисида қарор чиқарганда юридик кучга эга бўладиган қарор.
<b>Битим</b>	Қаранг: «ШАРТНОМА».
<b>Декларация</b>	Юридик кучга эга бўлмаган ва давлатлар риоя қилиш мажбуриятини оладиган андозаларни белгиловчи халқаро ҳуқуқ ҳужжати.
<b>Депортация</b>	Мамлакатдан қувғин қилиш.
<b>Давлат ички ҳуқуқи ёки ҳуқуқий тизим</b>	Муайян мамлакатга хос бўлган давлат қонуни ёки ҳуқуқий тизими.
<b>Ҳуқуқни қўллаш (мажбурият)</b>	Мажбуриятни бажариш самарадорлигини таъминлаш ва уларга риоя қилиш чораларини кўриш.
<b>Кучга кириш (битимнинг)</b>	Битим мажбурияти амал қилишининг бошланиш вақти.
<b>Судсиз (масалан, судсиз ўлим жазоси)</b>	Судья томонидан белгиланмаган ёки суд ишларини юргизиш натижаси бўлмаган ҳодиса.
<b>Далилларни топиш</b>	Далил топиш мақсадида текшириш.

Инсон ҳукуқларининг оғир бузилиши	Инсон ҳукуқлари бузилишининг қийноқни қўллап ёки ноқонуний ўлдириш сингари ўта оғир шакллари.
Бажариш (мажбуриятларни)	Мажбуриятларнинг бажарилishi ёки уларга риоя қилиш воситаси бўлган усул ёхуд шунга эришинга йўналтирилган чоралар.
Жазосизлик	Ноқонуний ёки номақбул хулқ-атвор учун жазоланидан қутулиб қолиш.
Бошқа одамлар билан муомала қилиш ҳукуқидан маҳрум этиш билан қамоқда сақлаш	Маъмурият томонидан ташқи олам билан алоқада бўлиш имкониятисиз қамоқда сақлаш. Бунда қамаш тан'олиниши ҳам, тан олинмаслиги ҳам мумкин.
Шахсий шикоят	Индивидуум ёки одамлар гуруҳи манфаатларига даҳлдор бўлган мұайян воқеаларга тегишли шикоят.
Восита	Юридик кучидан қатъи назар, халқаро ҳукуқий ҳужжатларни белгилаш учун умумий атама.
Ҳукуматларо орган	Биттадан ортиқ мамлакат вакилларини ўз ичига олган орган ёки ташкилот.
Суд тартиб-қоидаси	Суд органи бажарадиган тартиб-қоида.
Юрисдикция (давлат)	Давлат ҳокимияти татбиқ этиладиган соҳа ёки шахс.
Юрисдикция (суд органи)	Суд ёки квазисуд органи юрисдикциясига мазкур органлар кўриб чиқиши ҳукуқига эга бўлган масалалар киради. Бу, шунингдек, бирон-бир масалани кўриб чиқиши учун ваколатга эгалик сифатида ҳам қаралиши мумкин.
Отгул (масалан, <i>amicus curiae</i> сифатида сўроқ бериш учун отгул)	Рухсат.
Юридик куч	Агар бирон-бир қоида давлат доирасида юридик кучга эга бўлса, у — давлат мазкур қоидага мувофиқ ҳаракат қилишга мажбур эканлигини англатади. Бу мажбуриятларни бажармаганилик ҳукуқий жавобгарликка олиб келади. Масалан, халқаро суд бирон-бир давлатни жавобгарликка тортиш ва уни жабранувчига етказилган зарарни қоплаш учун компенсация тўлашга мажбур қилиши мумкин.
Даъволашиб	Ишни кўриб чиқиш ва у ҳақда қарор чиқариш жараёни.
Шикоят бериш	Шикоятни рўйхатдан ўтказиш.
Мандат	Механизмнинг ҳукуқий ҳокимияти манбаси — мазкур механизм қандай иш қилишга ваколатли эканлиги тушунтириладиган ҳужжат.
Ишнинг моҳияти	Индивидуал шикоят тартиб-қоидаси босқичи, бунда суд органи иш соҳасидаги далилларни кўриб чиқади ва ҳуққу бузилиши мавжудлиги ҳақида қарор қабул қиласди.
Мониторинг	Бирон-бир ҳолат ёки иш бўйича маъруза тайёрлаш мақсадида аҳборот излаш ва олиш.
Нохукумат субъектлар	Расмий ҳокимиятдан мустақил тарзда ҳаракат қилувчи хусусий шахс.
Кузатиш	Шарҳлар, баҳолар.
Ҳуқук бузувчи	Ноқонуний хатти-ҳаракат содир этган шахс..
Арзнома	Бирон-бир чора кўриш, масалан, тергов ўтказиш тўғрисидаги илтимоснома.
Муваққат чоралар	Суд ёки квазисуд органлари ўрнини тўлдириб бўлмайдиган зарарнинг олдини олиши мақсадида ишни кўриб чиққунга қадар вақтингчалик чора қабул қилишини талаб этиши мумкин.
Квазисудлов тартиб-қоидаси	Иш тахминан суд органидаги, лекин судьянинг иштирокисиз кўриб чиқиладиган доирадаги тартиб-қоида. Мазкур тартиб-қоида асосида қабул қилинган қарор юридик кучга эга бўлмайди.
Ратификация	Давлат шартнома шартларини мажбурий тартибда бажаришга рози бўладиган процесс.

Тавсия (рекомендация)	Тавсия этилгән ҳаракат тарзи. Тавсия юридик жиҳатдан мажбурий ҳисобланмайды.
Компенсация	Етказилган зарарни ундиришга йұналтирилған чоралар.
Изоҳ (оговорка)	Давлат шартнома шартларини бажариш мажбуриятини олғани ҳолда изоҳ-аризани рўйхатдан ўтказиш мүмкин, бу изоҳ-ариза шартнома доирасида мажбуриятни қандайdir тарзда ўзгартиради.
Резолюция	Халқаро органнинг расмий қарори, у кўпинча овозга қўйиш билан қабул қилинади. Одатда бу тавсия бўлиб, юридик жиҳатдан мажбурий эмас.
Процессуал нормалар	Суд ёки квазисуд органи томонидан судлов ишларини юргизишни амалга оширгунга қадар қабул қилинадиган, муфассал ишланиган қоидалар. У судлов ишларини юргизиш шаклини белгилаб беради.
Санкция	Юридик мажбуриятларни бажармаганлиги учун давлатга берилған жазо.
Давлат жавобгарлиги	Давлатни халқаро ҳуқуқ доирасида жавобгарликка тортиш.
Қатнашувчи мамлакат	Шартнома мажбуриятларини бажариш бўйича битим қабул қилган давлат.
Кўриб чиқишига бериш	Қаранг: «ХАБАР/АРИЗА».
Назорат қилувчи орган	Мамлакатнинг ўз шартномавий мажбуриятларини ижро этишининг боришини назорат қилиш вазифаси юкландиган орган.
Учинчи тарафларнинг иштироки	Қаранг: «МАСЛАҲАТЧИННИГ ДАЛОЛАТИ» ( <i>AMICUS CURIAE</i> ).
Ариза бериш	Тегишли давлатга ариза бериш.
Шартнома	Давлатларнинг юридик мажбуриятларини белгиловчи халқаро ҳуқуқ ҳужжати.
Шартнома моддаси	Шартноманинг маълум қисмига ҳавола қилиш учун фойдаланиладиган атама.
Шартнома органи	Шартнома билан таъсис қилинадиган орган.
Бузиш (мажбуриятларни)	Давлат томонидан халқаро ҳуқуқ доирасида мажбуриятларга риоя қилинмаслиги.

I ҚИСМ. ДАСТЛАБКИ ҚОЙДАЛАР

- 1. Кириш**
- 2. Құлланмадан фойдаланиш**
  - 2.1. Асосий боблар шарҳи**
  - 2.2. Атамалар**
  - 2.3. Энг муҳим сиёсий масалалар**
- 3. Контекстни аниқлаш**
  - 3.1. Кириш**
  - 3.2. Қийноқлар түғрисида ариза берганды нималарга умид қилиш мүмкін?**
  - 3.3. Қийноқни аниқлаш**
  - 3.4. Қийноқлар қандай юз беради?**
  - 3.5. Қийноқлар түғрисидеги далилни қандай ҳолаттарда олиш мүмкін?**
  - 3.6. Нохукумат субъектларға қарши шикоятлар беріш мүмкінми?**



## 1. КИРИШ

Қийноқлар түғрисида гап боргандың күпчилік одамлар күз олдиде жисмоний ва рұхий азоб-ларнинг анча шафқатсиз шакллари — тирноқни сугуриш, электрошок, қатл, ота-оналар ёки болаларнинг қийноққа солинишини кузатиши мажбур қилиш, зўрлаб номусга тегиши манзараси намоён бўлади. Бундай манзара оддий одамда кучли нафрат ҳиссини уйғотади, чунки қийналишнинг бундай кўринишларини, одамларнинг бундай азобланиш манзарасини кўлчилик хотиржам кузата олмайди. Қийноқни кўллаш оммавий тарзда қораланади ва ҳозирги кунда қийноқни кўллаш 1948 йилдаги Инсон ҳукуқлари умумжаҳон декларациясидан бошлаб, инсон ҳукуқлари түғрисидаги кўплаб қонунлар билан тақиқланган. Бу тақиқнинг бузилиши фоят жиддий масала ҳисобланиб, ҳатто фавқулодда ҳолатлар ёки давлатлар тўқнашувлари пайтида ҳам ҳукуқий жиҳатдан оқланиши мумкин эмас. Бироқ қийноқ масалалари бўйича БМТ нинг маҳсус маърузачиси ва Қийноқ ҳамда қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёхуд жазолашнинг олдини олиш бўйича Европа қўмитаси ҳисоботлари, шунингдек, бошқа кўплаб нашрлардан келиб чиқиб, қийноқни кўллаш умуман ўтмишига тегишли ҳодиса эмаслиги маълум бўлди. Бугунги кунда давлат мансабдор шахслари жамоат ҳимоячилари сифатида чиқип ҳукуқига эга бўлмасалар ҳам, ёпиқ эшиклар ортида қийноқлар, шунингдек, файриинсоний ва қўпол муносабатлар ва жазолар сингари бошқа камситувчи хатти-ҳаракатлар ҳали ҳам давом эттирилаётгани шубҳасиз.

Лекин қийноқни ўз бошидан кечирган, унинг гувоҳи бўлган ёки унинг қўлланилганлиги ҳақида эшитган ҳар қандай одам ана шу эшикларни очиб кира олади, бу эса — ахборотдир. Бундай ҳодисаларга ҳалқаро жамоатчилик диққатини жалб этиши йўли билангина узил-кесил барҳам бериш мумкин. Бунинг учун фаолияти қийноқларни ўтмиш ҳодисасига айлантиришга тўғридан-тўғри йўналтирилган маҳсус органлар мавжуд. Бироқ зарур ахборотлар бўлмаса, уларнинг фаолияти самарали бўла олмайди. Бу органлар ходимлари бирон-бир вазиятни тўғридан-тўғри текшириш имкониятига камдан-кам ҳолларда эга бўладилар; кўпинча уларнинг имконияти фоят чекланган бўлади. Қийноқ масалалари бўйича БМТнинг маҳсус маърузачисини ҳеч ким ахборот билан таъминламаса, мазкур муаммо бўйича бутун жаҳондаги глобал вазият ёки бирон-бир конкрет давлатдаги вазият түғрисида маъruzani қай тарзда тайёрлаш мумкин? Қийноқ ҳамда қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёхуд жазолашнинг олдини олиш бўйича Европа қўмитаси бирон-бир мамлакатда маҳкумларнинг қайси тоифаси қийноқ хавфига кўпроқ учраётганлиги ҳақида бирон-бир маълумот олмаса, буни қай тарзда билиб олиши мумкин? Ушбу барча саволларнинг жавоби анча оддий: ахборот бўлмаса, бу органлар самарали иш қилолмайди.

Ахборот муҳим аҳамиятга эга эканлигидан келиб чиқиб, ноҳукумат ташкилотлар (НХТ) асосий ахборот етказиб берувчилардир, деган ҳаққоний ҳулосага келиш мумкин. Ҳалқаро органлар ноҳукумат ташкилотларга шу қадар қаттиқ боғлиқки, НХТ бирон мамлакатда бемалол фаолият юритмаган ҳолларда инсон ҳукуқларининг қаттиқ бузилиши ҳам ҳалқаро жамоатчилик эътиборидан четда қолиши мумкин. Бу шунинг учун содир бўладики, қайси давлат түғрисида нисбатан кўп ахборотга эга бўлинса, ўша давлатга эътибор ва ресурсларни қаратиш осон бўлади. Ҳалқаро жамоатчилик диққатини жалб қилишнинг ягона йўли — ахборот билан тўлиқ таъминланишдан иборат. Шу маънода, қийноқларга барҳам беришда ноҳукумат ташкилотларнинг роли катта. Айрим ихтисослашган НХТ ахборот тарқатишининг юқори самарали методларини курол қилиб олганларига қарамай, кам тажрибали бошқа НХТ ё ўзлари тақдим этаётган ахборотларнинг муҳимлигини англамайдилар, ёки ахборотни тўғри етказиб беришни ўрганиш имкониятига эга эмаслар. Афсуски, қийноқлар түғрисида ариза беришда НХТ томонидан тақдим этилган ахборотларнинг катта қисми йўқотилади. Бу ҳол ариза асосланмаганлиги учун эмас, балки муҳим далиллар қолиб кетганлиги ёки ариза ҳаддан ташқари сиёсий аспектда эканлиги, ёхуд ариза мўлжалланган киши учун тушунарсиз тилда берилганлиги ва таржима қилиш учун ресурслар йўқлиги сабабли содир бўлади. Бошқа ҳолларда, ҳалқаро органларнинг турли функцияла-

ри ва роллари түғрисида хабардорлик даражаси паст бўлганлиги сабабли НХТ ахборотни исталган натижага эришиш учун зарур ваколатга эга бўлмаган органга тақдим этганлиги туфайли рўй беради. Масалан, Қийноқ масалалари бўйича БМТнинг махсус маъruzачиси бирон-бир давлатни қийноқлардан жабрланган шахсга компенсация тўлашга мажбур этолмайди, Инсон ҳукуқлари бўйича Европа суди эса бу ишни қила олади.

Ушбу қўлланма, биринчи навбатда, кам тажрибага эга бўлган НХТ, жумладан, фаолиятини қийноқлар ҳақидаги ахборотларни тақдим этиш йўналишида бир мунча кенг ривожлантириш ва кенгайтиришни истаган, давлат ва жамият даражасида иш олиб борувчи ташкилотлар учун мўлжалланган. Қўлланмада техник, тиббий ёки юридик кўрсатма берилмайди. Унда асосан аризани тузиш жараёнига эътибор қаратилган. Шундай қилиб, қўлланма алоҳида ҳолатлар борасида ҳам, умумий тенденциялар бўйида ҳам сифатли ахборот тақдим этишда НХТга ёрдам беришга йўналтирилган. Бунда халқаро органлар томонидан ахборотдан самарали фойдаланишини кучайтириш, шунингдек, кутилаётган натижадан келиб чиқсан ҳолда ахборот беришнинг энг мақбул тартиб-қоидаси ёки тартиб-қоидаларини топишда НХТ га ёрдамлашиш мақсадини кўзлайди. Қўлланма қийноқларни қўллаш ҳодисаларига бағишлиланган, лекин баён этилган материалнинг катта қисмини инсон ҳукуқлари бузилишининг бошқа турларига ҳам қўллаш мумкин. Ҳатто ариза қийноқларни тақиқлаш түғрисидаги битимнинг бузилиши тоифасига кирмайдиган ҳолатларда ҳам у инсоннинг шахсий эркинлик ва хавфсизлик ҳукуқи ёки суд ишлариниadolатли юргизиш ҳукуқи сингари бошқа ҳукуқлари бузилиши сифатида ҳам кўриб чиқилиши мумкин. Ҳукуқларнинг бундай бузилиши мазкур қўлланмада ёритилмаса ҳам, китобхонлар инсон ҳукуқлари бузилишининг қийноқларни қўллашдан бошқа турлари учун ҳам ҳукуқий ҳимоя воситалари мавжудлигини тушунишлари лозим.

Шуни қайд этиш зарурки, ушбу қўлланмада баён этилган кўрсатмаларга риоя қилиш бирон-бир халқаро органдан исталган натижани олишга кафолат бермайди. Бундан қўлланилган чораларнинг самарадорлиги паст, деган фикр пайдо бўлмаслиги лозим. Бундай ҳолларда умидсизлик ва ўқинч ҳисси пайдо бўлиши муқаррар, бироқ қийноқларга барҳам бериш учун кураш фақат индивидуал натижалар контекстида кўриб чиқиласлиги лозим бўлган узоқ ва мураккаб жараёндир. Заррача бўлсада, тўғри ахборот бундай курашда қурол ҳисобланади ва навбатдаги ҳар бир даргоҳнинг очилиши қийноқларни қўллаётганлар учун ўз ишларини давом эттиришда яна бир имкониятдан маҳрум бўлганликларини англатади.

## 2. ҚҰЛЛАНМАДАН ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНИШ КЕРАК

### **МУХИМ МУЛОХАЗА**

Ушбу құлланманинг ҳажми сизни чүчитмасин —ундан фойда күриш учун бутун китобни ўқиб чиқиш шарт әмас, шунингдек, ундан фойдаланиш учун экспер特 бўлиш ҳам зарур әмас.

Агар сизга кишига қилинган ёмоц муомала түғрисида маълумот келиб тушсаю, сиз ўзингиз чора кўра олмасангиз ёки буни истамасангиз, мазкур маълумотни бу ишни амалга ошира оладиган бирон кишига беринг.

Қийноқ құлланғанлик ҳолати ҳақидаги аризани тайёрлаш ва бериш жараёнини яхши тушуниб олиш учун китобни ўқиб чиқишингиз керак бўлади. Аммо ҳар бир бўлимни бошқасидан мустақил тарзда ўқиши мумкин, бўлимларни тартиб билан ўқиши шарт әмас. Бошқача айтганда, конкрет эҳтиёжга қараб сиз құлланманинг маълум бир қисмини ўқишингиз мумкин. Шунга қарамай, қийноқлар ҳақида ариза бериш ниятида бўлғанларнинг ҳаммасига ҳар бир бўлимни диққат билан ўқиб чиқиши тавсия этилади.

Құлланмадан фойдаланишингизга кўра у, биринчи навбатда, амалий қўллашга мўлжалланғанлигини билиб оласиз, яъни құлланмани тузиш жараёнида биз назарий ва академик жиҳатларни ҳаддан ташқари кенг баён этишдан онгли равиша қоччик. Қийноқларга ва улар билан ўзаро боғлиқ мавзуларга бағищланган академик нашрлар анчагина. Шу боис ушбу мавзуни оз бўлсада тушуна олиш учун талаб этиладиган юридик ва тиббий материалларни чукур ўрганмаган ҳолда қийноқлар түғрисида ариза тузиш тартиб-қоидасини билиб олишни истаганлар учун амалий жиҳатларни ёритадиган қўлланмага эҳтиёж туғилди. Бундан ташқари, қўлланма оператив шароитларда амалда қўлланилиши учун у кулагай ўлчамда бўлиши, ахборотнинг керакли бўлимини узоқ изланмай топиш имконини бериши керак. Шунинг учун мазкур қўлланмани тузаётib, биз ахборотларни ғоят пухта танладик. Китобхон кўпроқ ахборот олишни хоҳлаши мумкин бўлган анча соҳалар бор. Навбатдаги ахборотларни олишдан ва кўмакдан баҳраманд бўлишдан манфаатдор бўлган шахслар ва ташкилотлар учун З-иловада зарур ҳавола ва алоқа ўрнатиш бўйича ахборот берилган.

Фақат қийноқ содир этилган ҳолларда қўлланиладиган махсус тартиб-қоидалардан ташқари, тавсифланган механизмларнинг кўпи инсон хукуқлари бузилишининг бошқа турлари кенг доираси билан боғлиқ шикоятлар ва аризалар беришга имкон яратишини унутманг. Қўлланмада келтирилган кўплаб қоидалар шикоятларнинг бошқа турлари учун тенг даражада тааллуқлидир. Ушбу қўлланма қийноқлар түғрисида ахборот бериш тартиб-қоидасини ёритишини ҳисобга олиб, унда қийноқлар қўлланилган ҳолларда ариза бериш учун қўйиладиган талаблар баён этилган. Лекин, агар бу талаблар қаноатлантирилмаган бўлса, бошқа хукуқларнинг бузилиши түғрисида шикоят бериш мақсадга мувофиқдир.

### **2.1. Энг муҳим боблар шархи**

Қийноқ құлланғанлик ҳолати түғрисида ариза бериш фақат халқаро органга хат жўнатишдангина иборат әмас. Бу нимани қаердан излаш ҳақидаги билимни ҳам ўз ичига олади ва бу жараён қийноқлар түғрисида ариза бераётган кишидан олинган биринчи интервьюнинг дастлабки сўзидан бошланади, чунки аризанинг сифати ва ҳақиқатлиги мавжуд ахборотга бутунлай

## I ҚИСМ. ДАСТЛАБКИ ҚОИДАЛАР

боғлиқ бўлади. Бунда қандай саволлар бериш кераклигини билиш ва барча деталларни ёзиб олиш назарда тутилади, чунки билишнинг бошқа имконияти камдан-кам тутилади. Шунингдек, қийноқлар билан боғлиқ юридик ва амалий жиҳатларни, ариза бериш билан боғлиқ мақсадларни ва тахминий натижаларни билиш зарур. Қуйида жараённинг турли босқичларини ёритувчи учта асосий бўлим келтирилади.

**I қисм, З-боб. Контекстни аниқлаш.** Бу бобда ариза билан боғлиқ умумий хусусиятга эга маълумотлар келтирилади. Унда қийноқ билан боғлиқ ҳодиса ҳақида арз этиб нимага эришиш мумкинлиги тушунтирилади, қийноқ ва ёмон муомаланинг бошқа шакллари қисқача изоҳланади, қийноқни кўллаш имконияти анча юқори бўлган жой ва вазият аниқланади ҳамда аризани қабул қилишга ёрдам берувчи ҳолатлар ёритилади. Хulosада нохукумат субъектлар фаолияти ҳақидаги мураккаб масала кўриб чиқилади ва бу арбобларга тааллуқли аризалар бўйича нима қилиш кераклиги хусусидаги масала кўтарилади.

**II қисм. Аризаларни ҳужжатлаштириш.** Бу бобнинг мақсади — қийноқлар, шунингдек, ёмон муомаланинг бошқа шакллари хусусидаги ахборотни тўплаш билан боғлиқ баъзи кўрсатмаларни беришдир. Ушбу бобда ҳар қандай аризани бериш учун зарур бўлган асосий ахборот келтирилган. Унда, шунингдек, жабрланувчи ёки гувоҳлардан интервью олишга оид жараён бўйича баъзи кўрсатмалар келтирилади, шу билан бирга аризани мустаҳкамлаш ёки суд таъқибига имкон яратиш учун зарур бўлган тасдиқловчи ҳужжатлар турлари кўрсатилади.

**III қисм. Тўплашган ахборотни бериш методи.** Бу қисмда қийноқлар ва ёмон муомаланинг бошқа шакллари тўғрисида, айниқса ҳалқаро даражада ариза беришга имкон яратувчи турли юридик механизмлар ёритилади, энг мос механизмни танлаш бўйича маслаҳатлар берилади, шунингдек, танланган механизмларнинг ҳар бири учун аризани қандай қилиб яхшироқ тайёрлаш тушунтирилади. Бобда, шунингдек, шахсан ариза бермаслик маъқул бўлган ёки юридик чора ҳам, сиёсий чора ҳам кўриш талабини қўйилган ҳолатлар бўйича тушунтириш берилади. Бобда олиш мумкин бўлган мадад манбалари ҳам кўрсатилади.

### 2.2. Атамалар

- **Эркак (он)/аёл (она):** умумий қоида сифатида биз, бирон-бир ўзига хос контекстда катта аниқлик талаб қилинадиган ҳолатларни истисно қилганда, матнда гендер атамаларидан фойдаланишдан қочиб, нейтрал атамалардан фойдаланишга ҳаракат қилдик. Бундай ҳолатларда нейтрал атамалар «эркак» ёки «аёл» атамаси билан алмаштирилади. «Эркак» ёки «аёл» атамасига (гендер маъносида эмас) бўлган алоҳида ҳаволалар иккала жинсдаги шахсларга нисбатан ҳавола, деб тушунилиши керак.
- **Қийноклар/ёмон муомала:** «Қийноқ» сўзи инсон хукуқлари тўғрисидаги қонунда фоят ўзига хос мазмунга эгалигини ва у ёмон муомаланинг ўта оғир шакли сифатида қаралишини З-бобда кўрасиз. Кўлланма матннда «қийноқ» атамасидан фойдаланиш, мазкур сўз юридик маънода фойдаланилаётганлиги матндан яққол кўриниб турган ҳолатлардан бошқа вақтда, юридик жиҳатдан қабул қилинмаслиги лозим. Матнда изоҳ бўлмаса, қийноқ билан боғлиқ ҳолда баён этилган принципларни ёмон муомаланинг бошқа шаклларига ҳам кўлланиш мумкин.
- **Ихтисослашган атамалар:** китобхонлар ўз мамлакатларида юридик маънога эга бўлган баъзи атамалар бошқа мамлакатларда бошқача маънога эга бўлиши мумкинлигини англаб етишлари керак. Ушбу кўлланмада истифода этилган атамалар юридик нуқтаи назардан қабул қилинмаслиги керак; уни умумий маънода талқин қилиш лозим. Масалан, «ҳибс» атамасидан фойдаланиш айб қўйиш мўлжалланган расмий қамоққа олишни англатмаслиги, балки факат индивидуумни озодликдан маҳрум қилиш ёки норасмий сўроқ учун полиция томонидан кўлга олинишини билдириши лозим. Шунингдек, қамоқхона сингари ёпиқ турдаги баъзи муассасаларга нисбатан фойдаланиладиган номлар бир мамлакатда муассасанинг бирон-бир аниқ типига тегишли бўлиши, бошқа мамлакатда эса бир мунча умумий маънода ишлатилиши мумкин.

### 2.3. Асосий сиёсий масалалар

Бундай мавзуу ва ҳажмдаги қўлланмада лозим даражада ёритиш имкони бўлмаган, лекин шунга қарамай уларнинг муҳимлигини эътиборда тутиб доим ҳисобга олиш лозим бўлган баъзи жиҳатлар мавжудлигини эътибордан қочирмаслик керак. қўйида келтирилган бандларни син-чиклаб ўрганиш ва зарур ҳолларда, ташкилотлар билан боғлиқ бўлса, тегишли сиёсий стратегияларга амал қилиш тавсия этилади.

- **Хавфсизлик:** интервью олувчилар бирон киши — ўзига, ўз ташкилоти аъзоларига ёки интервью берган одамларга ўринсиз хавф туғдирмаслик учун эҳтиёт чораларини кўришлари лозим. Баъзилар учун бу аён ҳолат бўлиши мумкин, бироқ инсон ҳукуқи соҳасидаги фаолият маҳаллий миқёсдаги ноҳукумат ташкилотлар учун, айниқса, хавфсиз бўлиши мумкинлигини таъкидлаш керак. Шунинг учун инсон ҳукуқлари бўйича матъумотларни тўплаш билан шуғулланувчи ходимлар ва шахслар бошқа мамлакат ёки бошқа вилоятдан бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бу кишилар, шунингдек, ўзларидан кейин ишлаб қолувчи кишилар учун эҳтимол тутилган оқибатларни ҳисобга олишлари керак. Иштиёққа тўлиб-тошган одам туфайли ҳеч ким хавфга дучор бўлиши керак эмас. Аризаси рўйхатга олинган шахсларни ҳимоя қилишга камдан-кам ҳолларда эришилади, лекин ошкорга гапиришдан қўрқмайдиган кишилар кўпинча бошқа мамлакат одами билан сұхbatлашар эканлар, ўзларини бир мунча ҳимояланган, деб ҳисоблайдилар. Сиз улар учун *олинган* интервью билан боғлиқ *ахборотга асосланган* (қўйидагиларга қаранг) ва тақдим этилган ахборотдан потенциал фойдаланиш билан боғлиқ ҳолда *розилик* бериш имкониятини албатта яратишингиз керак.
- **Профессионал этика:** бир томондан, жамоатчиликнинг кўп сонли аъзоларига нисбатан мажбуриятларнинг ижро этилиши ва, бошқа томондан, профессионаллар (врачлар ёки юристлар) ва уларнинг мижозлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар билан боғлиқ зиддиятлар тўғрисида бир неча бор ёзилган. Ёмон муомалада бўлинган ҳолатларда бу мажбуриятлар, кенг жамоатчилик олдидағи мажбурият барча ҳукуқбузарликлар ошкор этилишини талаб этганлиги учун, бир-бирига бутунлай зид бўлиши мумкин: айни вақтда профессионал этика, одатда, юристлар ёки врачлар билан уларнинг мижозлари ўртасидаги махфийликка риоя қилинишини талаб этади — бу мижознинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур. Бу дилемма, айниқса, докторларга кўпроқ тегишилдири, шунинг учун тиббиёт ходимлари муҳитида муайян кодекс ва қасамёллар мавжуд. Аммо бу жиҳат, шунингдек, бошқа профессионал муносабатлар, жумладан, интервью берадиган шахсларнинг ҳукуқлари бўйича ходимларнинг ўзаро муносабатида ҳам бор. Врачлар ва соғлиқни сақлаш соҳасида ишлайдиган, шунга ўхшаш вазиятларнинг ҳал қилиниши бўйича маслаҳат олишни истовчи бошқа профессионаллар ўзларига мадад кўрсатиши ва оқилона ечимни топишда бир мунча ёрдам бериши мумкин бўлган давлат ва халқаро кўламдаги тиббиёт ташкилотларига мурожаат қилишлари лозим. Профессионал ёрдам кўрсатиш бўйича камрасмийроқ ташкилотлар ёки ихтисослаштирилган НХТ сингари бошқа профессионал ташкилотлар ҳам ўз ходимларига зарур ёрдам кўрсатишлари зарур.
- **Олинган ахборотга асосланган розилик:** бу шундай қоидани ўз ичига оладики, унга мувофиқ бирон нарсага, масалан, интервью беришга ёки ариза беришга рози бўлган одам бу ишнинг потенциал ижобий жиҳатлари ҳақида ҳам, салбий асоратлари бўлиши мумкинлиги ҳақида ҳам тўла хабардор қилиниши лозим. Бироқ, тўла хабардор қилинганлик нимани англатади, деган савол туғилади. Мазкур муносабатда белгиланган ёндашувга асосланмаслик керак, балки ҳар бир алоҳида вазиятни тўғри баҳолаш тавсия этилади. Шу аснода интервью берадиган одамни ахборотни тақдим этиш билан боғлиқ ҳолда эҳтиёт тутилиши мумкин бўлган барча хавф-хатар ҳақида хабардор қилиш билан имкон қадар максимал ҳажмда ахборотни олиш ўртасида мувозанат бўлиши керак (чунки интервью терапевтик мақсад билан ўтказилаётган ҳоллардан ташқари вазиятларда, бу асосий мақсад ҳисобланади). Эҳтимол тутиладиган хавфга ортиқ даражада ургу бериш интервью берадиган кишида гапиришни истамаслик туйғусини пайдо қилиши мумкин, бироқ, агар ахборот олиш инсон учун хавф туғилиши билан боғлиқ бўлса, уни олишни афзал кўришга йўл

күймаслик керак. Ёндашилардан бири сиз ахборотдан фойдаланишни истаган мақсадлардан келиб чиққан ҳолда қарор қабул қилишдан иборат. Энг оқилона йўл— агар киши узил-кесил розилик бермаган бўлса, унинг номини эслашга ёки унга ҳавола қилишга йўл қўймасликдан иборат. Агар унинг номини эълон қилиш ниятингиз бўлса, унинг бунга розилигини олишингиз, шунингдек, ҳам ижобий, ҳам салбий оқибатлар бўлиши мумкинлиги ҳақида уни огоҳлантиришингиз керак. Лекин, агар мақсадингиз бирон кишидан норасмий интервьюю олиб, унинг номини эълон қиласлик бўлса (сиз аввал сұхбат ўтказилган кишидан бирон-бир арзни тасдиқламоқчи бўлсангиз ёки сизга умумий ахборот керак бўлса), туғилиши мумкин бўлган хавфни уқтириш ортиқча бўлади. Реал хавфни асло яширмаслик керак, лекин хар қандай вазиятда реал хавф даражасини тўғри баҳолаш мүҳим, уни ошириб юбормаслик, бу билан интервьюонинг самарадорлигини асоссиз пасайтирмаслик даркор.

Киши тўла хабардор бўлгани ҳолда розилик беришидан ташқари, у розиликни эркин бериши керак. Кишилар эҳтимол тутилган оқибатлар тўғрисида огоҳлантирилгандан кейин розилик беришни истамасалар, уларни розилик беришга мажбур қилиш керак эмас.

- **Жафо чекканларни қўллаб-қувватлаш ва уларни оқлаш:** инсон хукуқларини химоя қилиш соҳаси ходимлари фактлар топиш ва аризалар тўплаш, шунингдек, далиллар олиш билан боғлиқ ҳолда завқ-шавққа тўлиши муқаррар. Аммо жафо чекканлар учун кўпинча даҳшатли бўлган, шахсан бошидан кечирган қийноқлар тўғрисида гапириш жуда оғир кечиши мумкин. Бундай сұхбатлар, бир жиҳатдан даволовчи таъсир кўрсатиши мумкин, лекин шу билан бирга, чуқур руҳий жароҳатни тирнаши ва кучли руҳий ва, ҳатто, жисмоний зарбага сабаб бўлиши ҳам мумкин. Жафо чекканларга интервьюдан олдин ҳам, ундан кейин ҳам юқори даражада самимий ва самарали мадад бериш ниҳоятда мүҳим. Қамоқда сақланаётган шахслардан интервьюю олиш ҳолатида бу хийла оғир процедура бўлиши мумкин, лекин сиз, ҳеч бўлмаганда, интервью ўзаро бир-бирини тушуниш шароитида ўтиши учун зарур чоралар кўришингиз мумкин (II қисмнинг 3.2-бобига қаранг). Жабрланган шахслардан интервьюони қамоқдан ташқари жойда олиш ҳолларида уларга зарур мадад кўрсатиши ёки оқланиш учун имконият яратиш борасида фамхўрлик кўрсатиш керак. Бу жабрланувчига профессионал маслаҳат бериш ёки улар учун эшик доимо очик эканлигини маълум қилишдан иборат бўлади. Ташкилотлар бу масалани 2-иловада келтирилган ихтисослаштирилган агентликлар рўйхатидан фойдаланиб ишлаб чиқиши керак. Оқлаш қийноқлардан жафо чекканлар билан олиб бориладиган ишнинг ажралмас қисми, деб қаралиши керак. Улар ўзларига руҳий озор берган шахсий кечинмаларини сиз билан баҳам кўрадилар. Сиз бунга позитив ўзгаришларга кўмаклашиш ёки қандайдир мақсадга эришиш деб қарасангиз ҳам, бу уларни изтиробга солишини унутманг. Сиз жафо чекканлар зарур мадад олишлари тўғрисида фамхўрлик қилишингиз керак; шунда улар бу азобларга бардош беришлари ва даво топиш жараёнининг бошланиши, деб қарашлари мумкин.

### 3. КОНТЕКСТНИ АНИҚЛАШ

#### 3.1. Кириш

Бу бобда қийноқлар, шунингдек, ёмон муюмаланинг бошқа шакллари ҳақида ариза бериш жараённида сизда юзага келиши мумкин бўлган асосий масалалар ёритилади.

- Энг аввало, жараённинг моҳияти нимадан иборат? Мазкур қўлланмада баён этилган тартиб-қоида ва механизмлардан фойдаланиб нималарга эришиш мумкин? (I қисмнинг 3.2-боби).
- Жавоб талаб этувчи навбатдаги савол: *қийноқ ҳолатлари тўғрисидаги ариза* деганда нимани назарда тутамиз? Сиз тўплаган ахборот қийноқ чиндан ҳам содир бўлган-бўлмаганлигини исботлашини қандай текшириш керак? (I қисмнинг 3.3-боби).
- Қийноқ қандай қўлланилади? Бу саволга жавоб топиш учун биз ҳукуқбузарлар кимлар эканлигини, улар қандай ҳолатларда қийноқни қўллашларини ва ким уларнинг қурбонлари бўлиши мумкинлигини аниқлашимиз керак. (I қисмнинг 3.4-боби).
- Қўпол муюмала ҳақида ахборот олиш мумкин бўлган қандайдир типик вазият мавжудми? Шу каби вазиятларда ҳисобга олиниши мумкин бўлган бирон-бир аниқ факторлар борми? Ахборот олишнинг қандай ноанъанавий манбаларини қўллаш мумкин? (I қисмнинг 3.5-боби).
- Сунистемолликлар давлат ҳокимииятига алоқаси бўлмаган шахслар, масалан, ички низолар пайтида қўзғолончи кучлар томонидан содир этилганда нималар бўлади? Бундай ҳолатларда ариза бериш ўринлими? (I қисмнинг 3.6-боби).

#### 3.2. Қийноқ қўлланган ҳолатлар ҳақида ариза бера туриб, қандай натижаларни кутиш мумкин?

Қийноқлар қўлланилганлиги тўғрисида халқаро ҳукуқ органларига ариза бериш мамлакатдаги умумий вазиятда ҳам, қийноқ туфайли жафо чеккан инсон учун ҳам ижобий натижа бериши мумкин.

##### 3.2.1. Вазиятга диққатни жалб қилиш ва ҳукуқбузарликнинг умумий тенденцияларини аниқлаш

Инсон ҳукуқлари бузилишига йўл қўядиган ҳукуматлар, ошкора қоралашлардан қочиш максадида, бундай амалиётни эълон қиласликни афзал кўрадилар. Халқаро ҳукуқ органларига ариза бериш, мамлакатда реал вазиятни англаш кучайишига олиб келгани учун, бундай ҳукуқбузарликларнинг олдини олишга ёрдам беради. Халқаро ҳамжамият етарлича ҳажмда ахборот олганлиги сабабли, биринчи навбатда, мазкур вазиятлар билан боғлиқ чораларни кўради. Халқаро ҳамжамият инсон ҳукуқлари бузилишининг олдини олиши чоралари самарадорлигини оширишнинг ягона йўли уни керакли ахборот билан таъминлашдан иборат.

Агар қўлингиздаги ахборот буни қилишга имкон берса, сиз ҳукуқбузарликнинг умумий тенденцияси мавжудлигини исботловчи далилни тақдим этишга ҳаракат қилишингиз керак. Аниқ ва тартибли ахборот, айрим ҳодисалар тўғрисидаги аризалардан фарқли равишда, умумий тенденция мавжудлигининг далили бўлиб хизмат қилиши мумкин ва халқаро ҳамжамият иштироқининг кучли тўлқинини юзага келтиради. Бу муаммонинг жиддийлигини исботлайди ва давлатга ўзи алоқадор эмаслигига ёки қўлланилаётган амалиётлар ҳақида ахборотлар йўқлигини важ қилишга имкон бермайди.

### 3.2.2. Умумий вазиятларда ижобий ўзгаришлар қилишга интилинг

Дикқатни бирон-бир вазиятга жалб қилиш умумий қоралаш ёки давлатни жавобгарликка тортишдангина иборат эмас. Конструктив ечимни топиш ва мамлакатда узоқ муддатли яхшиланишга эришиш анча муҳим бўлиб, бу ўз ўрнида, қийноқни тугатишга ёрдам беради. Кўпинча қонунчиликда ўзгариш қилиш, шунингдек, қийноқларга нисбатан расмий позицияни ўзгартериш талаб этилади. Кўплаб халқаро органлар давлатларга умумий вазиятни, масалан, хавфсизликнинг маҳбусларни кучлироқ ҳимоялашни таъминлайдиган юридик ва амалий чораларини жорий этиш йўли билан яхшилаш усусларини таклиф қиласидар. Бу адвокатдан фойдаланиш ҳукуқсиз қамоқнинг максимал йўл қўйиладиган муддатини камайтирадиган қонунчилик қоидаларини, барча маҳбусларни мустақил врачлар томонидан мунтазам тиббий кўрикдан ўтказишни жорий этиш ёки жазосизликни тугатиш бўйича чораларни ўз ичига олиши мумкин (куйида муҳокама қилинади). Халқаро органларнинг тавсиялари, одатда, фактот конкрет давлат билан мусоҳаба ўтказишнинг бошланиши ҳисобланади, бу оқибат натижада мазкур тавсияларни татбиқ этишга олиб келади.

### 3.2.3. Жазосизликка қарши кураш

Қийноқ мавзусини давлатни жавобгарликка тортиш мақсадида омма эътиборига ҳавола қилиш — қийноқ тўғрисидаги ариза натижаларидан биридир, холос. Бошқа томондан, қийноқлар тўғрисидаги ариза, шунингдек, бундай амалиётни қўллайдиган шахслар шахсиятини намоён қилиши мумкин; бундай амалиётни кейинчалик қўллашта шу тариқа барҳам бериш мумкин. Идеал ҳолатда бунга маҳаллий қонунлардан келиб чиқиб суд айловини қўйиш йўли билан эришиш керак. Лекин суд процедураси самарасиз бўлган ҳолларда кўплаб халқаро органлар расмий ҳокимиятларнинг қийноққа бепарво қараши фактини бажонидил қоралайди ва уларга нисбатан чора кўришни талаб қиласи ёки жазосиз қолиш ҳолларига барҳам бериш борасида тавсия беради. Ҳукуқбузарлар жазодан кутулиб қолаверар ва қийноқни қўллаш баъзи ҳолларда уларга тадқиқот жараёнида натижаларга эришиш ҳисобига мансаб пиллапоялари бўйлаб силжишга чиндан ҳам ёрдам беришини тушунар эканлар, улар ёмон муомаланинг бундай шаклларидан воз кечишилари учун ҳеч қандай сабаб бўлмайди.

Давлат ҳукуқбузарларга нисбатан жазосизликка йўл қўйса, бу ҳам халқаро ҳукуқ доирасида давлатнинг жавобгар эканлиги масаласига даҳлдор бўлади. Кўплаб давлатлар бир қанча халқаро конвенциялар, шу жумладан Қийноққа қарши БМТ Конвенцияси доирасидаги мажбуриятлар билан боғланганлар. Бу конвенцияга мувофиқ, қийноқ қўлланишда иштирок этадиган шахслар ўз қилмишлари учун жавобгарликка тортилиши керак. Агар бирон-бир давлат қийноқни қўлланганини аниқ маълум бўлганларни жавобгарликка тортмаса, ёки мазкур давлат босқа давлатларга шундай қилишга рухсат бермаса, у ўзининг халқаро мажбуриятларини бузган ҳисобланади.

### 3.2.4. Жабрлангани ҳукуқий ҳимоя қилишнинг аниқ воситасини топинг

Мазкур вазифалар айлантирадиган ва узоқ муддатли туюлиши мумкин ва, бир қараганда, улар айрим жабрланувчилар учун аниқ ҳукуқий ҳимоя воситаси бўлмайди. Шикоят бериш йўли билан — бирон бир мамлакатда истиқболда инсон ҳукуқлари бўйича вазиятни яхшилаш мумкинлигидан ташқари, шунингдек, конкрет одам учун тўғридан-тўғри ва тез натижалар олиш имконияти ҳам мавжуд.

#### 3.2.4.1. Ҳукуқбузарлик фактини тан олиш

Ушбу қўлланмада кўрсатилган кўплаб халқаро шартномавий органлар қийноқни ёки ҳукуқбузарликнинг бошқа бирон-бир турини қўллаш фактининг ҳақиқийлиги бўйича хулоса чиқаришга қодир. Шундай экан, улар муайян давлат конкрет одамга нисбатан халқаро ҳукуқ доирасида ўз мажбуриятини бузганлиги ҳақида ишончли баёнот бериши мумкин. Ҳатто, агар бу органлар мазкур одамга келгусида ҳукуқий ҳимоя воситасини бермаса ҳам, натижада давлатнинг айборлигини оммавий тан олиш, шунингдек, давлатни ҳукуқбузарлиги учун мажбурий жавобгарликка тортишдан иборат бўлади.

### 3.2.4.2. Ҳуқуқбузарларни жавобгарликка тортыш

Баъзи механизмлар қийноққа солиш ҳолати ҳақидаги шикоят асосида тергов ўтказишни талаб қилиши, ҳуқуқбузарнинг хатти-ҳаракати билан боғлиқ суд айловини чиқариши мумкин. Шунингдек, жазосизликка барҳам бериш ҳолатидагидек, жабрланувчини ҳуқуқбузар қийноқни кўллаб жазосиз қолиши мумкин эмаслигига ишонтириш жуда муҳим.

### 3.2.4.3. Компенсация

Компенсация кишига етказилган зарарни қоплашдан иборат. Ҳуқуқбузарлик факти тан олинган ҳолларда баъзи халқаро ҳуқуқий органлар жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш ҳақида давлатларга кўрсатма бериш ваколатига эга. Одатда бу пул компенсациясини беришни ўз ичига олади, бироқ кейишги вақтларда компенсациянинг бошқа турларини бериш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Пул компенсацияси йўқотилган реал маблаг, шунингдек маънавий зарар асосида ундирилади. Маънавий зарар дегандан киши ва/ёки унинг оила аъзолари тортган руҳий истироб даражасининг пулдаги муқобили назарда тутилади. Ҳуқуқбузарлик оқибатида вужудга келган муаммоларни ҳал қилишда бир мунча самараали ва ўринли бўлган унча анъанавий бўлмаган ундириш шакллари давлатга ҳуқуқбузарлик содир этилган соҳа бўйича мактаб ва касалхона очиш ҳақида кўрсатма бериш, ўлдирилган ва дараксиз деб топилган шахсларнинг тувишганларига уларнинг жасадлари ётган жой ҳақида маълумот беринши талаб этиш, жабрланувчиларга пул компенсацияси тўлаш ҳақида кўрсатма бериш ёки ҳатто ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги учун давлат ошкора узр сўрашини ҳам ўз ичига олади.

### 3.2.4.4. Инсонни қийноқ хавфига дучор бўладиган мамлакатга депортация қилишининг олдини олиш

Кишиларни улар қийноқ хавфига дуч келиши эҳтимоли бўлган мамлакатга депортация қилишининг олдини олиш учун шошилинч чоралар кўришга тайёр бир қанча механизмлар мавжуд. Киши хавфга дучор бўлаётгани ва бу хавф давом этаётганлигини шахсан исботлаши керак. Имкони бўлса, тегишли халқаро ҳуқуқий орган ушбу масала бўйича текширув ўтказгунига қадар киши бошпана сўраётган мамлакат уни ватанига қайтариб юбормаслигини (депортация қилмаслигини) тегишли орган талаб қилиши мумкин. Давлатларга бундай талабнинг қўйилиши юридик жиҳатдан мажбурий ҳисобланмайди; шундай бўлса ҳам, одатда, бунга риоя қилинади.

## 3.3. Қийноқ тушунчасини аниқлаш

### 3.3.1. Кириш

Фактларнинг муайян мажмуини қийноқ ҳолати сифатида кўриб чиқиш кераклиги тўғрисидаги қарор жуда бир хил мазмунда бўлмаслиги мумкин. Муомаланинг баъзи шакллари борки, кўпчилик одамлар уларга йўл қўйиб бўлмаслигини файриихтиёрий равишда тан олалилар. Лекин муомаланинг бошқа турларини, айниқса, бу маданий факторлар билан боғлиқ бўлса, бир маънода баҳолаш анча мураккаб. Шуни ёддан чиқармаслик керакки, бирон-бир халқаро органга шикоят бериш пайтида сизнинг мақсадингиз маълум фактлар ўз шахсий нуқтаи назарингиз бўлмай, қийноқлар ёки юридик маънодаги ёмон муомала эканлигини исботлашдан иборат бўлиши керак. Мазкур бўлимда бу айнан нимани назарда тутганлиги, шунингдек, шикоят бериш тартиб-қоидаси билан боғлиқ муайян жиҳатлар кўриб чиқилади.

### 3.3.2. Қийноқ тушунчасини халқаро ҳуқуқ нормаларидаи келиб чиқиб аниқлаш

Қийноқ тушунчасининг асосий таърифи Кийноқлар ҳамла муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қалп-кимматни камситувчи турларига карши БМТ конвенциясила (1984) ўз ифодасини топган. Ушбу атама, 1 (1) моддага мувофиқ, қуйидагича талқин қилинади:

«Бирон шахсга ундан ёки учинчи шахсдан маълумот олиш ё унга тан олдириш, у ёхуд учинчи шахс содир этган хатти-ҳаракат учун ёки бундай хатти-ҳаракатни содир этишда гумон қилинаётганилиги учун жазолаш, шунингдек, уни ёхуд учинчи шахсни кўрқитиш ё мажбур қилиш, ёки ҳар қандай характердаги камситишга асосланган, ҳар қандай сабабга кўра озор етказиш ёки азоб бериш учун давлат мансабдор шахси ё бошқа расмий шахс томонидан ёхуд уларнинг ғаламислиги билан ё рухсати билан ёхуд сукут сақлаган ҳолдаги розилиги билан атайлаб етказилган жисмоний ёки маънавий озор ёхуд азоб қийноқни билдиради. Қонуний рухсат натижасидагина юзага келадиган, бундай санкциялардан ажратиб бўлмайдиган ёки улар томонидан етказилган озор ёхуд азоб бунга кирмайди».

Юқорида келтирилган таърифга асосланган ҳолда қийноқлар таркиб топадиган қуйидаги учта асосий элементни ажратиш мумкин:

- оғир жисмоний ёки маънавий азоб ёки озор етказиш;
- давлат мансабдор шахсларининг рухсати, сукут сақлаган ҳолдаги розилиги ёки ғаламислиги туфайли ҳукуқбузарлик содир этилиши;
- муайян мақсад, масалан, ахборот олиш, жазолаш ёки кўрқитиш мақсадида ҳукуқбузарликни содир этиш.

«*Қийноқ*» сўзи — эмоционал бўёққа эга сўз, лекин бу сўздан унинг мазмуни ҳақида ўйлабнетмай фойдаланиш мумкин, деган маъно келиб чиқмайди. Мазкур таърифдан қийноқлар азобнинг оғир даражаси мавжудлиги билан ёмон муомаланинг бошқа шаклларидан фарқланишини кўриш мумкин. Шунинг учун бу сўздан ёмон муомаланинг бир мунча жиддий шаклини белгилаш учунгина фойдаланиш тавсия этилади.

*Шафқатсизларча муомала ва жазолашнинг инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турлари ҳам қийноқ ҳолатига қараганда азоб беришнинг унча оғир бўлмаган даражасини ўз ичига олувчи ёмон муомалани ифодаловчи юридик атама ҳисобланади. Ёмон муомаланинг қийноқ деб ҳисобланмайдиган бошқа шакллари, одатда, бирон-бир муайян мақсад билан қилинмайди, бироқ бундай ҳолларда одамни ёмон муомалага тенглаштириладиган шароитга соладиган ёки шунга олиб келадиган ният бўлиши керак. Қийноқка тенглаштирилмайдиган ёмон муомала шаклларини белгиловчи асосий элементлар қуйидагилардан иборат:*

- анча-мунча руҳий ёки маънавий азобга билиб туриб йўл қўйиш;
- расмий ҳокимият томонидан берилган фармойиш ёки сукут сақлаган ҳолдаги розилик асосида ҳукуқбузарликни содир этиш.

Халқаро ҳуқуқий органлар ёмон муомаланинг турли шаклларини фарқлаш ва улардан етган жабр даражасини баҳолаш учун ҳар бир ҳолатда аниқ вазиятни ва ҳар бир жабрланувчининг ўзига хос хусусиятларини батафсил кўриб чиқиши керак. Бу ёмон муомаланинг турли шакллари ўртасидаги фарқни аниқлашни мураккаблаштиради, чунки ҳар бир муайян ҳолатда вазият ва ўзига хос хусусиятлар бир-биридан фарқ қиласди, лекин қонун муайян ҳолатга мослаш-маслиги туфайли унча ўзгармайди. Шуни ёдда тутиш керакки, ёмон муомаланинг барча шакллари халқаро қонун билан ман этилган. Бу шуни кўрсатадики, ёмон муомала, қийноқ сифатида кўриб чиқиш учун, етарли даражада оғир ҳисобланмаган вазиятларда (юридик нуқтаи назардан) ҳам давлатни ёмон муомаланинг тақиқланганлигини бузишда айблаш мумкин.

### 3.3.3. Қийноқ тушунчасини аниқлашнинг амалий аспектлари

Халқаро хуқуқ мумкин бўлган ҳодисаларнинг бирон-бир мажмуи қийноқ сифатида кўриб чиқилишини белгилашда асос бўладиган қуйидаги икки нормани назарда тутади:

- қийноқ тушунчаси таърифида мавжуд бўлган *асосий элементлар* далиллар билан тасдиқланиши керак;
- қийноқни, *етказилган азоб даражасининг мезонидан ва аниқ мақсадга йўналтирилганлик* жиҳати мавжудлигидан келиб чиқсан ҳолда, ёмон муомаланинг бошқа шаклларидан фарқлаш мумкин.

#### 3.3.3.1. Асосий элементлар

Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши БМТ конвенцияси ҳужжатидан келтирилган юқоридаги парчадан қийноқ тушунчасини юридик жиҳатдан таърифлаш хийла мавхум нарса эканлигини кўриш мумкин. Бу таърифда ёмон муомала турлари рўйхати ёки ман этилган методлар рўйхати йўқ. Бунинг ўрнига унда ишни юридик маънода қийноқни қўллаш ҳолати сифатида кўриб чиқиш учун шарт бўлган бир неча *асосий элементлар* кўрсатилган. Ёмон муомаланинг қийноқдан ташқари бошқа кўринишларини аниқлаш учун зарур бўлган элементлар ҳам анча мавхум. Бу элементларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- **НИМА СОДИР ЭТИЛГАН?** *Оғир* жисмоний ёки маънавий азоб ёки озор (*қийноқ*), *жиддий даражадаги* жисмоний ёхуд маънавий азоб ёки озор (*ёмон муомаланинг бошқа шакллари*) га атайлаб йўл қўйилган.
- **КИМ БУНИ СОДИР ЭТГАН?** Давлат мансабдор шахслари бевосита азоб берган, ёки улар унинг содир этилаётганилиги ҳақида маълумотга эга бўлган-у, лекин ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга ҳаракат қилмаган.
- **БУ КАНДАЙ САБАБГА КЎРА СОДИР ЭТИЛГАН?** Азоб бериш *муайян мақсад*, масалан, ахборот олиш, ёки жазо бериш ё қўрқитиши (фақат қийноқка солиш ҳолатида) учун қўлланилган.

Бу элементлар нимани ўз ичига олишини аниқлаш халқаро назорат органлари зиммасига юклатилган. Уларнинг зиммасига қийноқ ва ёмон муомаланинг бошқа шакллари тушунчаси таърифининг тегишли талқинини ишлаб чиқиш масъулияти ҳам юклатилган. Бундан ташқари, ушбу органлар барча ҳолатларда бир хил андозаларга риоя қилишлари керак. Бу, хусусий шахс ёки ноҳукумат ташкилот (НХТ) сифатида сиз жабрланувчи дуч келган ёмон муомалани қийноқ ёки бошқа нарса тарзила баҳолаин зарурлиги тўғрисида қарор қабул қиласлигингиз кераклигини билдиради. Сизнинг вазифангиз *асосий элементларни* тасдиқловчи фактларни ҳужжатлаштириб, халқаро хуқуқ органларини улар қарор қабул қилишига асос бўладиган далиллар билан таъминлашдан иборат.

#### 3.3.3.2. Азоб даражаси

Қийноқ ёмон муомаланинг унча оғир бўлмаган бошқа шаклларидан азобнинг оғир даражаси мавжудлиги билан фарқ қиласди. Қийноқ ҳолатида бу, балки, аниқланиши бир мунча мураккаб бўлган жиҳатdir. Бошқа икки асосий элементларни объектив текшириш мумкин — одатда, ҳуқуқбузар давлат тизими билан алоқада бўлганлигини ёки қийноқ бирон-бир муайян мақсад билан қўлланилганлигини объектив исботлаш имконияти мавжуд. Одамга етказилган азобнинг характеристи ва оғирлик даражасини аниқлашда аҳвол бошқача бўлади. Бу жабрланувчининг бошқа кўплаб шахсий хусусиятлари: масалан, жинси, ёши, диний ва маданий эътиқоди, соғлиғига боғлиқ бўлиши мумкин. Бошқа ҳолатларда ёмон муомаланинг бўлак шакллари ёки ўз-ўзича қийноқ ҳисобланмайдиган қамоқда сақлашнинг баъзи жиҳатлари биргаликда қийноқ, деб баҳоланиши мумкин.

Ёмон муомаланинг баъзи турлари, масалан, жинсий органдаги электр шок ёки тирноқларни суруриш объектив тарзда қийноқ тоифасига киради. Бироқ қийноқлар бундай анъанавий миссонлар билан чекланмайди — улар ҳам жисмоний, ҳам маънавий тусдаги азобларнинг кўплаб

шакларини ўз ичига олади. Айниқса, ёмон мұомаланинг маңнавий шакларини ёдда тутиш мұхим — улар жабрланувчилар учун узоқ давом этадиган оқибатлар келтиради — уларнинг жисмоний жароқатлари тузалса ҳам, чуқур руҳий жароқат туфайли азоб чекишида давом этиши мүмкін. Күйида алоҳида олганда ҳам, ёмон мұомаланинг бошқа шакллари билан күшилганды ҳам қийноққа тенглаштириладиган мұомала шакллари келтирилади:

- *фалака\ фаланга*: оёқнинг тагига уриш;
- фаластиңча осиш: олдиндан орқага қилиб боғланган қўллардан осиш;
- калтаклашнинг оғир шакллари;
- электр шок;
- зўрлаб номусга тегиш;
- ўлим ҳукмини ижро этишни инсценировка қилиш;
- тириклий қўмиш;
- ампутацияни инсценировка қилиш.

Шунга қарамай, яқдиллик билан қийноқ сифатида баҳоланиши мүмкін бўлмаган, ёки улар ҳақида яқдил фикрга келинмаган, лекин халқаро жамоатчиликнинг диққат марказида бўлган оралиқ соҳалар кўп. Бундай мисолларга қўйидагилар киради:

- суд жазоси сифатида қўлланиладиган тан жазоси;
- олий жазонинг баъзи шакллари ва ўлимга ҳукм қилинганлар камерасида сақлани;
- якка-якка қамаш;
- турмада сақлашнинг ёмон шароитининг баъзи жиҳатлари, айниқса, бир неча шароит жамланган ҳолларда;
- бедарак йўқолганлик, бу ҳам бедарак йўқолганларнинг яқин туғишганлари аҳволига таъсир кўрсатади;
- болаларга қилинган катта ёшдагилар учун қийноқ деб ҳисобланмаслиги мүмкін бўлган мұомала турлари.

*Азоблаш даражасига таъсир қилиши мүмкін бўлган алоҳида мұхим омиллардан бири* — маданий омилдир. Шуни англаш зарурки, турли маданиятлар, шунингдек, муайян маданий мұхитда яшовчи кишилар қийноқлар ҳақида турли тасаввурларга эга. Натижада икки мұхим жиҳат вужудга келади. Бир томондан, бир маданий мұхит ёки индивидуал ҳолат доирасида қийноқ сифатида қабул қилинадиган хатти-ҳаракат халқаро ҳуқуқ органлари томонидан қийноқ сифатида баҳоланмаслиги мүмкін. Бошқа томондан, халқаро жамоатчилик томонидан қийноқ сифатида қабул қилинадиган ёмон мұомала шакллари унга дучор бўлган шахс томонидан бундай қабул қилинмаслиги мүмкін. Масалан, бирор мамлакатда калтаклаш ва, ҳатто, калтаклашнинг оғир шакллари қийноқ сифатида эмас, балки кўпроқ мұомаланинг одатий шакли сифатида қабул қилинади. Айни вақтда аёллар кийимини йиртиш (бошқа биронта ҳаракатларсиз) қийноқ ҳисобланиши мүмкін. Халқаро даражада ноқонуний ҳисобланган мұомала шакллари давлат доирасида қонуний бўлиши мүмкін. Бундай вазиятларда сиз бу ҳақда шикоят беришдан воз кечмаслигингиз керак, чунки халқаро органлар халқаро қонунларга амал қиласи.

Ёмон мұомала қийноққа тенглаштирилмаса ҳам, ёмон мұомаланинг ман этилган бошқа шаклларига тенглаштирилиши мүмкинлителгини унутманг.

Агар сиз қийноқ қўлланганлиги ҳақидаги аризангиз кўриб чиқилаётгандан маданий хусусиятлар ҳисобга олинишини истасангиз, қўйидагиларни бажаришингиз керак:

- маданий хусусиятларнинг ўзига хослигини муайян турдаги шикоят ва ариза контекстидаги изоҳлаб беринг, чунки бу азоблаш даражасини белгилаш жараёнида халқаро ҳуқуқий органлар учун мұхим ҳисобланиши мүмкін;
- жабрланувчи дучор бўлган ёмон мұомаланинг биронта тафсилотини ҳам назардан четда қолдирманг, чунки сиз аҳамиятсиз деб ҳисоблаган далиллар ҳақиқатда анча мұхим бўлиши мүмкін;

- жабрланувчилар ҳам аҳамиятсиз күринган деталларни назардан қочиришлари мумкинлигини ёдда тутинг, шунинг учун уларни содир бўлган воқеалар ҳақида батафсил гапириб беришга рағбатлантиринг (муҳим ҳисобланиши мумкин бўлган ахборотлар борасида II қисмнинг 4-бобига қаранг).

### 3.3.4. Хулоса. Қийноқ нима?

Бутун мунозарадан, мавжуд далиллар қийноқ ёки ёмон муомалага тенглаштирилиши мумкинлигига қанчалик ишониш мумкин, деган савол келиб чиқади. Жавоб хийла оддий: бунга сизнинг ишончингиз комил эмас, лекин бу сиздан талаб ҳам этилмайди.

- Сизнинг қийноқ тўғрисида ариза берувчи хусусий шахс ёки ноҳижумат ташкилот (НХТ) сифатидаги масъулиятингиз сиз тақдим этган ахборот қийноқ тушунчасининг юридик таърифи ни таркиб топтирувчи учта асосий талабга (ёки агар сиз ёмон муомала тўғрисида ариза берган бўлсангиз — икки талабга) жавоб беришига ишонч ҳосил қилишдан иборат.*
- Нимани қийноқ ёки ёмон муомала сифатида квалификация қилишни аниқ белгилаб олиш масъулияти халқаро хукуқий органлар зиммасига тушади.

Қийноқни талқин қилиш доимо шаклан ўзгариб туради. Бир қараганда, бу ҳол вазиятни бир мунча мураккаблаштириши мумкин, лекин ҳақиқатда халқаро хукуқий органларга ёмон муомаланинг аввал қийноқ деб тан олнимаган шаклларини аниқлашда бир мунча улдабуронлик билан ёндашиш имконини беради. Қийноқлар тўғрисида шикоят беришга ният қилган киши муайян ҳаракатлар қийноқларга тенглаштирилишига ишониши шарт эмас, лекин бу энг кам талаблар мавжуд эмаслигини билдиrmайди. Сизнинг вазифангиз асосий элементларни исботлашдан иборатлигини ёдда тутинг.

#### Сиз:

- жабрланувчи жисмоний ё маънавий озор ёки азобнинг оғир шаклига (қийноқ ҳолларида) атайлаб дучор қилингандиги ёки анча-мунча жисмоний ёхуд маънавий озор ё азоб беришга (ёмон муомаланинг бошқа кўринишлари учун) атайлаб йўл қўйилганлигини;
- бу азоблар давлатнинг мансабдор шахслари томонидан ё уларнинг ғаламислиги билан, ёки рухсати билан ёхуд сукут сақлаган ҳолда розилик билдириши туфайли етказилганлигини;
- қийноқ ҳолатида ёмон муомала муайян мақсад билан, масалан, ахборот олиш учун, жазо сифатида ёки қўрқитиш учун (ёмон муомаланинг бошқа шакллари учун шарт эмас) амалга оширилганлигини исботлашингиз керак.

## 3.4. Қийноқ содир бўладиган ҳолатлар

### 3.4.1. Ким хукуқбузар ҳисобланади?

Қийноқ тушунчасини таърифловчи бўлимда уқтирилганидек, ёмон муомала давлат мансабдор шахси томонидан ёки унинг рухсати билан содир этилган бўлиши керак. Бу ҳар қандай давлат мансабдор шахси қийноқ ёки ёмон муомалани қўллашга алоқадор бўлиши мумкинлигини билдиради. Бироқ қийноқни қўллашдан мақсад сўроқ вақтида ахборот олиш ёки, кенг олганда қўзголон ёхуд тартибсизликнинг олдини олиш мақсадида аҳолини қўрқитиш эканлигини ҳисобга олганда, асосий хукуқбузарлар жиной терговга даҳлдор мансабдор шахслар ва давлат ҳавфсизлиги учун масъул мансабдор шахслар бўлиб чиқиши ажабланарли эмас.

Шундай қилиб, қийноқ ва ёмон мұомаланинг бошқа шаклариниң құллашы дахлдорликда әхтимоли күпроқ шахслар орасыда қыйидаги тоифадаги шахслар бор:

- полиция, милиция;
- жандармерия (шундай органлар мавжуд мамлакаттарда);
- армия;
- расмий ҳокимият билан биргаликта ҳаракат қилувчи ҳарбийластирилган қисмлар;
- давлат назоратидаги аксилисёнчи кучлар.

Булардан ташқари бу тоифага;

- турмалар раҳбарияти;
- ўлим отрядлари (одам бедарак йўқолганидан кейин қўлланиладиган ва унинг ўлимидан олдинги қийноқлар);
- ҳар қандай давлат мансабдор шахслари;
- соғлиқни сақлаш ходимлари, шифокорлар, психиатрлар ва ҳамширалар ё хатти-ҳаракатлари орқали (жабрланувчини сўроқ қилишга яроқли деб топишни ўз ичига оловчи тўғридан-тўғри аралашини), ёки хатолик (тиббий холосани қалбакилаштириш ёки тегишлича даволамаслик) йўли билан қийноққа алоқадор бўлишлари мумкин;
- давлат мансабдор шахслари рухсати билан ёки уларнинг фармойишлари асосида ҳаракат қилувчи камерадошлар кириши мумкин.

Қийноқлар кўпинча қуролли тўқнашувлар, жумладан, ҳокимиятга нисбатан оппозицияда бўлган ва ҳудуднинг қандайдир қисмини назорат қилувчи кучлар иштирок этадиган ички низолар чоғида қўлланилади. Бундай вазиятларда қийноқ ва ёмон мұомаланинг бошқа кўринишлари;

- оппозиция кучлари;
- кенг аҳоли томонидан қўлланиши мумкин.

(Нодавлат ҳукуқбузарлар устидан шикоятлар бериш тўғрисидаги кейинги маълумотлар учун I қисм, 3.6-бобига қаранг).

### 3.4.2. Ким қийноқ курбони бўлади?

Ҳар бир киши: эркаклар ва аёллар, ёшлар ва қариялар, диндорлар ва атеистлар, ақл-заковатли одамлар ва деҳқонлар қийноқ қурбони бўлиши мумкин. Кўпинча бирон-бир сиёсий, диний, этник груп ёки кам сонлиларга тегишли шахслар белгиловчи фактор ҳисобланади. Бирон-бир одам қийноқдан тўла муҳофаза қилинмаганлигини доим ҳисобга олиш керак.

Қийноқ ёки ёмон мұомаланинг бошқа шаклари ҳақида шикоят берган кишилар орасида сиёсий маҳбуслар, сиёсатга алоқадор бўлган ва, одатда, расмий ҳокимиятга мухолифатда турган одамлар тўғрисидаги ахборотта эътибор қаратиш тенденцияси мавжуд. Аммо оддий жиноятчилар, жумладан, оғир жиноят учун ҳукм қилинган шахслар ҳам, жиноят содир этганлигига икрор қилиш мақсадида қийноқнинг оддий курбони ҳисобланадилар. Бутун аҳолини қўрқитишга тушилган жойда ҳамма бир хил хавфга дуч келади. Фақат «сиёсий маҳбуслар» хавфга дучор этилади, деган холосага дикқатни қаратмаслик жуда муҳим, сиз бундай турұғдаги одамларга эътиборни жамлаб, катта хавфга дучор бўлиши мумкин ҳисобланган потенциал курбонларнинг бошқа тоифаларини ёддан чиқарасиз.

Жабрланувчилар шахсини, жумладан, қыйидаги сабабларга кўра билиш жуда муҳим:

- Аҳолининг болалар, аёллар, ёши улуғ шахслар, диндорлар сингари алоҳида гуруҳлари ёмон мұомала оқибатларига бирмунча күпроқ учрашлари мумкин. Бу улар тортган азоб даражаси ёмон мұомалани қийноқ ҳолати сифатида баҳолаш учун етарли даражада оғирлигини таҳмин қилишга имкон беради.

- Бу жабрланувчиларнинг муайян гурӯҳига нисбатан ёмон мумкамини қўллаш билан боғлиқ бўлган умумий тенденцияни аниқлашга ёрдам беради.
- Баъзи ҳолларда биронта муайян гурӯҳ, масалан, Аёлларга нисбатан зўравонлик масалалири бўйича БМТнинг маърузачиси билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун мўлжалланган қўшимча халқаро механизмлардан фойдаланиш мумкин.

Жабрланувчининг шахси алоҳида аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган алоҳида ҳолатлар шахсларнинг қуидаги тоифаларини ўз ичига олади:

- **Болалар:** улар айниқса кўнгли нозик гурӯҳ ҳисобланадилар. Жумладан, болаларга нисбатан қилинган ёмон мумкамининг баъзи турлари оқибати ана шундай мумкалана дучор бўлган катта ёшдаги шахсларда кузатилган оқибатлардан кучли фарқ қилиши мумкинлигини алоҳида қайд этиш лозим. Шунингдек, ёмон мумкамининг бола учун узоқ муддатли салбий оқибатлар келтириши мумкин бўлган шаклларидан бири болани унинг ота-онаси ёки яқин қариндошлари қийноққа тутилишида иштирок этишга мажбур қилиш эканлигини айтиб ўтиш керак. Шу билан бирга ота-оналарга ўз болалари қийноққа тутилишининг шоҳиди бўлиш билан таҳдид қилиш ёки шунга мажбуrlашиб ҳам ота-оналар учун оғир руҳий оқибатта сабаб бўлиши мумкин.
- **Жинс асосилаги қийноқ:** зўрлаб номусга тегиш қийноқ методи сифатида фақат аёл жинсидаги шахсларга тегишли эмас, лекин, шунга қарамай, бу шаклдан алоҳида қурбонлар ёки бутун бир жамоанинг заифлиги ва тобелигини таъкидлаш учун кўпинча жинслараро контекстда фойдаланилади. Эркакларни зўрлаш ҳолатлари ҳам кўплаб сабабларга, шу жумладан, интервью олаётган киши мазкур мумкамини англаштириб туфайли етарлича ёритилмай қолиши мумкин. Жабрланувчининг жинси аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган бошқа мисолларга қийноқ қўллаш айниқса хавфли бўлган ҳомиладор аёллар, шунингдек, зўрлаб номусга тегиш оқибатида ҳомиладор бўлиб қолиши мумкин бўлган бола туғиши ёшидаги аёллар киради.
- **Диндорлар:** қурбонларга уларнинг диний эътиқодлари асосида ёмон мумкамалаш қилиш қийноқ ёки қаттиқ шафқатсиз ва инсонийликка зид мумкалана тенглаштирилган мисоллар мавжуд. Масалан, тақвадор шахсларни таҳқирилаш, православ руҳонийларнинг соқолини юлиш ва бошқалар.
- **Кишига унинг касби сабабли ёмон мумкамалаш қилиш:** бир ҳолатда мавжудий қийноқлар туфайли пианиночи қўлининг ёлғондан кесилиши даҳшатини кечиришга мажбур бўлганлиги факт тан олинган.

Тур ва хусусиятларнинг эътиборга олиниши керак бўлган бир мунча тўлиқ рўйхати II қисмининг 4.1-бобида берилади.

### 3.4.3. Қийноқни қўллаш эҳтимоли кўпроқ қаерда мавжуд?

Қийноқлар ҳар қандай минтақада, айниқса, зўравонлик мухити мавжуд бўлган мамлакатларда содир бўлади. Сўроқ ўтказиладиган милиция полиция участкалари, жандармерия сингари органларда, шунингдек, ҳар қандай қамоқхонада, жумладан, судгача ҳибсада сақлаш жойларида хавф юқори даражада бўлади.

Бундай жойларнинг аксарияти мазкур худудларда яшовчи кишиларга яхши таниш бўлиб, расмий қамоқ жойи ҳисобланса ҳам, кенг оммага номаълум бўлган бошқа қамоқ жойлари ҳам кўп учрайди. Бундай жойлар фойдаланиш муайян ҳолатларда қулай бўлган (масалан, мактаб биноси сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган) ёки, ҳатто, очиқ майдон, турли обьектлар (масалан, ишламайдиган фабрикалар ёки хукумат бинолари) бўлиши ҳам мумкин.

Қийноқлар фақат қамоқ жойларидағина содир бўлмаслигини ёдда тутинг. Бу, шунингдек, жабрланувчининг ўз уйида ёки расмий қамоқ жойига ўтказилиши пайтида ҳам содир бўлиши мумкин.

### 3.4.4. Қийноқ күлланилиши әхтимоли катта ҳолатлар

Бундай жойлар түғрисида гапириш ўрнига вазиятни маҳбуслар хавфга күпроқ дучор бўладиган ҳибсга олиш ва қамаш жараёни нуқтаи назаридан кўриб чиқиш кўпроқ мақсадга мувофиқдир.

- Қийноқ ва ёмон м uomаланинг бошқа шаклларига энг кўп дучор бўлиш ҳибсга олиш ёки қамоқнинг дастлабки босқичида, жабрланувчи адвокат ёки суд хизматига мурожаат қилиш имкониятига эга бўлгунга қадар мавжуд бўлади. Бу хавф, шахс бу вақтда қаерда бўлишидан қатъи назар, бутун тергов даври давомида мавжуд бўлади.
- **Инкоммуникадо қамоги** (яъни шахсни олдиндан хабардор қилмай ёки бошқа кишилар, масалан, оила аъзолари ёхуд адвокат билан алоқа қилишга имкон бермай қамаш), афтидан, кўпроқ даражадаги хавф билан боғлиқ, кўринади, чунки бундай ҳолатларда сўроқ ўтказиш жараёни ҳеч қандай ташқи мониторинг қилинмайди. Баъзан хавфсизлик органлари қўлга олинганни дастлабки сўроқ тугагандан кейингина расман рўйхатга олади.
- Оддий турмаларда маҳкум маҳбусларни қийнаш, одатга кўра, тергов қилиш жараёни туғатилганлиги сабабли, унча тарқалган эмас, лекин шуни таъкидлаш керакки, аксарият турмаларда ҳукм қилинган маҳбуслар билан бирга терговдаги судни кутаётган шахслар ҳам тутиб турилади. Терговдаги шахслар дучор бўладиган, айниқса, турма хавфсизлик органлари юрисдикцияси остида бўлган ёки улар биргаликда иш олиб борадиган ҳолатларда хавфга нисбатан бепарво бўлмаслик керак. Шахс терговда бўлган ҳолларда хавф шу муассаса доирасида эмас, кўпроқ уларни турмадан тергов органлари муассасасига ўтказиш жараёнида мавжуд бўлиши мумкин.
- Дастлабки қамоқ босқичида ҳам, турмага ўтказилгандан кейин ҳам тутиб туриш шароити файриинсоний ёки таҳқирловчи м uomалага тенглаштирилиши мумкин, шунинг учун буни ҳужжатлаштириш керак (II қисм, 4.1-бобга қаранг).
- Қийноқ одам ўғирлаш жараёнида ҳам содир бўлиши мумкин. Вақтинча ўғирлашда жабрланувчини бир неча соат ёки кундан кейин қўйиб юборадилар. Бедарак йўқолган ҳолатларда далиллар жабрланувчи ҳокимиятнинг фармойиши асосида ёки маъқуллаши билан қамоқда сақланаётганидан гувоҳлик бериши керак, шунга қарамай, ҳокимият мазкур фактни тан олмайди. Жабрланувчи топилмаслиги ёки унинг жасади топилган бўлиши мумкин. Одам ўғирлашнинг ҳар иккала шакли ҳам қийноқни қўллашни ўз ичига олиши ва жамоатчиликни чўчитиш ёхуд қўрқитиш мақсадида фойдаланилиши мумкин. Фойиб бўлиш қийноқдан ташқари бошқа ҳуқуқбузарликлар (масалан, яшаш ҳуқуқи, шахсий эркинлик ва хавфсизлик ҳуқуқи)ни ўз ичига олса ҳам, фойиб бўлиш даврида қийноқни қўллаш фактининг ҳар қандай далили ҳужжатлаштирилиши керак. Фойиб бўлиш ҳам ё жабрланувчи учун, ёки унинг қариндошлари учун қийноқقا тенглаштирилиши мумкин.

### 3.5. Қандай ҳолатларда қийноқлар ҳақида маълумот олиш мумкин?

Қийноқ ва ёмон м uomала түғрисидаги маълумотларни кўп жойлардан ва турли ҳолатларда олиш мумкин. Одатда, бевосита қийноқ содир бўлган жойдан маълумот олиш әхтимоли анча кам. Маълумот, кўпинча, жабрланувчи қийноқдан кейин борган ва эркин гапириши мумкин бўлган жойда олинади. Бошқа жойга ўтказиш чоғида (агар қийноқ полиция/милиция органларида ўтказилган бўлса), суд пайтида, озод этилганда ва яшаш жойига қайтганда, ёки мамлакатдан чиқиб кетаётганда ҳам маълумот олиниши мумкин.

Қийноқлар түғрисида маълумот олишингиз мумкин бўлган умумий ҳолатлар:

- сиёсий тартибсизлик ёки умумий зўравонлик;
- можаролар зоналарини ўз ичига олади.

Қийноқлар түғрисида маълумот олишингиз мумкин бўлган ўзига хос ҳолатлар:

- қамоқ жойига ташрифни;
- тиббий муассасаларни;
- қочоқлар ва мамлакат ичида кўчирилганлар лагерлари ва марказларини;
- етимхоналарни ўз ичига олади.

Мазкур ҳолатларнинг кўпчилиги аниқ, лекин баъзан ахборот, одатда, одамлар эътибордан четда қолдирадиган одатдан ташқари жойлардан топилиши мумкин, ваҳоланки, бундай вазиятларни ўйлаб қўйиш анча самарали бўлиши мумкин. Бу бирон-бир иш бўйича далил сифатида хизмат қилиши мумкин бўлган ахборотлар, масалан, жабрланувчи билан интерью ўтказиш чоғида ёки бошқа биронта мақсадда олинадиган ахборотлар учун, айниқса, мұхим. Бундай ахборотларни олиш мумкин бўлган манбалар қўйидагилар:

- суд архивлари;
- жиноий ишлар;
- тиббий хulosалар;
- милиция/полиция участкалари, турмалардаги қамоқقا олиш ва озод этиш түғрисида баённомалар (бундай ёзувларда номувофиқлик ва тушириб қолдиришлар кўпинча ҳукуқбузарликни кўрсатади);
- иш ёки ўқув жойига қатнаш ҳақидаги белгилар (бу шахснинг қийноқ натижасида тан жароҳати олинганилиги сабабли иш ёки ўқув жойига қатнашга лаёқатсизлиги ҳақидаги аризани тасдиқлаш учун керак бўлиши мумкин);
- маҳаллий газеталар ва матбуотдаги хабарлар;
- аҳолини қўллаб-қувватлаш гуруҳлари, масалан, ёшлар гуруҳлари;
- дин арбоблари;
- бошқа маҳбуслар.

Қийноқлар ҳақида маълумотлар олиш мумкин бўлган типик ҳолатлар етарлича аниқ белгиланган. Лекин алоҳида эҳтиёт чораларини кўриш лозим бўладиган қатор вазиятлар ҳам мавжуд.

- **Конфликт зоналари:** бундай минтақаларда ҳукуқбузарлик тарафлардан бири расмий ҳукумат эканлигидан қатъи назар, конфликтда иштирок этган иккала тараф томонидан содир этилган бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир ҳолатда ҳукуқбузарлар ҳақидаги барча маълумотларни батафсил ҳужжатлаштириш, шунингдек ҳукуқбузарлар шахсини очиб беришга кўмлашадиган ҳар қандай характерли хусусиятларни қайд этиш лозим. Шуни таъкидлаш керакки, фуқаро аҳоли орасида бостириш ва кўрқитиш ҳолати анча юқори бўлиши мумкин. Бу, маҳаллий аҳоли можаро иштирокчилари бўлган рақиб томонга ёрдам ва мадад бермаслигидан манфаатдор бўлган ҳар икки тараф кўпинча фуқаро аҳолини таъқиб қилиши билан изоҳланади. Ноҳукумат субъектлар томонидан содир этиладиган қийноқлар борасидаги далиллар түғрисида нисбатан батафсил ахборот олиш учун I қисмнинг 3.6-бобига қаранг.
- **Қамоқ жойларига ташриф:**

Маҳбуслар тергов яккахонасида қамоқда (судгача қамоқда) тутиб турилган даврда, маълум сабабларга кўра, ёмон муомала түғрисида маълумот беришдан қочадилар, шунинг учун бундай ҳолатларда инсон хавфсизлиги нуқтаи назаридан келиб чиқиб иш қилиш керак. Одатда, маҳбуслар қамалгач ва оддий турмага ўтказилгачгина тергов жараёнида ўзлари билан содир бўлган воқеалар ҳақида гапиришга кўпроқ истак билдирадилар.

Бироқ қамоқнинг айтиб ўтилган икки тоифаси ва улар хавфсизлигининг нисбий даражаси ўртасидаги фарқ қўйидаги ҳолатларда йўқ бўлиб кетиши мумкин: баъзи мамлакатлар

да терговлаги маҳбуслар ҳам, ҳукм қилинган маҳбуслар ҳам битта қамоқда тутиб турилиши мүмкін; бошқа мамлакатларда иккала турдаги муассаса ходимлари тергов ўтказаётгандык мүассасасага, масалан, полиция/милицияга бўйсуниши мүмкін. Бундай ҳолатларда жабрланувчининг бир қамоқ жойидан бошқасига ўтказилиши улар тергов органлари назоратидан чиқди, деган маънени бермаслигини ҳисобга олиш керак.

Қамоқ жойларига киришга рухсат олиш бирмунча қийин, лекин айрим НХТ ёпиқ турдаги мүассасасага киришга рухсат олишда имтиёзга эга бўлиши мүмкін. Бундай киришга рухсат ҳокимиятлар томонидан берилади ва, одатда, тиббий хизмат кўрсатиш, озиқ-овқат бериш мақсадида ёки турмага қилинган ташрифнинг бир қисми сифатида маҳбуслар билан алоқа қилишга имкон беради. Лекин бундай ҳолатларда маҳфийлик — киришга рухсат олиш шартларидан биридир (жумладан, Халқаро Қизил Хоч Кўмитаси фаолияти билан танишиш мүмкін, III қисм, 7.2-боб). Қамоқ жойига кириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахслар орасида юристлар ва профессионал тиббиёт ходимлари бор.

Баён этилган ҳолатларни ҳисобга олиб, сиз оладиган маълумотларнинг учта кенг тоифасини ажратиб кўрсатиш мүмкін.

Биринчи навбатда, янги келганлардан, улар қамоқ жойига келгунинг қадар тергов органларида ҳибсалиги вақтида содир бўлган ёмон муюмала тўғрисида маълумот олиш мүмкін.

Иккинчидан, ахлоқ тузатиш мүассасалари доирасида содир этилган айрим нохуш ҳодисалар ҳақида маълумотлар олиш мүмкін, масалан, назоратчилар томонидан ёхуд назоратчиларнинг рухсати ёки галамислиги билан бошқа маҳбуслар томонидан содир этилган ёмон муюмала; бирон-бир ҳодиса, масалан, исён пайтидаги ёмон муюмала, бунда назоратчи томонидан жабрланувчига қилинган ҳужум; якка-якка қамашининг ўта кескин ҳолатлари ёки соғлиқнинг жиддий ёмонлашуви вақтида зарур тиббий хизмат кўрсатишни рад этиш.

Нихоят, ахлоқ тузатиш мүассасасида тутиб туришнинг умумий шартлари устидан назорат олиб бориш вақтида ахборот олиш мүмкін. Масалан, яшаш мұхитининг аҳволига, гигиена шароитига, мүассаса режимининг маҳбусларни руҳий жароҳатлаши мүмкін бўлган турли жиҳатларига, жазонинг занжир ва кишанлардан фойдаланиш сингари номақбул усууллари-га, шунингдек, ҳибсонада узоқ вақт тутиб турилишига эътиборни қаратиш лозим. Имкон бўлса, (гуруҳларда эмас, балки) якка тартибда интервью олиш тавсия этилади — бу ахлоқ тузатиш мүассасасидаги вазият тўғрисида маълумот олиш имконини оширади. Таъкидлаш лозимки, тегишли ахлоқ тузатиш мүассасасида узоқ муддат давомида бўлган маҳбуслар умумий шароитлардан яқинда келганларга нисбатан яхшироқ хабардор бўладилар.

Ахлоқ тузатиш мүассасаси ҳузурида ишловчи шифокор билан суҳбат, айниқса, агар маҳкумларга тутилган тиббий варақалар билан танишиш имконияти бўлса, анча ахборот олиш манбаи ҳисобланиши мүмкін. Ўз-ўзидан маълумки, маҳкумларнинг тиббий варақасидан бундай фойдаланиш маҳфийлик назарда тутилган ҳолатларда жабрланувчилар шахсиятини ҳимоя қилишга қаратилган бўлмоғи керак (маҳфийлик ҳақидаги хulosалар бўйича I қисм, 2-бобига қаранг). Тиббий текширув маҳбус турмага келиши биланоқ ўтказилган ҳолларда уни ўрганиш учун дастлабки текширувдан кейин қилинган тиббий хulosани сўраб олиш мақсадга мувофиқдир. Бу полиция/милицияда бўлган даврда олинган тан жароҳати ҳақида далолат бериш ёки киши қўлга олинган пайтгача у соғлом бўлганлиги ва кейинчалик тан жароҳати олганлиги ёки касал бўлганлиги ҳақида далил сифатида хизмат қилиши мүмкін. Баъзан шифокорлар маҳбуслар ахлоқ тузатиш мүассасасидан ташқарида ишлайдиган жойда содир бўлган ҳодисалар ҳақида, улар жавобгар бўлмаганлиги сабабли, ахборот тақдим этишга мойил бўладилар.

**БУ МУХИМ:** Сиз кўлга киритилган тиббий маълумотдан қандай фойдаланишингиз оқибати шифокорга таъсир қилиши мүмкинлигини ҳисобга олишингиз керак. Агар сиз тиббиёт ходимлари ёки жабрланувчилар номини эълон қилмоқчи бўлсангиз, бу масалани шифокор ёки бошқа тиббиёт ходимлари билан мухокама қилишингиз ва (агар имкони бўлса) уларнинг розилигини олишингиз керак (олинган ахборотга асосланган розилик бўйича шарҳлар борасида I қисмнинг 2-бобига қаранг).

- Тиббиёт мұассасалари

Қийноқни құллаш оддий амалиёт ҳисобланған мамлакатларда баъзан шифокорлар гувоҳ бўлиб қолишилари мумкин. Бу улар ёмон муомала натижасида олинган тан жароҳати ёки руҳий шикастни даволаш учун чақирилғанларида содир бўлиши мумкин. Баъзи мамлакатларда суд тиббиёти деб номланувчи тиббиёт соҳаси мавжуд. Бу соҳада иш олиб борувчи шифокорлар тан жароҳатлари, ва касалланиш турлари ҳамда сабаблари ҳақида ихтиослашган билимга эга бўладилар. Суд шифокорлари ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ёки суд органларининг фармойиши бўйича ҳуқуқбузарликнинг юридик жиҳатларини аниқлаш мақсадида зўравонлик қурбонларини тез-тез муфассал текширувдан ўтказадилар. Шифокорлар қўрқув туфайли ҳуқуқбузарликлар ҳақида аниқланған маълумотларни ўзларича бермасликни афзал кўрадилар, бироқ агар суд, оила, касалхона ёки, ҳатто, турма шифокоридан жабрланувчининг тиббий варақаси сўралса, улардан кўплаб ахборот олиш мумкин. Бундай ҳолатларда ҳам ахборотларнинг **маҳфийлиги ва уни овоза қилишга розилик олиш лозимлигини ёдда тутиш керак** (I қисм, 2-бобга қаранг).

Касб этикаси шифокорлардан аниқ тиббий хulosалар чиқаришни талаб этади, лекин баъзан шифокорларни баъзи фактларни тушириб қолдиришига ёки тиббий хulosаларни қалбакилаштиришига мажбур этиш учун уларга қаттиқ тазийк ўтказилиши мумкин. Тиббий хulosалар билан боғлиқ муаммолардан бири шуки, етказилган тан жароҳатлари кўпинча улар юзага келишининг бирон-бир тахминий сабаблари келтирилмай ёзиб қўйилади. Бундай ҳолатларда тиббий хulosани талқин қилиш учун мустақил мутахассисга мурожаат этиш ва шу йўл билан кўлда мавжуд бўлган маълумотларни текшириш керак.

- Кочоқлар ва мамлакат ичилә кўчирилған шахслар учун лагерь ва марказлар

Ноиложликдан кўчирилған шахслар учун мамлакат ичкарисида жойлашган ёки ундан ташқаридаги лагерь ва марказлардаги, жумладан, можароли зоналаридаги одамлар орасида қийноққа тутилиб, қаттиқ шикаст етказилган, кўрсатма беришни истовчи одамлар ёки гувоҳлар муқаррар бўлади. Бирон-бир муйян воқеа ҳақида ахборот олиш керак бўлса, мазкур лагерларда, одатда, тегишли вилоятлар ёки қишлоқларда истиқомат қилган, сиздаги мавжуд далилларни тасдиқлаши мумкин бўлган одамларни топса бўлади. Лекин бундай ҳолатларда икки жиҳатни ҳисобга олиш керак: биринчидан, агар лагерда яшовчи шахсларнинг кўпчилик қисми бирон-бир гурӯҳга мансуб бўлса, олинган ахборот объектив бўлмаслиги мумкин. Иккинчидан, ҳуқуқбузарларнинг ўзлари лагерда яшовчилар орасида яширган бўлишлари ва сизга ёлғон ахборот беришлари мумкин. Қочоқлардан олинган ахборот қочоқлар оқими пайдо бўлишининг сабаби кенг кўламда қўлланилган қийноқ эканлигидан дарак берса, бу ахборотни Қочоқлар ишлари бўйича БМТ Олий комиссарига етказиш керак (III қисмнинг 7.2-бобига қаранг).

- Бошпана олиш тўғрисидаги адиҳа: киши ўз мамлакатида қийноққа солинганлиги ҳақида гувоҳлик бошқа мамлакатдан бошпана олиш учун асос бўлиши мумкин. Ёмон муомала содир этилган пайтдан бери ўтган вақт маълумот тўплаш жараёнини қийинлаштириши мумкин, шунга қарамай, мазкур қўлланмада баён этилган асосий принципларга риоя қилиниши керак (II қисмнинг 5-бобига қаранг). Шунингдек, баъзи ҳолатларда одамлар ўз мамлакатларига қайтариб юборилишидан қочиш учунгина қийноққа солинганликлари ҳақида асессиз маълумот беришлари мумкин.

### **3.6. Ноҳукумат субъектларга қарши маълумотлар бериш мумкини?**

Инсон ҳуқуқлари бузилиши, шу жумладан, қийноқлар ҳам, кўпроқ сиёсий тартибсизликлар, кескин вазиятлар ва можаролар даврида содир бўлади. Бундай ҳолатларда қийноқни қўллашда давлат амалдорларидан ташқари, кўпинча давлат билан бирон-бир алоқаси бўлмаган хусусий шахслар ҳам айбдор бўлади (улар, одатда, ноҳукумат ёки нодавлат субъектлари деб аталади). Бу ҳолат анча қийинчиликларни келтириб чиқаради ва кўп жиҳатдан ҳақиқий

муаммо ҳисобланади. Бироқ ушбу құлланмадан мақсад — нохукумат субъектлар томонидан содир этилган қийноқлар ҳақидағи маълумотларга жавобан бирон-бир чора күриш мүмкінми, деган саволға жавоб берішдір.

### 3.6.1. Инсон ҳуқуқлари тұғрисидаги қонунга асосан чора күриш мүмкінми?

Аввалиң бобда қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттық шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши БМТ конвенциясыдан келиб чиқиб қийноқ тушунчасыга берилған таърифдан күрганингиздек, қийноқ тушунчаси давлат амалдорлари ёхуд ушбу ваколатлар асосида иш олиб борувлы шахсларнинг ҳаракатларини англатади. Бундан инсон ҳуқуқлари тұғрисидаги халқаро қонун шафқатсизликнинг хусусий ҳолатларига йўл қўйилади, деб ҳисоблайди, деган холоса чиқадими? Йўқ, чунки давлат ўз ички қонун ҳужжатларига мувофиқ хусусий шахсларнинг хатти-ҳаракатлари муносабати билан мустақил чора күриши кутилиши сабабли бу таъриф давлат номидан ҳаракат қилувчи шахсларга тааллуқлидир.

Инсон ҳуқуқлари тұғрисидаги халқаро қонун давлат бу ишни қилмаган ҳолатларга мўлжалланган. Шундай экан, давлат нафақат ўз хатти-ҳаракати (қасддан қийноқни қўллагани) учун, балки ҳаракатсизлиги (қийноқнинг олдини олиш учун самарали чора кўрмаганлиги; ҳуқуқбузарларни жавобгарликка тортиш бўйича чора кўрмаганлиги; маълумотларни текшириш бўйича чора кўрмаганлиги) учун ҳам жавобгарликка тортилиши мүмкин.

Нохукумат субъектлар томонидан содир этиладиган қийноқлар тұғрисидаги маълумотларга жавобан чора күриш маъносида юқорида қайд этилған қоидалар оқибатлари қандай? Буни қуйидаги бандлардан келиб чиқсан ҳолда кўриб чиқиш лозим:

- инсон ҳуқуқлари тұғрисидаги қонунларга риоя этилиши учун масъул бўлган халқаро ҳуқуқий ташкилотлар, аслида, қийноқ ҳаракатларини содир этганлиги учун нохукумат субъектларни жавобгарликка тортиш масалаларини кўриб чиқолмайди. Бу жумладан, тегишли шартномавий органларни тузган иштирокчи давлатлар масъулияти даражасини кўриб чиқиши мүмкин бўлган шартномавий органларга ҳам тааллуқли;
- улар қийноқ ҳаракатларининг олдини олиш учун самарали чоралар қабул қилмаганлиги асосида қийноқ ҳаракатлари содир этилған давлатларнинг эҳтимол тутилган жавобгарлигини кўриб чиқишини мүмкин:
- улар, шунингдек, нохукумат субъектлар билан боғлиқ қийноқ хавфини ҳам қўшган ҳолда, кишини у қийноқ хавфига дучор бўладиган бошқа мамлакатга жўнатиб юборишни мўлжаллаётган давлатнинг эҳтимол тутилган жавобгарлигини ҳам кўриб чиқишини мүмкин.

### 3.6.2. Қийноқларни поқонуний қўллашнинг нохукумат субъектлар билан боғлиқ бошқа турлари борми?

#### 3.6.2.1. Қуролли можаролар тұғрисидаги халқаро қонун

Қуролли можаролар тұғрисидаги халқаро қонун (ҚМХҚ) ҳам халқаро (можаро икки ёки ундан кўп мамлакатларни ўз ичига олган ҳолларда), ҳам халқаро бўлмаган (можаро бир мамлакат ҳудудида содир бўлиб, нохукумат кучларни ва бир ёки бир нечта муҳолифат кучларни ёхуд фақат фракцияларга бўлингандык нохукумат кучларни ўз ичига олган ҳолларда) қуролли можаролар вазиятларида қўлланилаётган қонун тури ҳисобланади.

Қуролли можаролар тұғрисидаги халқаро қонун, шу жумладан халқаро бўлмаган қуролли можаролар ҳолатларида ҳам, бошқа томон қўлга олган ҳар қандай одамга нисбатан қийноқни қўллашни, шафқатсизларча ва камситувчи муносабатда бўлишни ман этади. Бунда мазкур томон ҳукумат томони бўлмаслиги шарт (1949 йилдаги Женева Шартномаси Умумий бўлимининг 3-моддаси).

Бу ҳолат мұайян умид үйғотади – ушбу қонунда нохукумат субъектларни қийноқни құлла- маслиқка мажбур қылувчи юридик мажбурият мавжуд. Лекин, афсуски, ҚМХҚ давлат ички жиноят ҳуқуқтарынан ассоцянгандығы муносабати билан бу мажбуриятни амалий құллашда баъзи қийинчиликтер мавжуд. Бу ё ҳуқуқбизарлар давлат томонидан құлга олиниши ва судга берилишини, ёки нохукумат күчлар бундай мажбуриятларини бажариш учун ўз шахсий юридик тизимига эга бўлиши лозимлигини англаради.

ҚМХҚнинг баъзи ўта оғир бузилиши жуда жиддий ҳисобланыб, давлат ички суд тизими (*универсал юрисдикция*)га мувофиқ ҳар қандай давлатта ҳуқуқбизарларни судга бериш имконини яратади. Лекин, давлат ички қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлардагина шундай қилиниши мумкин. Буни қилишга тайёр давлатлар унчалик күп эмас, лекин келажакда вазият ўзгариши мумкин. Кейинги йилларда иккى ҳодиса асосида ҳалқаро трибунал үтказиш мумкинлиги исботланди, ушбу жараёнларда ҚМХҚ нинг эхтимол тутилган бузилиши аниқланди. Бу собиқ Югославия ва Руанда воқеалари билан боғлиқ ҳолда бўлганди. Лекин ушбу ҳалқаро трибуналлар фақат мазкур можаролар доирасида вужудга келадиган фактларнинг кўриб чиқиши мумкин. ҚМХҚ бузилишини кўриб чиқа оладиган доимий Ҳалқаро Жиноий Суд (ХЖС)нинг ташкил этилиши тараққиётнинг янги шакли ҳисобланади. Лекин ХЖС ҳали иш бошламаган, нохукумат ташкилотлар бу жараёнда ўйнаши мумкин бўлган роль ҳам ҳозирча аниқланган эмас.

### *3.6.2.2. Инсониятга қарши жиноятлар*

Инсониятга қарши жиноятлар инсон ҳуқуқлари бузилишининг кенг миқёсда содир этиладиган ўта оғир шакллари ҳисобланади. Одатда бу фуқаро аҳолига мунтазам ва кенг миқёсдаги ҳужумлар шаклида мұайян мақсадни кўзлаб құлланиладиган қийноқ ва қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ва қадр-қимматни камситувчи мұомала ва жазолашнинг бошқа турларини ўз ичига олади. Бу жиноятлар ҳамма вақт ҳам қуролли можарола маъносида амалга оширилмайди, фуқаро аҳолига ҳужум нохукумат гурухлар томонидан ҳам содир этилиши мумкин. Бу қийноқ ҳаракатларини кенг миқёсли стратегия маъносида содир этувчи нохукумат субъектларни жавобгарликка тортиш имконияти мавжудлигини англаради.

Инсониятга қарши жиноятлар ҳолатида ҳам, ҚМХҚ ҳолатида бўлганидек, ҳуқуқни құллашда маълум қийинчиликтер мавжуд. Ҳалқаро жиноят суди ишга тушиши билан бундай жиноятларга оид говоҳликларни кўриб чиқиши мунтазам түфилади, лекин ҳозир бу қандай бўлишини олдиндан айтиш анча қийин. Бу тоифага киравчы барча жиноятлар бир мунча жиддий ҳисобланыб, давлатлар шу жиноятлар муносабати билан *универсал юрисдикция*дан фойдаланиш имкониятига эга бўладилар, лекин бу, ҚМХҚ қаттиқ бузилган ҳоллардаги каби, давлат ички қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлсагина мумкин. Бу жиноятлар оғирлигининг бошқа оқибатлари ҳуқуқбизарларни судга тортиш учун бирон-бир мұваққат чегаралар мавжуд эмаслигидир. Масалан, баъзи жиноятлар суд тергови жиноят содир этилгандан кейин маълум вақт, масалан, ўн йил давомида қўзғатилган бўлиши мумкин, лекин бундай чегаралар инсониятга қарши жиноятларга тааллукли эмас.

### *3.6.2.3. Давлат ички ҳуқуқи*

Қийноқ ва ёмон мұомаланинг бошқа шакларини қўллайдиган нохукумат субъектлар ҳам давлат мансабдор шахслари сингари, қийноқ ва ёмон мұомаланинг бошқа шакллари юз берган мамлакатнинг давлат ички ҳуқуқи асосида суд жавобгарлигига тортилиши мумкин. Бу иш амалга оширилишига асос бўладиган аниқ қонулар мамлакатларга боғлиқ ва ҚТХҚ ёки, юқорида уқтирилганидаек, инсониятга қарши жиноятлар тўғрисидаги қонун талабларини ижро этувчи қонун қоидаларини ўз ичига олиши мумкин. Лекин кўпинча бу ҳужум содир этилгани, оғир тан жарорати етказилганилиги ёки зўрлаб номусга тегилгани учун суд айлови шаклини қабул қиласи.

### **3.6.3. Нохукумат субъектлар томонидан қўлланадиган қийноқлар тўғрисидаги ахборотлардан қандай фойдаланиш керак?**

Бу сизнинг аниқ ахборотдан фойдаланиб, нимага эришишга умид боғлашингизга боғлиқ. Чора кўришнинг мумкин бўлган йўллари, давлат мансабдор шахслари томонидан содир этилган ҳуқуқбу-

зарликка қарши маълумотлар билан қиёсланганды, бир мунча чегараланган, шунинг учун сиз муайян натижаларга эришиш имконияти анча кам эканлигини англашингиз керак. Шунга қарамай, агар сиз ахборотни түфри таппкил этсангиз, бу натижага эришиш имкониятини оширади.

- Агар сиз ҳуқуқий ҳимоянинг бирон-бир аниқ воситасини топишга уринсангиз, у ҳолда:

Қийноқ ҳаракати содир этилган мамлакатнинг давлат ички қонунлари доирасида ҳуқуқий ҳимоянинг бирон-бир аниқ воситасини топишта ҳаракат қилишингиз керак (ҳуқуқий ҳимоянинг аниқ воситасига эга бўлиш учун бу анъанавий тартиб-қоиданинг бир қисми ҳисобланшини III қисмда кўрасиз). Шунингдек, ҚТҲҚ, ёки инсониятга қарши жиноятлар түғрисидаги қонунлар асосида суд жавобгарлигига тортишга имкон берувчи бирон-бир қонун қоидалари мавжудлигини текширишни унутманг.

Агар бу натижа бермаса, у ҳолда сиз халқаро ҳуқуқий органларга мурожаат қилишингиз мумкин. Инсон ҳуқуқлари түғрисидаги қонунда ноҳукумат субъектларни суд жавобгарлигига тортиш имконияти назарда тутилмаган, шунинг учун сиз, оддий айлов ҳолатидагидек, давлатга айб қўйишингиз керак. Лекин бундай ҳолатда сиз ўз талабингизни давлат ҳаракатсизлик йўли билан ўз мажбуриятини бузганлиги, яъни давлат қийноқнинг олдини олиш учун тегишли чора кўрмаганлиги, айловни кўриб чиқиши ва ҳуқуқбузарларни жавобгарликка тортиш бўйича чоралар кўрмаганлиги билан асослашингиз керак.

Шунингдек, инсон қийноқ хавфига дучор бўлиши мумкин бўлган мамлакатга, унинг депортация қилинишининг олдини олиш учун, ҳатто, агар бу хавф ноҳукумат субъектлар томонидан бўладиган ҳолларда ҳам, халқаро ҳуқуқий органларга мурожаат қилиш мумкин. Бу имкониятдан яқиндагина, Қийноққа қарши қўмита ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Евropa суди томонидан Сомалига жўнатиш таклиф қилинган ҳолатда фойдаланилди. Мазкур мамлакатда марказий ҳукумат ҳокимияти тўлиқ мавжуд эмаслиги сабабли ноҳукумат субъектлар ҳукумат ролини бажармоқдалар ва шу тариқа улар «расмий тарзда иш юритмоқлар», деб ҳисобланса, бу алоҳида ҳолат бўлиши мумкин. Лекин, шунга қарамай, бундай ҳолатлар, хавф фактори унинг манбаидан кўра анча муҳим, деган қоидани тасдиқловчи рағбатлантирувчи ҳодиса ҳисобланади.

- Агар сиз ҳуқукни ҳимоя қилиш воситасига бир мунча кенг миқёсда эга бўлишни қўзлаётган бўлсангиз, у ҳолда:

индивидуал шикоятлар кўриб чиқиладиган ҳолатлардагидек, бирон мамлакатда инсон ҳуқуқлари бўйича умумий вазиятни текширувчи халқаро ҳуқуқий органлар ноҳукумат субъектлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ муайян чоралар кўриш учун зарур бўладиган ҳақиқий ваколатларга эга эмасликларини ҳисобга олиш керак. Лекин бу ташкилотлар ноҳукумат субъектлар фаолияти ва умумий вазиятлар ҳақида мунтазам ахборот олиши жуда муҳим. Бу умумий контекстни тушуниш ва муайян ҳукуматга нима учун айб қўйиш зарурлигини белгилашга ёрдам беради. Кўпинча ҳукуматлар барча ҳуқуқбузарликлар мухолиф кучлар айби билан содир этилаётганини исботлантига уринадилар. Агар сиз мухолиф кучлар томонидан айнан нима содир этилгану, нима содир этилмагани ҳақида аниқ ахборот берсангиз, у ҳолда халқаро органлар бундай эътирозларга жавоб беришга бир мунча тайёр бўладилар.

Натижада энг самарали иш усули ноҳукумат субъектлар ҳаракатлари ҳақилаги ахборотларни оммавий тарқатишдан иборат бўлиб чиқиши мумкин. Буни, бир томондан, халқаро органларни иш мазмунини яхшироқ тушунишга ёрдам берадиган ахборотлар билан таъминлаш орқали амалга ошириш лозим; иккинчи томондан, бу лобби йўли билан амалга оширилади (лобби йўли билан боғлиқ ахборотларни олиш учун III қисмнинг 7-бобига қаранг). Ҳатто инсон ҳуқуқлари түғрисидаги халқаро қонун ноҳукумат субъектлар масаласида керакли ёрдам беролмаган ҳолларда ҳам буни жамоат тазиёки йўли билан қилиш мумкин.

## ҚИСҚА ХУЛОСА

## І ҚИСМ. ДАСТЛАБКИ ҚОИДАЛАР

## 1. Қийноқлар түгристерде ариза беріб шимага умид бөглөш мүмкін?

- Вазиятта диққатни жалб қилиш, умумий тенденцияни белгилаш.
- Умумий вазиятта позитив ўзгаришларга эришиш.
- Жазосизлик ҳолатлари йүлиға түсік қўйиш.
- Индивидуал жабрланувчилар учун хукуқий ёрдам беришга эришиш, бу қўйидагиларни ўз ичига олиши мүмкін:
  - хукуқбузарликни аниқлаш;
  - хукуқбузарларни жавобгарликка тортиш;
  - компенсация бериш;
  - кишини у қийноққа дучор этиладиган мамлакатга депортация қилишнинг олдини олиш.

## 2. Қийноқ шима?

Қийноқ тушунчасини аниқлаш осон бўлмаслиги мүмкін, лекин бу қийноқ ҳолати ҳақида ариза берип учун талаб қилинмайди. Сиз лоақал:

- оғир жисмоний ёки руҳий ёхуд озор (қийноқлар) қасддан етказилганлигини ёки жиддий жисмоний ёхуд руҳий азоб ёки озор (ёмон муомаланинг қийноқдан ташқари бошқа кўринишлари)га қасддан йўл қўйилганлигини;
- бу азоблар бевосита давлат мансабдор шахслари томонидан ёхуд уларнинг рухсати билан ёки сукут сақлаган ҳолда розилик берishi, ё уларнинг ғаламисликлари билан етказилганлигини;
- қийноқ ҳолатларида (бу банд ёмон муомаланинг бошқа шакллари учун мажбурий эмас) бу азоблар маълум мақсад билан, масалан, ахборот олиш, жазолаш ёки қўрқитиш учун етказилганлигини исботлашингиз керак.

## 3. Қийноқ қандай рўй беради?

## Хукуқбузар ким?

- Расмий сифатда иштирок этган ҳар қандай шахс: бу тоифага полиция/милиция органлари ходимлари, жандармлар, хавфсизлик органлари ходимлари, турма офицерлари, ҳарбий таркиб аъзолари, давлат мансабдор шахслари, давлат хизматчилари, сиёсий етакчилар, «ўлим отрядлари», тиббиёт ходимлари киради.
- Мухолифатнинг куролли гурухлари аъзолари.

## Ким қурбон ҳисобланади?

- Ҳар қандай одам.

## Қайси жойларда қийноқлар айниқса кўпроқ содир бўлади?

- Ҳар қандай жойда (шу жумладан қурбонни бошқа жойга кўчириш пайтида ёки уйда), лекин биринчи павбатда сўроқ ўтказиладиган жойларда.

## Қийноқ қай пайтларда кўпроқ кўлланилиши эҳтимол?

- Ҳибсга олишнинг ilk босқичларида, айниқса, инкоммуникадо (адвокат ёки оила аъзолари билан учрашиш хукуқисиз ҳибсга олиш) пайтида.
- Хавф бутун тергов жараёпи давомида мавжуд бўлади.

#### 4. Қандай ҳолатларда қийноқлар түгрисида маълумот олиш мумкин?

- **Умумий контекст:** сиёсий тартибсизликлар, умумий зўравонлик вазиятларида, шунингдек, мажаролар зоналарida.
- **Ўзига хос контекст:** қамоқхоналарга, тиббиёт муассасаларига, ётимхоналарга, қочоқлар ва мамлакат ичкарисида кўчирилган шахслар учун лагерлар ва марказларга ташрифлар.

Анъанага кам айланган жойларни ёдан чиқарманг. Бирмунча батафсил кўрсатмалар олиш учун асосий матнга қаранг.

#### 5. Ноҳукумат субъектларга қарши ариза бериш мумкинми?

Ноҳукумат субъектларни ҳалқаро қонунларга асосан жавобгарликка тортиш имкониятлари анча чекланган, лекин:

**Хукукий ҳимоянинг индивидуал воситаларини излаб, сиз:**

- давлат ички ҳукуки доирасида ҳукукий ҳимоя воситаларини излашингиз: бу, агар давлат ички қонунларида назарда тутилган бўлса, Қуролли мажаролар түгрисидаги ҳалқаро қонун ёки Инсониятга қарши жиноятлар түгрисидаги қонунга асосан суд айловини ўз ичига олиши мумкин;
- инсон ҳукуқлари бўйича ҳалқаро органларга мурожаат қилишингиз: Инсон ҳукуқлари түгрисидаги қонунга асосан ноҳукумат субъектлар жавобгарликка тортилиши мумкин эмаслигидан келиб чиқиб, ҳукумат қийноқ фактининг олдини олиш, шикоят асосида ёки ҳукуқбузарларни жиноий жавобгарликка тортиш бўйича адекват тергов ўтказиш борасидаги ўз мажбуриятини бажармаганлигини таъкидлаб, воқеа содир этилган давлатга айб қўйишингиз мумкин.

Янада умумий характердаги ҳукукий ҳимоя воситаларига эга бўлиш учун қўйидагиларни қилишингиз мумкин:

- инсон ҳукуқлари бўйича ҳалқаро органларни поҳукумат субъектлар фаолиятидан хабардор қилиш;
- лобби йўлини тутиш.

II ҚИСМ. ГУВОҲЛИКНИ ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ

1. **Кириш**
2. **Ҳужжатлаширишнинг асосий принциплари**
  - 2.1. Нима учун қайд этилган принципларга амал қилиш керак
  - 2.2. Сифатли ахборотнинг таркибий қисмлари
  - 2.3. Ахборотнинг жуда аниқ ва ишончли бўлишига эришиш
3. **Қийноқлар ҳақида гувоҳлик берувчи одамдан интервью олиш**
  - 3.1. **Кириш**
  - 3.2. **Умумий қоидалар**
  - 3.3. **Интервью ўтказиш**
4. **Ёзib қўйилиши шарт бўлган маълумотлар**
  - 4.1. **Модель маълумот**
  - 4.2. **Ўзига хос ҳолатлар**
5. **Далиллар**
  - 5.1. **Тиббий далиллар**
  - 5.2. ***Amicus curiae* далиллар**
  - 5.3. **Гувоҳларнинг далиллари**
  - 5.4. **Далилларнинг бошқа турлари**



## 1. КИРИШ

Ушбу бобдан кўзда тутилган мақсад қийноқ қўлланилганлиги ҳолати тўғрисидаги гувоҳликларни ҳужжатлаштириш жараёнига тегишли кўрсатмалар беришдан иборатdir. Шуни қайд этиш зарурки, ушбу қўлланма биринчи навбатда қийноқ қўлланилган ҳолларда уни ҳужжатлаштириш ва ариза бериш мавзусига бағишиланган бўлса ҳам, келтирилган ахборотдан, шунингдек, бедарак йўқолганлик, суддан ташқари қатл этиш ва инсон ҳукуқларининг бошқача бузилишлари тўғрисидаги гувоҳликларни ҳужжатлаштиришда фойдаланиш мумкин.

Индивидуал гувоҳлик ҳар қандай аризанинг асосини ташкил этади. Ҳатто пировард мақсадингиз бирор-бир мамлакатдаги умумий вазият кўриб чиқилувчи матъруза тайёрлаш бўлган тақдирда ҳам, сиз ўз фаолиятингизни индивидуал гувоҳликларни тўплашдан бошлишингиз керак, чунки бу умумий тенденцияларни аниқлаш ва бирхиллаштиришнинг энг яхши усулидир. Индивидуал гувоҳликни жабрланувчи бериши шарт эмас. Жабрланувчи бедарак йўқолган, ўлдирилган ёки инкоммуникадо тартибида қамоқда сақланаётган ҳолларда индивидуал гувоҳликни жабрланувчини охирги марта кўрган ва, эҳтимол, унга нисбатан ёмон муносабатда бўлинганини кўрсатиши мумкин бўлган тан жароҳатларини кўрган ёки хулқ-атвордаги ўзгаришни пайқаган бўлиши мумкин бўлган гувоҳ ёки қариндош бериши мумкин.

Қийноқлар ва ёмон муносабатнинг бошқа шакллари тўғрисидаги гувоҳликларни ҳужжатлаштиришнинг асосий принципларини аниқлаш учун ушбу бобда қўйидаги масалалар кўриб чиқилади:

- Инсон ҳукуқлари бузилишини ҳужжатлаштиришда ҳамма вақт амал қилиниши керак бўлган муайян принциплар мавжуд. Жумладан, аниқ, ишончли ва текширилган ахборот гувоҳликни рўйхатдан ўтказиш жараёнида асосий омил ҳисобланади. У айнан нималарни ўз ичига олади? Ахборотни тақдим этиш шакли сиз ариза бермоқчи бўлган юридик механизм ёки тартибга қанчалик боғлиқ? Ахборотингиз зарур талабларга жавоб беришига ишонч ҳосил қилиш учун нималар қилиш керак? (II қисм, 2-боб)
- Кўп ҳолларда гувоҳлик берувчи одам билан суҳбат қилишингизга тўғри келади. Бундай одам жабрланувчининг ўзи, жабрланувчининг оила аъзоси, қийноқни кузатиб турган гувоҳ ёки бирор-бир можаро муносабати билан гувоҳлик беришни хоҳловчи бошқа бирор киши бўлиши мумкин. Савол-жавоб қилишда ҳисобга олиниши керак бўлган қандайдир алоҳида жиҳатлар мавжудми? (II қисм, 3-боб)
- Интервью пайтида айнан қайси тафсилотларни ёзиб қўйиш зарур? Ҳар бир ҳолатда тўплашиши зарур бўлган ахборотнинг қандайдир энг кам ҳажми мавжудми? Қандай савол бериш керак? Айнан сизга зарур бўлган ахборотни қандай қилиб олиш мумкин? (II қисм, 4-боб)
- Тасдиқловчи исботларга эга бўлиш нима учун шунчалик мұхим? Қандай исботларни излаш зарур ва уларни қаердан топиш мумкин? (II қисм, 5-боб)

## 2. ҲУЖЖАТЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

Инсон ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисидаги гувоҳликни ҳужжатлаштиришдан кўзлаган асосий мақсад — юз берган воқеалар тўғрисида аниқ, ишончли ва текширилган маълумотларни тўплаш. Ушбу маълумотлардан ҳар хил мақсадларда фойдаланиш мумкин. Бироқ, барча ҳолларда мавжуд маълумотларнинг сифати муҳим омил бўлади. Шу сабабли қонун бузилиши тўғрисидаги гувоҳликни ҳужжатлаштирас экансиз, куйидаги тавсияларга амал қилинг:

- ҳамма вақт ишончли маълумот олишга ҳаракат қилинг;
- ахборотнинг энг кўп даражада аниқ ва ишончли бўлишини таъминлаш учун бор кучингизни сарфланг.

### 2.1. Мазкур принципларга нега риоя қилиш керак?

Сиз ўз тажрибангиздан келиб чиқиб гувоҳлик бергандан ташқари ҳолларда, тўплаётган маълумотингизнинг сифати, аниқлиги ва ишончлилигига ҳамма вақт ҳам амин бўлиш қийин. Инсон ҳуқуқлари қўпинча ҳис-туйғу ва садоқат қайсиdir бир томонга нисбатан жуда кучли бўлган ҳолатларда бузилади, бу эса сиз оладиган ариза ва гувоҳликларнинг холислигига таъсир кўрсантиши мумкин. Бирор-бир ахборот кўриб чиқилар экан, ниҳоятда холис бўлиш жуда муҳимдир. Агар ахборот давлат ички ва ҳалқаро ҳуқуқ доирасида жиной иш қўзғаш учун етарлича аниқ, ишончли ва текширилган бўлса, у ҳолда сиз ахборотни холисона кўриб чиқишингиз керак, ва бу аниқ вазиятга нисбатан сизнинг шахсий фикрингизга ёки ариза мазмунига нисбатан сизнинг ҳис-туйғуларингизга боғлиқ бўлмаслиги зарур. Ахборотнинг зарур сифати, аниқлиги ва ишончлилик даражаси танланган хатти-ҳаракат шаклига қараб ўзгариши мумкин-ки, куйида сиз бунинг гувоҳи бўласиз. Шунга қарамай, сиз ҳамма вақт, мавжуд ҳолатлардан келиб чиқсан ҳолда, энг юксак стандартга эришишга интилишингиз керак. Ҳужжатлаштириш жараёнининг пухталик даражаси сиз томондан ёки сизнинг ташкилотингиз томонидан белгиланади, бироқ сиз тақдим этган ахборот сизнинг ишончлилигинги зиёд этиришини ёддан чиқармаслик зарур. Бу ҳалқаро ҳуқуқий ташкилотлар билан алоқаларда сизнинг обрўйингизга ҳамда сиз тақдим этган гувоҳликлар кўриб чиқилишининг жиддийлиги даражасига таъсир кўрсатади.

### 2.2. Сифатли ахборотнинг таркибий қисмлари

Аниқ бир аризани тасдиқлаш учун зарур бўлган ахборот сифати ушбу ахборот қўлланиладиган мақсадга боғлиқ бўлади. Масалан, ҳам давлат ички, ҳам ҳалқаро суд тартиб-қоидалиари, одатда, ахборот юқори даражада исбот қила олишини талаб этади. Иккинчи томондан, шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидаси тасдиқловчи ҳужжатлар ёки тафсилотлар кам бўлган ҳолларда ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Аниқ вазиятдан келиб чиқиб энг аниқ ахборот олишга ўзингизни чоғланг. Бу, сиз ахборот тақдим этишдан олдин энг юқори стандартга эришишингиз шарт, дегани эмас. Бу, ўзингизда мавжуд барча ахборотдан фойдаланган ҳолда ҳар томонлама асосланган гувоҳлик тузилиши учун барча имкониятларни ишга солишингизни англатади.

Ахборотинг сифати юксак бўлишини таъминловчи омиллар:

- Ахборот манбаи: ахборот қаердан олинган? Бевосита жабрланганданми ёки жабрлангандан дўйстларидан, воқеа юз берган жойда ҳозир бўлган гувоҳдан, бошқа кимдандир ниманидир эшитган бирордан, оммавий ахборот воситаларида берилган баёнотдан олинганми? Ахборот манбаи жабрлангандан ёки воқеа юз берган жойдан қанча йироқ бўлса, ахборотнинг ишончлилик даражаси шунча паст бўлади;

- **тафсилотлар даражаси**: берилган гувоҳликда тафсилотлар кўпми? Гувоҳликда изоҳлаб бўлмайдиган жиҳатлар борми? Сиз исботланмаган фактларгагина эга бўлиб қолмадингизми? Тафсилотларни қанча кўп қўлга киритсангиз, шунча яхши, — бу юз берган воқеани бошқалар тушуниб олишларига ёрдам беради;
- **зиддиятлар мавжудлиги ёки йўклиги**: Берилган гувоҳлик изчилми? Бу гувоҳликда ёки унинг қисмларида мантиқсиз зиддиятлар борми? Яхши ахборот бир-бирига мувофиқ келадиган ёки, ҳеч бўлмаганда, зиддиятларни мантиқий изоҳлайдиган бўлиши керак. Масалан, агар жабрланувчи ёки гувоҳ бир-бирига зид икки баёнот берган бўлса, бу кўрқитиш натижаси бўлиши ҳам мумкин. Унча аҳамиятсиз зиддиятлар тез-тез учраб туради ва ахборотнинг ишончлилиги даражасига таъсир кўрсатмаслиги ҳам мумкин, бироқ тафовутлар катталиги ахборотни текшириш зарурлигининг аломати бўлиб хизмат қилиши керак;
- **аризани тасдиқловчи ёки рад этувчи элементлар мавжудлиги ёки йўклиги**: гувоҳларнинг жабрланувчи кўрсатмаларини тасдиқловчи аризалари мавжудми? Ёриб кўрилганлигини ёки қурбонга тан жароҳати етказилганлигини тасдиқловчи тиббиёт хулосаси мавжудми? Тасдиқловчи ҳужжатларни қанча кўп тақдим эта олсангиз, гувоҳлик тўғри эканлигини эътироф этишга умид шунча кўп бўлади;
- **ахборот умумий тенденцияни тасдиқлайдиган даража**: мазкур гувоҳлик айни бир хил қонун бузилишини кўрсатувчи кўплаб бошқа далолатлардан бирими? Гувоҳлик фақат аниқ бир вилоят учун хос ҳисобланадими? Кенг ёйилган ҳолат тўғрисида далиллар мавжуд бўлган ҳолларда, бу ахборотнинг тўғри деб эътироф этилиши учун салмоқлироқ асос яратади;
- **ахборот тақдим этилган муддат**: ахборот долзарбми? Ахборот бундан бир неча йиллар олдин юз берган фактларга тегишлими? Ахборотнинг қанчалик долзарб бўлса, тергов олиб бориш ва гувоҳлик берилган фактларни текшириш шунча енгил бўлади.

**БИРИНЧИ ҚЎЛДАН ОЛИНГАН + БАТАФСИЛ + ИЗЧИЛ + ҲАР ХИЛ ТОМОНЛАР  
ТАСДИҚЛАГАН + УМУМИЙ ТЕНДЕНЦИЯ МАВЖУДЛИГИНИ КЎРСАТУВЧИ + ДОЛЗАРБ = ЮКСАК ДАРАЖАЛИ СТАНДАРТ**

Мазкур мезонлар энг юқори стандартга тегишли эканлигини ёдда тутинг. Амалиётда бундай сифатга эга бўлган ахборот олиш имкони ҳамма вақт ҳам бўлавермайди, бироқ бу, сиз ундан фойдалана олмайсиз, деган маънони англатмайди. Иккинчи томондан, ишончлилик даражаси сиз ариза берадиган тартиб-қоидани (тартиб-қоидаларни) танлашда асосий омил ҳисобланади. Мазкур бобдан жой олган гувоҳликларни ҳужжатлаштиришга доир кўрсатмалар мавжуд тартиб-қоидалардан исталган бири доирасида ахборотдан фойдаланиш имконини берадиган қилиб тузишган. Аниқ тартиб-қоидаларга тегишли бўлган энг кам талаблар ва чеклашлар III қисмда берилади.

### 2.3 Ахборотнинг энг кўп аниқлиги ва ишончлилигига эришиш усуллари

Ахборотнинг аниқлиги ва ишончлилигини текшириш мураккаб ва нозик вазифа бўлиб чиқиши мумкин ва, олинган ахборотнинг ишончлилиги масаласида халқаро органлар сизга боғлиқ бўлганидек, сиз ҳам ўзингизни ахборот билан таъминлаган одамларнинг виждонлилигига боғлиқ бўлиб қолишингиз мумкин. Бироқ аниқлик ва ишончлиликни юксак даражада таъминлаш имконияти мавжуд; бу интервью пайтида ҳам, ундан кейин ҳам эҳтиёткорликнинг умумий чораларини, аниқ ҳолатлар тасдиғини излашни, шунингдек соғлом фикрни ишга солишини ўз ичига олади.

## II ҚИСМ. ГУВОҲЛИКНИ ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ

Сиз энг кўп даражада ишончлиликни таъминлаш учун кўришингиз мумкин бўлган умумий эҳтиёткорлик чоралари қўйидагиларни ўз ичига олади:

- ахборот манбаи бўлиб хизмат қиласидиган одамлар билан шахсан таниш бўлиш ва гувоҳлик берилаётган ҳолатни тушуниш;
- ахборот манбалари билан алоқада бўлиш — кейинги босқичда айрим тафсилотларни олиш ёки уларни аниқлаштириш талаб этилиши мумкин;
- ахборот маҳфий бўлган ҳолатларда ҳам, қурбонларнинг исми ва кимлар билан алоқада бўлганлиги ҳақидаги маълумотларни олиш;
- ахборот ноаниқ ёки умумий бўлган ҳолларда эҳтиёткорлик кўрсатиш ва пухта иш олиб бориш;
- гувоҳликни олдиндан текширмай, оммавий ахборот воситаларида билдирилган баёнотларга ёки миш-мишларга таяниб асосламаслик.

Кўйидаги тавсияларга риоя қилсангиз, интервью пайтида ахборот энг кўп даражада аниқ ва ишончли бўлишига эришишингиз мумкин:

- аниқ саволлардан фойдаланинг;
- суриштиришни хронологик тартибда олиб боринг; шу тарзда сиз эҳтимол тутилган зиддиятларни осонроқ аниқлайсиз ва ойдинлаштирасиз;
- зарур бўлганда саволларингиз шаклини ўзгартириб, зиддиятларга турли нуқтаи назарлардан қаранг, интервью бераётган киши ҳижолат бўлиши ёки саволингизни тушунмаслиги мумкин;
- юз берган воқеани кузатиб турган гувоҳлар бўлган-бўлмаганлигини аниқланг; чеккага суреб қўйилган тиббиёт хулосаси ёки судга берилган ариза нусхаси каби тасдиқловчи бирон-бир ҳужжат борми; тасдиқловчи ҳужжатлар гувоҳликнинг ишончлилигини ошириши ва ҳукуқий ҳимоя воситаларига эга бўлиш имкониятини кучайтириши мумкинлигини тушунтиринг;
- интервью бераётган кишининг ўзини тутишини кузатинг, гавдасининг ҳаракатидан маъно изланг ва ўзингизга бу одамга ишониш мумкинми, деган саволни беринг. Сиз, шунингдек, интервью бераётганинг маданияти хусусиятларини, унинг жинси ва руҳий ҳолатини ҳисобга олишингиз керак.

Интервью бераётган шахс мустаҳкамловчи далиллар мавжудлигини айтганда, имкон бўлса, уларни қўлга киритишга ҳаракат қилишингиз керак.

Ўз хулоса чиқариш лаёқатингиздан фойдаланишнинг аҳамияти қатта — гувоҳликнинг аниқлиги ва ишончлилигига шубҳангиз бўлса, бунинг тасдиғини излаш мақсадга мувофиқдир. Гувоҳлик ишончли эканлигига шубҳангиз бўлса, у ҳолда бошқалар ҳам, жумладан, сизнинг ахборотингизни унинг тақдим этилиш шаклидан келиб чиқиб қарашлари туфайли, шубҳалана бошлийдилар. Агар шубҳаларингизни бартараф эта олмасангиз, ахборотни тайёрлаш учун унда кўрсатилган фактларни тасдиқлаш ёки инкор этишга сарфлаганингиздан кўра кўпроқ вақт сарфлашингизга тўғри келади.

Ёдда тутинг: агар инсон ҳавф остида колмокла ва шошилинч чора кўриш даркор, деб ҳисоблаш учун сизда асосли сабаб бўлса, у ҳолда сиз, ахборотнинг ишончлилиги борасида шубҳа бўлиши мумкинлигига қарамай, тезкорлик билан иш кўришингиз зарур — бундай холларда инсоннинг ҳавфсизлиги жуда мухимлиги аён бўлиши керак.

### 3. ҚИЙНОҚЛАР ҲАҚИДА ГУВОҲЛИК БЕРУВЧИ КИШИ БИЛАН ИНТЕРВЮ

#### 3.1. Кириш

Қийноқ қўлланилганлиги ҳолати тўғрисидаги гувоҳликни ҳужжатлаштириш — бу бутун ариза бериш жараённада муҳим жиҳатдир. Кейинги босқичларда ахборотдан қай тарзда фойдалана олишингиз айнан мана шунга боғлиқ бўлади. Бошқа томондан, ушбу жараённи ўзлаштириб олиш ёки унга ҳар қандай вазиятда ҳам қўлласа бўладиган универсал тус бериш жуда қийин. Гувоҳликни ҳужжатлаштиришни бошлашдан олдин ходимларни интервью олиб бориш техникасига ўргатиш ҳар қандай ноҳукумат ташкилотнинг тайёрлаш дастурининг бир қисми бўлиши керак. Шу сабабли ушбу қўлланмада бу хилдаги ахборот келтирилмайди. Қыйидаги принциплар ва кўрсатмалар хотира ёзувлари сифатида фойдаланишга мўлжалланган ва ходимларни тегишлича тайёрлашнинг ўрнини босмайди.

Қийноқ тўғрисида гувоҳликни:

- жабрланувчи;
- жабрланувчининг қариндошлари;
- гувоҳлар, масалан, кишини кўздан кечирган врач, уни қамоққа олингунга қадар кўрган ёки қийноқ пайтида ҳозир бўлган кишилар бериши мумкинлигини ёдда туting.

Барча ҳолларда ахборотни гувоҳлик берувчи киши билан савол-жавоб қилиш орқали олиш мумкин. Гувоҳлик берувчи билан қилинган савол-жавоб сизни бошқа гувоҳларни излашга, масалан, жабрланувчи билан бир камерада бўлган маҳбусларни, ёки жабрланувчини кўздан кечирган врачни излашга ундаши мумкин (қаранг: II қисм, 5.3-боб).

#### 3.2. Умумий мулоҳазалар

Интервью олиб бориша қыйидаги тавсияларга амал қилиш зарур.

- Ўзаро бир-бирини тўлдирадиган, бироқ бир-бирига зид бўлиши мумкин бўлган икки муҳим талабни мувозанатга келтириш зарур. Булар: ҳар томонлама ахборот олиш зарурияти ва савол-жавоб ўтказилаётган одамнинг шахсий эҳтиёжларига риоя қилиш.
- ⇒ Бир томондан, дастурий қоида шундан иборатки, сизга ёки бошқа ҳар қандай кишига юз берган воқеани аниқ билиб олиш имконини берувчи мантиқий, аниқ ва батафсил гувоҳлик олиш учун бор кучни сарфлаш керак. Бу ахборот шундай ташкил этилиши керак-ки, унга асосланиб фактларни текшириш ва тергов олиб бориш мумкин бўлсин.
- ⇒ Бошқа томондан, интервью олувчи эътиборини воқеаларнинг изчиллигини тиклашга уринишга қаратиб, савол-жавоб жароҳат олган одам учун ўз-ўзидан анча ноҳуш нарса бўлиб чиқиши мумкинлигини ёддан чиқариши мумкин. Суҳбат пайтида ҳушёр бўлиб, чарчоқ ёки руҳий ҳаяжонланиш аломатлари пайдо бўлишини кузатиб бориш зарур. Шунингдек маданият нуқтаи назаридан тақиқланган мавзуларни, айниқса, сексуал зўравонлик ҳолатларида, ҳисобга олиш зарур. Агар одам чарчаган бўлса ёки ҳафсаласи пир бўлган бўлса, интервью унинг учун ноҳуш бўлишидан ташқари, олинган ахборотнинг ишончлилигига ҳам таъсир кўрсатиши мумкин.
- Энг кўп тафсилот олиш зарурати билан кўрсатма бериш жараёнига таъсир кўрсатмаслик ёки жараённи издан чиқармаслик муҳимлиги ўртасидаги мувозанатта ҳамма вақт риоя қилиш лозим. Фикрингизча бўлган эмас, балки ҳақиқатда содир бўлган фактларни ёзиб олишингиз керак.

- Сиз интервью оладиган ҳар бир одам, — у кимлигидан: жабрланувчининг ўзи, унинг қариндоши ёки гувоҳ бўлишидан қатъи назар, — ўзгаларнидан фарқ қилувчи ўз тарихга эга бўлган алоҳида киши ҳисобланади. Ҳатто аниқ бир соҳадаги қонун бузилишининг умумий тенденциялари тўғрисида батафсил ахборотга эга бўлсангиз ҳам, ёки воқеа киши билан ҳақиқатда юз берганлигига шубҳаланмасангиз ҳам, барча жабрланувчилар айни бир нарсани айтиб беришларини кутмаслигингиз керак. Ҳар бир интервьюга нодир гувоҳлик сифатида муносабатда бўлинг.
- Қийноқлардан жабрланганлар ёки гувоҳлардан интервью оловчи гуруҳ аъзолари бу кучли руҳий ҳаяжоннинг манбаи бўлиши мумкинлигини аниқлашади. Улар ўз ҳис-туйғуларини ва муносабатларини ўзаро муҳокама қилишга ва, зарур бўлса, профессионаллар хизматидан фойдаланишга тайёр туришлари керак.

### 3.3. Интервью ўтказиш

#### 3.3.1. Дастлабки қоидалар

Олинган ахборотга асосланган розилиқ, касб олоби ва хавфсизлик борасидаги I қисм, 2, 3-бобларни батафсил ўрганишни унутманг. Ушбу қоидалар интервью ўтказиш жараёнининг ажralmas қисми ҳисобланади. Бундан ташқари, интервью бераётганга тушунтиришингиз керак бўлган бошқа жиҳатлар ҳам бор.

#### 3.3.2. Интервьюни нимадан бошлаш керак?

Интервюни ўзингиз ва ташкилотингиз, мақсадларингиз ва ўзингиз олмоқчи бўлган ахборотни қўлашнинг мумкин бўлган усуллари тўғрисида ахборот беришдан бошлаш зарур. Агар интервью олиш учун кишини, исмини олдиндан билиб олиб, чақирган бўлсангиз, ушбу ахборотни қаердан олганлигингизни айтишингиз керак. Қайдлар қилишингизга, ёзиб оладиган аппаратдан ёки таржимон хизматидан фойдаланишингизга интервью берувчининг эътирози йўқлигига ишонч ҳосил қилинг. *Олинган ахборотга асосланган розилик тўғрисидаги масалани муҳокама қилинг*, ва ушбу киши мазкур тартиб-қоидага эътиroz билдирмаётганлигига ишонч ҳосил қилгач, савол-жавобнинг махфийлигини таъкидланг. Интервью берувчи рўёбга чиқмайдиган нарсага умид боғлашига кўмаклашмаслик жуда муҳим, — сиз ҳар қандай гувоҳликни кўриб чиқиш жараёни узоқ вақтни олиши ва чекланган натижаларга олиб келиши мумкинлигини тушунтириб қўйинг.

#### 3.3.3. Интервью вақтида ёзиб бориш зарурми?

Интервюнинг боришини бир бошдан ёзиб бориш жуда муҳим — бу ахборот юксак даражада аниқ бўлишини таъминлаш учун зарурдир. Бироқ бу ёзилгандардан қай тариқа фойдаланишингизни ва уларни кимлар кўриши мумкинлигини интервью бераётганга тушунтириб қўйиш керак. Айрим ҳолларда шунчаки тинглаган (масалан, унча катта бўлмаган полиция/милиция участкасида), сўнгра ёзиб қўйган маъқулроқ бўлади.

#### 3.3.4. Интервьюни ким ўтказиши керак?

Бирор киши билан, хусусан қийноқقا дучор қилинган билан интервью олиб бориш ҳам ҳиссий, ҳам жисмоний нуқтаи назардан унча осон бўлмаган юмуш бўлиши мумкин. Интервью оловчи интервью бераётган билан бир ўзи ишлаганда, айниқса, қийинчиликлар пайдо бўлиши мумкин, чунки интервью оловчидан бир вақтнинг ўзида саволлар бериш, тинглаш, интервью бераётган билан муносабатлар ўрнатиш, мураккаб ҳиссий вазиятни эплаш, ёзиб бориш ва интервью бераётганнинг гапларидағи тушириб қолдирилган жойларга ҳамда зиддиятларга эътибор бериш талаб

этлади, — бу вазифанинг уддасидан деярли чиқиб бўлмайди. Агар имкон бўлса, интервьюни икки киши бўлиб олиб бориш тавсия этилади. Бир киши саволлар беради, иккинчиси ёзб боради. Интервью олувчиларнинг ҳар иккаласи бир-бирини тўлдирувчи хусусиятларга эга бўлса, мисалан, биттаси тиббиёт соҳасида эксперт, иккинчиси — ўз ишини яхши билган хуқуқшунос бўлса, нур устига аъло. Шунда барча жиҳатлар яхши ўйлаб кўрилади ва барча зарур саволлар берилади. Интервью бераётганни саросимага солиб қўймаслик учун ҳамда у билан муносабат ўрнатиш мақсадида интервью олаётганлардан бири саволлар берилиши учун жавобгар бўлиши, иккинчиси интервьюнинг охирги босқичида мулоқотта киришиши назарда тутилиши керак.

### **3.3.5. Таржимонлар хизматидан фойдаланишда ҳисобга олиниши лозим бўлган алоҳида жиҳатлар**

- Интервью берувчи таржимоннинг иштирок этишига эътиroz билдири маслигига ишонч ҳосил қилинг, шунингдек таржимоннинг касб билан боғлиқ бурчи маҳфийликка риоя қилишни тақозо этишини тушунтиринг.
- Таржимон интервью мазмуни билан боғлиқ бўлган руҳий қийинчиликларга дуч келиши мумкинлигига тайёр туриңг.
- Таржимон интервью пайтида олинган ахборотнинг буткул маҳфийлигини сақлаш талабларини тўлиқ англашига ишонч ҳосил қилинг. Бу, айниқса, нопрофессионал таржимонлар хизматидан фойдаланганингизда муҳимдир.
- Нопрофессионал таржимонлар мунозарага профессионал таржимонларга қараганда осонроқ киришишлари мумкинлигини ҳисобга олинг. Уларнинг иши интервью бераётганнинг сўзларини аниқ таржима қилишдан иборат эканлигини тушунтириш муҳим. Агар таржимоннинг шахсий тажрибаси мавжуд бўлса ва уни сизга айтиб бериш истаги бўлса, унинг учун алоҳида интервью тайинлашингингизни маълум қилинг.
- Мутлақо зарур бўлган ҳоллардан ташқари пайтда маҳаллий кишилар ёрдамидан фойдаланманг. Бу интервью бераётганда ишончсизлик келтириб чиқариши ҳамда таржимонни хавф остига қўйиши мумкин. Бу қурбон билан бир камерада бўлган маҳкумларга, оила аъзоларига ва бошқа қариндошларига ҳамда мазкур вазиятга алоқадор бўлган бошқа ҳар қандай кишига бирдай тегишилдири. Шунингдек айрим халқлар маданиятига оила аъзолари кўпинча бир-бирларини қўллаб-қувватлаши хос, бошқа халқларда эса айрим масалаларни улар ҳузурида муҳокама қилиш фоят ножоиз эканлигини ҳисобга олиш зарур. Мисалан, аёл жинсига мансуб қурбон учун сексуал масалаларни эркаклар жинсига мансуб оила аъзолари иштирокида муҳокама қилишга тақиқ қўйилган бўлиши мумкин. Агар сиз ёки сизнинг маҳаллий ташкилотингиз аъзолари маҳаллий бўлсангиз, у ҳолда сиз маҳаллий халқ маданияти хусусиятларидан яхши боҳабарсиз — бу хусусиятлар назар-писанд қилинмаслигига йўл қўйманг.
- Интервью пайтида бошқа бир фаолият билан шуғулланиб кетмаслик керак: ҳатто сиз интервью бераётган киши билан тўғридан-тўғри гаплашмаётган бўлсангиз ҳам, унга нисбатан ўзаро ишонч туйғусини сақлаб қолиш фоят муҳим — сиз шу тарзда сўзлаётган кишининг гапига қизиқаётганлигини исбот қиласиз.

### **3.3.6. Интервью бераётган киши ўзини эркин тутишига қандай эришиш мумкин?**

Интервью инсонда ёмон муомала билан боғлиқ чукур шахсий кечинмаларни уйғотиши мумкин, бу эса интервью берувчига оғир таъсир кўрсатиши мумкин. Сиз интервью олиб борилаётган вазиятга таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлмаслигингиз мумкин, бироқ қўйида келтириладиган тавсиялар интервью берувчининг ҳолатини енгиллаштириши мумкин.

- Фоят қулай норасмий муҳит яратишга интилинг — бу бошқа шахсларнинг иштирокисиз бўлгани маъқул (агар кимдир ҳозир бўлса интервью берувчи ўзини яхшироқ ҳис қилган ва у одам интервьюга аралашмасликка розилик берган ҳоллардан ташқари).

## II ҚИСМ. ГУВОҲЛИКНИ ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ

- Агар интервьюни маҳфий вазиятда олиб бориш имкони бўлмаса, ҳеч бўлмаганда, бошқалар сизнинг сұхбатингиз эшитилмайдиган масофада бўлишига интилинг.
- Сизнинг ўтириши ҳолатингиз, сиз интервью берувчига нисбатан қай тахлит ўтирганингиз унинг ўзини тутишига таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, интервью ёпиқ бинода ўтказилаётган бўлса, олдинга эгилиш бирмунча таҳдиддек қабул қилиниши мумкин, айни пайтда бошқа ҳолларда бундай қилмасангиз — бу қизиқиши йўқлиги сифатида қабул қилиниши мумкин. Айримлар интервью берётган кишига яқинроқ ўтиришни афзал билишади, бошқалар масофа сақлашга ва тегиниб кетмасликка интилишади. Атрофинингизга яхшилаб разм солинг ва интервью берётганинг қўл ҳаракатларини кузатинг — шундай қилиб сиз ушбу ҳолатда қандай иш тутиш маъқул эканлигини тўғри баҳолайсиз.
- Танаффус қилиш имкониятини назарда тутинг.

### 3.3.7. Одамлар сиз билан гаплашишдан жуда қўрқиб қолган вазиятларда қандай йўл тутиш керак?

Айрим интервьюлар нисбатан хавфсиз жойларда ўтказилиши мумкин, бироқ вазият ҳамма вақт ҳам бундай қулай бўлавермаслиги мумкин. Жумладан, бу интервью берувчи ҳибса сақланаётган ҳолатларга тегишилдири. Сиз унга хавфсиз муҳит яратадиган (хавфсизлик масалалири борасидаги тафсилотлар учун I қисм, 2, 3-бобларни қаранг), бироқ сиз инсонни ортиқча хавфга дучор қилмаслик учун муайян чора-тадбирлар кўришингиз мумкин.

- Кишининг интервью беришга розилигини олинг (қаранг: I қисм, 2, 3-боблар).
- Ёмон мумомала ҳолатлари тўғрисида кўрсатма берган одамларнинг номларини уларнинг розилигисиз ҳеч қачон маъмурларга айтманг.
- Кишилар кўпчилик орасида, масалан, полиция/милиция бўлими сингари қамоққа олингандар унча кўп бўлмаган жойларда, ўзини сизга ахборот берган манба сифатида (шу жумладан онгиз равишда) тан олишидан қочинг. Ҳар хил маҳбуслардан интервью олишда айни бир хил тартиб-қоидага риоя қилинишини кузатиб боринг. Кўрсатмаларга сизнинг ахборот манбаингизни маъмурлар билиб олишига ёрдам берадиган тарзда муносабатда бўлманг. Агар қандайдир масала, масалан, милиция/полиция участкасининг бошлиғи жалб этилган ҳолда дарҳол ҳал қилиниши зарурлигини ҳис этсангиз, биринчи навбатда ўзингизга интервью берётган киши билан маслаҳатлашишингиз ва ҳеч қачон уларнинг розилигисиз бирор расмий шахсга мурожаат қилмаслигинги лозим.
- Интервью берувчиларга, агар сизга ахборот берганларни учун улар ёки қариндошларидан кимдир қўрқитилса ёки уларга тазиқ ўтказилса, бу ҳақда сизга маълум қилишлари кераклигини аниқ тушунтиринг. Уларга ўзингиз билан алоқа қилиш мумкин бўлган маълумотлар битилган ташриф карточкангизни беринг ва улар сизни ўз вақтида хабардор қилишлари мухимлигини таъкидланг.
- Агар, жабрланувчи хавфга дучор қилинмоқда деб ҳисобласангиз, ҳужжатлаштириш жараёнини мақбул муддатларда тутатиш учун барча саъй-ҳаракатларни қилинг. Олиб борилган барча интервьюларни ёзиб боринг ва, агар сизда яна ташриф қилиш имконияти мавжуд бўлса, интервью ўтказиш учун аввал интервью олинган шахслар билан учраштиришни илтимос қилинг.

### 3.3.8. Турма ёки маҳбуслар гуруҳ қилиб сақлападиган бошқа жойларда интервью ўтказишда ҳисобга олиниши керак бўлган бирор алоҳида жиҳатлар мавжудми?

Агар сиз турмада ёки бошқа қамоқ жойларида интервью олиш ниятингиз бўлса, у ҳолда сиз турмаларнинг гуруҳий динамикасини ва тузилмасини билишингиз зарур бўлади.

- Камера оқсоқоли ёки маҳкумларнинг вакили бўлган ҳолларда интервьюни мана шу киши билан олиб борган ва уларни ҳамкорлик қилишга давлат этган маъқул. Узоқ вақт қамоқда ётганлар орасида қандайдир иерархия бўлиши мумкин, бу ҳақда олдиндан хабардор бўлиш керак.

- Имкон бўлса, барча маҳбуслардан интервью олиш керак. Маҳбуслар сони кўп бўлган қамоқ жойларда бунинг имкони бўлмаслиги мумкин, бироқ сиз ҳеч бўлмаганда қандайдир бир тоифага мансуб маҳкумлардан сўраб чиқишга интилишингиз керак.
- Агар интервью турма камерасида ёки ётоқхонада олинаётган бўлса, сиз ўзингизни таниширишингиз ва мақсадингизни тушунтиришингиз ҳамда интервьюни бутун гуруҳ билан ўтказишингиз мумкин, бироқ сиз ҳар бир маҳбусдан алоҳида сўраб чиқишингиз керак. Хонада бошқа шахслар бўлиб, маҳфийликни таъминлаш имконияти бўлмаса ҳам ҳар бир киши билан навбати билан гаплашишга интилинг.

### **3.3.9. Руҳий жароҳат етказадиган масалаларни муҳокама қилишда қандай ёндашувдан фойдаланган маъқул?**

Қийноқ муносабати билан интервью олиб бориш кишига руҳий жароҳат етказиши мумкин, бироқ сиз жабрланувчига жароҳат етказадиган таъсир хавфини пасайтириш чорасини кўришингиз мумкин. Масалан:

- ўзингизнинг тап оҳангингиз, гапингиз ва муносабатингиз билан интервью берадиганга нисбатан эътибор ва ҳурматингизни билдиринг;
- маданий омилларни ҳисобга олинг ва суҳбатдошингиз мансуб бўлган маданиятда тақиқланган мавзуларни муҳокама қилишда, айниқса, эҳтиёткорлик кўрсатинг;
- интервью берадиганга ёрдам олиш ёки иш қайта кўриб чиқилиши имконияти юзага келиши мумкинлигини маълум қилинг;
- киши ўзининг шахсий ёки оиласий ташвишларини айтиётганда тингланг ва бунга имкон беринг;
- инсоннинг изтироблари ва тортган азобларини эътироф этинг, айни маҳалда касб доирасидан чиқманг, унинг барча талабларини қондира оладигандек таассурот қолдирманг;
- интервью берадиган ташвишлана бошласа, унга тазийқ ўтказишига уринманг; айрим жабрланувчилар ўз кечинмалари тўғрисида ҳикоя қилишга тайёр эмаслигини ҳисобга олинг;
- битта узок ва тез ўтказилган интервьюдан кўра, имконият бўлса, бир неча қисқа интервью ўтказган маъқул;
- интервьюни кутилмаганда бўлиб кўйманг; суҳбатни кам жароҳат етказадиган бирор мавзу билан тугаллашга ҳаракат қилинг.

### **3.3.10. Ахборотнинг ишончлилик даражасини қандай қилиб энг кўп ошириш мумкин?**

Ахборотнинг ишончлилик даражасини ошириш учун қуйидаги тавсияларга амал қилинг:

- йўлловчи саволлар, яъни қандайдир муайян жавобни тақозо этувчи саволлар беришдан қочинг. Масалан, «Қамоқда эканлигингизда қийноқقا дучор бўлдингизми?» деган савол йўлловчи савол ҳисобланади, «Сиз билан нимадир содир бўлдими?» деган савол эса бундай бўлмайди. Интервью давомида олинган далил сизники эмас, унинг ўзиники бўлиши жуда муҳим.
- интервью берувчини фикрини ўз сўzlари билан ифодалашга рафбатлантиринг;
- рўйхатдан фойдаланишдан имкон борича қочинг, чунки рўйхат элементлари интервью берадиганнинг кечинмаларига мос келмаганлиги учун у ноаниқликларга олиб келиши мумкин;
- зиддиятлар албатта сохта гувоҳликдан далолат бериши шарт эмаслигини ёдда тутинг. Интервью берадиган киши саросимага тушиб қолган ёки сизнинг саволингизни яхши тушунмаган бўлиши мумкин. Баъзан сиз ўша саволнинг ўзини бошқача шаклда бериш йўли билан зиддиятни ойдинлаштиришингиз мумкин;
- интервью берадиганни диққат билан кузатиб боринг; унинг гувоҳлиги чинлиги ёки сохтаги борасида ўзингизнинг шахсий таассуротингизни қайд қилинг.

### 3.3.11. Интервью ўтказаётган киши жинсига ёки гуруҳга нисбатан бирор муроҷаузасиз мавжудми?

Бу борада бирор аниқ қоида мавжуд эмас. Бу муайян интервью оловчиларга ёки интервью оловчилар гуруҳига боғлиқдир. Маданий ёки шахсий омилларга устунлик берган маъқул. Аёл кишидан интервью олинаётганда, айниқса, гувоҳлик сексуал хусусиятга эга бўлган қандайдир воқеа билан боғлиқ бўлса, умумий қоида сифатида аёл жинсига мансуб интервью оловчининг ҳозир бўлиши афзалроқ. Эркакларга нисбатан бунинг аҳамияти камроқ. Балки улар сексуал хусусиятга эга воқеа ҳақида аёл киши билан сұхбатлашишни маъқул кўришар, бироқ айрим халқларда бунга йўл қўйилмаслиги мумкин. Таржимоннинг жинсини ҳам ҳисобга олишни унутманг.

### 3.3.12. Болалар билан интервью ўтказилаётган ҳолатларда бирор муроҷаузасиз мавжудми?

Болалар билан интервью олиб боришдан кўзланган асосий мақсад — уларга зиён етказмаслик. Болалардан интервью олиш катталардан интервью олишдан жиддий фарқ қилишини ҳисобга олиш зарур. Интервью оловчилар болалар билан ишлашда бирмунча тажрибага эга бўлишлари ва интервью, оқибатда, фойдалан кўра кўпроқ зарар етказиши ҳам мумкинлигини англашлари зарур. Интервью оловчилар болалар билан муомала қилишда тажриба ва билимга эга бўлганлари маъқул. Агар интервью оловчи илгари бундай интервью ўтказмаган бўлса, жараённи яхшироқ тушуниб олиш учун интервью берувчилар гуруҳи билан интервью олиб боришни машқ қилиши тавсия этилади. Қўйида келтириладиган тавсияларга амал қилинг.

- Болалар қийноқнинг ўзидан ташқари, ёки унинг ўрнига, бошқа кишилар, қийноқقا солинганилигига, жумладан, ота-оналари ёки яқин оила аъзолари қийноқقا дучор этилганилигига мажбуран гувоҳ бўлган бўлишлари мумкин. Бунинг уларга кўрсатадиган таъсирини етарлича баҳоламаслик мумкин эмас.
- Интервью пайтида болалар учун хавфсизлик муҳитини яратиш ва уларни қўллаб-қувватлаш жуда муҳимдир. Бунга ота-оналардан бири, қариндоши ёки васий, ёхуд, агар бола хизматидан фойдаланиб юрган бўлса, профессионал руҳшунос ҳозир бўлиши йўли билан эришилади.
- Энг муҳими — интервью пайтида боланинг хатти-ҳаракатини кузатиб бориш: болаларнинг ўз фикрини ифодалаш қобилияти уларнинг ёши ва ривожланиш даражасига боғлиқ бўлади, шу сабабли улар билан нима юз берганлигини уларнинг сўзларига қараганда хатти-ҳаракати кўпроқ билдириши мумкин.
- Болалар тезда чарчаб қолишини ҳисобга олиш ва уларга тазиик ўтказмаслик зарур.
- Агар бола жисмоний ёки сексуал зўравонлик қурбони бўлган бўлса, тиббий текширув тегишли малакага эга бўлмаган шифокор томонидан ўтказилиши мумкин эмас.
- Бола интервьюдан кейин ҳам қўллаб-қувватланишига ҳаракат қилинг.

## 4. ЁЗИБ ОЛИНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН АХБОРОТ

### **МУХИМ МУЛОҲАЗА:**

Куйида келтириладиган кўрсатмалар тўпланиши зарур бўлган ахборотнинг мақбул ҳажмига эришишга мўлжалланган. Бироқ булар қатъий қоидалар эмас, келтирилган тавсиялардан аниқ вазиятдан келиб чиқиб фойдаланиш зарур. Аниқ ҳолатда керак бўлмайдиган ёки улар туфайли мавжудлигини сиз олдин билмаган бошқа муҳим жиҳатларни қўлдан чиқариб юборишингиз мумкин бўлган қандайдир муайян миқдордаги тафсилотлар олишга берилиб кетмаслик муҳимдир. Эътибор берилиши керак бўлган яна бир жиҳат — бу инсонни ҳурмат қилиш. Унга борйўғи ахборот манбаи сифатида қараманг, акс ҳолда сизнинг интервьюингиз қандайдир сўроқ шаклини олади.

Гувоҳликнинг аниқлик даражаси тўғрисида ўз таассуротингизга амал қилинг. Интервью пайтида сиз тушунмайдиган ёки ноаниқ бўлган, чалакам-чатти ё бир-бирига зид бўлган бирор жиҳат борми, деб ўзингиздан сўранг. Гувоҳлик мантиқий эканлигига ишонч ҳосил қилинг. Оқ доғлар ва зиддиятлар устида иш олиб бориш сиз аввал ўйламаган элементларни аниқлашиши мумкин. Сиз тайёрлаётган қайдлар идеалда ҳеч бир саволни жавобсиз қолдирмасдан, воқеалар изчилигини тиклашингизда ёрдам бериши мумкин.

Куйида санаб ўтиладиган тафсилотлар йўқлиги боисидан ариза беришни орқага сурманг (улар ишга бевосита алоқадор бўлмаслиги ёки муҳим бўлмаслиги мумкин). Бироқ сизнинг ахборотингиз ариза бериш учун қўйиладиган энг кам талабларни қондиришига ишонч ҳосил қилинг. Унга мувофиқ (I қисм, 3.3-бобга қаранг) **қурбон давлат мансабдор шахслари** томонидан уларнинг ғаламислиги ёки рухсати билан ёки сукут сақлаган ҳолда розилик бериши билан **ёмон муомалага** дучор қилинганлиги ёки шундай муомалага дучор қилиниши мумкинлиги кўрсатиб берилиши керак.

### 4.1. Моделли ахборот

#### **СИЗ ҚУЙИДАГИЛАРНИ АНИҚЛАШИНГИЗ КЕРАК:**

- |  |   |
|--|---|
| <ul style="list-style-type: none"> <li>• КИМ қонун бузилишини содир этди?</li> <li>• Қонунни бузиш НИМАДАН иборат?</li> <li>• КИМ қонун бузилишининг объекти ҳисобланади?</li> </ul> | <ul style="list-style-type: none"> <li>• ҚАЧОН, ҚАЕРДА, НИМА УЧУН ВА ҚАНДАЙ ҚИЛИБ?</li> </ul> |
|--|---|

#### **4.4.1. Ушбу саволларнинг жавоби учун қандай тафсилотлар зарур?**

Ахборот қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши зарур:

1. ҚУРБОННИНГ (ҚУРБОНЛАРНИНГ) ШАХСИ;
2. ҚОНУННИ БУЗУВЧИНИНГ (БУЗУВЧИЛАРНИНГ) ШАХСИ;
3. ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ҚУРБОН ДАВЛАТ МАНСАБДОР ШАХСЛАРИ ҚЎЛИГА ТУШИБ ҚОЛГАН;
4. ҚУРБОН ҚАМОҚДА САҚЛАНГАН ЖОЙ;
5. ҚУРБОННИ ҚАМОҚДА САҚЛАШ ШАРОИЛЛАРИ;

## II ҚИСМ. ГУВОХЛИКИИ ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ

6. ЁМОН МУОМАЛА ШАКЛИНИНГ ТАВСИФИ;
7. РАСМИЙ МАЪМУРЛАРНИНГ ВОҚЕАГА МУНОСАБАТИ (ШУ ЖУМЛАДАН БИРОР-БИР МУНОСАБАТ БИЛДИРИЛМАГАНЛИГИ).

### ҚУРБОННИНГ (ҚУРБОНЛАРНИНГ) ШАХСИ

Киши тўғрисида қанча кўп маълумот олинса, қурбоннинг шахсини аниқлаш учун имконият шунча кўп бўлади.

- Тўлиқ исми (шу жумладан отасининг исми — айрим халқларда бу катта аҳамиятга эга бўлиши мумкин).
- Жинси (буни исмидан билиб бўлмаслиги мумкин).
- Туғилган санаси/ёши.
- Машғулот тури.
- Манзили.
- Ташқи кўриниши, шу жумладан алоҳида белгилари.
- Курбоннинг ҳаёт пайтидаги ва ўлимидан кейинги фотосуратлари (экспертлар суратларни ўрганиб, ёмон муомаланинг бирор аниқ белгиларини пайқашлари мумкин).
- Курбоннинг ҳибсга олингунча ёки қамоқда сақлангунча соғлигининг ҳолати тўғрисида гувоҳлик: тиббий хуросалар, гувоҳларнинг шоҳидлиги ва бошқалар. Ёдда тутинг: одатда исми номаълум бўлган тақдирда шошилинч чоралар кўриб бўлмайди.

### Қонунни бузувчи (қонунни бузувчилар)нинг шахси

. Қонун бузилиши фактини аниқлаш учун қурбон давлат мансабдор шахслари томонидан бевосита ёки уларнинг сукут сақлаган ҳолда розилик бериши билан қамоқда сақланганлигини ёки қўлга олинганлигини, ёхуд қурбонни ёмон муомаладан ҳимоя қилиш учун давлат мансабдор шахслари тегишли чоралар кўрмаганлигини исботлаш зарур. Қонунни бузувчилар давлат тузилмаларига тааллуқли эканлигини исботлай олсангиз, муайян қонунбузарлар шахсиятини аниқлашингиз шарт эмас (гарчи шундай имконият мавжуд бўлса, буни қилиш керак бўлса ҳам).

- Курбонни ким қўлга олган? Идеал ҳолатда сиз одамларнинг **сонини, номини**, уларнинг **унивопларини** ва **бўлинмани** кўрсатишингиз керак. Агар ушбу тафсилотлар номаълум бўлса, у ҳолда қўйидаги тафсилотлар фойдали бўлиши мумкин.
- Улар қайси **бўлинмага** қарашли эди: хавфсизлик кучларигами, ҳарбий бўлинмаларгами ёки парламент бўлинмаларигами?
- Улар қандай кийим кийишган: расмий кийимдами ёки фуқаролик **кийимида** бўлишганми?
- Уларнинг **қўриши** қанақа эди: уларнинг бирор характерли хусусияти бор эдими?
- Уларнинг ёнидаги **қуроллари** қанақа эди? Куролларнинг айрим турлари бўлинмаларнинг бирор аниқ турига тегишли бўлиши мумкин.
- Қандай **транспорт воситаларида** фойдаланишган? Машина марказланган эдими, рақами ёки рўйхатдан ўтиш маълумотлари ёзилган эдими?

### ҚУРБОН ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ДАВЛАТ МАНСАБДОР ШАХСЛАРИ ҚЎЛИГА ТУШИБ ҚОЛГАН?

Ўғирлаш ёки қамоқда сақлаш учун фойдаланилган усул, шунингдек кейинчалик қилинган муомала ушбу минтақада фаолият кўрсатувчи бирор аниқ гурӯҳ учун ўз-ўзидан хос бўлиши мумкин (ушбу факт халқаро ҳуқуқий органлар томонидан олдин олинган аризалар асосида аниқлаштирилиши мумкин), — бу қурбоннинг қонунни бузувчилар томонидан қамалиши фактини аниқлашга ёрдам бериши мумкин.

- Жабрланувчи қаерда ҳибсга олинган: уйдами, кўчадами, диний зиёрат амалга оширилаётган жойдами, ҳарбий базадан ташқаридами ва бошқалар.
- Жабрланувчи қачон ҳибсга олинган? Тахминий санани, ойни ёки йил фаслини кўрсатиш зарур. Воқеа қай пайтда: эрталаб, кундуз куни ёки тунда юз берганлигини аниқлаштиринг.

- Бу воқеа қандай юз берди? Ҳаракат қилиш эркинлигини чекловчи бирор шаклдан фойдаланилдими? Бунда гувоҳлар бормиди? Агар тафсилотлар номаълум бўлса, жабрланувчины охирги марта ким кўрганлигини ва ким билан бўлганлигини аниқлаш зарур. Бирор бир огоҳлантириш олинганди? Киши полиция/милиция участкасига чақирилганми? Бу воқеа кўча намойиши пайтида содир бўлганми?
- Ҳибсга олиш учун бирор **асос** келтирилганми? Ҳатто ҳеч бир асос келтирилмаган бўлса ҳам, ҳибсга олишнинг эҳтимол тутилган сабабини бериладиган саволлар типидан ва қамоққа олиш ҳолатидан аниқлаш мумкин.

### ҚУРБОН САҚЛАНДИГАН ҚАМОҚ ЖОЙИ

Қурбонлар маълум бир жойда сақланиши ёки шаҳарнинг бирор қисмига олиб борилган ва сўнгра қўйиб юборилган бўлиши мумкин; ёмон муомала бир жойдан бошқасига кўчириш пайтида ҳам юз бериши мумкин.

- Полиция/милиция участкаси, ҳарбий қисм, қамоқда сақлаш жойи ва бошқаларнинг **номи ва жойлашгани ўрини**.
- Қамоқда сақлаш **муддати**.
- Жабрланувчи бошқа бирор жойга **ўтказилганми**? Агар ўтказилган бўлса, ким томонидан? Бу тахминан қачон юз берган? Жабрланувчи у ерга қай тарзда етказилган? Ўтказиш сабаби тушунирилганми? Агар вақтинча ўтказилган бўлса, бу қанча вақт давом этган?

### ҚУРБОННИ ҚАМОҚДА САҚЛАШ ШАРОИТЛАРИ

Қамоқда сақлап шароитлари ёмон муомаланинг қисмларидан бири бўлиши мумкин, бироқ ушбу масала органлар томонидан ҳал этилади, уларга кўриб чиқини учун ариза берилади. Ҳар хил жабрланувчиларнинг йиғма гувоҳликлари махфий қамоқ жойлари мавжудлигининг исботи бўлиши мумкин. Сиз қамоқ жойининг тахминий схемасини чиза олишингиз мумкин, шу сабабли кўпроқ тафсилотларни қайд этган маъқул.

Жабрланувчидан қамоқ жойини, жумладан, камерани ёки ўзи ётган ётоқхонани, шунингдек жабрланувчи кўрган бошқа хоналарни, шу жумладан сўроқ қилиш жойларини батафсил тасвирлаб беришни илтимос қилинг. Баъзи ҳолларда жабрланувчининг кўзини боғлашади. Бундай ҳолларда улардан бошқа туйгуларни — товуш, ҳид, сезгини тасвирлаб беришни илтимос қилинг. Куйида қамоқда сақлаш шароитларини ҳужжатлаштириш учун зарур бўлган ахборот келтирилади.

- **Хопаларнинг бинога нисбатан жойлашиши:** жабрланувчи зинопоялардан тушишига ёки кўтарилишига тўғри келганми? Атрофдаги товуш ва ҳид қанақа эди? Бир жойдан бошқасига олиб борилганда жабрланувчи жой билан боғлиқ муайян мўлжалларни пайқаганми? Камера деразасидан нималарни кўриш мумкин эди?
- **Камеранинг катталиги қанақа эди?** Девор, шифт, пол ва эшик қандай материалдан қилинган эди? Эшикнинг шакли қанақа эди? Камерада одатдан ташқари бирон нарса бормиди?
- **Камерада бўлган бошқа шахслар:** камерада бошқа кишилар ҳам бор эдими; агар бўлса, неча киши эди? Камерадаги шахслардан биронтаси гувоҳ бўлиши мумкинми? Камерада бўлганлардан кимдир жабрланувчининг соғлиғи ҳолатини сезиши мумкинми? Бу шахслар қандай жисмоний ҳолатда эдилар?
- **Яккараб қўйиш:** жабрланувчи якка ўзи сақланган бўлса, бу қанча вақт давом этган ва у қандай қилиб яккараб қўйилган?
- **Камерадаги ашёлар:** хонада нима бор эди: кровать, мебель, ҳожатхона, раковина ва бошқалар.
- **Камерадаги иқлим:** камерада ҳарорат қанақа эди? Қандайдир вентиляция бор эдими? Камера заҳ эдими?
- **Ёруғликнинг миқдори:** камерада ёруғлик бор эдими? Бу дераза орқали тушаётган табиий ёруғлик эдими ёки электр нури эдими? Чироқ куннинг қайси пайти ёнар эди? Унинг хусусиятлари, масалан, ранги ва интенсивлиги қандай эди?

- **Гигиеник шароитлар:** шахсий гигиенага амал қилиш имконияти бор эдими? Жабрланувчи ҳожатхонага қаерга борар эди ёки қандай ювинар эди? Гигиенанинг умумий даражаси қанақа эди? У ерда қандайдир паразитлар бормиди?
- **Кийим-кечак:** маҳбуслар қандай кийим кийишар эди ва уни алмаштириш ёки ювиш имконияти бор эдими?
- **Овқат ва ичимлик сув:** овқат ва сув қанчалик тез-тез ва қандай миқдорда берилар эди? Уларнинг сифати қанақа эди? Сув ва овқат билан ким таъминлар эди? Улар бепул берилар эдими?
- **Машқлар:** камерадан ташқарига чиқиш имконияти бор эдими? Агар бўлса, қанчалик тез-тез ва қанча муддатга чиқилар эди?
- **Режим:** қамоқда сақлашнинг қандайдир қатъий ва бир хил режимлари бор эдими?
- **Тиббий хизмат:** муассаса доирасида врач бор эдими? Маҳбусларнинг тиббий кўриқдан ўтиш ва маҳсус ажратилган жойда даволаниш имконияти бор эдими? Зарур дори-дармонлар бор эдими? Уларни ким етказиб берар эди?
- **Оила аъзоларининг келиб туриши:** маҳбусни кўргани оила аъзоларининг келишига йўл қўйилар эдими? Агар йўл қўйилса, учрашув қаерда бўлар эди? Уларнинг суҳбатини эшишиб туришар эдими? Оила аъзолари маҳкум қаерда қамоқда сақданаёттанилигини билар эдими?
- **Юридик ваколатхона:** юридик вакил билан учрапиш мумкин эдими? Бундай имконият биринчи марта қачон, яъни киши қамоқقا олингач, қанча муддатдан кейин берилди? Бундай имконият тез-тез берилар эдими? Ташрифлар қаерда бўлиб ўтар эди? Суҳбатни эшишиб туришмас эдими?
- **Суд органлари олдида ҳозир бўлиш:** жабрланувчи суд ёки магистрат олдида ҳозир бўлганми? Бу қачон юз берган, яъни киши қамоқقا олингандан кейин қанча вақтда юз берган?
- **Пора:** санаб ўтилган имкониятлардан бирортасига эга бўлиш учун пора беришга тўғри келганми?

### ЁМОН МУОМАЛА ШАКЛИНИНГ ТАВСИФИ

Ёмон муомала ҳам жисмоний, ҳам маънавий бўлишини эсда тутинг. Буларнинг иккаласидан бири ёки ҳар иккаласи қийноқ сифатида баҳоланиши мумкин. Ёмон муомала шакли фақат қонунни бузувчининг тасаввури билан чеклангандир, унинг тўлиқ рўйхатини келтириш мумкин ҳам эмас, мақсадга мувофиқ ҳам эмас. Ёмон муомала юз берган вақт ва жой қонунбузарни аниқлашда ёрдам бериши мумкин, масалан, ўша куни хизмат вазифасини бажарган мансабдор шахснинг номини текшириш йўли билан аниқлаш мумкин.

Жабрланганлардан ёки гувоҳлардан қўлланилган ёмон муомаланинг хусусияти тўғрисида сўраш даркор:

Бу айнан **каерла** юз берди; **німа** юз берди; бу қанчалик тез-тез бўлиб турар эди; бу курбон учун қандай **окибатлар** келтирган эди?

Сиз, шунингдек, жабрланувчилардан қўйидагиларни сўрашингиз мумкин:

- **Қонунбузарининг** (қонун бузарларнинг) шахси тўғрисида улар нималарни эслай оладилар?
- Ёмон муомала амалга оширилган **биноянинг** бирор фарқли белгилари бор эдими?
- Ёмон муомала пайтида **бошқа маҳбуслар** ҳозир бўлган бўлсалар, улар нималарни кўрган ва улар билан қандай воқеа юз берган?
- Ёмон муомала чоғида курбонга **саволлар** берилганми ёки курбон тўғрисида нимадир дейилганми? Бу (агар шундай бўлган бўлса) ёмон муомаладан кўзланган мақсадни кўрсатишга хизмат қилиши мумкин.

- Юз берган воқеани аниқ тавсифлаш ва бу қанчалик тез-тез юз бериб турганини билиш учун (агар ёмон муомала жисмоний азоб бериш билан боғлиқ бўлса), сиз жабрланувчи-дан фойдаланилган асбобларни тавсифлаб беришни, шунингдек тананинг ёмон муомала қилинган қисмларини айтиб беришни илтимос қилишингиз керак. Агар ёмон муомала руҳий хусусиятга эга бўлган бўлса, жабрланувчидан ўша вақтда ва ундан кейин нималарни ҳис қилганинги аниқ тавсифлаб беришни илтимос қилинг.
- Ёмон муомаланинг ҳар бир шаклига кишининг бевосита муносабати қандай бўлган?
- Киши қийноқдан кейин дарҳол тиббий даволанганими ёки кейинроқми? Шундай бўлган бўлса, буни аризангизга киритинг.
- Агар ёмон муомалагача (ёки ёмон муомала пайтида, ёхуд кейин) қандайдир тиббиёт ходимлари ҳозир бўлишганми? Улар ўзларини қандай таништиришган ва уларнинг роли нимадан иборат бўлган?
- Ёмон муомала туфайли узоқ вақт давом эттаги (жисмоний ёки руҳий хусусиятга эга бўлган) оқибатлар кузатилганми (ёки шундай ҳол давом этмоқдами)?

### Ноҳуш воқеага расмий ҳокимиятнинг муносабати

- Оила аъзолари расмий ҳокимиятга бирор-бир босқичда, шу жумладан қамоқда сақлашнинг илк босқичида, жабрланувчи ҳақида аҳборот тақдим этиш талаби билан ариза беришганми? Бирор жавоб олинганми?
- Агар жабрланувчи қамоққа олингандан кейин бирон-бир пайтда суд ёки магистрат ҳузурида жавоб берганми, кўйилган айб унга маълум қилинганми? Ўша пайтда юридик вакил ҳозир бўлганми? Бу вақтга келиб жабрланувчидан етказилган тан жароҳатлари сезилиб қолган эдими?
- Қамоқда сақлаш даврида ёки озод этилгандан кейин жабрланувчи врач билан учрашиш имкониятига эга бўлганми? У қандай врач эди, масалан, турма врачимиди, шахсий врачимиди ёки давлат муассасасида ишловчи врач эдими? Жабрланувчи врач ҳузурига қайтарэда этиб борган? Бу пайтда унга кимдир ҳамроҳлик қилганми? Тиббий текшириш пайтида кимдир ҳозир бўлганми? Врач тиббий хулоса ёзганми? Унда нималар ёзилган? Бу вақтга келиб жабрланувчининг танасида етказилган шикастнинг аниқ кўриниб турган алломатлари қолганми?
- Жабрланувчи ёмон муомалада бўлингани тўғрисида шикоят қилганми ёки бу ҳақда ҳокимият вакилига маълум қилганми? Қандай жавоб олинган?
- Тергов ўтказилганми? У нималарни ўз ичига олган? Қандайдир гувоҳлар сўраб кўрилганми? Тахмин қилинган қонунбузарлар сўроқ қилинганми? Агар жабрланувчи қамоқда вафот этган бўлса, ёриб кўрилганми?
- Жабрланувчи воқеа юз берганидан кейин уни қамоққа олган давлат мансабдор шахслари билан (ёки ўша бўлим ёхуд бўлинмадан бошқа мансабдор шахслар билан) алоқага киришганми?

#### 4.1.2. Гувоҳлик аниқлигига таъсир кўрсатмаган ҳолда тафсилотни қандай билиш мумкин?

Юз берган ноҳуш воқеани бунча тафсиллари билан хронологик тартибда тавсифлаб бериш кўпчилик жабрланувчилар учун осон иш бўлмаслиги мумкин. Сиз сұхбат йўналишини талаб этиладиган томонга бурган ҳолда уларга ёрдам беришингиз керак. Бироқ, мақсадингиз интервью берувчи айнан нималарни гапириши кераклигини кўрсатмасдан, балки сұхбатни йўналтиришдан иборат эканлигини ёдда тутинг? Ҳамма вақт умумий ёки очиқ саволлардан бошланг (яъни чекланмаган миқдордаги жавобларни назарда тутадиган саволлардан, масалан, «сиз билан қандайдир ҳодиса рўй бердими?» каби саволлардан бошланг), сўнгра ўзингизга берилган маълумотдан келиб чиқиб мавзуни торайтиринг.

## II ҚИСМ. ГУВОХЛИКНИ ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ

### АМАЛИЙ МИСОЛ:

Қуида бир воқеани тавсифловчи иккита мутлақо ҳар хил гувоҳлик келтирилади.

#### **БИРИНЧИ ГУВОХЛИК – СОДДАЛАШТИРИЛГАН ВАРИАНТ**

Хосе Торрес, 23 ёшда, 1999 йил 23 январда ҳибсга олинганилиги, X шаҳридаги полиция участкасига келтирилгани, сўнгра 25 январда айб қўйилмасдан озод қилингани ҳақидағи ариза билан мурожаат қилган. Аризада у ҳибсда бўлган даврида бошига бир неча марта урганликларини, бир марта эса, сўроқ пайтида полиция ходимлари томонидан электрошокка дучор қилинганилигини кўрсатади. Полиция ходимларининг исмлари номаълум қолган.

#### **ИККИНЧИ – ПУХТА ИШЛАБ ЧИКИЛГАН ГУВОХЛИК:**

Хосе Торрес, 23 ёшда, 1999 йил 23 январда эрталаб соат 5 да ўз уйида ҳибсга олинганилиги, X шаҳридаги полиция участкасига олиб борилгани, у ерга эрталаб соат 7 да етиб келгани ҳақида ариза берган. У ертўлада жойлашган, деразаси, ҳожатхонаси йўқ бир кишилик камерага қамаб қўйилган. Камерада каламушлар югуриб юрган.

Тахминан 4 соатдан кейин фуқаро кийимидағи икки ходим Хосени лифтда учинчى қаватга, узун йўлакнинг ўнг томонида жойлашган хонага олиб чиқсан. Офисда учта кул ранг пластик ва металл стул, ёғоч стол ва ичиди картотека бўлган учта жавон бўлган. Хонада калта жигарранг гилам, кичкина дераза ва эшик қаршисида ёпиқ жалюза бўлган. Деворда, эшикнинг чап томонида автомобиллар сурати туширилган календарь осилган. Ходимлардан бири ниҳоятда паст бўйли, жингалак сочли ва соқолли бўлган. Бошқа ходим кўз ойнак тақсан, сигарета чекиб турган, ўнг қошининг устида учбурчак тиритиқ бўлган. Сўроқ пайтида соқолли ходим уни «Сарж» деб атаган.

Хосе хонада икки соат бўлган. Бу вақт давомида тиритиғи бор ходим Хосени X шаҳрида иш кўрувчи гиёҳванд моддалар билан савдо қилувчилар гуруҳи ҳақида маълумот беришга мажбур қилмоқчи бўлган. Хосе ушбу гуруҳ тўғрисида ҳеч нарса билмаслигини айтганда, соқолли ходим Хосенинг қўлини орқасига қилиб киshan солиб, жавондан олингани сариқ рангли телефонлар маълумотномаси билан бошига кўп марта урган.

Хосени яна ўша камерага қайтариб олиб келишган. Ўн саккиз соатдан кейин фуқаро кийимидағи икки ходим яна унга келишган. Хосе улардан бири қоши устида тиритиғи бор киши эканлигини таниган. Иккинчисининг сочи калта, оқ-сариқ ва паст овозли бўлган. Уни яна учинчى қаватдаги ўша хонага олиб боришган. Бу гал оқ-сариқ сочли киши унга кўйлагини ечишни буюрган, кейин ўтирган Хосенинг қўлига киshan солган. Ўша ходимнинг ўзи столнинг чап томондаги тумбасидан ҳажми тахминан  $5 \times 7$  см бўлган тўртбурчак қора қутичани олган. Унинг бир учидан иккита сим чивиқ осилиб турган. У қутичани Хосенинг ўнг кўкрагига қўйган ва қандайдир тугмачани босган. Хосе кисқа визиллаган товушни эшигтан ва шу заҳоти кўкрагида кучли оғриқни сезган. Бу ҳол уч марта такрорланган. Тириқли ходим яна X шаҳрида иш олиб борувчи гиёҳванд моддалар билан савдо қилувчи гуруҳ ва кейинги ҳафтада келиши кутилаётган героиннинг катта партияси ҳақида сўраган.

25 январда Хосе айб қўйилмасдан озодликка чиқарилган.

НХТ вакили Мария томонидан Хоседан уйда олинган интервьюю пайтида Хосенинг ўнг кўкраги ёнида бир-бираидан 8 мм масофадаги иккита кичкина қизил белги, шунингдек кўл панжаси атрофида кўкарган қорамтири ва сариқ жой кўриниб турган. Хосе, шунингдек, белидаги лат еган жойларни ва буйраги яқинидаги шишни кўрсатган ҳамда сийдик чиқариш пайтидаги оғриқдан шикоят қилган. Бундан ташқари у боши доимий оғришидан ва қулоқлари шанғиллашидан шикоят қилган. У юз берган воқеани баён қилас экан, асабий кўринарди, кўзлари атрофида қора дөғлар бўлган ва, хона иссиқ бўлишига қарамай, қалтираётгани сезилган.

Биринчи гувоҳликда ноаниқликлар ёки хато маълумотлар йўқ — унда тафсилотлар етишмайди, холос. Бироқ натижага эришишда бундай тафсилотлар асосий рол ййнайди. Агар биринчи гувоҳлик ўрганиб чиқилса, унда қийноқ қўлланилганлиги тўғрисида ариза бериш учун асосий бўлган зарур элементлар (курбон, қонунбузар, давлат мансабдор шахслари билан алоқа)ни кўриш мумкин, бироқ ёмон муомаланинг тавсифи жуда оз келтирилган, қонунбузарлар шахсини аниқлаш ёки гувоҳликни тасдиқлаш имконини берувчи ёрдамчи маълумотлар жуда оз. Шу сабабга кўра биринчи гувоҳлик асосида амалий чоралар кўриш эҳтимоли жуда кам.

Иккинчи гувоҳлик, биринчисидан фарқ қилган ҳолда, жуда батафсил ва маълумотларга бой. У ахборотни тасдиқлаш учун кўп имкониятга эга. Бундан ташқари унда ариза бериш зарур бўлган асосий элементлар мавжуд, у шунингдек:

- аниқ қонунбузарлар тўғрисида кўплаб тафсилотларга эга, бу қонунбузарлар шахсини аниқлашда ёрдам бериши керак;
- ёмон муомала қилинган хонанинг жойлашишини тасвиirlайди, бу полиция участкасига борилган тақдирда уни таниш имкониятини беради;
- полиция участкасига борилган тақдирда ушбу ахборот ёмон муомалада қўлланилган асбобларни топиш имконини беради;
- қамоқقا олиш ва сўроқдан кўзланган мақсадни аниқ белтилаб беради;
- курбон сақланган жойдаги шароитни батафсил тасвиirlайди;
- ёмон муомалани тиббий экспертнинг қурбоннинг тан жароҳатлари билан ёмон муомала факти ўртасидаги ўзаро алоқа тўғрисида хулоса чиқаришига имкон берадиган тарзда тасвиirlайди;
- олинган тан жароҳатларини, шунингдек қурбоннинг руҳий ҳолатини тасвиirlайди.

## II ҚИСМ. ГУВОҲЛИКНИ ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ

Мария бериши мумкин бўлган саволлар кўйидагиларни ўз ичига олиши мумкин эди:

Хосенинг гувоҳлиги:	Мариянинг саволлари:	
Мени 23 январда ҳибсга олишди.	Қаерда ҳибсга олишди? Соат нечада ҳибсга олишди?	
Мени X. шаҳри полиция участкасига олиб келишди.	Сиз участкага қачон келдингиз? Шундан кейин сизни қаерга олиб бориши? Сизнинг камераигизда яна кимдир бор эдими?	Камеранинг деразаси бор эдими? Камерада ҳожатхона бор эдими? Камерада гигиеник аҳвол қанақа эди?
Ҳибса сақлаш пайтида менинг бошимга кўп мартараб уришди.	Бу қачон юз берди? Бу қаерда юз берди? Сиз қандай қилиб у ерга тушиб қолдингиз? Сиз зиннадан пастга юрдингизми ёки юқорига? Сизни у ерга ким олиб борди? Уларнинг кўриниши қанақа эди? Уларнинг бирор характерли хусусиятлари бор эдими? Хона қандай кўринишда эди? Хонада мебель бор эдими? У ерда алоҳида кўзга ташланадиган бирор нарса бормиди?	Сизнинг эркин ҳаракат қилишингиз имкони бор эдими? Сиз, мени урди, дедингиз, — ким сизни урди? Улар сизни уриш учун қандайдир буюмдан фойдаландиларми? Улар бу буюмни қаердан олганликларини сездингизми? Улар сизга бирор нарса дейишдими ёки қандайдир саволлар беришдими? Сиздан нимани сўраганикларини эслай оласизми? Бу воқеа қанча давом этди? Шундан кейин сизни қаерга олиб бориши? Сиз у ерга тушганингиздан кейин нима юз берди?
Сўроқ пайтида менга нисбатан бир марта электрошок қўллашди.	Бу қачон юз берди? Бу қаерда юз берди? Сизни у ерга ким олиб борди? Сиз у ерга тушганингиздан кейин нима юз берди? Сизнинг эркин ҳаракат қилишингиз имкони бор эдими? Кейин қандай воқеа юз берди? Кутича қандай кўринишда эди? У кутича билан нима қилди? У қаерингизга тёғди?	Шундан кейин у нима қилди? Сиз ниманидир эшитдингизми ёки сездингизми? Бу воқеа неча марта юз берди? Улар сизга бирор нарса дейишдими ёки саволлар беришдими? Сизнинг танангизда ёмон муомала оқибатлари қолдими? Мен уларни қараб кўрсам, эътиroz билдирамайсизми? Юз берган воқеанинг яна бирор-бир оқибатлари борми?

Иккинчи гувоҳлик ҳам, гарчи кўпчилик мақсадлар учун айнан бўлса ҳам, айрим жиҳатлардан яхшиланиши мумкин. Унда эҳтимол тутилган гувоҳларнинг шахслари кўрсатилмайди. Жумладан, биз Хосени уйдан олиб кетишаётганда кимдир кўрган ёки кўрмаганлигини билмаймиз. Ҳибса сақлаш шароитлари тавсифи анча схематик, унга кўплаб тафсилотлар қўшиш мумкин. Гувоҳликда Хосенинг адвокат билан алоқа қилишига имкон берилганлиги ёки берилмаганлиги, қамоқда сақланиш босқичларидан бирауда қандайдир тиббий кўриқдан ўтган-ўтмаганлиги, ёмон муомала муносабати билан расмий ҳокимиятнинг бирор органига расмий шикоят берган-бермаганлиги кўрсатилмайди. Унда, шунингдек, Хосени иккинчи марта сўроқ қилиш билан унинг озод этилиши ўртасидаги оралиқда нима воқеа юз берганлиги кўрсатилмайди.

Бироқ Мария битта муҳим нуқсонга йўл қўйган, буни гувоҳликни синчиклаб кўриб чиқсанда аниқлаш мумкин. Хосе эрталаб соат 5 да ҳибсга олинган, бироқ полиция участкасига эрталаб соат 7 дагина келган. Мария шу ерлик бўлмаганлиги учун, Хосенинг уйи билан полиция участкаси ўртасидаги масофа қанча эканлигини сўраш унинг хаёлига келмаган. Эрталаб соат 5 билан 7 ўртасида Хосе билан нима воқеа юз берган? Мария шунингдек яна бир омилни — лат ейин оқибатлари ва белидаги шишни, шунингдек Хосенинг сийдик чиқариш пайтидаги оғриқ ҳақидаги

шикоятларини айтиб ўтмаган. Ҳатто профессионал бўлмаган киши ҳам ушбу аломатлар билан Хосенинг бошдан зарба еганлиги ва кўкраги атрофидаги электрошок тўғрисидаги кўрсатмалари ўртасидаги номувофиқликни сезиши мумкин, Хосенинг айтишича, полиция участкасида бўлган пайтидаги барча ёмон муомала бошига уриш ва электрошокдан иборат бўлган. Хосе полиция участкасида олиб келингунга қадар бирор жойга олиб борилганга ва у ерда қаттиқ калтакланганга ўхшайди ва у ерда буйраги атрофига зарба олган бўлиши мумкин. Вақтдаги бу номувофиқликни аниқлаш Хосе ҳикоя қилишни ёддан чиқарган ёки у полиция участкасида ўзи билан юз берган воқеага қараганда аҳамиятсиз деб ҳисоблаган ёмон муомаланинг бошқа воқеасини очиши мумкин эди. Интервюйонинг бошланишида Мария Хосени уйдан олиб кетганларидан кейин нима воқеа юз берганлигини сўраш ёки шундан кейин кетма-кет нима юз берганлигини шунчаки сўраш ўрнига полиция участкасида нима воқеа юз берди, деган саволларга эътиборни жамлаган.

## 4.2. Алоҳида ҳолатлар

Олдинги бўлимда моделли аҳборот билан бирга келтирилган мисоллар ва саволлар кўпроқ полиция/милицияда ёки бошқа вақтинча қамоқда сақлаш расмий жойларида юз берган ёмон муомала билан боғлиқ воқеаларни ёритади, чунки аризаларнинг ушбу тури энг кўп учрайди. Гарчи кўпчилик кўрсатмалар ва тавсиялардан бошқа ҳолатларда ҳам фойдаланиш мумкин бўлсада, келтирилган кўрсатмаларнинг барчасини ҳам бошқа ҳолатларда қўлланилавериб бўлмаслигини ҳисобга олиш зарур. Юқорида тавсифлангандан муассасалардан бошқача бирортасига ташрифга тайёрланар экансиз, савол беришда асос бўладиган асосий принциплар ўртасидаги фарқ ҳақида олдиндан ўйлаб қўйишиниз зарур.

**Хибса узок вакт саклайдиган муассасага мисол сифатида турмани** (турмада ҳам маҳкумлар ҳам тергов қилинаётган маҳбуслар сақланади), маҳбуслар судни кутаётган бошқа озодликдан маҳрум этиш жойларини, шунингдек болалар тақсимлаш марказларини келтириш мумкин. Агар сиз муассаса ичida ёмон муомала шаклини (қамоқقا олинишдан олдинги воқеани эмас) аниқлашга чоғлангандан бўлсангиз, бундай жойларда ўғирлик ёки хибс тўғрисида савол бермаслигиниз керак. Қамоқда сақлаш шароитлари, турма режими, назоратчилар билан муносабатлар, шунингдек муомаланинг индивидуал ҳолатлари тўғрисида аниқлаштирувчи саволлар беришингизга тўғри келади. Сўнги ҳолатда Мария Хосени камерадан олиб чиққанларидан кейин нима юз берганлигини аниқлашга уриниб берган саволларини сиз ҳам беришингиз мумкин. Сиз ҳам гурух бўлиб ёмон муомала қилиш ёки исён ва қўзғолон каби интизомий муаммоларга жавобан куч ишлатиш ҳаддидан оширилган бўлиши ва қўпол муомала қилинган бўлишини ҳисобга олишингиз керак.

Шунингдек турма сингари муассасалар қамоқقا олишгача юз берган воқеалар, жумладан, полиция/милиция органларида ёмон муомала қилиш ҳолларидан далолат берувчи аризаларнинг дастлабки манбаларидан бири ҳисобланади. Бу, айниқса, яқиндагина ҳибсга олингандарга тегишилдидир, чунки бу улар учун ёмон муомала тўғрисида арз қилишнинг дастлабки имконияти пайдо бўлган жойдир. Ушбу масалани батафсил тавсифлаш учун I қисм, 3.4, 3.5-бобларга қаранг.

Болалар уйлари, қариялар уйлари, руҳий касалликлар клиникалари каби жазоланмайдиган саклаш жойларида, олдинги ҳолатдаги сингари, умумий шарт-шароитлар ва вазиятга, назоратчилар билан ўзаро муносабатларга, шунингдек ёмон муомаланинг ҳар бир индивидуал ҳолатларига эътиборни қаратиш зарур. Бундай вазиятларда ёмон муомала кўпинча жисмоний ёки сексуал суистеъмоллар шаклини олиши мумкин. Болалар билан интервью ўтказишда болалар билан ишлаш борасида бир мунча тажрибага эга бўлиш дурустлигини ёдда тутинг. Кўпчилик руҳий касалликлар муассасаларида мижозларга нисбатан тақиқ қўйиш амалиёти анча кўп қўлланилади — бундай амалиётга нисбатан бугунги қадар ихтиофли фикрлар кўп.

Ҳарбий муассасалarda кўпинча жуда қаттиқ тус оладиган интизомий режим муаммоси пайдо бўлиши мумкин. Эҳтимол, бундай ҳолларда сиз ёмон муомалага тенглаштириладиган жазоллар қўллангани, масалан, якка ўзини қамаб қўйиш ёки бирор-бир имтиёздан маҳрум этиш

## II ҚИСМ. ГУВОҲЛИКНИ ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ

тӯғрисидаги далилларни кўриб чиқарсиз. Жазоланган ҳолатларда, жазонинг ўзи, унинг қанча вақт давом этганилиги, қанчалик тез-тез тақрорланганлиги тӯғрисида маълумот тўплашдан ташқари, мазкур жазолар тайинланадиган жараённинг ўзини билиш зарур. Эътибор қаратиш зарур бўлган яна бир жиҳат — давлат мансабдор шахсларининг хизматчилар сафларида юз берадиган, айрим ҳолларда ёмон муомалага тенглаштириш мумкин бўлган қўпол муомала билан боғлиқ ҳодисаларга йўл қўйилишидир. Кўпол муомала ҳолларининг барча тафсилотларини, у неча марта юз берганлигини, унинг интенсивлигини, бунда иштирок этган шахсларнинг сонини, бундай ёмон муомала типининг қўлланилиши кўламини, шундан кейин қурбонда кузатилган ҳар қандай жисмоний ёки руҳий оқибатларни, шунингдек мазкур ҳодиса муносабати билан маъмурлар томонидан йўл қўйилган бепарвоникнинг ҳар қандай аломатларини қайд этиш айниқса муҳимдир.

Чет элликлар учун қамоқ жойларида қонунни бузиш полиция/милиция органларида ҳамда бошқа расмий муассасалардаги (уларни қисқа муддатли қамоқ сифатида қараш зарур) ёмон муомала билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бироқ бу кўпинча одамларни уларга қийноқ хавфи мавжуд бўлган мамлакатларга депортация қилиш жараённига тегишидир.

Бундай ҳолларда сиз депортация қилиш жараёнининг ҳар бир босқичини батафсил ўрганиб чиқишингиз ва тегишили ҳужжатлар нусхасини олишингиз талаб этилади. Сизга, шунингдек, депортация қилинаётган кишининг фикрича, уни қийнашлари мумкинлигидан далолат берувчи сабабларни аниқлаш учун ундан интервью олишингиз талаб этилади. Сиз фақат мана шу тарзда мамлакатдан чиқариб юборишнинг олдини олиш учун қатъий асос қўйишингиз мумкин. Сиз, шунингдек, интервью бераётган киши ёки унинг яқин қариндоши қийноққа дучор қилинган аввалги ҳолатлар, киши мамлакатдан чиқариб юборилишига асос бўлишидан қўрқадиган бошқа бирор сабаблар ҳақида билишингиз талаб этилади. Ўтмишда мавжуд бўлган хавфга эмас, балки мавжуд хавфга эътиборни қаратиш талаб этилишини ёдда туting.

Ўғирлаш, дом-дараксиз кетиш ва сулдан ташқари ұлим жазоси берилган ҳолларда сиз қурбондан эмас, унинг қариндоши ёки яқин кишисидан интервью оласиз. Сиз киши ғойиб бўлишидан олдинги ҳолатларга, ўғирловчиларнинг хатти-ҳаракатлари изчиллигига ва, айниқса, ҳибсга олиш ҳолатлари ҳақидагина эмас, балки ҳибсга олиш пайтида инсоннинг ҳолати тӯғрисида маълумот бериши мумкин бўлган гувоҳларга эътиборингизни қаратишингиз зарур. Қурбоннинг жасади аниқланган ҳолларда ҳибсда сақлаш даврида тан жароҳатлари етказилганлигини аниқлашда бу жуда муҳимдир.

Кочоклар лагерлари ёки мамлакат ичидаги кўчирилган шахслар лагерлари ҳақида маълумот тўпланар экан, лагерга келгунча ва ундан кейин юз берган ёмон муомала тӯғрисида гувоҳлик беришлари мумкинлигини ҳисобга олишингиз зарур. Кутилаётган қонун бузилишлари тӯғрисида аниқ ёзувлар қайд этилиши, шунингдек уларнинг шахсларини аниқлаш учун барча чоралар кўрилиши жуда муҳимдир. Бу умуман можароли миңтақалар билан боғлиқ гувоҳликларнинг барча турларига бир хил даражада тегишидир.

## 5. ДАЛИЛЛАР

Яхши тайёрланган аризани бериш қурбон билан юз берган воқеа тӯғрисида аҳборот тӯплашдан кўра мұхимроқ нарсани ўз ичига олади. Бу, шунингдек, тақдим этилган фактларнинг ҳақиқийлигига бошқаларни ишонтириши жараёнини ҳам қамраб олади. Интервью бераётган вақтда киши қанчалик ҳақиқаттўй ва ишончга сазовор бўлиб кўринишидан қатъи назар, тасдиқловчи далилларни имкони борича кўпроқ ҳажмда тӯплаш жуда мұхим. Бу бир неча сабаблар билан боғлиқ:

- биринчидан, агар қурбон суд залида кўрсатма бермаса, бошқа одамлар унинг хатти-ҳаракатини сизчалик кузатиш имкониятига эта бўлмайдилар. Бу уларни қурбоннинг самимийлигига ишонтириш учун ўзингиз ҳаракат қилишингиз кераклитини англатади;
- иккинчидан, давлат ичидаги ташкилотлар ҳам, ҳалқаро ташкилотлар ҳам соҳта гувоҳликларга, айниқса, бу сиёсий бекарорлик вазиятида юз берса, жуда салбий муносабатда бўладилар. Сиз қанчалик кўп далиллар тақдим этсангиз, ушбу ташкилотлар ходимларининг бу гувоҳликларнинг ҳақиқийлигига нисбатан шубҳаси шунча оз бўлади;
- ниҳоят, суд ва квазисуд тартиблари айловнинг ўзи асосида давлатни ёки алоҳида қонун-бузарни айбдор деб топиш тӯғрисида қарор чиқара олмайди. Бу тегишли тасдиқловчи далиллар мавжуд бўлмаган тақдирда ютуққа эришиш имконияти жуда оз эканлигини англатади.

Далиллар тиббиёт хulosаси, руҳшуноснинг хulosаси, қурбоннинг декларацияси, гувоҳнинг декларацияси шаклида ҳамда бошқа бирор шаклда тақдим этилиши мумкин. Улар, масалан, тиббий эксперт ёки бошқа бирор экспертнинг кўрсатмаларига, аниқ ҳолатларда қийноқ амалиёти кенг тарқалтанилиги тӯғрисидаги исботланган холис фактларга асосланиши мумкин. Аризани тасдиқловчи ёки қўллаб-куватловчи ҳар қандай нарса далил бўлиши мумкин.

### 5.1. Тиббий далиллар

Қийноқ қурбонларини тиббий ёки руҳий жиҳатдан текшириш учун тиббиёт ходимлари томонидан қўлланиладиган тартиблар ихтисослаштирилган китобларда ва ҳужжатларда баён қилинган (қаранг: 2-илова) ва шу сабабли ушбу қўлланмада келтирилмайди. Бироқ қийноқ қўлланилганлиги ёки ёмон муомаланинг бошқа шакллари тӯғрисида ариза бермоқчи бўлган ҳар қандай киши тиббий далилларнинг ролини, у билан боғлиқ қийинчиликларни, шунингдек эҳтимол тутилган қурбонни тиббий кўрикдан ўтиш учун тиббий экспертга юбориш имконияти мавжуд бўлмаганда, бундай маълумотларни қайд этиш учун зарур бўлган чора-тадбирларни билиши даркор.

Тиббий далиллар, балки, сиз олишингиз мумкин бўлган далилларнинг энг мұхими ҳисобланishi мумкин. Бу далиллар гувоҳларнинг кўрсатмалари ишончлилиги даражасини анча ошириши мумкин. Бироқ тиббий далиллар қуйидаги сабабларга кўра камдан-кам ҳолларда ҳал қилувчи далиллар ҳисобланади:

- қийноқларнинг қўплаб турлари жуда кам из қолдиради, жисмоний аломатларни эса қийноқ қўлланилганлигини билдириши мумкин бўлган, узоқ вақт сақланиб қоладиган янада кам турлари қолдиради;
- жабрланувчиларнинг аризасига кўра қийноқ оқибатида келиб чиққан тан жароҳатлари ва бошқа белгилар кўпинча бошқа сабабларга кўра ҳам пайдо бўлиши мумкин.

## II ҚИСМ. ГУВОҲЛИКНИ ҲУЖЖАТЛАШТИРИП

Тиббий экспертиза тан жароҳатлари ёки жабрланувчининг хулқ-атвори типи тавсифланган қийноқ турларига мувофиқ келишини (яъни, кейинчалик пайдо бўлган бўлиши мумкинлигини) исбот қилиши мумкин. Ариза қурбоннинг кўрсатмаларига мувофиқ келади, деб эътироф этилган жисмоний ва руҳий далиллар билан тасдиқланган ҳолларда тиббий далилларнинг аҳамияти анча юқори бўлади.

Жисмоний текшириш ҳам, руҳий текшириш ҳам ихтисослашган тиббий ходимлар томонидан ўтказилиши керак; бу маҳсус билимлар талаб этилиши жиҳатидангина эмас, балки улардан фойдаланилган тақдирда судда текшириш профессионаллар томонидан амалга оширилганлиги факти тасдиқланиши талаб этилганлиги учун ҳам зарурдир. Бироқ бу сиз жисмоний аломатларни ёки интервью берадётганинг хулқ-атворидаги аниқ кўриниб турган оғишларни қайд этишингиз зарур эмас, деган маънони англатмайди, — аксинча, ушбу мулоҳазалар дарҳол тиббий текшириш ўтказиш имкони бўлмаган ҳолларда айниқса жуда фойдали бўлиши мумкин. Интервью берувчиidan диққат билан сўраб олиш ва у билан қандай муносабатда бўлинганлигини ба-тафсил ёзид бориши жисмоний ва руҳий оқибатларни ҳужжатлашириш каби муҳимдир. Гувоҳ билан, масалан, хотини ёки эри билан суҳбат қилиш қурбон қийноқдан кейин қандай аҳволда бўлганлиги, шунингдек, ўзини тутиши ёки хатти-ҳаракатларидаги бирор-бир ўзгаришлар тафсилотларини аниқлашда анча ёрдам бериши мумкин.

Тиббий далилларни олишда терапевтик (беморларни даволовчи) тиббиёт ва суд (юридик жиҳатларни ўрганувчи) тиббиёти ўртасидаги фарқни ҳисобга олиш жуда муҳим. Суд тиббиёти тиббиётнинг ихтисослаширилган соҳаси бўлиб, тан жароҳатларининг келиб чиқиши сабабларини аниқлайди. Кўп мамлакатларда айни тиббиёт ходимлари ҳам терапевтик, ҳам юридик функцияларни бажарадилар, бироқ имкони борича суд тиббиёти соҳасида кўникмаларга эга бўлган ва ушбу икки соҳа ўртасидаги фарқни тушунувчи врачларни жалб этиш зарур.

### 5.1.1. Жисмоний далиллар

Текшириш ўтказиш учун врачни дарҳол таклиф қилиш имконияти бўлмаса, ёмон муомаланинг кўзга ташланувчи далилларини ҳужжатлашириш тавсия этилади. Бироқ буни жабрланувчининг розилиги олингандан кейингина амалга ошириш мумкин. Сиз врач эмаслигинизни, эҳтимол, даволаш учун зарур ишни қила олмаслигинизни тушунтиринг. Қамоқ жойларида барча кузатувлар интервью асосида амалга оширилиши мумкин, бироқ агар киши озодликдан маҳрум этиш муассасаси доирасидан ташқарида бўлса, у ҳолда кийимини ечиши ва кўзга кўринарли аломатларни кўпроқ кўрсатиши, сизнинг батафсил кузатишингизга имкон бериши мумкин.

Кийноқнинг ташқи белгилари тан жароҳатлари етказилгандан кейин бир неча кун мобайнида кўпроқ сезиларли бўлади, бироқ анча вақт ўтгандан кейин ҳам уларни излаб кўришга ҳаракат қилган маъқул. Имкон борича кўпроқ ҳажмда маълумотлар қайд этинг. Кўзга ташланадиган бирор тан жароҳати йўқлиги ёмон муомалада бўлинмаганлигини англатмаслигини ёдда тутинг.

Куйидаги нарсаларга эътибор бериш зарур:

- шишиш, лат ейиш, кесилган жой, шилинган тери ёки куйиш сингари аён кўриниб турган ҳаракатларидан;
- ҳаракатланишдаги ҳар қандай қийналишлар, масалан, юришда, зиналардан кўтарилишда, ўтиришда, узоқ туриб қолишида, эгилишда ёки қўлни қўтаришда қийналиш;
- бел, қўл ёки оёқ шакли ёхуд ҳолатидаги ҳар қандай оғишлар.

Аниқланган фактларни қандай ёзиш керак:

- ҳар қандай тан жароҳатининг ЖОЙЛАШГАН ЖОЙИ, ЎЛЧАМИ, ШАКЛИ, РАНГИ ВА ТИПИНИ (кесиш, лат ейиш, куйиш ва бошқаларни) қайд этинг;
- имкони борича чизғичдан фойдаланинг; чизғич бўлмаса, бирор буюм билан таққослаб, ўлчамни кўз билан чамаланг (таққослаш учун ҳар хил ўлчамли буюмлардан, масалан, апельсиндан фойдаланмасликка ҳаракат қилинг);

- агар тан жароҳатлари кўп бўлса, уларни инсон танаси диаграммасида кўрсатинг (4-ило-вага қаранг).
- фотосуратлар, шу жумладан ҳаваскорлар олган фотосуратлар кейинчалик эксперталар учун фойдали бўлиши мумкин. Эксперталар, яхиси, тан жароҳатларининг умумий жойлашувини аниқ кўриш мумкин бўлган битта фотосуратни ҳамда яқиндан олинган, ҳар бир алоҳида жароҳат тафсилотлари билан аниқ кўриниб турган фотосуратни киритгандари маъқул. Ушбу фотосуратлар ўлчамни кўрсатувчи бирор нарсанни, яхиси, чизғични ўз ичига олиши керак, лекин одатдаги буюм, масалан, гугурт қутиси ҳам бўлаверади. Шунингдек, санани кўрсатган ҳам мақбул. Имкон бўлса, кейинчалик профессионал фотографни таклиф этиш мумкин;
- жароҳатни жуда батафсил ва аниқ тавсифланг, масалан, «думалоқ шаклдаги тўқ кўк шиш, диаметри 4 см, ўнг қўлининг ташқи томонида, тирсакдан ўн см масофада»;
- интервью берувчидан ҳаракатдаги ёки позадаги оғишларни кўрсатиб беришни илтимос қилинг;
- воқеадан кейин кузатилган аломатлар тўғрисида сўранг. Масалан, жавоб мана бундай бўлиши мумкин: «Бир ҳафта олдин мен қўлимни 90 градусга кўтара олмас эдим, бироқ ҳозир мен бошим узра кўтара оламан. Менинг бармоқларим ҳали тўлиқ ҳаракат қила олмайди ва қўлимда ҳамон увишишни ҳис қиласман». Бундай арзлар сўзма-сўз кўчирилиши керак.

Келтириб ўтилган кўрсатмаларни вафот этган кишининг танасини текшириш зарур бўлган ҳоллар учун ҳам мослаштириш мумкин. Бундай ҳолда ҳам сиз тана топилган ҳолатларни (масалан, у қаерда топилган, у қандай юзада ётган, об-ҳаво қандай эди, ушбу вилоятда кучли намгарчилик кузатилганми) қайд этишингиз зарур, — буларнинг барчаси ушбу омиллар жасадда бирор-бир белги пайдо бўлишининг сабабчиси бўлган-бўлмаганлигини аниқлашда суд шифокорига ёрдам беради.

### 5.1.2. Руҳий далиллар

Қийноқнинг ҳатто оғир шакллари ҳам, усталик билан бажарилганда, жисмоний из қолдирмаслиги мумкин, бироқ жиддий руҳий оқибатлар келтириб чиқаради. Бу қурбон камерада ёлғиз сақланган, диний ёки сексуал хўрланган, ўлим билан ёки оила аъзоларига зарар етказиш билан таҳдид қилиш каби маънавий қийноқларга қасдан дучор қилинган ҳоллар учун, айниқса, характерлидир. Гарчи инсонни руҳий текширишни фақат эксперт амалга ошириши мумкин бўлса ҳам, профессионал бўлмаган кишининг инсон хатти-ҳаракатини оддий кузатиши жабрланувчи ўзи ҳақида айтиши мумкин бўлган (масалан, даҳшатни тавсифлаш, ўзини ўлдириш фикри) субъектив шарҳлар билан қўшилган ҳолда, кейинги босқичда эксперт томонидан талқин этилиши учун ҳужжатлаштирилиши керак.

- Интервью берувчida қуйидаги аломатлар кузатилиши ёхуд у улар ҳақида айтиб бериши мумкин. Гарчи улар руҳий ларзани кўрсатса ҳам, кўпчилиги қийноқ билан боғлиқ бўлмайди; лекин шунга қарамай, туш кўриш ёки эслаш уларнинг манбаини кўрсатиши мумкин. Булар жароҳат етказган нохуш ҳодиса яна қайта бошдан кечирилиши, юз берган воқеа хотирани безовта қилиб туриши, нохуш ҳодисани доимий равишда тушда кўриш, хулқатворнинг бирданига ўзгариши ёки яна жароҳат оламан, деб ҳис қилиш кабилардир.
- Қийноқни ёки унга ўхаш нарсанни ифодаловчи воқеалар билан боғлиқ бўлган кучли руҳий ларза. Бу жароҳат ёки умумий ҳиссий увишишга тенглаштириладиган таъсиридан қочишга астойдил уриниш сифатида намоён бўлади.
- Кучли ҳаяжонланиш белгилари, масалан, ухлаб қолиш билан, серзарда ва газабнок бўлиб қолиш, фикрни жамлаш билан боғлиқ муаммолар. Интервью оловучи интервью берувчидаги халоватсизликни, ҳаяжонланишни ёки кўрқоқликни қайд этиши мумкин.

## II ҚИСМ. ГУВОХЛИКНИ ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ

Рұхий аломатларнинг субъектив эканлигини ҳисобга олған ҳолда жабрланувчининг оила аязоларидан ёки дүстларидан тасдиқловчи даиллар олиниши жуда мұхим. Масалан, ular мана бундай типда бўлади: «У тун ярмида терга ботиб уйғонади ва даҳшатли тун кўрганидан қичқиради, тушида уни қийнаётган бўлишади», ёки: «У ўзини тутолмайди, ҳибсга олингунга қадар у хушфеъл ва вазмин эди», ёки: «У ўзи ҳибсга олинган жойдан четлаб ўтишга уринади».

### 5.2. *Amicus curiae* гувоҳлиги

Агар вазият имкон берса, юз берган воқеани баён этувчи декларацияни ҳамма вақт ёзма шаклда тузган маъкул. Бу барча ҳолларда ҳам ҳал қилувчи омил бўлавермаслиги мумкин, бироқ бу гувоҳликнинг ишончлилигини тасдиқлашга ёрдам беради. Бундан ташқари бундай ёзма декларациянинг йўқлиги сизнинг жиноий иш қўзғашга бўлган имкониятингизни камайтириши мумкин.

Декларацияда қийноқ воқеаси (воқеалари) тафсилотлари, шунингдек бундан олдин ва кейин юз берган воқеалар тавсифланиши керак. Бундай декларацияни тузиш учун бирон-бир андоза йўқ, бироқ унда маълумот кўп бўлиши керак. Декларацияга киритиш тавсия этиладиган тафсилотлар II қисм, 4-бобда тавсифланади.

Декларация гувоҳлик берган шахс томонидан шахсан ёзилиши шарт эмас, — у интервью олувчи томонидан ёзилган бўлиши керак. Босиб чиқарилган бўлса янада яхши бўлади. Кейин интервью олувчи уни интервью берувчига ўқиш учун беради (ёки агар у саводсиз бўлса, овоз чиқариб ўқиди), интервью берувчи уни тасдиқлаши керак. Декларация интервью берувчи томонидан имзоланиши ёки унда унинг бош бармоғининг изи бўлиши керак. Агар декларациядан суд жараённида фойдаланилса, у ҳолда декларация нафақат кўрсатма берувчи шахс томонидан, балки кўрсатмани олган шахс томонидан ҳам, имкони бўлса — яна бир гувоҳ томонидан имзоланиши керак.

Ташкилотлар бундай кўрсатмаларни кўпинча кўрсатма бераётган кишига зарур маълумотлар ёзилиши керак бўлган стандарт сўровномани тўлдиришни тавсия этган ҳолда ёзиб оладилар.

### 5.3. Гувоҳларнинг кўрсатмалари

Қийноқ кўпинча бошқалар боролмайдиган жойда юз берганлиги сабабли, қийноқ гувоҳларини аниқлаш анча қийин бўлиши мумкин. Гувоҳлар бўлган ҳолларда ҳам, ular, балки, ular учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлиги, ёхуд ноҳуш ҳодиса ниҳоятда жароҳатли бўлганлиги туфайли кўрган нарсалар ҳақида гапиришни хоҳламасликлари мумкин. Бироқ гувоҳлар бўлган ва ular ўзлари кўрган нарса ҳақида гапириб беришга тайёр бўлган ҳолларда, бу аризанинг чинлиги даражасини анча ошириши, шунингдек қурбон ёки гувоҳлик бераётган киши беролмаган янги тафсилотларни очиб бериши мумкин. Бу ҳол фактлар хронологиясини ва қўшимча ҳолатларни тиклашга ёрдам бериши мумкин. Гувоҳларнинг кўрсатмаларидан мақсад юз берган воқеани англашда ёрдам беришдан иборатdir, шу сабабли ular жуда батафсил бўлиши керак.

Қийноқ пайтида ҳозир бўлган гувоҳларнинг кўрсатмаларидан бошқа кўрсатмалар ҳам фойдали бўлиши мумкин.

- Қурбон ҳибсга олиниши пайтида ҳозир бўлган шахслар ҳам қонунбузарнинг шахси борасида, қурбон билан қандай муносабатда бўлинганлиги, шунингдек ҳибсга олиш пайтида қурбоннинг ҳолати тўғрисида қимматли маълумотлар бериши мумкин. Қурбон тириклар орасида бўлмаган ва унинг танасида қийноқ қўлланилганлиги излари топилган ҳолларда бу, айниқса, мұхим бўлиши мумкин. Давлат маъмурлари бунда қурбон ҳисбга олинмаган ёки тан жароҳатлари мансабдор шахслар томонидан етказилмаган, дейдилар.
- Агар гувоҳлардан кимдир қурбон ҳибсга олингунга қадар таҳдидли хат олганини ёки унга шундай мазмундаги телефон қўнғироқлари бўлганлигини билса, бу ҳам гувоҳлик билан тасдиқланиши керак.

- Камерадош қўшнилар ҳам қурбон сўроқ учун олиб чиқиб кетилганлигини тасдиқлашла-ри ҳамда унинг сўроқдан олдинги ва кейинги умумий жисмоний аҳволини тасвирлаб беришлари ёки қурбон камерага қайтиб келмаганлиги фактини айтишлари мумкин. Улар ўзлари эшитган товушлар ҳақида, масалан, қичқириқ ёки инграш, кийимда қон ёхуд қийноқ қўлланилганлигининг бошқа излари тўғрисида кўрсатма беришлари мумкин. Улар, шунингдек, ўзлари ҳам қандай қилиб қийноқка дучор этилганлиги ёки ўзлари гувоҳ бўлган бошқа қурбонларнинг қийноқ қилинганлиги тўғрисида кўрсатма беришлари мумкин. Бу ушбу муассасада қийноқ қўлланилиши фактини аниқлашга ёки полиция/милиция участкасининг қайсиидир ходими илгари қийноқ қўлланишда қатнашганлиги фактини аниқлашга ёрдам беради. Бу умумий тенденцияларни, масалан, X участкасининг полиция/милиция ходимлари қурбонни Z қаватдаги Y хонага ҳамма вақт олиб киришларини, ёки турма назоратчилари ҳамма вақт кундузги навбатчилик тамом бўлгандан кейин келишларини ва қурбонни турма ҳудудидаги қандайдир аниқ бир жойга олиб боришларини ва у ерда мунтазам равишда қийноқ қўлланилишини аниқлашга ёрдам беради.
- Қийноқ қўлланилгандан кейин тезлиқда текшириш ўтказган врач ҳам муҳим гувоҳликлар бериши мумкин.

Гувоҳларни аниқлашнинг энг яхши усули — қурбон билан юз берган барча воқеаларни хронологик тартибда қараб чиқишидан, ҳибсга олиш пайтида, тегишли муассасага ёки қурбон сақланган жойга келиш пайтида ким ҳозир бўлганлигини; камерада ёки қўшни камера-ларда кимлардир бор-йўқлигини аниқлашдан; қурбонни қийноқ учун олиб кетганларини бирон киши кўрган-кўрмаганлигини; ким ноxуш ҳодисанинг гувоҳи бўлганлигини; ким қийноқ оқибатида тан жароҳатларини ёки хушдан кетишни кўрганлигини; мана шундай ҳоди-сани бошдан кечирган бошқа киши бўлган-бўлмаганлигини ҳар бир босқичда сўрашдан иборат. Қурбон тирик эмаслиги, бедарак йўқолганлиги ёки ҳали ҳам ҳибсда эканлиги ту-файли ариза бошқа шахслар томонидан берилган ҳолларда, энг яқин қариндошлар, қўшни-лар ёки маҳаллий жамоа аъзолари эҳтимол тутилган гувоҳларни таҳмин қилишлари ёки ўзлари маълумот беришлари мумкин.

Қурбонлар бўлган ҳолатдаги сингари, гувоҳларга нисбатан ҳам олинган ахборотга асосланган розилик принципи қўлланилишини ёддан чиқарманг (қаранг I қисм, 2.3-боблар). Агар ёзма кўрсатма олаётган бўлсангиз, буни, айниқса, ҳисобга олиш зарур. Сиз кўчирма келтириш ния-tingiz бўлмаган эҳтимол тутилган гувоҳ билан норасмий сухбат қилинган тақдирда — балки, буни оқлаб бўлмас ва у вазиятга боғлиқ бўлиши мумкин. Бироқ кишининг розилитисиз ҳеч қачон унинг исмини келтириш мумкин эмаслигини ёдда туting.

Қийноқ тўғрисида кўрсатма бераётган киши билан бўлганидек, гувоҳларнинг ёзма кўрсат-малари ҳам гувоҳларнинг ўзлари ва кўрсатма олаётган киши томонидан имзоланиши керак.

#### 5.4. Далилларнинг бошқа турлари

Далилларни тасдиқловчи бошқа турларнинг олдиндан аниқланган рўйхати мавжуд эмас. Сиз фойдаланиш нияtingиз бўлган далилларнинг турлари кўп жиҳатдан сиз бермоқчи бўлган аризанинг характеристига боғлиқ бўлади ҳамда ишнинг моҳиятидан келиб чиқиб белгиланиши керак. Бир томондан, сиз мазкур ҳодисанинг ишончлилигини мустаҳкамлайдиган далиллар то-пишингиз керак; иккинчи томондан, сизга гувоҳликларнинг умумий манзара билан қай тарзда мувофиқлаштирилишини намойиш қилишга ёрдам берувчи холисона далиллар талаоб этилади. Ушбу мақсадга эришиш учун ижодий ёндашиш зарур, чунки имкониятлар жуда кўп. Куйидаги-лар далилларнинг бошқа турларига мисолдир:

- оммавий ахборот воситаларида ҳабар қилиш: бундай далиллардан зарур эҳтиёт чоралари-ни кўрган ҳолда фойдаланиш керак, чунки бу, одатда, ариза бериш учун етарли бўлмай-ди, бироқ бу воқеа юз берганлигини мустақил исботлаш сифатида ёки умумий вазият-нинг аниқроқ манзарасини яратишида жуда фойдали бўлади;

## II ҚИСМ. ГУВОҲЛИКНИ ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ

- экспертларнинг аризалари: ушбу тоифага маҳсус кўрсатма асосида бажарилган тиббий ва суд хуносалари ёки экспертлар ёхуд тадқиқотлар кўрсатмаларининг исталган бошқа шакллари кириши мумкин;
- расмий маърузалар ва декларациялар: давлатнинг ичидаги тергов ўтказиш давомида ёки ҳалқаро ҳуқуқий органларнинг, масалан, БМТ маҳсус маърузачисининг ёхуд қийноқ ҳамда қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёхуд жазолашнинг олдини олиш кўмитаси делегациясининг ташрифи давомида олинган кўрсатмалар ҳам ахборотнинг расмий манбани келтириш учун киритилиши мумкин. Бирор-бир мамлакатдаги вазият муносабати билан ташвишни ифодаловчи ҳалқаро ҳуқуқий органлар томонидан қабул қилинган резолюциялар, масалан, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси, БМТ Бош Ассамблеяси ёки Европа парламенти. Депортация қилинган тақдирда Қочоқлар ишлари бўйича Олий Вакил фойдалари маълумот бериши мумкин. Америка Кўшма Штатларининг давлат департаменти ҳам бутун жаҳондаги инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ вазият бўйича йиллик ахборот тайёрлайди;
- аниқ бир мамлакатда ёки минтақада қийноқ қўлланилиши фактининг ҳар қандай исботи: бунга ўхшаш материаллар бундай шаклда муомала қилиш ҳоллари мавжудлигини кўрсатиб, гувоҳликнинг ишончлилиги даражасини оширади. Киши депортация қилинишининг олдини олишдан иборат бўлган ҳолларда бу, айниқса, мухимдир. Одам шахсан ўзи хавфга дучор қилинганлигини исботлаши лозимлигини ҳисобга олган ҳолда, агар қийноқ мазкур мамлакатда умумий қўлланиладиган амалиёт эканлигини намойиш қилишининг имкони бўлса, бу вазифа енгиллашади.

Бундай маълумотни ноҳукумат ташкилотларнинг ахборотларидан осон топиш мумкин. Бироқ бундай ахборотларнинг қимматлилиги тегишли ташкилотларнинг нуфузига боғлиқ бўлади. Бирор-бир мамлакатдаги вазият сенсация деб қараладиган маърузалар қиммати анча паст бўлади, айни вақтда миллий ноҳукумат ташкилотларнинг ахборотларидан, уларда вазият батафсил баён қилинганлигига қарамай, кўпинча нохолис бўлишлари мумкинлиги туфайли, бир мунча эҳтиёткорлик билан фойдаланиш зарур. Бироқ, яхши, сифатига ва ишончлилигига кўра фойдаланиш мақбул бўлган йирик ҳалқаро ноҳукумат ташкилотларнинг, агар улар бўлса, материалларидан фойдаланган афзалроқдир. Бу ҳолатда уларга унчалик аҳамиятли бўлмаган ноҳукумат ташкилотларнинг, шунингдек маҳаллий кўламдаги ноҳукумат ташкилотларнинг ахборотларини кўшимча қилиш мумкин;

- мавзулар бўйича тадқиқотлар: агар сиз қандайдир аниқ бир вазиятни исботлаш ниятида бўлсангиз, сиз умумий тенденцияларни аниқлаш мақсадида шахсий тадқиқот олиб боришингиз мумкин. Масалан, айнина тасдиқловчи салмоқли далиллар бўлишига қарамай, айблов кўйилмаган ёки қонунбузарлар айборд деб эътироф этилмаган кўп миқдордаги ҳоллар тўғрисида маълумот тўплаш йўли билан давлат мансабдор шахслари қийноқ қўлланилишига йўл кўйганлиги фактини исбот қилишига уринишингиз мумкин. Сиз, шунингдек, мазкур минтақада қийноқ қўлланилиши оқибатида тан жароҳатлари етказилган кўплаб ҳолларни кузатиш имконига эга бўлганлиги тўғрисида кўрсатма беришга рози бўлган тибиёт экспертини ҳам топишингиз мумкин.
- давлат ички ҳуқуқ органлари томонидан чиқарилган суд қарорларининг нусхалари: агар сиз шикоятни кўриб чиқишининг қандайдир ҳалқаро тартиб-қоидаси доирасида шикоят қиммоқчи бўлсангиз (қаранг III, 3-боб), сиз давлат ичидаги қурбон ҳуқуқий ҳимоя воситасидан баҳраманд бўлолмаганлигини исботлашингизга тўғри келади. Бунинг учун мазкур иш бўйича қабул қилинган давлат қарорлари, шунингдек суд қарорлари ва маъмурий қарорлар нусхаларини тақдим этишингизга тўғри келади. Бу, шунингдек, жиноий иш кўзғаш ёки тергов ўтказиш тўғрисидаги илтимос рад этилганлиги ҳақидаги ҳар қандай қарорларни, қурбон ёки қурбоннинг оила аъзолари томонидан берилган арзнома нусхаларини, суднинг қабул қилинган тегишли қарорларини ҳам ўз ичига олади.

## ХУЛОСА

## II ҚИСМ. ДАЛИЛЛАРНИ ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ

## 1. Ҳужжатлаштиришнинг асосий принциплари

Гувоҳликларни ҳужжатлаштириш жараёнида сиз:

- сифатли ахборот олишга интилишингиз зарур:** ахборот юқори даражада ишончли бўлишига кўмаклашувчи омиллар: ахборот маёндан олиниши керак; тафсилотлар даражаси; зиддиятлар мавжудлиги ёки йўқлиги; гувоҳликларни қўллаб-кувватловчи (тасдиқловчи) ёки радиётчи элементлар мавжудлиги ёки йўқлиги; ахборотнинг умумий тенденцияни тасдиқлаши даражаси, шунингдек ахборот олинган муддат;
- ахборотнинг энг кўп даражада аниқ ва ишончли бўлишини таъминлаш чорасини кўриш:** сиз эҳтиёт корликнинг умумий чораларига риоя қилиб, шунингдек интервью вақтида ва ундан кейин тасдиқловчи аниқ холатларни излаш ҳамда соғлом фойдаланиш йўли билан ахборотнинг аниқлиги ва ишончлилигини оширишингиз мумкин.

## 2. Қийноқлар тўғрисида кўрсатма берувчи кишидан интервью олиш

Қийноқлар тўғрисида кўрсатма берувчи одамдан интервью олиш мураккаб ва нозик вазифа, уни олдиндан тайёргарлик кўриш ва мулоҳаза юритиш йўли билан осонлаштириш мумкин. Интервью олишдан олдин, сиз асосий матнни дикқат билан ўқиб чиқишингиз зарур.

Интервью давомида сиз қўйидаги жиҳатларни мувозанатга келтиришингиз зарур:

- Фойдали ахборот олиш зарурлиги ва интервью бераётган киши манфаатларига риоя қилиш зарурлиги;**
- Энг кўп даражада тафсилот олиш зарурлиги ва кўрсатма беришга мажбур этмаслик зарурлиги.**

Сиз интервьюдан олдин қўйидаги жиҳатларни пухта ўйлаб кўришингиз керак: ахборот олишга асосланган розилик; интервюни қандай бошлаш керак; ёзиб бориши; сўров жараёнини ким бошқаради; таржимонлар хизматидан фойдаланиш; интервью берувчи учун кескин бўлмаган вазият барпо этиш; гапиришга кўрқадиган одамлар билан ўзни қандай тутиш кераклиги; маҳкумлар гурӯҳ бўлиб қамалган жойларда интервью олиб бориш; ҳиссий жароҳат етказувчи жиҳатларни қандай муҳокама қилиш керак; ахборотнинг ишончлилигини таъминлаш; интервью берувчилар гуруҳининг жинси масалалари; болалар билан интервью олиб бориш (қаранг: бундан бўёнги тушунтиришлар учун асосий матн).

## 3. Ёзib бориши зарур бўлган ахборот

Ахборотда қўйидаги  
маълумотлар бўлиши  
керак

- Конун бузилишини КИМ содир этган?
- НИМА содир бўлган?
- КИМ жабрланган?
- ҚАЧОН, ҚАЕРДА, НИМА  
УЧУН ВА ҚАНДАЙ  
ҚИЛИБ?

Ахборот:

- қурбон (қурбонлар) шахсини аниқлаши;
- Конунни бузувчининг (қонунни бузувчиларнинг) шахсини аниқлаши;
- қурбон қандай қилиб давлат мансабдор шахслари қўлига тушиб қолганлигини тавсифлаши;
- қурбон қаерда сақланганлигини ёки ҳисбда бўлганлигини тавсифлаши;
- ҳисбда сақлаш шароиларини тавсифлаши;
- ёмон муюмала шаклини тавсифлаши;
- расмий маъмурларнинг нохуш ҳодисага муносабатини тавсифлаши керак.

Ушбу тафсилотларни гувохликнинг мазмунига таъсир кўрсатмасдан олиш учун сиз ёрдамчи саволлардан қочинг — ҳамма вақт умумий ёки очиқ саволлардан бошланг (масалан, «Сизни қийнашдими?» деган савол ўрнига кўпроқ жавоб берилишини назарда тутувчи «Сиз билан нимадир бўлдими?» деган саволлар), сўнгра берилган жавоблар асосида анча батафсилоқ саволлар беринг (қаранг: амалий мисол).

Интервьюнинг бошқа ҳолатлари бошқача ёндашувларни талаб этиши мумкинлигини ёдда тутинг (бундан кейинги маълумотларни олиш учун асосий матнга қаранг).

### 4. Далиллар

Ариза берар экансиз, ҳамма вақт имкони борича тасдиқловчи далилларни кўпроқ тақдим этишига иштилинг, — бу қурбоннинг самимийлигига, шунишгдек сизнинг самимийлигингизга, одамларни ишонтиришига ёрдам беради. Бу сизда ҳам, бошқа кишиларда ҳам аризага писбатан пайдо бўлиши мумкин бўлган шубҳани тарқатилига ёрдам беради; бундан ташқари, бу айrim ҳолларда, жумладан, суд терговида мажбурий талаб ҳисобланади.

Далилларнинг анъанавий шакллари қўйидагиларни ўз ичига олади:

- тиббий далиллар;
- ариза берувчи шахспинг декларацияси: бу расмий ёзма декларация ёхуд сўровнома шаклида бўлиши мумкин;
- шоҳидларнинг гувохликлари: ушбу далиллар қийноққа дучор қилинган қурбондан; қурбон ҳибсга олинган пайтда ҳозир бўлган шахслардан; қурбоннинг ҳибсга олингунгача ёки ҳибсга олинган пайтдаги жисмоний аҳволини кузатили имконига эга бўлган шахслардан; қурбон ҳибсга олингунгича ҳокимият вакиллари томонидан таҳдид қилинганлигиги кузатиш имконига эга бўлган шахслардан олиниши мумкин. Эҳтимол тутилган гувохларни аниқлашнинг энг мақбул йўли қурбон билан юз берган воқеаларни хронологик тартибда кўздан кечириб, ҳар бир босқичда ушбу ҳолатда ҳозир бўлган шахслар тўғрисида сўрашдан иборатdir.

Исботларнинг бошқа турлари матбуотда берилган баёнотни, экспертларнинг хулосасини, расмий ахборотлар ва декларацияларни, аниқ бир мамлакатда қийноқдан кенг фойдаланилиши ҳақидаги ҳар қандай далилларни, махсус тадқиқотларни, давлат ички суд ва маъмурий қарорлари нусхаларини ўз ичига олиши мумкин.

### ІІІ ҚИСМ. ТҮПЛАНГАН МАЪЛУМОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

1. **Кириш. Маълумотлардан фойдаланиш тактикасининг эҳтимол тутилган варианлари**
  - 1.1. Халқаро даражада чора кўриш
  - 1.2. Давлат ички даражасида чора кўриш
2. **Шикоятларни кўриб чиқишнинг халқаро механизмлари ва улардан фойдаланиш .**
  - 2.1. Хабар бериш шаклига кўйиладиган талаблар
  - 2.2. Мониторинг органларига ахборот тақдим этиш. Сизнинг хабарингиз нималарни ўз ичига олиши керак?
  - 2.3. Давлат ахборотлари тартиб-қоидалари доирасида ахборот тақдим этиш
  - 2.4. Фактларни аниқлаш билан шуғулланувчи органга ахборот тақдим этиш
3. **Шикоятларни кўриб чиқишнинг халқаро тартиб-қоидалари ва улардан фойдаланиш**
  - 3.1. Индивидуал шикоят берини тартиб-қоидаси доирасида нимага эришиш мумкин?
  - 3.2. Индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидаси доирасида шикоятларнинг қандай типлари қабул қилинади?
  - 3.3. Индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидасининг амал қилиши
  - 3.4. Индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидаси доирасида бериладиган аризада нималар бўлиши керак?
  - 3.5. Индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидасидан фойдаланиш бўйича амалий маслаҳатлар
4. **Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. Механизмлар ва тартиб-қоидалар**
  - 4.1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимига кириш
  - 4.2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида маърузалар механизмлари

- 4.3. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизими доирасида шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидаси**
- 5. Минтақавий даража. Механизмлар ва тартиб-қоидалар**
  - 5.1. Европа тизими**
  - 5.2. Америкааро тизим**
  - 5.3. Африка тизими**
  - 5.4. Бошқа минтақалар**
- 6. Халқаро тартиб-қоидаларни қиёсий баҳолаш жадваллари**
- 7. Кейинги ёрдам манбалари**
  - 7.1. Кейинги ёрдам нима учун керак бўлиши мумкин?**
  - 7.2. Ёрдамнинг айрим ўзига хос манбалари**

## 1. КИРИШ. МАЪЛУМОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАКТИКАСИНИНГ ЭҲТИМОЛ ТУТИЛГАН ВАРИАНТЛАРИ

«Хом» ахборот тўплаш жараёни тугагандан кейин сиз уни жўнатадиган энг мақбул ташкилотни аниқлашингиз, шунингдек уни тақдим этишнинг кўзланган натижага эришишда энг юқори имкониятни таъминлайдиган шаклини топишингиз керак бўлади. Ушбу бобда сиз танлашингиз мумкин бўлган тактиканинг ҳар хил вариантлари изоҳланади ҳамда улардан энг самарали фойдаланиш юзасидан айрим кўрсатмалар берилади.

Сиз ўзингизнинг бутун саъй-ҳаракатингизни биринчи навбатда, айниқса, маълумот индивидуал ҳодисага тегишли бўлган ҳолларда, давлат ички тизими доирасида натижага эришишга қаратишингиз зарур. Ушбу қўлланмада эътибор, амалий мулоҳазалардан келиб чиқиб ҳалқаро тизим доирасида натижаларга эришишга қаратилган, бироқ бу давлат ички тизими доирасида ечимни изламаслик керак, деган маънони англатмайди. Аксинча, қўйида келтириладиган бир қанча сабаблар мавжуд бўлиб, улар бўйича шу даражада ечимни қандай қилиб бўлмасин топиш зарур.

- Давлат ички тузилмасининг таъсирчанлигини мустаҳкамлаш ва кучайтириш жуда муҳим, чунки у мамлакатда инсон ҳукуқлари билан боғлиқ вазият кенг кўламда яхшиланишнинг гарови бўлади.
- Қарор қабул қилишининг самарали давлат ички механизмлари мавжуд бўлган жойда, одатда, чора тезлиқда қабул қилинади, бу шикоятларнинг тўғридан-тўғри қондирилишини таъминлайди. Ҳалқаро тартиб-қоидаларга келганда эса аҳвол бошқача. Улар аниқ қарорлар қабул қилиниши учун узоқроқ муддатни талаб этиши мумкин.
- Ҳалқаро ҳукуқча мувофиқ тегишли давлатлар жавоб берадиган инсон ҳукуқлари бузилган тақдирда, ушбу давлатлар ҳалқаро органлар аралашгунга қадар чора кўриш имкониятига эга бўлиши керак. Бинобарин, ҳалқаро органларга индивидуал шикоят бериш учун давлат ички даражасида ҳукуқий ҳимоядан баҳраманд бўлиш имконияти тугаганинги исботлаш талаб этилади (ІІІ қисм, 3.3.2.2-боблар).

Ҳалқаро даражада иш кўриш қўйидаги ҳолларда ўзини кўпроқ оқладайди:

- давлат ички суд механизмлари самарасиз ёки индивидуал ҳолатларда зарур чоралар кўришга қобил эмас;
- сизнинг мақсадингиз ҳалқаро ҳамжамият эътиборини аниқ бир мамлакатдаги инсон ҳукуқлари билан боғлиқ вазиятта умуман ёки мазкур вазиятнинг бирор жиҳати муносабати билан тортишдан иборатdir.

### 1.1. Ҳалқаро даражада чора кўриш

Қийноқ ҳамда ёмон муомаланинг бошқа шакллари тўғрисидаги аризалар муносабати билан ҳалқаро даражада қўллаб-қувватлаш механизmlари кўлами жуда кенгdir. Ушбу қўлланмада, жумладан, ушбу бўлимда, маълумот бериш мумкин бўлган ҳамда вазифаси ҳалқаро ҳукуқ қоидаларидан келиб чиқиб қандайдир давлат қийноқни қўлланиши муносабати билан ўз мажбуриятини бузганлиги ёки бузмаганлиги тўғрисида қарор чиқаришдан иборат бўлган ҳалқаро механизmlар тавсифи берилади. Ушбу ташкилотлар инсон ҳукуқларини ҳимоя қилишининг ҳалқаро тизими жорий этилишининг назорати учун жавоб берадилар — айнан ушбу механизmlар орқали, ҳалқаро қонунлардан келиб чиқиб, давлатларнинг ўз мажбурияtlарини бажариши устидан назоратни амалга ошириш мумкин. Айни вақтда ушбу механизmlар қийноқ тўғрисидаги аризага расман ёки расмий жавоб олиш имконини беради, шунингдек қонун бузилиши муносабати билан тегишли чора-тадбирлар кўрилишини таъминлайди. Бироқ, ёрдам олишнинг бошқа имкониятлари ҳам мавжудлигини ёдда тутиш муҳимdir. Улар доирасида қимматли тавсиялар олиш,

### III ҚИСМ. ТҮПЛАНГАН МАЪЛУМОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Кўллаб-куватланиш ва бошқа шаклда, айниқса, сиз расман тартиб-қоидалардан фойдаланиш муносабати билан ўзингизни нокулай сезган ҳолларда, кўмак олиш мумкин. Ушбу манбалар III қисм, 7-бобда баён этилган.

#### 1.1.1. Халқаро тартиб-қоидалар кўлами

Амалий хатти-ҳаракатлар учун халқаро даражада кўплаб имкониятлар мавжуд. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан яратилган, жаҳоннинг барча мамлакатларидағи вазиятни қараб чиқишга қодир бўлган механизмлар бор. Минтақавий ташкилотлар асосида барпо этилган, муайян минтақадаги давлатларга нисбатангина амал қилиши мумкин бўлган бошқа механизмлар ҳам мавжуд. Мутлақо қийноқ қўлланилиши билан боғлиқ бўлган ҳолларни кўриб чиқиш учун ташкил этилган механизмлар ва, инсон ҳукуқлари бузилишининг, шу жумладан қийноқнинг ҳам, кенгроқ жиҳатларини кўриб чиқиш ваколатига эга бошқа механизмлар ҳам мавжуддир. Мазкур механизмлар ўз функциясini бажаришида восита бўладиган усуслар аниқ ташкилотга боғлиқ равишда, анча фарқ қилиши мумкин. Ҳар хил ташкилотларни таснифлашнинг энг яхши усули — уларнинг келиб чиқишини (яъни улар қандай пайдо бўлганлигини) ва улар томонидан бажариладиган функцияларни аниқлашдир.

##### 1.1.1.1. Механизмнинг келиб чиқиши

Барча мамлакатларда механизмларнинг ҳаммасидан фойдаланиб бўлмаслиги мумкин. Механизмнинг келиб чиқиши муҳим роль йўнайди, чунки бу ушбу ташкилотларга қайси мамлакатлар ариза бериши мумкинлигини кўрсатади. Икки тоифани — *шартномавий органлар ва шартномавий бўлмаган механизмларни* фарқлаш зарур.

- *Шартномавий органлар* — бир неча давлат ўртасидаги юридик мажбурий битим йўли билан ташкил этилган органлардир. Битимнинг ушбу типи, одатда, шартнома сифатида маълум, бироқ бошқача, масалан, конвенция, пакт ёки хартия деб ҳам аталиши мумкин. Шартномавий органлар шартнома иштирокчisi сифатидаги (яъни унга риоя қилишга рози бўлган) давлатлар томонидан қабул қилинган битимларга риоя қилиниши жараёни устидан назорат олиб бориш мақсадида тузилади. Масалан, Қийноқлар ҳамда қаттиқ муомала ва жазолашнинг шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши БМТ конвенцияси қатнашчи давлатлар бажариши мажбурий бўлган бир қанча мажбуриятларни белтилади, шунингдек мақсади ушбу мажбуриятлар бажарилиши жараёни назорат қилишдан иборат бўлган, Қийноқ ҳамда қаттиқ муомала ва жазолашнинг шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши кўмита деб аталадиган назорат қилувчи органни ташкил этди. Агар сиз *шартномавий органга* ариза бериш ниятида бўлсангиз, устидан ариза бериладиган мамлакат ҳақиқатда мазкур шартнома қатнашчиларидан бири эканлигига ишонч ҳосил қилишингиз керак. Чунки *шартномавий орган* битим йўли билан ташкил этилган, у мазкур битимнинг қатнашчиси ҳисобланмаган давлат билан боғлиқ аризаларни кўриб чиқа олмайди.
- *Ношартномавий механизмлар* — булар бирор-бир шартномага риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида ташкил этилмаган механизмлардир. Ушбу механизмлар давлатларнинг вакилларидан иборат сиёсий орган, масалан, БМТнинг Инсон ҳукуқлари бўйича комиссияси бўлиши мумкин, ёхуд шунга ўхшаш сиёсий органларнинг *резолюцияси* (одатда овоз бериш давомида қабул қилинадиган расмий қарор) йўли билан ташкил этилган механизм ҳисобланади. Бу мазкур механизм давлатлар томонидан ёзма розилик бериш заруриятисиз тегишли ҳукуматлараро органнинг барча қатнашчи давлатларида вазиятни кўриб чиқиш ваколатига ўз-ўзидан эга бўлишини англатади. Масалан, БМТнинг Инсон ҳукуқлари бўйича комиссияси резолюция қабул қилиш орқали Қийноқ масалалари бўйича Maxsus Vakil функциясини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу Maxsus Vakil БМТ қатнашчиси бўлган ҳар қандай давлатда аризани кўриб чиқиши ва уни олиши мумкинлигини англатади. Кўринади-ки, *ношартномавий органлар* кўп миқдордаги давлатлардан ариза олиши мумкинлигини қайд этиш мумкин, чунки улар қандайдир битимни имзолаган давлатлар билангина чекланиб қолмайди.

Механизмнинг келиб чиқиши ҳам назорат остидаги давлатлар сонини бошқача йўл билан чеклаши мумкин. Механизм ҳукуматлараро ташкилот доирасида барпо этилган ҳолларда унинг амал қилиши, одатда, ушбу ташкилот қатнашчилари бўлган давлатларга ёйлади. Бу ҳам шартномавий, ҳам ношартномавий механизмларга тегишлидир. У қуидагиларни назарда тутади:

- агар ҳукуматлараро ташкилот минтакавий ташкилот ҳисобланса, бу, қоидага кўра, механизм фаолиятини мазкур минтақадаги давлатларгача чеклайди. Масалан, фақат Америка давлатлари ташкилоти қатнашчиси бўлган давлатлар Инсон ҳукуқлари бўйича Америка конвенцияси қатнашчилари бўлиши ва Инсон ҳукуқлари бўйича Америка суди юрисдикциясига кириши мумкин. Механизмни барпо этган давлатлар мазкур ташкилотга ёки минтақага кирмаган давлатларни аъзо давлатлар сифатида қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилиши ҳоллари бундан мустасно. Бундай вазият Қийноқ ҳамда қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазолашнинг бошқа турларининг олдини олиш бўйича Европа конвенцияси билан ҳам тез орада юз бериши мумкин;
- механизм, БМТ каби, жаҳон қўламилаги ташкилот доирасида ташкил этилган ҳолларда ундан бутун жаҳонда исталган аъзо мамлакат фойдаланиши мумкин. БМТ мисолида бу амалда бутун жаҳон мамлакатларини англатади.

#### 1.1.1.2. Механизм функциялари

Ушбу қўлланмада тавсифланган кўплаб ташкилотлар бирдан ортиқ функцияга эгалирлар. Жумладан, улар фақат индивидуал аризаларни қабул қиласди, деб ҳисобламаслик керак. Кўплаб механизмлар пировард натижада қонун бузилишларининг олдини олишга қаратилган оламшумул қўламдагиchorаларни кўриш учун ҳам ишлаб чиқилган. Ҳар хил функциялар нимаси билан фарқланишини тушуниш жуда муҳимдир, чунки уларнинг ҳар бири ҳар хил типдаги ахборотни кўриб чиқишига мўлжалланган ва ҳукуқий ҳимоянинг ҳар хил воситаларини тақдим этади. Бу, бир томондан, сизнинг ахборотингиз аниқ механизм унга муносабат билдирадиган шаклда ва, иккинчи томондан, сиз эришмоқчи бўлган ҳукуқий ҳимоя воситаси бўладиган шаклда берилиши кераклигини англатади. Механизмларнинг асосий функцияларини икки типга ажратиш мумкин. Булаар: маърузалар функцияси ва шикоятларни кўриб чиқиши тартиб-коидаси.

Маърузаларни кўриб чиқиши қуидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- давлатларнинг маърузасини кўриб чиқиши: *шартномавий органларнинг* айрим типлари қатнашчи давлатлар томонидан тайёрланган, мамлакатдаги вазият ҳамда шартномавий мажбуриятларни бажариш учун ушбу мамлакатлар томонидан фойдаланиладиган вазият тавсифланган ахборотларни олади ва кўриб чиқади. Сўнтра *шартномавий орган* олинган ахборотларга нисбатан ўз мулоҳазасини билдиради ва вазиятни яхшилашта доир ўз тавсияларини тақдим этади. Ушбу шарҳлар ва тавсиялар, қоидага кўра, оммавий равища бажарилади;
- мониторинг: айрим *шартномавий* ва *ношартномавий* механизмлар кўпинча қандайдир муайян истиқболдан келиб чиқиб мониторингни амалга ошириши мумкин. Бу истиқбол қандайдир муайян жиҳат билан, масалан, Қийноқ қўлланилиши, аёлларга нисбатан зўравонлик ишлатилиши ёки муайян бир мамлакатда инсон ҳукуқларининг умумий вазияти билан боғлиқ ҳолда жаҳон ёки минтақавий вазиятдан келиб чиқиб қурилиши мумкин. Бу, одатда, ушбу вазият бўйича маъруза тайёрлаш мақсадида ҳам индивидуал, ҳам умумий характердаги маълумотни олиш ва кўриб чиқишини ўз ичига олади.
- фактларни топиш: айрим *шартномавий* ва *ношартномавий* механизмлар ҳам фактларни аниқлаш функциясини бажариши мумкин. Шу мақсадда ушбу мамлакатга мунтазам равишда борилади, бироқ айрим ҳолларда ташриф алоҳида мақсадда (бунга муҳим сабаблар мавжуд бўлган ҳолларда) амалга оширилиши ҳам мумкин.

Шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидаси қўйидагиларни ўз ичига олади:

- индивидуал шикоятларни олиш ва улар билан ишлаш: ушбу функция фақат шартномавий органлар томонидан бажарилади. Ахборот механизмларидан фарқ қиласан умумий вазиятни батафсилроқ тушуниш учун фойдаланилади), шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидаси суд жараёнидан иборат бўлиб, даъволашинг тусида бўлади. Ушбу жараён индивидуал айловга жамланган ва тегишли шартнома асосида инсонга ёки кишилар гуруҳига берилган ҳукуқларнинг давлат томонидан бузилиши фактини тасдиқлаш ёки инкор этиш мақсадини кўзлайди. Ушбу ҳаракат ишнинг судда кўриб чиқилиши билан тенгдир ва риоя этилиши зарур бўлган муайян тартиб-қоидали расмий жараён ҳисобланади;
- давлатлараро шикоятларни олиш ва кўриб чиқиш: давлатлар ушбу тартиб-қоидалар доирасида бошқа давлатларни инсон ҳукуқлари ёки бошқа мажбуриятлар бузилишида айблаб, уларнинг устидан шикоят беришлари мумкин. Бундай функция ҳам шартномавий, ҳам ношартномавий органлар томонидан бажарилиши мумкин, шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидасининг ушбу типи мазкур қўлланмада ёритилмайди, чунки у, қоидага кўра, нохукумат ташкилотлар иштирок этишини кўзламайди.

**ІІІ ҚИСМ. ТҮПЛАНГАН МАЪЛУМОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ**

**1-ЖАДВАЛ. ХАЛКАРО МЕХАНИЗМЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА ФУНКЦИЯСИГА КҮРА РЎИХАТИ**

МЕХАНИЗМ	КЕЛИБ ЧИҚИШИ				ФУНКЦИЯСИ				
	шарт-нормативий	ношарт-нормативий	минтақавий	жаҳон	Маъруза тартиб-қоидалари			Индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш	
					Давлат маърузалари	Мониторинг	Фактларни аниқлаш	Шарт эмас	Шарт
Қийноқларга қарши қумита	✓			БМТ	✓	?*	✓	✓	
Инсон ҳукуқлари кўмитаси	✓			БМТ	✓			✓	
Бола ҳукуқлари кўмитаси	✓			БМТ	✓			?*	
Аёлларга висбатан камситишларга барҳам бериш қумитаси	✓			БМТ	✓			?*	
Инсон ҳукуқлари бўйича БМТнинг маҳсус вакили		✓		БМТ			✓	✓	
ISO3-процедура		✓		БМТ			✓		
Инсон ҳукуқлари бўйича Европа суди	✓		Европа кенгаши						✓
Қийноқ ҳамда инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи мумомала ёхуд жазолашнинг олидини олиш бўйича Европа кўмитаси	✓		Европа кенгashi (қаранг: I-илова)				✓	✓	
Инсон ҳукуқлари бўйича Америкааро комиссия	✓		Америка давлатлари ташкилоти				✓	✓	✓
Инсон ҳукуқлари бўйича Америкааро суд	✓		Америка давлатлари ташкилоти						✓
Инсон ва халқар ҳукуқлари бўйича Африка комиссияси	✓		Африка давлатлари ташкилоти		✓	✓	✓		

**1-изоҳ:** Эҳтимол, яқин келажакда Қийноқларниң олдини олиш бўйича Европа конвенцияси баённомаси қабул қилинади, у Европа Кенгashi аъзоси бўлмаган мамлакатларга Конвенция қатнашчиси бўлган давлат бўлиш имкониятини беради.

**2-изоҳ:** \* Мазкур функциялар (эҳтимол) кўрсатиб ўтилган механизмлар билан биргаликда яқин келажакда амалга оширилади. Механизмларниң амал қилишига багишлиланган бўлимларга мурожаат қилинг.

### 1.1.2. Халқаро тартиб-қоидаларни танлаш

Халқаро тартиб-қоидалар кўламида энг қулайини танлашдан олдин қуидаги бандларни кўриб чиқиш керак бўлади:

- **ФОЙДАЛАНА ОЛИШЛИК:** сиз қайси механизмлардан фойдалана оласиз?
- **МУВОФИҚЛИК:** қайси механизмлар сизнинг мақсадларингизга энг кўп мос келади?

#### 1.1.2.1. ФОЙДАЛАНА ОЛИШЛИК. Сизнинг фойдаланишингиз учун қайси механизмлар қулаи?

Бу сизда ахборот бўлган **мамлакатга боғлиқдир.**

Илгари муҳокама қилинганидек, БМТнинг *ношартномавий* механизмлари барча мамлакатлар учун алоҳида рухсат олиш заруриятисиз фойдаланишга очиқдир. Бироқ минтақавий органлар ҳам, БМТ томонидан *шартнома* воситасида ташкил этилган органлар ҳам, қоидага кўра, шартнома шартларига риоя қилиш мажбуриятини олган мамлакатлардагина амал қилади. Минтақавий органларга нисбатан уларнинг амал қилиши, қоидага кўра, мазкур минтақадаги давлатларга ёйилади.

Боз устига, индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидасини назарда тутувчи айрим шартномаларда ушбу тартиб-қоидалар қатнашчи давлатлар учун мажбурий эмаслигига йўл қўйилади. Бундай ҳолларда бирон-бир давлат билан боғлиқ индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидасидан фойдаланиш учун мазкур давлат шартнома қатнашчиси бўлиши етарли эмас. Бунинг учун тартиб-қоидани амалга оширишга нисбатан давлатлар томонидан билдирилган ижобий розилик талаб этилади. Бошқача айтганда, мамлакат индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидасини белгиловчи шартнома қатнашчиси бўлган давлат бўлиши мумкин, бироқ ушбу тартиб-қоиданинг ўзига нисбатан қўлланилишига йўл қўймаслиги мумкин.

Бундан ташқари, мамлакатлар шартнома қатнашчиси бўлган давлатга айланиш тўғрисида қарор қабул қиласар экан, шартномага нисбатан қўпинча *шарт қўйиш имкониятига* эга бўлади. Агар давлат шарт қўйса, бу шартнома шартларини айнан қабул қилмаслигини, ўз эҳтиёжларига мувофиқ унинг бир ёки бир неча қоидаларини ўзгартирганлигини англатади, бу шартномани қабул қилиш шарти сифатида илгари сурилади. Шу сабабли давлат шартнома қатнашчиси бўлган давлат ҳисобланиши фактидан ташқари, шунингдек, шартнома муносабати билан бирор-бир шарт бор-йўқлигини ҳам текшириш зарур, чунки бу бизнинг мисолимизда аҳамиятли бўлиши мумкин.

Сиз муайян мамлакатдан ахборот қабул қиладиган механизмларни аниқлаш учун қуидаги саволларга жавоб топишингиз зарур:

- мазкур механизм шартнома асосида яратилганми?

**Агар шундай бўлса, қуидаги саволларга жавоб бериш зарур:**

- ⇒ мазкур мамлакат ушбу шартнома қатнашчиси ҳисобланадими? Агар қатнашчиси ҳисобланса, механизм ушбу мамлакат тўғрисидаги ахборотни қабул қилади. Агар қатнашчиси бўлмаса, у ҳолда механизм мазкур мамлакатта таалуқли индивидуал шикоятларни кўриб чиқиши мумкин. Агар розилик бермаган бўлса, механизм ушбу мамлакат ҳақидағи ахборотни ўзининг бошқа функцияларини бажариш доирасида олиши мумкин. Бироқ, индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидасини қўллай олмайди;
- ⇒ агар индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидаси мажбурий бўлмаса, мамлакат мазкур тартиб-қоидадан фойдаланишга розилик берганми? Агар розилик берган бўлса, у ҳолда механизм мазкур мамлакатта таалуқли индивидуал шикоятларни кўриб чиқиши мумкин. Агар розилик бермаган бўлса, механизм ушбу мамлакат ҳақидағи ахборотни ўзининг бошқа функцияларини бажариш доирасида олиши мумкин. Бироқ, индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидасини қўллай олмайди;

### III ҚИСМ. ТҮПЛАНГАН МАЪЛУМОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

- ⇒ Сизнинг мисолингизда давлат кўриб чиқиш жараёнига таъсир этиши мумкин бўлган шартнома муносабати билан бирор-бир шарт қўйганми?

Агар механизм шартнома асосида ташкил этилмаган бўлса: у ҳолда бу, қоидага кўра, у қандайдир ҳукуматларо ташкилот томонидан ташкил этилганлигини англаради.

- ⇒ Мазкур мамлакат аниқ бир ҳукуматларо ташкилот аъзоси ҳисобланадими? Агар аъзоси ҳисобланса, мазкур механизм ушбу мамлакат тўғрисидаги ахборотни қабул қиласди. БМТнинг ношартномавий механизмлари аслида жаҳоннинг ҳар қандай мамлакатидан исталган ахборотни қабул қилиши мумкин.

#### 1.1.2.2. Айнанлик: қайси механизмлар сизнинг мақсадларингиз билан кўпроқ ойнан?

Сизнинг мисолингизда фойдаланиш учун очиқ бўлган механизмларни аниқлаб, ахборот берип йўли билан нимага эришмоқчи эканлигингизни ҳал этиши талаб қилинади, — бу ўз мақсадларингизга эришиш учун сизга энг юқори имконият берадиган механизмларни куляй равишда танлашда ёрдам беради. Умумий маълумотлар учун қуйида келтирилган жадвалдан фойдаланинг.

2-ЖАДВАЛ. МЕХАНИЗМЛАРНИНГ ТИПЛАРИ ВА ЭҲТИМОЛ ТУТИЛГАН МАҚСАДЛАР НИСБАТИ

ЭҲТИМОЛ ТУТИЛГАН МАҚСАДЛАР	МАҚСАДГА ЭРИШИШ УЧУН ЭНГ МА҂БУЛ МЕХАНИЗМ ТИПИ
<u>Умумий мақсадлар:</u>	
Вазиятга эътиборни тортиш, умумий тенденцияларни аниқлаш	Маърузалар ёки индивидуал шикоятларни кўриб чиқишининг ҳар қандай механизми
Умумий вазиятда ижобий ўзгаришларга эришиш	Маърузалар ёки индивидуал шикоятларни кўриб чиқишининг ҳар қандай механизми
Жазосизликка қарши кураш	Маърузалар ёки индивидуал шикоятларни кўриб чиқишининг ҳар қандай механизми
<u>Индивидуал мақсадлар:</u>	
Қонун бузилиши фактини эътироф этиш	Шикоятларни кўриб чиқишининг ҳар қандай тартиб-қоидаси
Қонунбузарларни жавобгарликка тортиш	Шикоятларни кўриб чиқишининг ҳар қандай тартиб-қоидаси; индивидуал гувоҳликлар бўйича маърузалар механизми
Компенсация олиш	Шикоятларни кўриб чиқишининг компенсация беришга қодир бўлгани тартиб-қоидаси
Шахснинг у қийноққа дучор қилиниши хавфи бор, деб тахмин қилиш учун асос бўлган мамлакатга депортация қилинишининг олдини	Шикоятларни кўриб чиқишининг индивидуал гувоҳликлар бўйича фармойиш беришга ёки вақтингчалик чора-тадбирларни, маърузалар механизмларини тавсия этишга ваколатли бўлган тартиб-қоидаси

#### 1.2. Давлат ички даражасида чора кўриш

Ҳар бир давлатда ҳукуқий ҳимоянинг давлат ички воситалари, шакллари ва тартиб-қоидаларининг ўзига хос турлари мавжуд эканлигини ҳисобга олиш зарур. Ушбу қўлланмада уларни батафсил баён этиш кўзланмайди — бунинг учун кўплаб жиллар талаб этилган бўлур эди. Шу сабабли сизнинг хабардорлигингиз даражасини ошириш учун, ушбу бўлимда сиз давлат ички тизимида тўқнаш келишингиз мумкин бўлган тартиб-қоидаларнинг кириш баёнигина берилади.

ди. Муайян мамлакатда эҳтимол тутилган қарорлар бўйича батафсилроқ ахборот олиш, шунингдек амалий жиҳатларни аниқлаштириш учун давлат ички ҳуқуқи бўйича ҳуқуқшуносга ёки тегишли тажрибага эга бўлган миллий НҲТга мурожаат қилиш тавсия этилади.

Тактиканинг миллий даражада эҳтимол тутилган вариантлари қўйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

#### 1.2.1. Жиноят судлов ишларини юргизиш

Давлатнинг мансабдор шахслари томонидан қилинган ёмон муомалага дучор бўлғанлиги тўғрисида кўрсатма бераётган киши кўпинча милиция/полицияга, маҳаллий оммавий айловчи ёки маҳаллий судга ариза бериш йўли билан жиноий иш қўзғаш имкониятига эга бўлади. Кўпчилик давлат ички суд тизимларида, оммавий айловчи жиноий иш қўзғаш мақбул эканлиги тўғрисида қарор қабул қилган тақдирдагина, жиноят таъқиби қўзғатилиши мумкин; бунда жабрланган ишни мустақил қўзғата олмайди. Муайян мамлакатда аниқ тартиб-қоидани белгилаб олиш учун маҳаллий ҳуқуқшунос билан маслаҳатлашишингизга тўғри келади. Жиноят таъқибидан мақсад етказилган зарарни қурбонга ундириб беришдан эмас, балки ҳуқуқбузарни жазолашдан иборат. Ҳуқуқий ҳимоянинг эҳтимол тутилган воситалари қонунбузарга жарима солишини, шартли ҳукм қилишни ёки озодликдан маҳрум этишни ўз ичига олади.

Ҳарбий кадрлар бошқа давлат мансабдор шахслари каби жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин, бироқ, бундан ташқари (ёки бунинг ўрнига), улар интизомий ҳарбий жавобгарликка тортилиши мумкин, бу ҳарбий трибунал олдида жавобгарлик (ҳарбий кадрларнинг ҳарбий қонунлар қўлланилган ҳолда ҳарбий суд томонидан таъқиб қилиниши)ни ўз ичига олиши мумкин. Ҳарбий трибуналдаги суд муҳокамаси фақат ичдан қўзғатилиши мумкин, бироқ ҳарбий кадрлар томонидан қийноққа дучор қилинган ёки ёмон муомаланинг бошқа шаклига учраган киши унвони каттороқ бўлган офицерга шикоят қилиши, у, яхши деганда, терговни бошлаш учун ўз ваколатидан фойдаланиши мумкин. Ҳокимият тепасида ҳарбийлар турган мамлакатда ҳеч қандай тергов олиб борилмаслиги ёхуд у кам самарали бўлиши эҳтимоли кўпроқ эканлигини қайд этиш зарур. Лекин шунга қарамай, унвонига кўра юқори турувчи офицер қийноқ иши бўйича ҳарбий қонунларга биноан тергов қўзғамаса, бу тергов қўзғап рад этилишига, шунингдек давлат мансабдор шахсларининг қийноқ қўлланилишига нисбатан бепарво бўлишига тенглаштирилади. Мана шундан келиб чиқсан ҳолда, ҳатто агар қурбон ушбу жараённи тўғридан-тўғри ўз ташаббуси билан қўзғаш имкониятига эга бўлмаса ҳам, шу маънода тергов қўзғаш имкониятини ҳисобга олиш керак. Тергов қилиш рад этилиши ҳам Қуролли тўқнашувлар тўғрисидаги халқаро қонун бузилиши деб ҳисобланади (І қисм, 3.6.-боб), унга мувофиқ ҳарбий қонунлар бузилиши муносабати билан тергов ўтказилиши учун қўмондонлар жавобгардир.

#### 1.2.2. Фуқаролик судлов ишларини юргизиш

Фуқаролик судлов ишларини юргизиш давлат кодекси қарорларига, қонунчилик ёки умумий ҳуқуқнинг айrim шаклларига асосланиши мумкин. Ушбу қарорлар ҳар хил қоидаларни белгилайди, бироқ уларнинг барчаси фуқаролар бир-бирларига нисбатан риоя этишлари керак бўлган умумий характердаги мажбуриятлар бузилиши билан боғлиқdir. Одатда, фуқаролик судлов ишларини юргизишга киши жавобгарликка тортилган шахсдан бирор-бир компенсация, қоидага кўра, молиявий компенсация олишни хоҳлаган ҳолларда мурожаат қилинади. Ишни кўриб чиқиши суд хусусиятига эга бўлади ва оддий юрисдикция судида юз беради.

#### 1.2.3. Маъмурий судлов ишларини юргизиш

Қийноқ қурбонлари учун мақбул бўлиши мумкин бўлган ҳуқуқий ҳимоянинг маъмурий воситаларига шафқатсиз жиноятлар қурбонларига етказилган зарар ундирилишини таъминлайдиган компенсация тўлови тўғрисида ариза бериш, шунингдек шикоятни кўриб чиқиши юзасидан полиция/милиция участкасига ариза бериш мисол бўлиши мумкин. Маъмурий судлов ишлари

ни юргизиша оддий судьялар иштирок этиши шарт эмас. Кўпинча бу ҳакамлик суди экспертилари ёки эксперталар аниқ бир соҳада ваколатларга эга бўлган расмий шахслар томонидан қарор қабул қилинишини ўз ичига олади.

#### **1.2.4. Интизомий судлов ишларини юргизиш**

Биз учун зарур интизомий тартиботлар полиция/милиция органларининг, ҳарбий кучларнинг, бошқа хавфсизлик органларининг ва давлат маъмуриятининг ички тартиботига тегишли бўлади. Ушбу процессуал ҳаракатлар суд ҳаракатлари ҳисобланмайди ва шу сабабли лавозимига кўра юқори бўлган давлат мансабдор шахслари томонидан кўриб чиқилади. Ҳарбий трибуналда бўлганидек, шикоят юқори турувчи мансабдор шахсга берилиши мумкин, бироқ иш қўзғаш тўғрисидаги қарор фақат орган доирасида қабул қилиниши мумкин. Интизомий суд ишларини юргизиш натижасида белгиланиши мумкин бўлган санкциялар турлари, қоидага кўра, эгаллаб турилган лавозимга тегишли бўлади ва иш ҳақи тўламасликни, ишдан вақтингча четлатишни, бошқа лавозимга тайинлашни ёки ишдан бўшатишни ўз ичига олиши мумкин.

#### **1.2.5. Сиёсий бошпана бериш тўғрисида аризалар**

Бошқа мамлакатга (одатда, ўzlари келиб чиқсан мамлакатга) чиқариб юборилган тақдирда расмий маъмурлар томонидан қувғин қилинади, деб ҳисобланиши учун *салмоқли асосга* эга бўлган кишиларни аниқлаш сиёсий бошпана бериш жараёнининг асосий мақсади ҳисобланади. Давлатлар, қочоқлар тўғрисидаги қонундан ва инсон ҳуқуqlари тўғрисидаги умумий қонундан келиб чиқиб, бундай одамларни шундай мамлакатга қайтариб юбормасликка мажбурдирлар. Кўпчилик ҳолларда қийноққа дучор қилиниш ҳавфи далили қувғин қилиниш ҳавфи фактининг далили учун асос ҳисобланади. Бунга қўшимча равища Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши кураш Конвенцияси қатнашчиси бўлган давлатларнинг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун доирасида кишини, у қийноққа дучор қилиниши мумкин, деб ҳисоблаш учун *салмоқли асослар* бўлган тақдирда, мамлакатга чиқариб юбормаслик тўғрисида алоҳида мажбуриятлари ҳам бор.

Бундай ҳолларда асосий мақсад инсон ҳозир бўлиб турган мамлакат қийноқ қўлланилиши ҳодисаси учун жавобгар эканлигини исбот қилишдан эмас, балки яна ўша мамлакатта чиқариб юборилган тақдирда у дучор бўлиши мумкин бўлган ҳавф мавжудлигини исботлашдан иборатдир. Шундай қилиб, давлатнинг инсонни чиқариб юбормаслик тўғрисидаги мажбуриятидан фойдаланиш мумкин. Аниқ талаблар мамлакатга боғлиқ равишида фарқ қилиши мумкин, бироқ, қоидага кўра, қўйидаги фактларни исботлашга тўғри келади:

- Инсон қийноқ ҳавфига шахсан дучор қилинади (яъни мазкур мамлакатда қийноқ қўллалиши фактининг ўзини шунчаки таъкидлаш етарли эмас);
- ҳавф мавжуд бўлишда давом этмоқда (яъни ҳавф фақат ўтмишда бўлганлигинигина эмас, балки ҳозир ҳам мавжуд бўлишда давом этаётганлигини исбот қилиш керак бўлади).

Кийноқ ҳавфи ҳукуматга қарашли бўлмаган субъектлардан чиқсан тақдирда буни исботлаш билан боғлиқ қийинчиликлар пайдо бўлиши мумкин, бироқ бундай ҳавфни давлат мансабдор шахсларидан кутиласиган ҳавф тоифасига тенгглаштиришда муайян тараққиётта эришилди, бу сиёсий бошпана олиш мақсадлари билан боғлиқ бўлганда ўзини оқлади (қаранг: І қисм, 3.6-боб).

Агар сиёсий бошпана олиш тўғрисидаги ариза рад этилган ва депортация қилиш санаси белгиланган бўлса, вақтинчалик чоралар кўрилишига қодир бўлган бир қанча ҳалқаро механизмлар мавжудлигини, улар депортацияни ишнинг кўриб чиқилиши тамом бўлиши учун зарур бўлган муддатга кечикитириш тўғрисидаги илтимос билан ҳукуматга мурожаат қилиш имкониятини ўз ичига олиши мумкинлигини эътиборга олиш зарур бўлади. Қийноқ масалалари бўйича БМТнинг маҳсус маърузачиси ҳам шошилинч апелляция бериш йўли билан бун-

дай вазиятларга араласиши мумкин. Санаб ўтилган илтимосномаларнинг ҳеч бири юридик кучга эга эмас, бироқ улар ўзини хурмат қилувчи давлат ўз қарорини қайта кўриб чиқишига кўмаклашиши мумкин. Одатда, ушбу талаблар ҳеч бўлмаганда қандайдир муддатда бажарилишини қайд этиш зарур.

#### 1.2.6. Хукуқий ҳимоянинг алоҳида воситалари

Кўпчиллик мамлакатларда ҳукуқий ҳимоянинг алоҳида воситаларидан фойдаланиш имконияти мавжуд. Бу қамоқда бўлган шахслар ҳибсга олишнинг қонунийлиги факти юзасидан ўзларини озод қилиш ваколатига эга бўлган бирор-бир суд инстанциясига апелляция бериш ҳукуқига эга бўлишини назарда тутади. Бундай қарорлар *habeas corpus* ёки *at paro* деб аталиши мумкин. Улар маҳбуснинг ўзи ёки унинг номидан иш кўрувчи бошқа шахс томонидан суд органига апелляция бериш йўли билан ишга солиниши мумкин. Айрим тизимларда бу ҳукуқшунос томонидан амалга оширилиши керак. Бундай аризалар исталган вақтда берилади ва бошқа суд ишларига таққослаганда юқорироқ устуворликка эга бўлиши керак. Инсон ҳукуқлари тўғрисидаги ҳалқаро қонунга мувофиқ ҳукуқий ҳимоянинг ушбу воситаларидан ҳамма вақт, шу жумладан фавқулодда ҳолат даврида ҳам фойдаланиш мумкин бўлиши лозим. Бу киши инкоммуникадо ҳолатида ҳибсда сақланган ҳолларда айниқса муҳим бўлиб, бу қийноқ хавфини кучайтиради.

Киши сўроқ пайтида қийноқ хавфи остида бўлади, деб ҳисобланган ҳолларда ҳам аниқ бир давлат мансабдор шахсига нисбатан суд тақиқини (бирор-бир ҳаракатни тақиқловчи буйруқни) қўллаш тўғрисида ариза бериш имконияти мавжуд.

#### 1.2.7. Бошқа тартиб-қоидалар

Айрим мамлакатларда бирдан-бир мақсади эҳтимол тутилган инсон ҳукуқлари бузилишини кўриб чиқиш ва тергов қилиш ҳисобланган ихтисослаштирилган расмий органлар мавжуд бўлиши мумкин. Уларнинг баъзилари, масалан *омбудсман* типидаги муассасалар ва инсон ҳукуқлари бўйича миллий комиссиялар жорий қонун бузилишлари билан шуғулланадилар, айни вақтда ҳақиқатни аниқлаш бўйича комиссия сингари бошқа ташкилотларнинг вазифаси ўтмишда бирор даврда содир этилган жиноятларни тергов қилишдан иборат бўлади. Ҳар хил ташкилотлар учун ваколатлар ва тартиботлар турлича бўлиши мумкин ва бу ҳақдаги ахборотни, қоидага кўра, уларнинг барпо этилишида восита бўлган қонун ҳужжатларидан топиш мумкин. Уларнинг айримлари (инсон ҳукуқлари бўйича айрим миллий комиссиялар) индивидуал ҳолатларда қарор қабул қилиш имкониятига эга, айни вақтда бошқалари (ҳақиқатни аниқлаши комиссияси) умумий вазият билан шуғулланадилар. Бу ташкилотларнинг ҳаммаси ҳам кутилганидек самарали ва мустақил бўлавермайди.

## 2. МАЪРУЗАЛАРНИНГ ХАЛҚАРО МЕХАНИЗМЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

«Маърузалар механизми» терминидан бутун матнда қуидаги маънода фойдаланилади:

Мамлакатнинг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро қонунилар доирасида ўз мажбуриятларига риоя қилиши юзасидан маъруза ёки шарҳ тайёрлаш мақсадида ахборот оладиган ва/ёки ахборот излашни амалга оширадиган ҳар қандай халқаро механизм. Ушбу органлар томонидан олиниадиган ахборот индивидуал гувоҳликларга ҳам, умумий хусусиятга эга бўлган гувоҳликларга ҳам тегишли бўлиши мумкин, бироқ, пировард мақсад мазкур мамлакатдаги умумий вазиятинг аниқ маизарасини яратишдан ва тавсия беришдан иборатdir.

Ахборотлар механизмининг асосий мақсади — давлат инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро қонун доирасида ўз мажбуриятларини бажаришини мониторинг қилиш ва уларнинг бажарилиш даражасини ўрганиш.

Ушбу механизмлар қуидаги имкониятларга эга:

- бирор-бир мамлакатдаги вазият тўғрисида ахборот тайёрлаш мақсадида давлатдан ва учинчи томонлардан ахборот олиш ва тўплаш (**мониторинг**);
- давлатлар томонидан тақдим этилган ахборотларни кўриб чиқиш ва улар муносабати билан шарҳлар бериш, шунингдек ушбу давлатлардаги аҳволни яхшилаш учун зарур тавсиялар бериш (**давлат маърузаларини кўриб чиқиш**);
- фактларни аниқлаш учун муайян мамлакатларга ташрифни амалга ошириш (**фактларни аниқлаш**).

Ушбу механизмлар:

- юридик жиҳатдан мажбурий қарорлар қабул қилиши;
- алоҳида шахслар кўрган заарни қоплаши мумкин эмас.

Куида ушбу функцияларнинг ҳар бири бўйича умумий амалий маълумотлар тақдим этилади. Ҳар хил механизмлар ҳар хил методлардан фойдаланади ва турли ваколатларга эга бўлади, бироқ барча хусусиятлар III қисм, 4 ва 5-бобларда баён этилади, уларда тегишли механизмлар тавсифланади.

### 2.1. Ахборот шаклига қўйиладиган талаблар

Маърузалар механизмлари жуда кўплаб манбалардаги ахборотлар билан тўлиб-тошган. Ушбу ахборотларнинг кўпчилиги шубҳалидир ва улардан фойдалана олиш мумкин бўлиши учун зарур тафсилотларга эга эмас. Агар сиз ўз ахборотингиз бериладиган бошқа ахборотлардан сезиларли фарқ қилишини хоҳласангиз, у ҳолда қуидаги мезонларга амал қилишингиз зарур бўлади:

- фойдалана олиш мумкинлиги;
- салмоқдорлик;
- ҳаққонийлик;
- тафсилотлар мавжудлиги.

### 2.1.1. Фойдалана олиш мүмкинлиги

Сизнинг ахборотингиздан фойдалана олиш мүмкін бўлиши учун у тегишли тилла бўлиши ва тегишли катта-кичикликда бўлиши зарурдир.

Тили:

- кўпчилик халқаро ташкилотлар *расмий тил* билан ишда қўлланиладиган тилни фарқлайдилар. Гарчи хабар расмий тилда берилиши мүмкін бўлса ҳам, ходимларнинг кўпчилиги, одатда, фақат ишда қўлланиладиган тилда ишлай оладилар. Айни вақтда кўплаб ташкилотлар чекланган ресурсга эгадир, бу ҳамма вақт ҳам таржима қилиш имконияти бўлавермаслигини англатади. Бу хабарнинг қимматлилигини кўрсатувчи бирон-бир белги бўлмаган ҳолларга айниқса тегишидир.

Агар сиз хабарингиз энг юқори даражада кўриб чиқилишини хоҳласангиз, уни ишда қўлланиладиган тилда (улар ҳар бир ташкилот учун ІІ қисм, 4 ва 5-бобларда кўрсатилади) бериш чорасини кўришингиз зарурдир. Бу сиз барча тасдиқловчи ҳужжатларни таржима қилишингиз кераклигини англатмайди, бироқ сизнинг илова қилинадиган хатингиз ушбу тиллардан бирида ёзилиши кераклигини назарда тутади. Бундан ташқари, илова хатда илова қилинаётган ҳар бир ҳужжатнинг мазмуни кўрсатилиши керак. Агар буни бажариш учун имкониятингиз бўлмаса, ҳеч бўлмаганда ишда қўлланиладиган тилда қисқача шарҳ беришингиз зарур. Унда хабар ёки шикоятнинг асосий элеметлари берилиши керак. Энг муҳим бандлар аниқ тартибга боғлиқ бўлади, бироқ умумий қоида сифатида қўйидаги маълумотларни кўрсатишингиз керак:

#### 1. Хабар кимга қаратилган?

*масалан:* Қийноқ масалалари бўйича БМТнинг Maxsus Маъruzачисига  
*ёки:* Қийноққа қарши қўмитага.

#### 2. Сиз ким ҳисобланасиз?

*масалан,* қаровсиз болалар билан ишловчи НХТ  
*ёки:* сиёсий бошпана излаётган шахслар билан ишловчи НХТ

#### 3. Ахборотда гап қайси мамлакат ҳақида бормоқда?

#### 4. Сизнинг ахборотингиздан кўзланган мақсад ёки унинг мазмуни, шунингдек шошилинч чоралар кўрилиши зарурлиги ҳақидаги кўрсатма.

*масалан:* қаровсиз болалар қийноққа дучор қилинганлиги тўғрисидаги, қаровсиз болаларга нисбатан полиция/милиция ходимлари томонидан қонун бузилиши содир этилишининг умумий тенденциясини кўрсатувчи ўнта далил. Ёмон муомала қаттиқ калтаклаш, зўрлаб номусга тегиш ва ўлим жазосини инсценировка қилишини ўз ичига олади.

*ёки:* КҶК (Қийноққа қарши қўмита)нинг учинчи моддаси бузилиши. Жаноб X Y шаҳрига депортация қилинмоқчи. Бу ерда унинг қийноққа дучор қилиниши эҳтимоли мавжуд. Саккиз ой олдин у мамлакатдан жўнаб кетишдан олдин қаттиқ қийноққа дучор қилинган эди (шу жумладан электрошок ва қаттиқ калтакланган эди, бу бош суяги синишига сабаб бўлган, — тиббиёт хуносаси илова қилинади). Унинг ҳозирги пайтда мамлакатда бўлган укаси яқинда қамоққа олинди ва акаси қаерда эканлиги юзасидан сўроқ қилинди. Депортация ... га (сана) белгиланган — ШОШИЛИНЧ.

- Сизнинг ахборотингизни оладиган ходимлар қандайdir ихтисослаштирилган билимларга эга, деб ўйлаш керак эмас, — улар сиз нимани назарда тутаётганлигинизни тушуниши жуда муҳимдир. Сизга оддий бўлиб туюлган терминология сизнинг мамлакатингиздан ташқарида тушунарсиз бўлиши мумкин. Ҳамма вақт содда тилдан фойдаланишга ва ихтисослаштирилган терминологияни тушунтиришга ҳаракат қилинг. Жумладан, қисқартмалардан уларни батафсил ёйиб бермасдан фойдаланишдан қочинг.

Ахборотнинг катта-кичиклиги

- Қоидага кўра, ахборотнинг катта-кичиклигига оид андоза мавжуд эмас, бироқ ахборотни ёзар экансиз, ишчи ходимлар вақти ва ресурслари чекланганлигини ёдда тутинг. Бу хабар асли бўлиши лозимлигидан кўп бўлиши керак эмаслигини англатади ва, агар саккиз-ўн саҳифадан кўп бўлса, у ҳолда сиз уни асосий қоидалар ҳақидаги маълумотнома билан ходимлар унинг фойдалилигини осон билиб оладиган тарзда таъминланг.

**2.1.2. Салмоқдорлик ва ишонарлилик**

Сиз ўз ҳақингизда маълумот бериб, объектив ёнлашишдан фойдаланиб ва шов-шувли хабарлардан қочиб. ўз ахборотингизни **салмоқдор** ва **ишонарли** қилишингиз керак.

Ўз ҳақингизда маълумот

- Ахборотингизга олинадиган жавоб кўп жиҳатдан ўз ташкилотингиз ҳақида тасаввур ҳосил қилишингизга, унинг ишонарлилигига ва ахборот беришдан кўзлаган ниятингизга боғлиқ бўлади. Ушбу масалаларга тўғридан-тўғри ёндашган, ахборотингизни ўқийдиган ходимлар фараз қилишига ташлаб қўймаган маъқул. Шахсан ўзингиз, ўз ташкилотингиз ҳақида яхши фикр уйғотиш жуда муҳим — у ҳолда, вақти келиб, сиз ишончли ахборот манбаига айланасиз.

Агар сиз олдин бирор-бир ташкилотга ўз тўғрингизда ахборот тақдим этмаган бўлсангиз, у ҳолда ишни ўз ташкилотингизнинг мандатини тавсифлашдан бошлаганингиз маъқул — буни ахборотга киритишингиз, ёхуд (мақбулроқ вариант) уставингиз ва йиллик ҳисоботингиз нусхасини қўшишингиз мумкин, бу фаолиятингизнинг яхши кўрсаткичи бўлади. Агар сиз ҳалқаро НХТ филиали бўлсангиз, буни кўрсатишингиз даркор — шунда сиз ҳақингиздаги маълумотларни осонлик билан текшириш имкони яратилади. Агар ташкилотингиз сиёсий йўналишга эга бўлса, буни кўрсатинг — бу бераётган ахборотингизнинг мазмунини тўғри аниқлашда ёрдам беради, ҳеч нарсани янирмаёттганлигининг кўрсатади. Ўз иш усулингизни — ахборотни қандай тўплашингизни изоҳланг. Бу ахборотни биринчи қўлдан оласизми ёки уни кимдир берганми, ёхуд уни матбуотдаги баёнотлардан олганлизми? Мақсад мазкур механизм сизнинг ташкилотингиз ва ахборотингиз сифати ҳақида аниқ таассурот ҳосил қилишига ёрдам берадиган ҳар қандай ахборотни киритишдан иборат.

Объектив бўлинг

- Ҳамма вақт ахборотингизнинг балансланган бўлишига эришишга ҳаракат қилинг. Вазиятга холис, вазмин назар билан қараш хабарингизнинг ҳақиқийлигини оширади, шунингдек сиз вазиятнинг қандайдир бир жиҳатини эмас, балки реал вазиятни тасвирилашдан манфаатдор эканлигингизни кўрсатади. Ахборот муайян даражада бир томонлама бўлиши, айниқса, қонун бузилишининг умумий тенденциясини аниқлашга уринганингизда нормал ҳисобланса ҳам, ахборотни холисона бериш муҳимдир. Асосий шарт-шароитларни тушунтиринг — бу ахборот контекстдан юлиб олинганлитини кўрсатиш учун муҳимлир (киритиш мумкин бўлган тафсилотлар тўғрисида кўрсатма олиш учун қаранг: III қисм, 2.2.1-боб). Бу сизнинг материалингизга бўлган ишончни оширади ва кейинги гал материалингизни юборганингизда бу материал ўз ишончлилигини исбот қилган ташкилотдан келганлигини билдиради.

Шов-шувли баёнотлардан қочинг

- Шов-шувли услубдан ёки драматик тавсифдан фойдаланиш ахборотингиз мақомини пасайтиради. Ҳалқаро механизмлар шов-шувли баёнотлар тўлиб-тошган, бироқ салмоқли фактлар бўлмаган кўплаб хабарлар олишади. Мувозанатли, маълумотларга бой хабар бошқа асосланмаган хабарлар орасида ажralиб турари ва дикъатни кўпроқ жалб этади.

### ІІІ ҚИСМ. ТҮРЛАНГАН МАЪЛУМОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

#### 2.1.3. Тафсилотлар

Ахборотингизда тафсилотлар борлиги унинг ҳажми билан боғлиқ бўлмаслиги даркор — бу, биринчи навбатда, унинг кўпроқ маълумотни ўз ичига олишида акс этиши керак. Ҳалқаро орган қийноқ қўлланилганлигини ёки бошқа ёмон муомала ҳақиқатда юз берганлигини эътироф этиши учун сиз ахборотни талаб этиладиган ҳажмда тақдим этишингиз, айни пайтда имко-ни борича лўнда ва аниқ баён этишга ҳаракат қилишингиз керак.

Сиз киритган тафсилотлар ишга ҳақиқатдан ҳам алоқадор эканлигига, бошқача айтганда, улар айловни қўллаб-қувватлаётганига ишонч ҳосил қилинг. Айлов иккинчи даражали бўлиб қолган ва уни узоқ изланига тўғри келадиган кўпдан-кўп маълумотлар умумий ахборот кўп, аниқ тафсилотлар эса оз бўлган бошқа ҳар қандай материаллар сингари, ҳалқаро ташкилотлар ишини оғирлаштиради. Гувоҳликка тўғридан-тўғри тегишли бўлган тафсилотларни кўпроқ кири-тинг ва умумий маълумотларни жуда қисқа шаклда келтиринг — улар хабарда мавзуни тушунти-риш учун мавжуд бўлиши керак, бироқ хабарнинг асосий материали унда жамланмаслиги зарур.

#### 2.2. Мониторинг органларига ахборот тақдим этиш. Ахборотингиз нималарни ўз ичига олиши керак?

Сизнинг ахборотингиз мазмуни сиз нимани исботламоқчи эканлигингизга боғлиқ бўлади. Бироқ киритиладиган нарсалар юзасидан қўйидаги тавсияларни келтириш мумкин:

##### 2.2.1. Умумий ахборотни мониторинг органига жўнатиш

Сиз умумий ахборотни маърузалар механизмига юборар экансиз, контекстни белгилашга ва умумий тенденцияларни аниқлашга интилишингиз керак.

Контекстни белгилаш: муайян муаммо мавжуд бўлган контекст тўла тушунарли бўлмаган ҳолларда, ҳар қандай механизм бирор-бир муаммонинг аниқ тасвирини яратишда катта қийинчиликларга дуч келади. Бундай ҳолатда мамлакатдаги вазият тўғрисидаги холис маълумот жуда самарали бўлади. Бу давлатни инсон ҳуқуқлари кенг кўламда бузилишида айловчи бир қанча асоссиз фикрларни киритиш кераклигини англатмайди, асло. У мамлакатдаги вазиятни ва бу қийноқнинг олдини олиш юзасидан давлат ўз зиммасига олган мажбуриятнинг бузилиши бўлиб чиқиши мумкинлигини қисқача тавсифлаб беришни назарда тутади. Унга қўйидаги маълумотлар кириши мумкин:

- асосий сиёсий групкалар ва уларнинг мақоми, шу жумладан ҳозирги ҳукумат давлат тепасига келишидан олдинги ҳар қандай ихтилофлар, шунингдек рақобатлашувчи асосий сиёсий партиялар;
- этник, ижтимоий ва диний негиздаги ҳар қандай кескин вазият;
- бирор-бир қуролли можаролар мавжудлиги ва уларда қатнашувчи томонлар;
- хавфсизлик кучлари ва ҳарбий аппарат тузилиши ҳамда уларнинг ваколатлари, айниқса, ҳарбийлар ҳокимият тепасида турган ҳолатда;
- ишга алоқадор бўлган анънавий эътиқод, амалиёт ва урф-одатлар;
- юридик тузилма, жумладан, алоҳида ваколатлар ҳуқуқини берувчи бирор-бир қонунлар мавжудлиги, масалан, Терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонун, шунингдек ишга алоқаси бўлган бошқа юридик маълумотлар.

Мақсад, сизнинг фикрингизча, бошқа мамлакат одами мамлакатда нималар юз берадиганлигини тушуниш учун билиши зарур бўлган фактларни киритишдан иборатdir.

Умумий тенденцияларни аниқлаш: умумий ахборот, ҳар бир аниқ ҳолатда қандайдир натижадан билан боғлиқ бўлган индивидуал гувоҳликларга қараганда, бирор-бир мамлакатда қийноқ қўлланилиши амалиётининг умумий манзарасини яратиши ёхуд ушбу амалиётнинг бирор-бир аниқ жиҳатини аниқлаб бериши керак.

Умумий тенденция мавжуд эканлигини аниқлаш учун:

- бир неча индивидуал ҳолатларни келтириш;
- мазкур мамлакатда қийноқ қўлланилиши амалиёти тўғрисида асосланмаган баёнотлар бериш этарли эмас.

Бунинг ўрнига:

- имкони борича кўпроқ *мисоллардан* фойдаланиш;
- умумий тенденцияни аниқлаш мақсадида индивидуал гувоҳликларни таҳлил қилиш зарур.

Масалан, агар сиз қўлга киритган гувоҳликларнинг кўпчилиги бутун мамлакатда электрошокдан фойдаланиш ёки бирор-бир полиция участкасида қамоққа олинган аёлларни зўрлаш билан боғлиқ эканлигини аниқласангиз, сиз умуман барча қийноқни қўллашнинг электрошокдан фойдаланиш (ёки муайян полиция участкасида аёллар зўрланиши) дан иборат кенг ёйилган методини қандайдир умумий тенденциянинг тасдиғи тарзида қарашингиз мумкин.

Аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган бошқа умумий тенденциялар қамоқда инкоммуникадо сақлашнинг узоқ муддатларига йўл қўядиган қандайдир муайян қонун асосида қамоқда бўлган гумон қилингандар орасида қийноқ ёки ёмон муомаланинг бошқа шакллари юқори даражада қўлланилишига тегишли бўлиши мумкин. Бу, шунингдек, бирор-бир этник ва ижтимоий грухга нисбатан қийноқ қўлланилишининг юқори даражасини, қийноқ қўлланилишида айланган давлат мансабдор шахслари жавобгарликка тортилмаган ҳоллар тақрорланишини, озодликдан маҳрум этиш шароитида изоҳлаб бўлмайдиган ўлим ҳолларининг юқори кўрсаткичини ёхуд аёллар ва болаларга нисбатан қийноқ қўлланилиши бўйича кўплаб гувоҳликларни ўз ичига олиши мумкин.

Асосий мақсад қийноқнинг айрим шакллари бир неча алоҳида ҳодисалар билан чекланиб қолмасдан, муентазам равишда юз бериб келишини исбот қилишдан иборатdir.

Ўзингиз аниқлаган умумий тенденциялар ҳақида ахборот тақдим этар экансиз, қўйидаги тавсияларга амал қилинг:

- биринчи навбатда, аниқланган барча умумий тенденцияларни шарҳланг;
- сўнгра таъкидланган ҳар бир ҳолатни алоҳида ажратиб олинг ва уни ҳаммага тушунарли бўлган тушунчалар билан изоҳланг;
- ҳар бир таъкидлашдан кейин қийноқ ҳақидаги ўз баёнотингизни мустаҳкамлаш учун имкони борича кўпроқ мисоллар келтиринг.

#### 3-ЖАДВАЛ. МАЪРУЗАЛАР МЕХАНИЗМИГА УМУМИЙ АХБОРОТЛАРНИ КИРИТИШ МЕЗОНЛАРИ РЎЙХАТИ

Маърузалар механизмига умумий ахборотларни киритиш учун МЕЗОНЛАР РЎЙХАТИ	
<p><b>Сизнинг ахборотингизда қўйидагилар бўлиши керак:</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ташкилотигизнинг мақсади ва ишчи стратегиясига қисқача кириш?</li> <li>• Гувоҳлик берилгаётган умумий вазият шарҳи, жумладан, юридик тизим?</li> <li>• Қонун бузилишининг аниқланган умумий тенденциялари тақдим этилиши?</li> <li>• Тафсилотларнинг энг кўп миқдори? (хабарга киритилиши керак бўлган ахборот тўғрисида кўрсатма олиш учун III қисм, 2.2.2-бобга қаранг)</li> <li>• Фойдалана олиш мумкин бўлган ҳар қандай тасдиқловчи ҳужжатлар?</li> <li>• Аниқ бир мамлакат муносабати билан ахборот олиш учун мурожаат қилиш мумкин бўлган маҳаллий ташкилотлар ва кишилар рўйхати</li> </ul>

## 2.2.2. Индивидуал гувоҳликларни мониторинг органларига жўнатиш

Агар сиз индивидуал гувоҳликларни маърузулар механизмига жўнатмоқчи бўлсангиз, у ҳолда камида қўйидаги маълумотларни киритишингиз керак:

- **курбоннинг исми:** бу, маҳаллий анъаналарга кўра фақат исмга эга бўлиш мумкин бўлган ҳоллардан ташқари пайтда, исмни ҳам, фамилияни ҳам ўз ичига олиши мумкин. Ахборот инсонни айнанлаштириш имконини бериши керак — агар исм жуда тез-тез учраб турадиган исм бўлса, бирор-бир бошқа тафсилотларни, масалан, манзили ёки яшаш жойи, ёши, жинси ёки касби кабиларни келтириш керак. Ушбу тафсилотлар ҳамма вақт аҳамиятга эга бўлади ва, агар маълум бўлса, уларни киритиш керак. Кўпчилик механизмлар таниб бўлмаган шахс борасида берилган ариза бўйича чора кўра олмайди, бу, одатда, исми номаълум бўлган кишини англатади. Таниб бўлмаган шахсларнинг катта гуруҳи ҳақида сўз бораётган ҳолларгина бундан мустасно бўлиши мумкин, масалан, 1999 йил 19 ноябрда X шаҳри мэрияси биноси олдидағи намойиш пайтида 50 талабадан иборат гуруҳ қамоққа олинган эди. Исми имкони борича киритилиши керақлигини ёдда тулинг;
- **ҳодиса санаси:** ушбу ахборот энг кўп даражада аниқ бўлиши ва давлат мансабдор шахсли томонидан қўлга олинганликни ҳам, қийноқ (қийноқлар) санасини ҳам, агар у қўлга олиши санаси билан мос келмаса, ўз ичига олиши керак. Санани билиш муҳим, чунки у воқеаларнинг изчиллигини аниқлашга ёрдам беради. Агар сиз сутканинг вақтини (аниқ вақт, ё эрталаб, ёки кечкурун) билсангиз, бу ҳам фойдали бўлиши мумкин;
- **ҳодиса юз берган жой:** бу шаҳар, қишлоқ ёки маҳаллий округнинг номини, шунингдек мамлакат ва минтақа номини ўз ичига олиши керак. Қийноқ ёки ёмон муомала ҳодисаси юз берган жойни ҳамма вақт киритинг. Бундай ҳодисалардан бир нечтаси юз берган бўлса, барча саналарни киритинг. Агар ҳибсга олинган жой қийноқ жойи билан мос келмаса, уни ҳам киритиш керак;
- **тахмин қилинаётган қонунбузарлар шахси:** бунга қонунбузарларнинг исми ва унвони (агар улар маълум бўлса) ёки, ҳеч бўлмаганда, қонунбузар тегишли бўлган хавфсизлик кучлари бўлинмаси, армия бўлинмаси ёхуд полиция/милиция участкаси киради. Қонунбузарларни кўпинча уларнинг маҳсус хизмат кийимига қараб аниқлаш мумкин. Ёдда тулинг: қонунбузар бирор-бир тарзда давлат билан алоқадор бўлиши керак — минтақаларда қўлга олиш пайтида полиция/милиция ҳодимлари кўпинча фуқаро кийимида бўлади ва қонунбузарларнинг исмларини келтириш унчалик муҳим бўлмаслиги мумкин, чунки мавжуд ҳолатлар асосида тегишли хулосалар чиқариш — қонуний бўлади. Ноҳукумат субъектлар тўғрисида тўлиқроқ маълумот олиш учун I қисм, 3.6-бобга қаранг;
- **ёмон муомала тафсилотлари:** ёмон муомала тафсилотларини кўрсатмасдан туриб «қийноқ» сўзидан фойдаланишдан қочинг. Ҳар бир ҳодиса ёки ёмон муомала, сиз унинг қийноқ эканлигига ишонсангиз-да, ҳамма вақт ҳам юридик маънода қийноқ қўлланилишига тенглаштириш учун етарлича жиддий бўлавермайди. Энг яхши ёндашув ёмон муомалани жуда кўп тафсилотлари билан тавсифлаб беришидир. Шунда ҳалқаро органлар кўрсатиб ўтилган ҳаракатлар қийноқка тенглаштирилиши ҳақида мустақил қарор қабул қила олади. Агар қийноқ жисмоний хусусиятга эга бўлган бўлса, у ҳолда тафсилотлар муносабатда билиш шакли тавсифини, бунда фойдаланилган ассобларни ва тананинг ёмон муомала килинган кисмлари, шунингдек етказилган ҳар қандай тан жароҳатларини ўз ичига олиши керак. Масалан, жуда кўп нарсани англатиши мумкин бўлган «Жаноб X калтакланди» типидаги тавсиф ўрнига «Жаноб X нинг юзига ва бошига сим чивиқ билан қаттиқ зарба берилди, бу бош суяги сининишига ва қулоқ пардаси йиртилишига олиб келди», деб ёзилганда маълумотлар кўп келтирилган бўлади. Агар қийноқ руҳий хусусиятга эга бўлса, сиз у нумадан иборат бўлганлигини, курбон ўша пайтда ва ундан кейин ўзини қандай хис килганлигини тавсифлашингиз керак, шунингдек, масалан, агар қурбон даҳшатдан ёки паранойа (хаёлида таъқиб қилинаётгани) дан қийнала бошлаган бўлса, курбоннинг хатти-ҳаракати ёки ақлий қобилиятлари ўзгарганлигидан гувоҳлик берувчи далиллар тақдим этишингиз керак.

Гарчи талаб этиладиган тафсилотлар қандайdir энг кам ҳажмда мавжуд бўлса ҳам, ишга тегишли бўлган тафсилотлар ҳажмини чеклайдиган энг кўп даража мавжуд эмас. «*Ишга тегишли бўлган*» деган сўзларни қандай тушуниш керак? Аслини олганда, бу халқаро органларга нима юз берганлигини тушуниб олишида ёрдам берадиган ва давлат ўз мажбуриятларига риоя қилаётгани юзасидан қарор қабул қилиш имконини берадиган ҳар қандай ахборотни англатади. Қийноқ ҳодисаси муносабати билан тергов олиб бориш ва ҳукуқий ҳимоя воситалари билан тъминлаш давлатнинг мажбуриятларига киришини ҳисобга олган ҳолда, сизнинг ахборотингизда ҳодисадан кейин нима юз берганлиги тўғрисидаги маълумот ҳам мавжуд бўлиши керак. Ахборотга киритилиши керак бўлган, ишга тегишли тафсилотларга (агар улар маълум бўлса) куйидагилар киради:

- қурбоннинг ёши, жинси ва касби — айниқса қурбоннинг жинсини кўрсатиш зарур, чунки маҳаллий тил билан таниш бўлмаган кишига бу ноаён бўлиши мумкин;
- шахсини тасдиқловчи гувоҳноманинг тартиб рақами;
- манзили ёки яшаш жойи;
- ирқи ёки этник гурӯҳи;
- тан жароҳати ёки узоқ муддатли оқибатлар;
- қурбон ҳибсдалиги даврида адвокат ёки врач хизматидан фойдаланишта йўл қўйилганми?
- қийноқ ҳодисаси муносабати билан қурбон шикоят берганми?
- агар шикоят берилган бўлса, расмий маъмурларнинг муносабати қандай бўлган? Тергов ўтказилганми ёки айблов қўйилганми? Агар айблов қўйилган бўлса, жазо берилганми?

4-ЖАДВАЛ. МАЪРУЗАЛАР МЕХАНИЗМИГА ИНДИВИДУАЛ ГУВОҲЛИКЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШНИНГ НАЗОРАТ РЎЙХАТИ

НАЗОРАТ РЎЙХАТИ: Маърузалар механизмига индивидуал гувоҳлик бериш	
<p>Сизнинг ахборотингизда куйидагилар бўлиши керак:</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Таапкilotингизпинг мақсади ва ишчи стратегиясига қисқача кириш</li> <li>• Тафсилотларнинг энг кўп миқдори, шу жумладаи: <ul style="list-style-type: none"> <li>⇒ қурбоннинг поми ва таниб олиш мумкин бўлган бошқа белгилари</li> <li>⇒ ҳодиса санаси ва жойи</li> <li>⇒ таҳмин қилинаётган қонунбузарлар шахси</li> </ul> <p>(бунга пималар кириши тўғрисида батафсил изоҳ олиш учун</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Фойдалана олиш мумкин бўлган ҳар қандай тасдиқловчи ҳужжатлар</li> <li>• Агар сиз шопилинч чоралар кўрилишини талаб қилаётган бўлсангиз, ахборотда ишнинг шопилинчлиги албатта кўрсатилиши керак</li> <li>• Бирор-бир тафсилотнинг маҳфийлиги аниқ кўрсатилиши керак</li> </ul> </li> </ul>

**2.3. Давлат маърузалари тартиб-қоидаси доирасида ахборот тақдим этиш**

**2.3.1. Давлат маърузалари тартиб-қоидаси қай тарзда ишлайди?**

Давлат маърузалари тартиб-қоидасидан кўзланган мақсад қатнашчи давлатлар ўз мажбуриятларига қай дараҷада риоя қилаётганинг аниқ баҳолашда шартномавий органларга ёрдам беришdir (ҳозирги пайтда бу фақат БМТнинг шартномавий қўмитасига тегишли). Бунга давлатларга ўз мажбуриятларини бажариш жараёнини тавсифлаб беришлари талабини қўйиш йўли билан эришилади. Давлатлар маърузаларни мунтазам тақдим этишлари керак, бироқ кўпчилик

давлатлар ахборот тақдим этишни кўп ойларга ва ҳатто йилларга чўзиб юборадилар. Тегишли орган давлатдан маъруза олгандан кейин жиддий эътибор берилиши керак бўлган соҳаларни аниқлаш учун уни диққат билан ўрганиб чиқиши лозим. Маъруза расмий йигилишда кўриб чиқилиди, унга омманинг киришига йўл қўйилади. Бундай йигилиш пайтида маърузаси кўриб чиқилиши керак бўлган давлатга маърузанинг тақдимотини ўтказиш имконияти берилади. Сўнгра, қоидага кўра, маъруза муносабати билан давлатга саволлар берилади. Пировардида қўмита тегиши хуросалар чиқаради ва давлатта ўз мажбуриятларини бажариши жараёнини яхшилаш йўллари бўйича тавсиялар беради.

### **2.3.2. Маърузаларнинг давлат тартиб-қоидаси доирасида ахборот бериш орқали нимага эришиш мумкин?**

Шартномавий органлар томонидан олинадиган ахборотлар давлатларнинг ўзлари томонидан тузилади. Бу, албатта, улар ноаниқ тузилганлигини англатмайди, бироқ улар вазиятга нисбатан расмий нуқтаи назарни ифодалайди. Шартномавий органлар хуросалар чиқариб, тавсиялар берар экан, буни мазкур мамлакатдаги вазиятни аниқ акс эттирадиган ахборот асосида амалга ошираётганига ишонч ҳосил қилиш муҳимдир. Шартномавий органларга ишончли ахборот тақдим этиш қўйидагиларга ёрдам бериши мумкин:

- мамлакатдаги вазият борасида аниқ хуросалар чиқариш;
- маърузани кўриб чиқиш пайтида тўғри саволлар бериш;
- ушбу вазиятда ўринли бўлган фойдали тавсиялар бериш.

Давлатнинг давлат маърузаси бирор-бир шартномавий орган томонидан муҳокама қилиниши катта эътиборни жалб қиласидиган муҳим воқеадир. Сизнинг ахборотингиз оммавий эълон қилинган хуросалар ишончли ахборот асосида чиқарилишига ва эътиборни муаммолар ҳақиқатдан ҳам мавжуд бўлган соҳаларга жалб қилишга қўмаклашади. Бундан ташқари, агар сиз ўз ахборотингиздан аҳволни яхшилаш бўйича амалий таклифлар беришда фойдалана олсангиз, улар ҳам қўмитанинг тавсияларига таъсир кўрсатиши мумкин.

### **2.3.3. Маърузаларнинг давлат тартиб-қоидаси доирасида тақдим этиладиган НХТ маърузалари нималарни ўз ичига олиши керак?**

Маърузалар механизмига умумий ахборотни бериш учун сиз III қисм, 2.2. I-бобда баён қилинган умумий кўрсатмаларга амал қилишингиз керак. Баён қилинганларга қўшимча равишда, маърузалар тартиб-қоидаси давлат ўзининг муайян шартнома доирасидаги мажбуриятларига риоя қилиши даражасини шартнома органи белгилашини назарда тутишини ҳисобга олиб, аниқ бир шартнома қоидаларига, шунингдек, мазкур тартиб-қоиданинг асосий мақсадини ёддан чиқармаган ҳолда, мазкур давлат муносабати билан олдин аниқланган фактларга амал қилишингиз керак.

Ахборотни тайёрлашда қўйидаги тавсияларга амал қилиш зарур:

- Шартнома қоидалари сиз тақдим этган ахборот қўмита томонидан кўриб чиқилишида фойдаланиладиган асос эканлигини ҳисобга олган ҳолда, маърузани шартнома қоидалари асосида тузишингиз мақсадга мувофиқдир. Сизда ахборот мавжуд бўлган қоидаларни танланг ва мазкур қоидалар муайян мамлакатда қандай бажарилаётганини изоҳланг. Бу сиз кўтариб чиқаётган масалаларга нисбатан қўмитанинг қизиқишини оширади, шунингдек эътиборни биринчи навбатда нимага жамлашни аниқлашда сизга ёрдам беради. Модомики давлат расмий юридик вазият тўғрисида, мавжуд қонунчилик ва бошқалар тўғрисида ахборотни муқаррар тақдим этар экан, ушбу қонунчилик амалиётда қандай ишлаётганинги ёритиб беришингиз асосий масала бўлиб қолади.
- Агар муайян мамлакатдан биттадан кўп маъруза олинган бўлса, у ҳолда сиз ҳам қўмитанинг мазкур давлат бўйича олдинги хуросаларига ҳавола қилишингиз керак — бу энг

муҳим соҳаларни белгилаб олишда қўмитага ёрдам беради. Сиз, шунингдек, охирги маъруздан бери ўтган вақт мобайнида қўмита тавсиялари амалда қанчалик рўёбга чиқарилганигини ҳам шарҳлашингиз керак бўлади.

- Агар давлат маърузаси у кўриб чиқилишидан бир мунча вақт илгари эълон қилинса, маъруза муносабати билан унинг мазмунига розилик бериб ёки розилик бермасдан (ҳамма вақт далилларни келтиринг) мулоҳаза билдириш ўзини оқлади, шунингдек сизнинг фикрингизча, қўмитанинг эътиборига тақдим этилиши керак бўлган бирор-бир қўшимча аҳборотни ҳам кўрсатиш керак. Маърузангиз холисона бўлишига интилинг ва салбий жиҳатларга эътиборни жамламанг. Агар давлат баёнотида нимадир ҳақиқат ҳисобланса — буни эътироф этинг; шунингдек вазиятни яхшилашда самарали бўлган чора-тадбирларни ҳам эътироф этинг. Вазмин-босиқ ёндашув сизга бўлган ишончни мустаҳкамлайди, шунингдек қайси чоралар амалиётда ҳақиқатда ишлаётгандигини тушуниб олишда қўмитага ёрдам беради, бу эса бошқа ҳолларда яна тавсиялар бериш учун фойдали бўлади.
- Агар сиз аҳборотни қисқа шаклда тайёрлай олмасангиз, у ҳолда давлат маърузасидаги ҳар бир бандни ёки шартноманинг ҳар бир қоидасини кўриб чиқишингиз керак эмаслигига эътиборни қаратинг. Бунинг ўрнига диққатни энг муҳим масалаларга жамланг. Қисқалик — энг яхши ёндашув эканлигини (агар бунинг имкони бўлса) ёдда туting.
- Имкони борича кўпроқ мисоллар ва статистик маълумотларни келтиришга интилинг. Қўйидаги принципга амал қилинг: сиз «fўр» аҳборотни тақдим қилишингиз керак, қўмита эса тегишли хулосалар чиқариш ваколатига эга. Бу сиз асоссиз хулосалар чиқаришдан қочишингиз лозимлигини англатади. Масалан, аниқ мисолларни келтирмай, фалон-фалонлар самарали эмас, деган фикрни қайд этишдан қочинг.
- Айни вақтда умумий манзарани тавсифлаган ҳолда аҳборот беришга интилинг. Мамлакатдаги умумий манзарани тавсифлаш юзасидан тавсиялар олиш учун III қисм, 2.2.1-бобга қаранг.
- Давлат маърузасини оммавий кўриб чиқиш пайтида қўмита аъзолари бериши мумкин бўлган айрим саволларни таклиф этишга интилинг. Бу қўмитага давлат маърузасида муқобил ёритилмаган муҳим соҳаларни аниқлаш имконини беради.
- Пировардида вазиятни яхшилаш юзасидан амалий таклифлар қилишни эсдан чиқарманг. Вазиятни тўғри баҳолаш учун имконият қўмита аъзоларига қараганда сизда кўпроқ бўлиши мумкин. Шунингдек, аниқ бир вазиятни ҳал этиш учун айнан қайси чоралар самарали бўлишини кўрсатинг. Сизнинг нуқтаи назарингиз қўмита аъзолари учун фойдали бўлиши мумкинлигини англаш зарур. Бундан ташқари, бу сизнинг мақсадингиз фақат давлатнинг нуқтаи назари билан келишмаслик эмас, балки умумий вазиятни яхшилаш учун ечимни излашдан ҳам иборат эканлигини кўрсатади.

#### 2.3.4. Маърузаларнинг давлат тартиб-қоидаси доирасида аҳборот бериш бўйича амалий маслаҳатлар

- Инсон ҳуқуқлари бўйича бирор-бир шартнома қатнашчиси бўлган, маърузаларнинг давлат тартиб-қоидасини белгиловчи ҳар қандай давлат ушбу маърузаларни тақдим этишига мажбурдир, сизнинг мамлакатингиз шундай шартнома қатнашчисими ёки йўқлигини текширинг.
- Сизнинг мамлакатингиз маърузани қачон тақдим этишини аниқлаш учун Женева Котибияти билан боғланинг ёки веб-сайтда (қаранг: 2-илова) қўмитанинг кейинги сессиясида қайси маърузалар кўриб чиқилишини текширинг. Одатда ушбу қарор охирги сессияда қабул қилинади.

### ІІІ ҚИСМ. ТҮПЛАНГАН МАЪЛУМОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

- Кейинги йилларда маъруза тақдим этувчи давлатлар сони камая бошлади. Агар бирор-бир давлатда қандайдир жиддий муаммолар борлигини англасангиз, мамлакат ҳали маърузани тақдим этмаган бўлса ҳам, бу ҳақда кўмита аъзоларини хабардор қилиш керак бўлади. Бу маъруза кўриб чиқилишидан олдин ахборот тақдим этилишининг ўрнини босмаслиги керак, бироқ шартномавий органлар ахборотни шунчалик кўп ҳажмда олишади-ки, улар анча олдин олинган маърузани унутиб юборишлари мумкин.
- Сизнинг давлатингиз маърузани кейинги сессияда тақдим этишини билтанингиздан кейин ахборот устида ишни имкони борича эртароқ бошланг — шунда ахборот тайёрлаш учун сизда етарлича вақт бўлади.
- Давлат маърузаси кенг омма ўрганиши учун Кўмита мажлисидан олти ҳафта олдин тақдим этилиши керак — агар маърузанинг нусхасини олмоқчи бўлсангиз, котибиятга мурожаат қилинг ёки у сайтда эълон қилинган-қилинмаганлигини текширинг. Сиз ахборот устида ишни бошлаш учун давлат маърузаси кенг оммага маълум бўлишини кутишингиз даркор эмас. Яхши маъруза яратиш учун сизнинг кўп саъй-ҳаракат қилишингизга тўғри келади, бунга тайёргарлик кўриш ва тадқиқот олиб бориш учун бирмунча вақт керак бўлади.
- Кўмита катта ҳажмда ахборот олади. Ахборотни бошқа НҲТлар билан биргаликда тайёрлаш самарали бўлиши мумкин, шунда ахборотнинг такрорийлиги камаяди ва сифати ошади. Кўмита айни бир хил фактлар такрорланадиган, бошқалари эса тушириб қолдириладиган ўнлаб маърузалар ўрнига, яхши ишланган ва батафсил ахборот берилган битта маърузани олишни афзал билади.
- Агар ахборотни шахсан топшириш учун Женевага бориш имкониятингиз бўлса, у ҳолда албатта шундай иш тутиш керак — бу сизнинг ахборотингизни олинган бошқа барча ахборотлардан фарқлашга кўмаклашади; айни вақтда бу ўз ахборотингиздаги энг муҳим фактларга эътиборни жалб қила олишингизни ҳам англатади. Бу, шунингдек, сиз ва сизнинг ташкилотингиз тўғрисида яхши таассурот ҳосил бўлишига ҳам ёрдам беради.

#### 2.4. Фактларни аниқлаш билан шуғулланувчи органга ахборот тақдим этиш

Фактларни аниқлаш билан шуғулланувчи органга ахборот ё фактларни аниқлаш бўйича ташрифгача, ёки фактларни аниқлаш пайтида тақдим этилиши мумкин. Шунга боғлиқ равиша сизнинг ахборотингиз ҳар хил жиҳатларга қаратилади.

##### 2.4.1. Фактларни аниқлаш бўйича ташрифгача ахборот бериш

Фактларни аниқлаш бўйича ташриф амалга оширилгунга қадар ахборот берар экансиз, унга ташрифгача зарур тайёргарликни режалаштириш ва амалга оширишда органга ёрдам берадиган ахборотни киритишингиз керак. Биринчи навбатда, фактларни аниқлаш бўйича ташрифлар, одатда, мамлакатдаги вазиятнинг ҳар бир жиҳатини кўриб чиқишга улгуриб бўлмайдиган даражада қисқа бўлишини ҳисобга олишингиз керак. У ташрифни режалаштириш ва тайёрлаш билан шуғулланувчилардан баъзи танлашларни талаб этади. Сизнинг ахборотингиз фактларни аниқловчи органга вазиятнинг энг муҳим жиҳатларини аниқлаш ҳамда ташриф пайтида саъй-ҳаракатларнинг энг самарали стратегиясини танлашда ёрдам бериши керак.

Сиз томонингиздан тақдим этиладиган ахборот органга кўйидаги тарзда тайёргарлик кўришни режалаштириш ва амалга оширишга ёрдам бериши керак:

- яқиндан ўрганишни талаб этадиган энг муҳим соҳаларни аниқлаш;
- бориш зарур бўлган вилоят, шаҳар, аниқ муассасаларни кўрсатиш (гувоҳликлар энг кўп олинган ва энг жиддий муаммолар мавжуд бўлган вилоятлар);

- ташриф буюриш қерак бўлган муассасаларнинг жойлашуви тўгрисида энг кўп тафсилотларни, шунингдек муассаса ҳудудидаги қийноқ энг кўп юз берадиган камералар ёки зоналарнинг жойлашуви киритиш. Баъзан тавсиф биттадан ортиқ қурбондан олинган ҳолларда, қурбондан олинган ахборот асосида сўроққа олиб бориладиган йўлларнинг режасини тузиш мумкин бўлади. Масалан, «Мени идора ортидаги эшик орқали полиция/милиция бўлимига олиб бориши, у ерда зинадан пастга тушилар эди. Биз икки қават пастга тушдик, сўнгра йўлақдан чалга бурилдик. Мени йўлак охиридаги ўнгдан охирги эшикда сўроқ қилишди»;
- мамлакатдаги жорий ижтимоий ва юридик контекстларни тавсифланг, жумладан, муаммони чукурлаштиришга кўмаклашадиган аниқ қонунларга, масалан, узоқ муддатли инкоммуникадо қамаш ёки давлат мансабдор шахсларини жавобгарликка тортишни чекловчи қонун ҳужжатларига эътибор беринг; қийноқ йўли билан олинган эътирофдан суд далили сифатида фойдаланиш имконини берувчи қонун ҳужжатларига ёки суд ишларини юритиш қоидаларига эътибор беринг;
- ўзлари қийноқ қўлланилиши ҳодисасига жалб этилиши сабаби билан (масалан, у полиция/милицияда қамоқ пайтида пайдо бўлган тан жароҳатлари фактини яширувчи қалбаки тиббиёт хulosаси берганлиги маълум бўлган давлат врачи; давлат мансабдор шахсларига қарши жиноий иш қўзғашни рад этгани аниқланган оммавий айловчичи), ёки ёмон муомала муаммосини ҳал этишдаги саъй-ҳаракатлари муносабати билан учрапиш жуда муҳим бўлган давлат мансабдор шахслари ёки парламент вакиллари шахсларини кўрсатинг (масалан, инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил Миллий комиссия аъзолари);
- орган ходимлари ташриф вақтида учрашув ўтказиши мумкин бўлган ташкилотларнинг, масалан, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий НХТ вакиллари (шу жумладан матьузалар ва реабилитация ҳужжатлари адвокатураси билан шугулланувчи шахслар) нинг алоқа ахбороти рўйхатини тақдим этинг. Бу, шунингдек, профессионал бирлашмаларни, масалан, врачлар ёки ҳуқуқшунослар уюшмаларини, маҳаллий қонунчилик тизими билан таниш бўлган, қурбонларнинг ҳуқуқларини фаол ифодаловчи ёки қурбонларни қўллаб-куватлаш бўйича ташкилотлар фаолиятида қатнашувчи индивидуал ҳуқуқшуносларни ўз ичига олиши мумкин;
- ташриф пайтида тахмин қилинаётган қурбонлар билан учраштиришни ташкил этишингиз мумкинлигидан органни хабардор қилинг.

#### **2.4.2. Фактларни аниқлаш бўйича ташриф пайтида ахборот бериш**

Агар сиз фактларни аниқлаш бўйича ахборотни олдиндан тақдим этмаган бўлсангиз, ташриф вақтида олдинги бўлимда келтирилган кўрсатмаларга, шунингдек қўйида келтирилган тавсияларга амал қилишингиз керак. Ушбу босқичда сиз ғоят танлаб иш кўришингиз керак. Фактларни аниқлаш бўйича делегация аъзолари жуда тифиз жадвалга эга бўладилар ва НХТ билан бўладиган учрашув нисбатан қисқа бўлади.

Фактларни аниқлаш бўйича ташрифдан кўзланган асосий мақсад **ФАКТЛАРНИ ТҮПЛАШДАН ИБОРАТДИР**. Ушбу босқичда фактларни аниқлаш бўйича делегация аъзолари ташрифгача умумий ахборотни ўрганиш имкониятига эга бўлганлигини ҳисобга олган ҳолда, улар қуйидаги уч нарсага қизиқиши эҳтимол:

- амалиётда нима юз бераётганлигининг аниқ мисолларига;
- тахмин қилинаётган қурбонлар билан, шахсий кўрсатмалар олиш мақсадида, учрашишга, — ушбу учрашув ахборот айирбошлиш бўйича учрашувлардан алоҳида юз берса (гарчи бу делегациянинг кун тартибига боғлиқ бўлса ҳам) ва бу қурбонлар учун хавфсиз жойда юз берса, яхши бўлади. Агар бу олдиндан режалаштирилмаган бўлса, ушбу тафсилотларни делегация аъзолари билан муҳокама қилишингизга тўғри келади. Учрашувга қурбонларнинг гувоҳликларини мустаҳкамлайдиган барча тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаларини, масалан, тиббиёт хulosалари ёки суд қарорларини келтиришни унутманг;

### ІІІ ҚИСМ. ТҮРЛАНГАН МАЪЛУМОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

- яқин ўтмишда қамоққа олинган ва уларни қамоққа олиш жойларига (улар сўроқдан кейин ўтказилиши мумкин бўлган полиция/милиция изоляторларига ёки дастлабки қамоқ камераларига) бориб кўриш мумкин бўлган шахсларнинг номлари ва жойлашган жойлари тўғрисидаги маълумотларни олиш (жумладан, агар улар сўроқ қилингандан бўлса ёки сўроқ қилинаётган бўлса, шу тўғрида ахборот олиш). Шунингдек яқинда қамоқдан озод қилинган, қийноққа дучор қилинганиклари ҳақида баёнот берувчи шахсларни топиш ҳам фойдали бўлади. Киши ҳозир қамоқда бўлган ва юридик вакили бўлган ҳолларда вакил алоқа орқали олган ахборотни тақдим этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Агар ахборотни шахсан ўзингиз тақдим этсангиз, у ҳолда:

- биринчи навбатда, бошқасига вақт етмай қолиши хавфи бўлса, энг муҳим бандларни тақдим этишингиз;
- ўзингизга берилаётган саволларни диққат билан тинглашингиз ва уларга аниқ жавоб берингиз (ҳатто агар улар сиз жавоб беришга тайёр бўлмаган саволлар бўлса ҳам) — сизга делегация аъзоларини энг кўп қизиқтирган саволлар берилади;
- шунингдек ёзма маълумот тайёрлашга ва ўз кўрсатмаларингизни тасдиқлаш учун уни учрашувга ўзингиз билан бирга олиб келишингизга тўғри келади — агар сизнинг вақтингиз етарли бўлмаса, унда барча зарур ахборот мавжуд бўлган исталган ҳужжатлар нусхаларини, масалан, қилинган ишлар тўғрисидаги маъruzani келтиришингиз зарур бўлади;
- учрашув пайтида сиёсий баёнотлар беришдан қочишиングиз зарур бўлади — агар сиз бу билан шуғуллансангиз, фактларни аниқлаш бўйича делегацияяга улар учун зарур бўлган ахборотни беришга вақтингиз қолмайди.

### 3. ШИКОЯТЛАРНИ КҮРИБ ЧИҚИШ БҮЙИЧА ХАЛҚАРО ТАРТИБ-ҚОИДАЛАР ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

«Шикоятларни күриб чиқиш тартиб-қоидаси» термини ушбу қўлланмада қўйидаги-ларни англатади:

**Алоҳида индивидуумлар ёки индивидлар гуруҳи халқаро суд органига уларнинг индивидуал инсоний ҳуқуқларининг аник холатлаги бузилишидан далолат берувчи шикоят берадиган расмий суд типи жараёни. Ушбу тартиб-қоида доирасидаги шикоят, шунингдек, *ариза, петиция ёки хабар* деб аталиши мумкин.**

Шикоятларни күриб чиқишнинг халқаро механизмлари инсон ҳуқуқларининг умумий вазијатини тадқиқ этиш учун эмас, балки давлатларнинг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун доира-сидаги мажбуриятлари бузилишининг индивидуал ҳолатларини тергов қилиш учун ишлаб чиқилган. Ушбу органларнинг фаолият кўрсатиши давлат ички суд тартиб-қоидасига жуда ўхшаш. Улар маърузалар тартиб-қоидасига қараганда кўпроқ расмий талабларни ўз ичига олади. Қоидага кўра, бу органлардан биринчи босқичда фойдаланиш назарда тутилмаган бўлиб, улар шикоятларни давлат ички даражасида ҳуқуқий ҳимоя қилиш воситаларига эришиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда (яъни ҳуқуқий ҳимоянинг маҳаллий воситалари «тугаган»да — қаранг: III қисм, 3.3.2.2 боб) қабул қиласи.

Қўйида келтирилган ахборот индивидуал шикоятларни күриб чиқишнинг барча тартиб-қоидаларига умумий қоида сифатида тегишилдири. Мавжуд истиснолар аниқ механизмни тавсифлашда III қисм, 4 ва 5-бобларда изоҳлаб ўтилади.

#### 3.1. Индивидуал шикоятларни күриб чиқиш тартиб-қоидаси доирасида нималарга эришиш мумкин?

Шикоятларни күриб чиқиш тартиб-қоидаси:

- шахсий шикоятларни күриб чиқиш;
- индивидуал ҳодисаларни ошкор қилиш;
- вақтингчалик чоралар кўриш тўғрисида кўрсатма ёки тавсиялар бериш, шу жумладан кишининг унга нисбатан қийноқ хавфи мавжуд бўлган мамлакатга депортация қилинишини бекор қилиш;
- фактларни аниqlаш ва тергов қилишнинг айrim шакллари билан танишиш;
- мажбурий юридик қарорлар чиқариш;
- индивидуал ҳолларда қонун бузилиши фактини эътироф этиш;
- индивидуумларга улар кўрган зарарни қоплаш имконини беради.

Шикоятларни күриб чиқиш тартиб-қоидаси:

- бирор-бир умумий муаммони бошқаларига ўхшаш тарзда кўриб чиқиш имконини бермайди.

**3.2. Индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидаси доирасида шикоятларнинг қандай типлари қабул қилинади?**

Индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартибидан:

1. шикоятлар тегишли шартнома қоидалари бузилиши тахмин қилиниши билан боғлиқ бўлган ҳолларда;
2. тахмин қилинаётган қонун бузилиши индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидасини қабул қилган давлат томонидан содир этилган (ва индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш учун зарур бўлган ижро этувчи органнинг ваколати бўлган (бунинг учун Инсон ҳукуқлари бўйича Америка Конвенцияси доирасида индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш барча қатнашчи-давлатларга тамомила тегишли эканлигига қарамай, алоҳида келишув, масалан, Инсон ҳукуқлари бўйича Америкаро суднинг ваколати талаб этилган) ҳолларда;
3. тахмин қилинаётган қонун бузилиши индивидуумга ёки индивидуумлар гурӯҳига қарши давлатларнинг юрисдикцияси доирасида содир этилган ҳолларда, шунингдек;
4. шикоят қурбон, унинг оиласи ёки ваколатли вакил томонидан (бу НХТни ҳам ўз ичига олади) берилган ҳолларда фойдаланиш мумкин.

• Конун бузилиши

Давлат нафақат ўз **хатти-ҳаракатлари** (масалан, қийноқ қасдан қўлланилганлиги) учун, балки нуқсонлар учун (қийноқ қўлланилиши ҳолларининг олдини олиш юзасидан амалий чоралар кўрилмаганлиги/қонунни бузувчиларни суд орқали таъқиб қилиш чоралари кўрилмаганлиги/ аризаларни суриштириш чоралари кўрилмаганлиги) учун ҳам инсон ҳукуқлари бўйича ўз мажбуриятларини бузувчи сифатида эътироф этилиши мумкин. Бу тахмин қилинаётган қонун бузилиши қийноқ ҳодисасидан каттароқ нарсани ўз ичига олиши мумкинлигини ва бу ҳодиса ҳолатлари билан исбот қилиниши мумкинлигини англаради.

Гарчи ушбу қўлланмада кўриб чиқиладиган айрим шартномалар фақат қийноқ ҳолларида қўлланилиши мумкин бўлса ҳам, бошқалари умумийроқ тусга эга эканлигини ва инсон ҳукуқларининг кенгроқ доирасини қамраб олишини қайд этиш зарур. Умумий шартнома доирасида бериладиган шикоятлар биттадан ортиқ ҳукуқнинг бузилишини кўрсатиши мумкин. Масалан, агар киши ноқонуний қамоқда бўлган ва қийноқ натижасида қамоқда ўлган бўлса, инсоннинг эркинликка ва хавфсизликка бўлган ҳукуқи, ҳаётга бўлган ҳукуқи, шунингдек қийноққа дучор қилинмаслик ҳукуқи бузилганлиги учун айб қўйиш мумкин бўлади.

• Юрисдикция

Давлат инсон ҳукуқлари тўғрисидаги қонунга мувофиқ ўз юрисдикцияси остида бўлган барча шахсларнинг ҳукуқларига риоя қилиш ва уларни ҳимоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Аслини олганда, бу давлатнинг назорати остидаги барча кишиларни билдиради. Бу давлат ҳудудидаги барча одамларни ўз ичига олади (давлат фуқароларидан ташқари, бу, шунингдек, чет элликларни ҳам ўз ичига олади), бироқ бу, шунингдек, ҳукумат қарорлари асосида чет элда бўлган фуқароларга, масалан, ҳарбий кучлар тўғрисидаги ҳукумат қарори асосида мамлакат ташқарисида бўлган шахсларга ҳам дахлдор бўлиши мумкин.

**3.3. Индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидасининг амал қилиши**

**3.3.1. Асосий хронологик босқичлар**

Индивидуал шикоятларни кўриб чиқишнинг барча тартиб-қоидалари айни бир асосий хронологик босқичларга асосланади:

- Шикоят олиниши;
- Кўйидагиларга ишонч ҳосил қилиш учун зарур бўлган олдиндан кўриб чиқиш:
  - 1) шикоят индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидасини қабул қилган, тегишли конвенция қатнашчиси бўлган давлатга тегишидир;
  - 2) шикоятда келтирилган фактлар конвенция мавзуларига киради;
  - 3) кўрсатиб ўтилган қонун бузилишининг содир этилиши учун амалда имкониятлар мавжудлиги (яъни шикоят мавзуси абсурд эмас).
- шикоят қилиниши мумкинилигини баҳолаш, бу ҳар иккала томон учун ўз важларини тақдим этиш имкониятини ўз ичига олади (баъзан ушбу босқич кейингиси билан қўшилиб кетади — бу ҳолда сиз бундан хабардор қилинасиз);
- шикоятнинг маҳиятини, шу жумладан ҳар иккала томоннинг ўз важларини келтириши имкониятини ва (ваколатлар даражасига боғлиқ равишда) нохуш воқеа тўғрисида қарор чиқаришга ёрдам берадиган ахборотни тўплаш имкониятини кўриб чиқиш. Бу оғзаки ва ёзма аризаларни, фактлар аниқданишини, шунингдек экспертларнинг кўрсатмалари ёки *amicus curiae* гувоҳлиги кўриб чиқилишини ўз ичига олиши мумкин;
- қонун бузилиши фактининг ҳақиқийлиги борасида органнинг қарори ва (аниқ бир органнинг ваколатларига қараб) хукуқий ҳимоянинг тегишли воситаси борасида қарор чиқариш.

Процессуал харакатнинг ҳар қандай босқичида индивидуал шикоятларни олувчи кўпчилик органлар:

- вақтингчалик чоралар кўрилишини тавсия қилиши ёки талаб қилиши;
- томонлар масалани дўстона ҳал қилиш мақсадида ўз хизматларини таклиф этиши мумкин.

Бу босқичларнинг айримларини янада изоҳлаш талаб этилади.

**3.3.2. Йўл қўйиш мумкинлиги**

**3.3.2.1. Йўл қўйиш мумкинлиги**

*Йўл қўйиш мумкинлиги* босқичи қандайдир буфер функциясини бажаради — агар иш йўл қўйиш мумкин, деб эълон қилинган бўлса, у ҳолда иш маҳиятан кўриб чиқиш босқичига ўтади, бироқ, агар у йўл қўйиш мумкин эмас, деб эътироф этилган бўлса, ишни кўриб чиқиш шу билан тамом бўлади.

Аризага йўл қўйиш мумкинлигини аниқлаш маҳиятан аниқ бир орган олинган аризани кўриб чиқишга **ваколатли** эканлиги факти эътироф этилшини назарда тутади. Орган баён қилинган фактлар инсон хукуқлари тўғрисидаги халқаро қонунлар бузилиши **эквалигини**

### ІІІ ҚИСМ. ТҮПЛАНГАН МАҢЛУМОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

аниқлашга уринмайды (бу ишнинг моҳиятини кўриб чиқиш босқичида юз беради); бунинг ўрнига орган ишнинг кўриб чиқилишига тўсқинлик қилувчи эҳтимол тутилган сабабларни топишга уринади.

#### 3.3.2.2. Нима учун шикоят йўл қўйилиши мумкин эмас, деб эътироф этилиши мумкин?

Халқаро орган аризага йўл қўйилиши мумкин эмас, деб эътироф этган сабаблар (асослар) тегишли қоидаларни кўриб чиқиш пайтида кўрсатилади, бироқ уларнинг кўпчилиги индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидаларининг кўпи учун долзарбdir. Уларнинг кўпчилиги тартиб-қоиди тусига эга, бу улар ишнинг фактлари билан эмас, балки ариза бериш шакли билан боғлиқ эканлигини англаатади. Қуйида йўл қўйиб бўлмасликнинг асосий сабаблари келтирилади:

- ариза апоним берилган;
- ариза қурбондан олинмаган ва ариза бериш учун қурбондан ёки қурбоннинг оиласидан тегишли расмий ваколатлар олишмаган;
- ариза аниқ бир давлат учун шартнома кучга киргунга қадар юз берган воқеаларга тегишлидир. Масалан, Қийноқ ҳамда қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазолашнинг бошқа турларига қарши конвенциянинг 27-моддасига мувофиқ мазкур конвенция давлат уни ратификация қилгандан кейин 30 кундан сўнг кучга киради. Бинобарин, агар X давлат конвенцияни 2000 йил 31 марта ратификация қилса (ва индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидасидан фойдаланишга розилик берса), у ҳолда ушбу давлат учун конвенция 2000 йил 30 апрелда кучга киради. Бинобарин, Қийноқларга қарши қўмита шикоятларни 2000 йил 30 апрелдан бошлаб юз берган воқеалар муносабати билан кўриб чиқиши мумкин;
- ариза бериш учун ажратилган давр тугади. Қоидага кўра, вақти бўйича чеклашлар иш бўйича расмий қарор қабул қилинган пайтдан амал қила бошлайди. Бу ҳуқуқий ҳимоя воситасидан баҳраманд бўлиш имконияти йўқлиги аниқланганда нохуш ҳодиса санасини англаатади (ҳуқуқий ҳимоянинг давлат ички воситалари тугашига нисбатан ахборот олиш учун қўйига қаранг), бироқ, кўпчилик ҳолларда бу жиной иш қўзғатмаслик тўғрисида қарор қабул қилинган кун, ёхуд суд қарори чиқарилган кун, ёхуд қурбон томонидан қилинган, бироқ жавоб олинмаган ариза санаси, ёхуд давлат ички тизими доирасида ҳуқуқий ҳимоя воситасини излаш жараёнидаги якуний босқични ифодалайдиган ҳар қандай бошқа қарор санаси бўлади;
- хабар тегишли конвенция қоидаларига мувофиқ келмайди;
- хабар аниқ равища асоссиз, деб эътироф этилган ёки ариза бериш ҳуқуқи сунистеъмол қилинганилиги факти тан олинган. Бу ариза берилишига йўл қўйилмаслиги учун иш фактлари билан боғлиқ бўлган ягона асосдир. Ушбу банд ҳар бир иш учун алоҳида қаралади ва, агар келтирилган фактлар қонун бузилиши содир этилганилигидан ва шу сабабли хабар қатъий равища асоссиз деб эътироф этилганилигидан далолат беради, деб ҳисобланса ижобий деб эътироф этилади, шу муносабат билан ариза бериш ҳуқуқидан фойдаланилмаслиги керак;
- ушбу иш фактлари халқаро тартибга солишнинг ушбу ёки бошқа тартиб-қоидаси доирасида кўриб чиқилган;
- ҳуқуқий ҳимоянинг ички давлат воситалари тугамаган.

Ҳуқуқий ҳимоянинг давлат ички воситалари тугамаслиги шикоятга йўл қўйиб бўлмаслиги эътироф этилиши учун энг кўп учрайдиган асос ҳисобланади, бироқ ушбу қоидани кўриб чиқиш ниҳоятда мураккабdir. Шу сабабли ушбу жиҳат батафсил ёритилади.

⇒ Ҳуқуқий ҳимоянинг давлат ички воситалари тугаши нимани англаатади?

Моҳият эътибори билан бу, агар инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун бузилишининг қурбони ишнинг халқаро органда кўриб чиқилиши тўғрисида илтимос қилмоқчи бўлса, буни амалга оширишдан олдин у ўзини миллий маъмурлар ҳуқуқий ҳимоя қилишига эришишга интилиши кераклигини англаатади. Халқаро органга мурожаат қилингунга қадар давлат ишни мустақил ҳал этиш

имкониятига эга эканлигини күрсатиш зарур. Бу, агар давлат ўз мансабдор шахслари томонидан йўл қўйилган суистемоликларга дучор қилинган қурбонларни ҳукуқий ҳимоянинг амалдаги ва самарали воситаларидан баҳраманд қила олиши мумкин бўлса, у инсон ҳукуқлари бўйича ўз мажбуриятларини бузувчи деб ҳисобланмаслигини англатади. Бинобарин, бу айрим шахслар со- дир этиб бўлмайдиган хатти-ҳаракатларни давлатнинг розилигини олмасдан қилиши эҳтимолига йўл қўяди.

Бирок халқаро органлар күпчилик мамлакатларда ҳуқуқий ҳимоя воситалари ҳомхәёл ёки умуман мавжуд әмаслигини зөтироф этадилар. Шу сабабли ҳуқуқий ҳимоя воситалари қандай тавсифларға ега бўлишини, улар қай тарзда тугаши мумкинлигини тавсифлаб берувчи қандайдир қоидалар, шунингдек улар тугашига йўл қўймаслик зарур бўлган алоҳида ҳолатлар ишлаб чиқилди.

⇒ Шикоятчи ҳуқуқий ҳимоянинг қандай воситаларини ишга солиб кўриши керак?

Шикоятчи ҳуқуқий химоянинг барча (суд ёки маъмурый тусдаги) воситаларидан фойдаланингга ҳаракат қилиши керак, улар:

- **фойдаланиш мүмкін бұлған воситалар:** ҳуқуқий ҳимоя воситалари мавжуд ва қурбон (әки унинг номидан иш күрүвчи бошқа бирор) улардан бирор-бир чеклашсиз фойдаланиши мүмкін;
  - **самарали:** ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан муваффақиятли фойдаланиш имконияти мавжуд;
  - **муқобил:** ҳуқуқий ҳимоя воситалари шикоятчи учун тегишли даражада ўрнини босадиган бўлиши мүмкін, — масалан, агар киши мамлакатдан чиқариб юборилиши керак бўлса, депортацияни бекор қила олмайдиган ҳуқуқий ҳимоя воситаси муқобил ўрин босувчи хисобланмайди.

Агар мавжуд давлат ички ҳуқуқни ҳимоя қилиш воситалари ушбу мезонларни қониқтиримаса, у ҳолда қурбон ҳалқаро органга шикоят бериш учун уларнинг барчасидан ўтишга мажбур эмас. Бироқ бунинг учун шикоятчи бу ҳақда шунчаки ўз фикрини (ёки курбоннинг расмий вакили фикрини) билдириб қолмай, буни амалда исбот қилиши керак. Масалан, қийноқ қўлланилганлиги муносабати билан шикоят берган кишилардан ҳеч бири компенсация олиш учун ҳуқуқий ҳимоя воситасидан фойдалана олмаганингини исбот қилиш зарур бўлиши мумкин. Агар ҳуқуқий ҳимоя воситасининг самаралилигига нисбатан бирор-бир шубҳа мавжуд бўлса, шикоятчи, ҳеч бўлмаганда, ҳуқуқий ҳимоянинг ушбу воситасидан фойдаланишга уриниш бўлганлигини исбот қилиши керак. Бундан ташқари, агар ҳуқуқий ҳимоя воситасидан унинг ўзи сабабли фойдаланиб бўлмайдиган бўлса (масалан, шикоятчи белгиланган вақт оралиғида апелляция беришга ултурмаган, бунинг оқибатида апелляция тартибидан фойдаланиш мумкин бўлмаган бўлса), бу, қоидага кўра, ҳуқуқий ҳимоя воситаси тугаганлигини оқлаш сифатида қабул қилинмайди.

Агар шикоятчи ҳуқуқий ҳимоянинг муайян воситаси ундан фойдаланиб бўлмаслиги, самарасизлиги ёки ўрнини босолмаслиги сабабли тугамаслиги кераклигини исбот қилиш ниятида бўлса, у ҳолда фойдаланиш мумкин бўлган амалдаги тартиб-қоида куйида келтирилади.

1. Шикоятчи ҳуқуқий ҳимоя воситаси тугамаслиги керак, деб айтади, чунки у самарасиз (унга эришиб бўлмайди ёки у ўрин босолмайди), — ушбу факт ҳозирча исбот қилинмаслиги керак.
  2. Давлат ҳуқуқий ҳимоя воситаси амалда самарали эканлигини намойиш қилиши керак.
  3. Агар давлат буни исбот қилишга муваффақ бўлса, шикоятчи ё ҳуқуқий ҳимоянинг мазкур воситасини амалла ишга солиб бўлганлигини, ёхуд бошқа вазиятларда у самарали бўлиши мумкинлигига қарамай, аниқ ҳолатда самарали эмаслигини исбот қилиши керак.

⇒ Ҳуқуқий ҳимоя воситаси қай тарзда ишга солиб бўлинган бўлиши керак?

Халқаро ҳуқуқий органга берилган шикоят бўйича фактлар маҳаллий маъмурларга қаратилган шикоятда ёритилиши керак. Бу давлатнинг халқаро органга берилган шикоят бўйича даъвони қондириш имконияти бўлганлигини исботлаш учун зарурдир.

Мисол сифатида қийнок қўлланилганлиги учун компенсация олиш мақсадида шикоятчи маҳаллий суд тизими доирасида даъво аризаси берган ҳолатни келтириш мумкин, бироқ бунда даъвони кўриб чиқишининг бирор босқичида полиция/милицияда сўроқлар ўтказилишининг хусусиятини кўрсатмайди. Агар суд ўз қарорини қийноқ қўлланилганлиги фактини эътироф этиш учун зарур бўлган далиллар етарли эмаслиги билан асослаб, компенсация беришни рад этса ва шикоятчи унга мувофиқ қийноқлар тўғрисидаги даъволарни ўз вақтида ва холис кўриб чиқиши керак бўлган давлат ўз мажбуриятларини бузганлигини кўрсатиб, Қийноқларга қарши қўмитага ариза берса, бунда, гарчи ушбу ҳолатда компенсация берилмаганлиги учун давлатга шикоят бериш мумкин бўлса ҳам, шикоят қонун бузилиши мавзусини кўриб чиқиш учун давлатга тақдим этилмаганлиги сабабига қўра қабул қилинмаслиги эҳтимоли даражаси юқори бўлади.

⇒ Қандай ҳолларда ҳуқуқий ҳимоянинг давлат ички воситаларини тугатиш зарурияти бўлмайди?

Халқаро органлар алоҳида ҳолатларда, ҳуқуқий ҳимоя воситасидан фойдаланиш мумкинлигига ва потенциал даражада самарадор ҳамда мұқобил эканлигига қарамай, давлат ички ҳуқуқий ҳимоя воситаси тугамаслиги кераклигини аниқлаши мумкин. Бундай алоҳида ҳолатлар қўйида-гиларни ўз ичига олади:

- ҳуқуқий ҳимоя воситасидан баҳраманд бўлиш асоссиз равища узоқ муддатни ўз ичига олган ҳоллар, масалан, суд тартиботи ёки даъволарни кўриб чиқиш шикоятчига боғлиқ бўлмаган сабабга қўра ниҳоятда узоқ давом этган ҳолатлар;
- суд ҳокимиятининг мустақил тизими мавжуд бўлмаган ҳолатлар;
- умумий қўрқитиш муҳити кузатилган ҳоллар, бу юридик ваколатга эга бўлиш имконини йўқقا чиқаради.

Ҳар бир ҳолат ўз фактлари асосида кўриб чиқилади, баъзан бир ҳолатда рад этилган даъво учун асосга бошқа ҳолатда йўл қўйилиши мумкин бўлиб чиқади, шу сабабли далил-исбот тақдим этишга ижодий ёндашишга ҳаракат қилинг. Бироқ, ҳуқуқий ҳимоянинг мавжуд воситаларини инкор этиш, қоидага қўра, уларнинг тугашини оқлаш сифатида қабул қилинмаслиги ҳақида огоҳлантириш зарур. Ҳуқуқий ҳимоянинг ҳар бир ҳолат учун фойдаланиш мумкин бўлган барча давлат ички воситалари тўғрисида тўлиқ ахборот топинг.

### 3.3.3. *Amicus curiae* гувоҳлиги/учинчи томонларнинг иштирок этиши

*Amicus curiae* «суднинг дўсти» деган маънони англатади. *Amicus curiae* гувоҳлигидан мақсад қарор қабул қилинча ёрдам бериши мумкин бўлган ахборотни тақдим этиш йўли билан суд органига ёрдам кўрсатишдан иборатдир. Ушбу амалиёт ҳали БМТнинг халқаро механизмлари доирасида қабул қилинмаган, бироқ, бу унинг келажакда ривожланмаслигини англатмайди, — ҳозирги пайтда ушбу амалиёт инсон ҳуқуқлари бўйича Европа ва Америкаро судларда мунтазам равища қўлланилмоқда.

*Amicus curiae* ахбороти учинчи томондан, масалан, даъвогар ёки жавобгар ҳисобланмаган жисмоний шахсдан, ташкилотдан ёки бошқа давлатдан берилган ёзма аризани ифодалайди ёки, ахборот маслаҳат тусида бўлган тақдирда, бу илтимос қилувчи давлат ёки ишнинг боришига муҳим улуш кўша оладиган орган бўлиши мумкин. Қоидага қўра, суд учинчи томонларнинг иштирок этиши бўйича тўғридан-тўғри талаб қўяди ёхуд манфаатдор томон учинчи томонларнинг гувоҳлик беришига рухсат этилишига ҳаракат қилади, уни суд қабул қилиши ёки рад этиши мумкин.

Аризанинг мазмуни, гарчи, қоидага қўра, у индивидуал шикоятчilarга эмас, балки умумий масалалар ва вазиятларга тегишли бўлса-да, ҳолатга боғлиқ равища ўзгариши мумкин; қоидага қўра, ариза беришга суднинг қарорини олиш тўғрисидаги талаб қўйилар экан, қўйидагиларни бажаришга тўғри келади:

- сиз ким эканлигингизни ва ташкилотингиз нима билан шуғуланишини қисқача тушунтиринг;
- нима учун сизнинг ташкилотингиз суд жараёнига аралашишга ваколатли эканлигини изоҳланг, масалан, аниқ бир соҳада ёки аниқ бир мамлакатда алоҳида тажриба мавжудлиги, ишга алоқаси бўлган мавзу бўйича бирор-бир лойиҳа амалга оширилиши ва бошқалар;
- ушбу ариза суд жараёнига нима қўшимча қилишини тушунтиринг, масалан, сиз нима қилмоқчи эканлигингизни қисқача шарҳланг ва бу суд учун қай тарзда фойдали бўлиши мумкинлигини изоҳланг.

### **3.3.4. Вақтингчалик чоралар**

Индивидуал шикоятларни кўриб чиқиши тартиб-қоидаси *вақтингчалик чоралар* кўрилишига йўл қўйган ҳолларда, бу аниқ бир органга **суд жараёнининг исталган босқичида ёки қатнашчи мамлакатдан** ишга алоқаси бўлган шахсларга ўринини қоплаб бўлмайдиган зарар етказилишининг олдини олиш учун зарур чоралар кўришни талаб қилиш ёки буюриш имкониятини беради. Вақтингчалик чоралар кўрилиши иш натижасига таъсир кўрсатмайди; бу орган ишга йўл қўйилиши ёки унинг моҳияти юзасидан қандайдир қарорга келганингини англатмайди, — бу ишни кўриб чиқиши имкониятини таъминлаш учун зарур бўлган эҳтиёткорлик чорасидан бошқа нарса эмас.

Бу тактикан қурбонга у қийноқ хавфига муқаррар дучор қилинадиган мамлакатга сўзсиз депортация қилиниши хавф соглан ҳолларда фойдаланилади. Вақтингчалик чоралар кўриш тўғрисида илтимоснома беришда қўйидаги шароитларда ҳисобга олиниши керак бўлган учта мезон мавжуд:

- давлат ички одилсудлов органлари томонидан кўриб чиқилиши учун инсонни депортация қилишни бекор қилиш юзасидан далил-исботлар келтириш зарур;
- даъвогар қурбон қийноқ хавфига шахсан дучор қилишини исботлаши керак. Ушбу мамлакатда одамлар қийноқقا умуман дучор қилиниши фактини қайд этиш етарли эмас, — ушбу киши мазкур мамлакатда қийноқقا дучор қилинади, деб ҳисоблаш учун асос мавжудлигини исботлаш керак;
- хавф давом этаттанлигини исботлаш зарур. Одатда, киши ўтмишда қийноқقا дучор бўлганилиги фактини шунчаки келтириш етарли эмас. **Хозирги вақтда ҳам**, масалан, мазкур кишининг номи таъқиб қилиниши керак бўлган шахслар рўйхатида турганлиги ёки унинг мамлакатда қолган оила аъзолари яқинда қийноқقا дучор қилинганилиги сабабли ёки ушбу киши мухолифатнинг таникли бошлиғи эканлиги сабабли хавф мавжудлигини исботлаш зарур.

### **3.4. Индивидуал шикоятларни кўриб чиқиши тартиб-қоидаси доирасида кўриб чиқиладиган аризада нималар бўлиши керак?**

Хабарингизда икки жиҳатга эътиборни қаратиш зарур. Биринчиси — абборотнинг муайян ҳажмини ўз ичига олиши керак бўлган **илова қилинадиган хат**. Агар сиз уни тақдим этмасангиз, у ҳолда кўриб чиқиши давом эттиришдан олдин сиздан қўшимча маълумотлар тақдим этишни илтимос қилишади. Иккинчи жиҳати — **тасдиқловчи ҳужжатлар**.

**Илова қилинадиган хатингизда қўйидагилар бўлиши керак:**

- шикоятчининг исми, миллати, машғулоти тури, почта манзили ва имзоси, ёки расмий вакилнинг ёхуд қурбон номидан ва унинг розилиги билан иш кўрувчи ҳар қандай бошқа шахснинг исми ва имзоси. Агар даъвогарнинг шахсини текшириш имконияtingиз бўлса (масалан, шахсини тасдиқловчи ҳужжат), ушбу ҳужжатнинг нусхаси ҳам илова қилиниши керак;
- қарши хабар берилётган қатнашчи давлатнинг номи;
- конвенциянинг бузилган қоидаси ёки қоидалари;

### ІІІ ҚИСМ. ТҮРЛАНГАН МАЪЛУМОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

- тахмин қилинаётган ҳаракат ёки ҳаракатлар түғрисида кўрсатма (қаранг: киритилиши керак бўлган ахборот учун ІІІ қисм, 2.2.2-боб);
- мазкур ҳодиса учун давлат ҳаракат ёки ҳаракатизлик воситасида жавоб бериши кераклиги фактини кўрсатиш;
- ҳукуқий ҳимоянинг давлат ички воситаларини тугатишга уринишлар түғрисидаги ахборот, ушбу уринишларнинг натижалари, шу жумладан суд қарорлари, апелляция берилган-берилмаганини түғрисидаги маълумот, шунингдек узил-кесил қарор чиқарилиши санаси ёхуд ҳукуқий ҳимоя воситаларини тугатиш мумкин эмаслиги түғрисидаги маълумотлар;
- ушбу иш ҳалқаро текширишнинг бошқа тартиб-қоидалари доирасида қай даражада кўриб чиқилаётганлиги түғрисидаги кўрсатма;
- хабарнинг маҳфий қолиши керак бўлган қисми (даъвогарнинг исми ҳам шу жумлага киради) ҳақидаги кўрсатма.

Ўз хабарингизга имкони борича кўпроқ **тасдиқловчи ҳужжатлар** киритишга ҳамма вақт ҳаракат қилинг (шунингдек қаранг: ІІ қисм, 5-боб). Тасдиқловчи ҳужжатлар қўйидагилардир:

- ишончнома — ушбу ҳужжатда қурбоннинг имзоси бўлиши ёки, имзо бўлмаса, ишончнома қурбоннинг оиласи томонидан нима учун берилганлиги изоҳланган бўлиши керак (агар ишончнома қурбоннинг ўзидан ёки қурбоннинг оила аъзоларидан чиқсан бўлса, ишончнома хамиша хабарга киритилиши керак);
- расмий маъмурларга тақдим этилган ҳар қандай петиция ва шикоятлар;
- иш бўйича ҳар қандай давлат ички суд қарорлари ёки маъмурий қарорлар, шу жумладан суд тизимининг барча (биринчи босқич, апелляция, Олий Суд) даражаларида қабул қилинган қарорлар, қонунни бузувчига (қонунни бузувчиларга) нисбатан барча санкциялар түғрисидаги тафсилотлар, шикоятларни кўриб чиқиши бўйича полиция/милиция бўлимининг қарори, иш қўзғамаслик ёки иш бўйича суриштирув ўтказиш түғрисида оммавий айловчининг қарори, тегишли ташкилот ишни кўриб чиқиши учун ваколатли эмаслиги түғрисидаги қарор сингари ҳар қандай маъмурий қарорлар;
- қурбоннинг кўрсатмалари;
- гувоҳларнинг кўрсатмалари;
- қурбоннинг ҳам жисмоний, ҳам руҳий ҳолатини тавсифловчи тиббий холоса ёки маълумонома (агар бундай нарса мавжуд бўлса);
- ёриб кўрилганлиги түғрисидаги холоса;
- фотосурат;
- оммавий ахборот воситаларидаги баёнот;
- умумий ахборот, масалан, НХТнинг қийноқ амалиёти мавжудлигини кўрсатувчи маърузалари.

Ҳамма вақт ҳужжатларнинг аслини эмас, балки нусхаларини юборинг, чунки улар сизга қайтарилмайди.

Расмий ҳужжатлар, қоидаги кўра, улар тайёрланадиган тилда тақдим этилиши мумкин, бироқ сиз уларнинг ишдаги аҳамиятини кўрсатишингиз керак, — масалан, агар имкони бўлса, суд қарорини ёки тан жароҳати түғрисидаги тиббий холосани иш юритиладиган тилда қисқача шарҳланг.

**3.5. Индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидасидан фойдаланиш юзасидан амалий маслаҳатлар**

- Халқаро органлар томонидан белгиланадиган энг сўнги муддатга риоя қилиш учун барча саъй-ҳаракатларни ишга солинг, — белгиланган муддатгача улгурга олмаслигинизни олдиндан билсангиз, муддатни узайтириш ҳақида ҳамма вақт олдиндан илтимос қилинг. Кўпчилик халқаро ташкилотлар муддат узайтирилиши зарурлигини англайдилар, бироқ улар, агар бу ҳақда олдиндан хабар бермасангиз, ўз норозиликларини изҳор этадилар.
- Хабарингизнинг айнан қайси қисми маҳфий эканлигини ҳамма вақт аниқ кўрсатинг.
- Хабарингизнинг муқовасида кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўриш зарурлиги тўғрисидаги хабарингизни ҳамма вақт АНИК кўрсатинг.
- Барча халқаро органлар ўзлари қабул қилишта ваколатли бўлган ишда фойдаланиладиган методлар ва усуллар батафсил баён этилган «Процессуал нормалар» ёки «Суд ишларини юритиш қоидалари»ни қабул қилишган. Қоидага кўра, ушбу ҳужжатлар ихтисослаштирилган хусусиятга эга, бироқ уларни ўрганиш мазкур тартиб-қоида муносабати билан аниқ саволларга жавобларни билишининг энг яхши усули ҳисобланади.
- Агар сиз юридик вакил сифатида индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидаси доирасида иш кўраётган бўлсангиз, у ҳолда халқаро орган томонидан сўралаётган ахборотни олиш учун қурбон билан шошилинч боғланиш зарурияти пайдо бўлиши мумкин. Иккинчи томондан, қурбон ишнинг боришидан мунтазам равишда хабардор бўлиб туриши керак.

## 4. БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ. МЕХАНИЗМЛАР ВА ТАРТИБ-ҚОИДАЛАР

### 4.1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимиға кириш

БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича барча механизмлари БМТнинг Женевадаги қароргоҳида жойлашган Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий вакили канцеляриясида тўпланади ва унинг томонидан бошқарилади. Агар сиз БМТнинг ҳуқуқий механизмларига ахборот беришга ҷоғланаётган бўлсангиз, қуйида келтириладиган икки жиҳатга эътибор беришингиз зарур. Биринчиси *тилга*, иккинчиси *жўнатишга* тегишлидир.

#### Тиллар:

Бирлашган Миллатлар Ташкилотида олти тил (инглиз, француз, испан, рус, хитой ва араб тиллари) расман эътироф этилган, бироқ улардан фақат уч тил (инглиз, француз ва испан) иш юритиладиган тиллар ҳисобланади, амалиётда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий вакили канцеляриясида (БМТИҲОВК) энг кўп ишлатиладиган тил — инглиз тилидир. БМТИҲОВК, бошқа ҳалқаро ташкилотлар сингари, анча чекланган ресурсларга эга. Муомала тили юзасидан тавсия олиш учун ІІІ қисм, 2.2.1-бобга қаранг.

Шунингдек БМТда расмий ҳужжатларни таржима қилиш бўйича мураккаб қоидалар мавжудлигини билиш зарур, бу — расмий ҳужжатлар барча расмий тилларга таржима қилинмагунга қадар кенг ошкор қилинмаслигидир, баъзан бу узоқ вақт ушлаб қолиш сабаби бўлиши мумкин ва баъзан бу туфайли қандайдир ҳужжат Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияга ўз вақтида тақдим этилмайди.

#### Жўнатиш:

Агар сиз хабарингиз БМТИҲОВКнинг барча тартиб (процедура)ларига етиб боришини хоҳласангиз, буни амалга оширишнинг аниқ усули — ҳар бир тартибга алоҳида нусха жўнатишdir. Бунинг иккита сабаби бор: 1) ҳар қандай бошқа катта ташкилотда бўлгани каби, БМТИҲОВК доирасида ҳам ахборот бир тартибдан бошқа тартибга берилмаслиги ҳоллари юз бериши мумкин ва, 2) одатда, фойдаланиладиган тартибга қараб ҳар хил жиҳатларни таъкидлашингизга тўғри келади.

Агар биттадан ортиқ нусха юборишга имконингиз бўлмаса, у ҳолда ушбу ахборот кимга мўлжалланганлигини аниқ кўрсатишингиз зарур, — шу тарзда ахборот сиз танлаган барча тартибларга юборилишига эришишингиз мумкин. Агар сиз бир нечта Махсус маърузачиларга ахборот юбориш ниятида бўлсангиз, бу, айниқса, муҳимдир (қаранг ІІІ қисм, 4.2.1.2.1-боб). БМТИҲОВКга мунтазам равишда ахборот юборувчи айрим ташкилотлар стандарт сўровномалар тайёрлаган, улар мумкин бўлган барча тартибларни ўз ичига олади, уларда аниқ ҳолатларда фойдаланиш афзал бўлганлари қайд этилади.

**4.2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасидаги маърузалар механизмлари****4.2.1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг пошартиномавий тартиб-қоидалари**

БМТ тизими доирасида инсон ҳуқуқлари масаласи ҳал этилиши учун масъул бўлган икки асосий орган бўлиб, булар БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси ҳамда Инсон ҳуқуқларини қўллаб-кувватлаш ва ҳимоя қилиш бўйича кичик комиссиядир. Ушбу вазифаларни амалга ошириш усуllibаридан бири текширув ўтказиш, лойиҳалар тузиш ва мониторингни амалга ошириш имконини берадиган ёрдамчи тартибларни ташкил этиш ва назорат қилишдан иборатdir. Ушбу ёрдамчи тартиблар, одатда, ўз фаолиятида Комиссияга ёки кичик комиссияга ҳисобот берадилар. Қўйида келтириладиган тартиблар — айнан шу хилдагилардир; улар Инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссия томонидан ташкил этилган ва ҳуқуқни қўллаш жиҳатидан унга ҳамда Кичик комиссияга боғлиқdir. Комиссия ҳам, Кичик комиссия ҳам лобби имкониятига эгадир (қаранг III қисм, 7-боб).

Қатнашчи давлатларнинг алоҳида вакиллари ҳар иккала ҳолда ҳам мажлис пайтида кўриб чиқиладиган масалаларга анча тазиيқ ўтказиши ва лобби улар қўллаб-кувватламоқчи бўлаётган мавзуга таъсир кўрсатиши мумкин. Бу бирор-бир мамлакатда инсон ҳуқуқлари бузилишига эътиборни жалб қилишнинг энг самарали йўли ҳисобланади. Фақат маслаҳатчи мақомига эга бўлган НХТ Комиссия ёки Кичик комиссия мажлисларига тўғридан-тўғри кириш ҳуқуқига эга, бироқ ушбу НХТнинг айримлари мажлисларга борища бошқа НХТга таъсир кўрсатиши мумкин. Женевада жойлашган ва қўллаб-кувватлашга тайёр бўлган НХТ рўйхати билан танишин учун 2-иловага қаранг.

**5-ЖАДВАЛ. АСОСИЙ ФАКТЛАР – БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссияси**

АСОСИЙ ФАКТЛАР – БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссияси		
Келиб чиқиши:	Тартиб қай тарзда ташкил этилган эди?	1947 йилда БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий комиссиясининг икки резолюцияси воситасида ташкил этилган эди
	Тартиб қачон кучга кирган?	1947 й.
Таркиби:	Комиссия таркибига неча киши киради?	53 давлатнинг дипломатик вакиллари
	Ушбу шахслар мустақил экспертларми ёки давлат вакилларими?	Давлат вакиллари
Мақсад:	Умумий мақсад	Инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ масалаларни қатнашчи давлатлар нуқтаи назаридан ҳам, жаҳон истиқболи нуқтаи назаридан ҳам кўриб чиқиш ҳамда бутун дунёда инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ вазиятни яхшилашга қаратилган чоралар кўриш.

### III ҚИСМ. ТҮПЛАНГАН МАЪЛУМОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

#### 6-ЖАЦВАЛ АСОСИЙ ФАКТЛАР – БМТНИНГ ИНСОН ХУҚУҚЛАРИНИ КҮЛЛАБ-КУВВАТЛАШ ВА ҲИМОЯ ҚИЛИШ БҮЙИЧА КИЧИК КОМИССИЯСИ

АСОСИЙ ФАКТЛАР – БМТНИНГ ИНСОН ХУҚУҚЛАРИНИ КҮЛЛАБ-КУВВАТЛАШ ВА ҲИМОЯ ҚИЛИШ БҮЙИЧА КИЧИК КОМИССИЯСИ (илгари камситиши тугатиш ва озчиликини ҳимоя қилиш Кичик комиссияси сифатида маълум эди)		
Келиб чиқиши:	Тартиб қай тарзда ташкил этилган эди?	1947 йилда БМТНИНГ ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ БҮЙИЧА КОМИССИЯСИННИГ ҚАРОРИ ВОСИТАСИДА ИҚТисодий ва ижтимоий көлғаш шағаслиги остида ташкил этилган эди
	Тартиб қачон күчтә кирганды?	1947 й.
Таркиби:	Комиссия таркибига исча киши киради?	26
	Ушбу шахслар мустақил эксперктарми ёки давлат вакилларими?	Муайян давлатлар масалаларини ҳал этиш учун сайланган мустақил эксперктар
Мақсад:	Умумий мақсад	ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ МУНОСАБАТИ БИЛАЛ КҮРИБ ЧИҚИШ ВА ТАСДИҚЛАШ УЧУН ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ БҮЙИЧА КОМИССИЯГА ТАҚДИМ ЭТИШ МАҚСАДИДА ТАДҚИҚОТ ДАСТУРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ, ТАСВИЯЛАР БЕРИШ ВА СТАНДАРТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ.

#### 4.2.1.1. 1503-процедура

##### 4.2.1.1.1. 1503-ПРОЦЕДУРАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

**Изоҳ:** ҳозирги вақтда 1503-процедура қайта кўриб чиқилмоқда ва, эҳтимол, яқин келажакда айрим ўзгартиришлар киритилади.

1503-процедура ўз номини БМТНИНГ ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ БҮЙИЧА КОМИССИЯСИ РЕЗОЛЮЦИЯСИ РАҚАМИДАН ОЛГАН. МАЗКУР РЕЗОЛЮЦИЯ НАТИЖАСИ ЎЛАРОҚ МАЗКУР ПРОЦЕДУРА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ЭДИ. БУ ПРОЦЕДУРАДАН МАҚСАД — ҚОНУП БУЗИЛИШЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТЕНДЕНЦИЯСИНИ АНИҚЛАШ УЧУН БИРОР-БИР ДАВЛАТДА ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ ҚҮПОЛ РАВИШДА БУЗИЛИШИ ТҮҒРИСИДАГИ ШИКОЯТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ. УШБУ ПРОЦЕДУРА МАХСУС ОРГАН ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАДИ — У ИНСОН ХУҚУҚЛАРИНИ КҮЛЛАБ-КУВВАТЛАШ ВА ҲИМОЯ ҚИЛИШ БҮЙИЧА КИЧИК КОМИССИЯ ҲАМДА ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ БҮЙИЧА КОМИССИЯ ДОИРАСИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАДИ. УШБУ ПРОЦЕДУРАНИНГ ЭЪТИБОРИЛИ ХУСУСИЯТЛАРДАН БИРИ УНИНГ МАХФИЙЛИГИДИР, БУ ШИКОЯТ БЕРГАН ШАХСЛАР УНИНГ НАТИЖАСИДАН ХАБАРДОР ҚИЛИНМАСЛИГИДА НАМОЁН БҮЛАДИ.

7-ЖАДВАЛ. 1503-ПРОЦЕДУРАНИНГ АСОСИЙ ХРОНОЛОГИЯСИ

**1503-ПРОЦЕДУРАНИНГ АСОСИЙ ХРОНОЛОГИЯСИ**

Хабарни олиш



**АГАР ХАБАР** кўриб чиқиш учун зарур бўлган **ТАЛАБЛАРГА МУВОФИҚ КЕЛСА** (масалан, мазкур иш БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссиясининг оммавий тартиб-қоидаси доирасида кўриб чиқилмайди), у ҳолда шикоят мулҳаза билдириш тўғрисидаги илтимос билан тегишли ҳукуматга берилади.



**Июль: Кичик комиссия ишчи гурухи**  
(Хабарлар бўйича ишчи гурух)ниг бешта аъзоси томонидан шикоятлар ва жавобларнинг кўриб чиқилиши. «**Қонуп бузилишининг барқарор умумий тенденцияларидан далолат берини эҳтимоли**» эътироф этилган хабарлар кўриб чиқиш учун Кичик комиссияга берилади.



**Август: Хабарлар** бўйича ишчи гуруҳдан олинган хабарлар ва жавобларниг **Кичик комиссия** томонидан кўриб чиқилиши. Хабарларни кўриб чиқиш жараёнида улар вазиятни **акс эттиради**, деган қарорга келинса, кўриб чиқиш учун **инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссияга** юборилади.



**Февраль/март: Инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссиянинг ишчи гурухи** (вазиятлар бўйича ишчи гурух) томонидан шикоятлар ва жавобларниг Комиссия мажлисигача кўриб чиқилиши. Ушбу гурухнинг мақсади Комиссия учун муаммони ҳал этиш стратегияси борасидаги тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.



**Март/апрель: БМТниг Инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссияси** мажлиси пайтида ички учрашувларда муҳокама қилинган вазиятлар кўриб чиқилади, бунда фарқ уларнинг мамлакатидаги **вазиятни** кўриб чиқишада ҳозир бўлиши керак бўлган ҳукумат вакиллари тақлиф этилишидадир.



Муҳокама қилинадиган давлатлар номланади ва чиқарилган деб ҳисобланади. Бу чиқариш жараёни йўли билан омманинг эътибори кўриб чиқиш жараёнида турган давлатларга қаратилишини англатади. Баъзан вазият ошкор қилиниши ва Комиссиянинг умумий мунозаралари учун мавзу бўлиши мумкин.

**АГАР ХАБАР ТАЛАБЛАРГА МУВОФИҚ БЎЛМАСА**, уни кўриб чиқиш тўхтатилади.

Агар хабар қонуп бузилишининг барқарор умумий тенденцияларидан далолат бермаса, у ё рад этилади, ё кейинги йилга қолдирилади.

Агар хабар **вазиятни акс эттирамайди**, деган қарор қабул қилинса, у ё бундан **кейин кўрилмайди**, ёхуд муҳокама қилиш учун кейинги йилгача қолдирилади.

### III ҚИСМ. ТҮПЛАНГАН МАЪЛУМОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

#### 8-ЖАЛВАЛ АСОСИЙ ФАКТЛАР – 1503-ПРОЦЕДУРА

АСОСИЙ ФАКТЛАР – 1503-ПРОЦЕДУРА			
Келиб чиқиши:	Процедура қай тарзда ташкил этилган эди?	Иқтисодий ва ижтимоий кенгашнинг 1970 йилдаги резолюцияси воситасида	
	Процедура қачон кучга киргани?	1947 й.	
Таркиби:	1503-процедура БМТнинг Инсон ҳуқуқларини қўллаб-кувватлаш ва ҳимоя қилиш бўйича Кичик комиссияси ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссияси томонидан жорий этилган эди.		
Мақсад:	Умумий мақсад	Қонун бузилишларининг умумий тенденциясини аниқлаш мақсадида бирор-бир мамлакатда инсон ҳуқуқлари қўпол равишда бузилиши тўғрисидаги шикоятларнинг махфий кўриб чиқилиши.	
	Функциялари:	• Мониторингни амалга ошириш	

#### **4.2.1.1.2. 1503-ПРОЦЕДУРАГА АХБОРОТ БЕРИШ ЙЎЛИ БИЛАН НИМАГА ЭРИШИШ МУМКИН?**

Қатъий айтиш мумкинки, 1503-процедуранинг самаралилиги унинг махфийлиги туфайли анча камайган. Бироқ БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссияси томонидан кўриб чиқиш босқичида турган давлатларнинг номларини эълон қилиш борасида ишлаб чиқилган амалиёт ушбу вазиятни бирмунча яхшилади. Бу, ҳеч бўлмаганда, аниқ бир давлатнинг хатти-харакати ўғубу органда кўриб чиқилаётганлиги тўғрисидаги факт оммага маълум бўлишини англатади.

Давлат ҳатто махфий тартиб-қоида доирасида ҳам шикоят юзасидан изоҳ берипга жалб этилиши мумкин. Шикоятнинг ҳукуматга берилиши фактининг ўзи, ушбу тартиб-қоиданинг қўшимча жиҳати сифатида, давлат аниқ шикоят бўйича текширув ўтказишига ва ялпи қоралашдан ҳамда кичик комиссияга шикоят юборилишидан қочиш учун чора кўришига ёхуд муайян амалиётни бекор қилишига олиб келиши мумкин. Кичик комиссия вазиятни кўриб чиқиш пайтида ўзи орқали ўтадиган шикоятлар ва жавоблар учун яхшиланиши лозим бўлган масалаларни белгилайди, шунингдек вазиятни яхшилаш юзасидан чора-тадбирлар кўриш тўғрисидаги илтимос билан аниқ бир давлатга мурожаат қилиши мумкин. Кичик комиссия айрим саволларга жавоб талаб қилиши мумкин. Комиссия Ҳукуматнинг ижобий розилиги олинган тақдирда махсус орган таъсис этилиши учун зарур ваколатларга эга бўлади, бироқ бир неча йиллар давомида Комиссия мустақил эксперт тайинлаш йўли билан жиддий муаммоларни ҳал этиш бўйича ўз йўлларини ишлаб чиқди. Мустақил эксперт чиқиш миссияларини бажаради ва навбатдаги мажлисда Комиссияга махфий маъруза тақдим этади.

Алоҳида жиддий ҳолларда Инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссия ишни оммавий тартиб-қоида доирасида кўриб чиқишга ўтказиш йўлини тутиши мумкин. Бу, шунингдек, Махсус маърузачи тайинланишини ҳам ўз ичига олиши мумкин (қаранг III қисм, 4.2.1.2-боб).

#### **1503-процедура қўйидагилар учун қўлланилиши мумкин:**

- инсон ҳуқуқлари қўпол равишида бузилиши билан боғлиқ бирор жиддий вазият муносабати билан ҳеч бўлмаганда Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ комиссияси доирасида онг дараҷасини ошириш;
- бундай ҳолларда вазиятни яхшилаш йўллари юзасидан тавсиялар бериш.

#### **Бу процедура қўйидагилар учун яроксизлир:**

- аниқ бир инсонни ҳуқуқий ҳимоядан шошилинч баҳраманд қилиш;
- тақдим этилган гувоҳликлар муносабати билан жавоб олиш. Сиз шикоятингиз белгиланган тартибга мувофиқ кўриб чиқилганлиги тўғрисида қисқача билдиришнома оласиз.

**4.2.1.1.3. 1503-ПРОЦЕДУРА ДОИРАСИДА КҮРИБ ЧИҚИШ УЧУН ЖҮНАТИЛАДИГАН ХАБАРДА НИМАЛАР БҮЛИШИ КЕРАК?**

1503-процедура доирасида күриб чиқиш учун жүнатиладиган хабар қуйидаги талабларни қондириши **керак**:

- Бирлашган Миллатлар Ташкилотига ёки унинг исталган органларидан бирига ёхуд ходимларига қаратилған бүлиши керак. Бошқача айттанды, хабар муқаррар равища 1503-процедурага сўзсиз йўналтирилған бўлиши шарт эмас, бироқ ҳеч бўлмаганда, БМТ томонидан чоралар кўрилиши тўғрисида талаб бўлиши керак.

1503-процедура доирасида күриб чиқиш учун юбориладиган хабарда:

- **анонимлик бўлмаслиги керак**. Хабарни давлатга беришдан олдин қурбоннинг номи материаллардан чиқарилади, шикоят берувчи исмининг ошкор қилинишига эътиroz билдирмайдиган ҳоллар бундан мустасно;
- **ҳақоратловчи иборалар бўлмаслиги керак**;
- фақат сиёсий сабабларга асосланган бўлмаслиги ёки тарғибот юритишга уриниш ифодаси **бўлмаслиги керак**. Хабар ҳақиқий шикоятни ифодалаши шарт.

1503-процедура *баркарор умумий тенденциялар — инсон ҳуқуқларининг қўпол ва аниқ исботланган бузилишиларидан далолат берувчи вазиятларни аниқлаш ва кўриб чиқишга мўлжалланган*.

Шу сабабли 1503-процедура учун хабар тайёрлашда қуйидаги принципларга амал қилиш зарур:

- бундай хабарнинг берилишидан мақсад эътиборни индивидуал ҳодисага эмас, балки айрим вазиятга жалб этишдан иборатdir — бу қонун бузилишларининг умумий тенденцияларини аниқлаш учун зарурdir. Бу, индивидуал ҳолатлар бошқа ҳолатлар билан қўшилиб, вазиятни кўриб чиқиш учун асос бўлиши мумкинлигига қарамай, индивидуал ҳодисаларни яхшиси битта хабарга жамлаш маъқуллигини англаади, қоидага кўра, ушбу битта факт етарли бўлмайди;
- далиллар инсон ҳуқуқлари қўпол равища бузилишидан далолат бериши керак (унга қийноқлар ҳам киради);
- далиллар вақт ўтишига қарамай ўз таъсирчанлигини сақлаб қолиши ҳамда ахборотнинг бошқа манбаларига мос бўлиши керак;
- қонун бузилганлиги далиллари ишончли бўлиши керак. Бу ўз хабарингизни қўллаб-қувватлаш ва ноаниқликка йўл қўймаслик учун бир-бирига зид фикрлардан қочишингиз ва исбот тақдим этишингиз кераклигини англаади.

Ҳар бир хабарнинг моҳиятини баён қиласар экансиз, стандарт мурожаатнинг мазмуни борасида III қисм, 2.2.2-бобда келтирилган кўрсатмаларга қатъий амал қилинг, бироқ бунга қўшимча равишда сиз қуйидагиларни бажаришингиз керак:

- нима учун қонун бузилиши юз берди деб ҳисоблашингизни ва нима учун аниқ фактлар кўпол қонунбузарликлар баркарор солир этилиши умумий тенденцияларидан далолат беради, деб ҳисоблашингизни изоҳланг;
- тасдиқловчи далилларни имкони борича кўпроқ келтиринг (мисоллар билан танишиш учун II қисм, 5-бобга ва III қисм 3.4-бобга қаранг);

## ІІІ ҚИСМ. ТҮГЛАНГАН МАЪЛУМОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

- хуқуқий ҳимоянинг қайси давлат ички воситаларидан фойдаланишга уринганлигинизни ва натижа қандай бўлганлигини кўрсатинг. Агар ишга алоқаси бўлса, суд қарори нусхасини киритинг. Агар давлат ички даражасида ҳуқуқий ҳимоядан баҳраманд бўлишга уриниш бўлмаган бўлса, у ҳолда бунинг сабабларини кўрсатиш керак;
- хатти-ҳаракатнинг муқобил тактикасига нисбатан ўзингизнинг эҳтимол тутилган таклифларингизни, масалан, Махсус маърузчи ёки тергов тайинлашни, ёхуд қонун бузилишини тўхтатиш учун БМТ кўриши керак бўлган тадбиirlарни киритинг.

### 4.2.1.1.4. АНИҚ МАСЛАҲАТЛАР

- Шикоят берилиши факти ёки ахборот манбанинг шахси тўғрисида ким хабардор бўлиши керак?

Материалларни хукуматта беришда хабар муаллифининг исми чиқариб ташланади, муаллиф ўз исмини ошкор қилишга эътиroz билдирмаган ҳоллар бундан мустасно. Тартиб-қоиданинг маҳфийлиги кўриб чиқиладиган ишлардан биронтаси ҳам ошкор этилмаслигини англаради.

- Ўз хабарингизга жавобан бирор-бир муносабат бўлдими?

Тартиб-қоида маҳфий бўлгани учун сиз ўз хабарингизнинг мазмуни ёки кўрилган бирор-бир хатти-ҳаракат борасида бирор-бир маълумот ололмайсиз. Бироқ сиз хабарингиз мазкур тартиб қоидаларига мувофиқ ишлаб чиқилганлиги тўғрисида билдиришнома оласиз.

- Агар хабарингиз Кичик комиссия ишчи гуруҳининг навбатдаги сессиясида, июль ойида кўриб чиқилишини хоҳласантиз, у ҳолда сиз ушбу хабарни БМТИҲОВКга апрель ойининг ўртасигача етказишингиз керак. Акс ҳолда сизнинг хабарингиз кейинги йилнинг июнь ойигача кўриб чиқилмайди.
- 1503-процедура электрон почтадан фойдаланишга йўл қўяди, айни вақтда Қийноққа қарши қўмита ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссия бунга йўл қўймайди.
- Сиз қўйидаги фактларга эътибор беришингиз лозим:

Шикоятлар:	Шикоятлар, агар улар:
<ul style="list-style-type: none"><li>Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ Комиссиясининг оммавий тартиб-қоидаси доирасида кўриб чиқиш жараёнида бўлган;</li><li>ФСҲХП, ИҲҚ ёки ИҚБҚ доирасида индивидуал ариза бериш ҳуқуқини олган давлатга тегишли бўлса ва шикоят санаб ўтилган воситалардан биттаси билан бериладиган ҳуқуқнинг индивидуал бузилишига тегишли бўлса. <b>кўриб чиқилмайди.</b></li></ul>	<ul style="list-style-type: none"><li>ФСҲХП, ИҲҚ ёки ИҚБҚ доирасида индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидасини олган давлатга тегишли бўлса, бироқ шикоят мавзуси индивидуал шикоятга эмас, балки давлатдаги умумий вазиятга тегишли бўлса <b>кўриб чиқилали.</b></li></ul>

### 4.2.1.2. Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ Комиссиясининг маҳсус тартиб-қоидалари

Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ Комиссиясининг маҳсус тартиб-қоидалари ўзига хос масалаларни дунё миқёсида ёки аниқ давлатларда инсон ҳуқуқларининг барча жиҳатлари бўйича мониторинг қилиш учун ўрнатилади. Ушбу тартиб-қоидалар кўпроқ **маҳсус маърузачилар** ёки ишчи гуруҳлар номлари билан машҳурдир, бироқ бу, шунингдек, **мустақил эксперталарни** ва **маҳсус вакилларни** ҳам ўз ичига олиши мумкин. Улар ҳар томонлама тадқиқот олиб боришни тақозо этадиган даражада жиддий деб эътироф этилган вазиятларга жавобан тузилади. Бу тартиб-қоидалар ҳар йили Инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссияга оммавий маърузалар тақдим этишади, айримлари эса БМТ Бош Ассамблеясига ҳам маъруза тақдим этишади.

Ҳар бир тартиб-қоида бошқаларидан фарқ қилувчи ўз услугига эга, бироқ уларнинг барчаси айнан бир хил йўл билан тайинланади; бунда хабар бўйича асосий мулоҳазалар мос келади; бундан ташқари ушбу ҳолатда БМТ механизмига ахборотни бериш билан боғлиқ барча умумий принципларни ҳам қўлланилса бўлади. Қийноқ тўғрисида гувоҳликлар мавжуд бўлган тақдирда энг афзал йўллардан бири — Қийноқ масалалари бўйича БМТнинг Maxsus маърузачиси бўлиб, ундан мисол сифатида фойдаланилади. Maxsus маърузачи — бу қийноқ қўлланилган тақдирда ахборот бериш учун фойдаланилиши мумкин бўлган тартиб-қоидалардан биригина эканлигини ёдда тутиш муҳимdir.

#### 4.2.1.2.1. МАВЗУЛАР БЎЙИЧА МАЪРУЗАЧИЛАР ВА ИШЧИ ГУРУХЛАР

Барча мавзулар бўйича масалалардан қўйида келтириладиган Қийноқ масалалари бўйича БМТнинг Maxsus маърузачиси сингари фойдаланилади. Ҳар хил мавзулар бўйича механизмлар, одатда, бир-бирини истисно этмаслигини ва айни бир иш муносабати билан алоҳида ёки бир-галикда фаолият кўрсатиши мумкинлигини ёдда тутиш муҳим.

Қоидага кўра, сизнинг хабарингиз қийноққа ёки ёмон мумалага тенглаштирилган ҳолларга тегишли бўлганда, сиз ушбу ахборотни Қийноқ масалалари бўйича БМТнинг Maxsus маърузачисига юборишингиз керак; бироқ фактлар қонун бузилишларининг бошқа турлари ҳақида ҳам гувоҳлик берган тақдирда, сиз бошқа релевант тартиб-қоидаларга ҳам ахборот юборишингиз ёки ўз хатингизда ушбу ахборотни ёймоқчи бўлганингиз maxsus тартиб-қоидалар доирасини кўрсатишингиз керак. Биттадан ортиқ маърузачи ёки ишчи гуруҳ томонидан кўриладиган хатти-ҳаракат катта аҳамиятга эга бўлади ва, эҳтимол, фақат битта тартиб-қоидадан фойдаланганда-гига қараганда давлатга кучлироқ таъсир кўрсатади.

Биттадан ортиқ тартиб-қоида доирасида тарқатиш мумкин бўлган хабар мисоли сифатида журналистлик фаолияти сабабли зўрлик ишлатилган ва кейинчалик қамаб қўйилган ҳамда таёқ билан калтакланган ва зўрланган журналист аёлнинг давлат мансабдор шахслари томонидан ҳибсга олинишини келтириш мумкин. Ушбу ҳодиса, тафсилотлари даражасига ва аниқ ҳолатла-рига кўра, қийноқ масалалари бўйича, аёлларга нисбатан зўрлик ишлатилиши бўйича, сўз эр-кинлиги масалалари бўйича maxsus маърузачилар томонидан кўриладиган хатти-ҳаракатлар, шунингдек, ноқонуний қамоққа олиш бўйича ишчи гуруҳнинг хатти-ҳаракатлари учун сабаб бўлиши мумкин.

Қийноқ масалалари бўйича Maxsus маърузачи бирор-бир хабарни кўриб чиқиши мумкин эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда ушбу иш бошқа механизм доирасида кўриб чиқилиши эҳтимоли мавжуд бўлади. Буни амалга ошириш ваколати бўлган бошқа тартиб-қоидалар ҳам мавжуд бўлса, эътиборни қандайдир битта тартиб-қоидага жамламаслик керак. Масалан, курбон дучор бўлган мумала шакли Қийноқ масалалари бўйича Maxsus маърузачи аралашса бўладиган даражада оғир, деб эътироф этилмаган, шунга қарамай, ушбу иш бўйича фактлар қонунга зид қамоққа олиш сифатида қаралиши мумкин — бу ҳолда иш ўрганиб чиқиши учун Ишчи гуруҳга берилиши мумкин. Қийноқ масалалари бўйича Maxsus маърузачи ҳар бир иш бўйича конкрет иш фактларидан келиб чиқиб қарор қабул қилиши керак бўлгани учун, у бирор-бир муайян ҳолатда чора-тадбирлар кўра олиши мумкинлигини аниқроқ тахмин қилиш анча мураккаб, шу сабабли хабарни бирор-бир механизм билан чекламасдан, имкон қадар барча ваколатли тартиб-қоидаларга ахборот бериш йўли билан ишнинг кейинчалик кўриб чиқилиши имкониятидан тўлиқ фойдаланган маъкул.

Мавзулар бўйича тартиб-қоидалар мандат масаласида Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияга боғлиқ эканлиги ҳисобга олинса, қайсиdir Maxsus маърузачи ёки Ишчи гуруҳ функциясини бекор қилиш ёки қайсиdir янги механизмни барпо этиш имконияти мавжуд. Куйидаги жадвалда мазкур қўлланма ёзилган пайтда мавжуд бўлган релевант мавзулар бўйича тартиб-қоидалар тўғрисидаги ахборот ҳамда айрим бандлар бўйича мулоҳазалар мавжуд.

### ІІІ ҚИСМ. ТҮПЛАНГАН МАЪЛУМОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

#### 9-ЖАДВАЛ. ИНСОН ХУКУКЛАРИ БҮЙИЧА БМТ КОМИССИЯСИННИГ РЕЛЕВАНТ МАВЗУЛАР БҮЙИЧА ТАРТИБ-КОИДАЛАРӢ

Мавзулар бүйича тартиб-қоидалар:	Шарҳлар:
Ноқонуний ҳибсга олиш бүйича ИГ	Сиз камоққа олиш нима учун <u>коюнний эмас</u> , леб ҳисоблашингизни изоҳлашингиз керак. ИГ мазкур тушунчани: 1) юридик асосга эта бўлмаган; 2) инсонпинг эркин ифодалаш каби фундаментал хукуқларидан фойдаланиш натижасида юз берадиган (масалан, журналистни учинг касб фаолияти учун ҳисбга олиш); ёки 3) тегишили тартиб-қоидаларга риоя этилмаганилиги туфайли ноқонуний деб эътироф этиладиган (масалаи, агар килип суд олдида жавоб берини имкониятига эта бўлмаган тақдирда) ҳибсга олиш сифатида кўриб чиқади. Қамоққа олиш «адолатсиз» эканлигини шунчаки айтиш етарли эмас. ИГ, қоидага кўра, ишни киши озод этилгандан бироз кейин кўриб чиқади, масала принципиал бўлган ҳоллар бундан мустасно.
Мажбурий бедарак кетиш ва йўқолиш ишлари бүйича ИГ	ИГ ишларнинг аниқ белгиланган типларини тергов қиласди. Агар ахборот берадиган киши ёки ташкилот қариндош бўлмаса-ю, оиласининг илтимосига кўра тўғри ёки билвосита иш кўраётган бўлса, унда бундай киши ёки ташкилот оила билан мунтазам алоқада бўлиши керак, чунки олинган ҳар қандай жавоблар фақат қариндошларга мўлжалланади. Агар ўз хабарингиз махфий бўлишини хоҳласангиз, буни кўрсатинг.
Ҳибсга олинганларни судсиз ёки намунали жараёнларсиз қатл этиш бүйича ММ	Қўйида санаб ўтилган натижалар мансабдор шахсларнинг ёки Ҳукумат билан ҳамкорлик қилувчи турухларнинг, ёхуд Ҳукумат йўл қўйиб берадиганларнинг хатти-ҳаракати оқибати бўлса, ММ иш олиб бориши мумкин: 1) судсиз ва намунали жараёнларсиз ўлим жазоси, апелляция хукуқишиллаб бузилиши, шунингдек вояга етмаганлар, ақлан норасолар, руҳий касаллар, ҳомиладор аёллар ёки кичик ёшдаги боласи бўлган оналар иштирок этадиган ҳолатлар; 2) ўлим билан таҳдид қилиниши ёки суддан ташқари ўлим жазоси берилиши эҳтимоли; 3) қийноқ, эътиборсизлик, куч ишлатилиши ёки қамоққа олишнинг ҳаёт учун хавфли шарт-шароитлари натижасида қамоқда ўлиш; 4) асоссиз ёки нотўғри куч ишлатилиши натижасидаги ўлим; 5) Куролли тўқнашувлар тўғрисидаги ҳалқаро қонун бузилиши натижаси бўлган ўлим; 6) киши ҳаёти хавф остида қоладиган мамлакатга депортация қилинши; 7) геноцид; 8) тергов ўтказиш, қонунни бузувчиларнинг жавобгарликка тортилиши ва муқобил компенсация берилиши бўйича мажбуриятларнинг бузилиши. Ахборот махфий ҳисобланса, буни кўрсатинг.
Шахсий эркинлик ва хавфсизлик хукуқига кўмаклашши ва уни ҳимоя қилиш бўйича ММ	ММ қизиқишилари соҳаси қўйидагиларни ўз ичига олади: мазкур хукуқни амалга оширувчи/кўллаб-куватловчи шахслар, шу жумладан ахборот соҳасида ишловчи профессионаллар; сиёсий мухолифатдаги партиялар ва касаба уюшмалари арбоблари; оммавий ахборот воситалари (эшигитиравчи ва босма), шунингдек уларнинг мустақиллигига ҳар қандай таҳдидлар; поширлар ва оммавий ахборот воситаларининг бошқа турларида ишловчи ходимлар; инсон хукуқлари ҳимоячилари; аёлларнинг шикоятлари тингланишига бўлган хукуқнинг бостирилиши; ахборотдан фойдаланиш билан боғлиқ ҳолда тўсиқлар қўйилиши. Ахборот махфий бўлса, буни кўрсатинг.
БМТнинг судлар ва адвокатлар мустақиллиги бўйича ММ	Судьялар, адвокатлар ва суд амалдорлари тўғрисидаги ахборот қабул қилинади. ММ асоссан ушбу шахсларни учинчи шахслардан ҳимоя қилишдан ва одилсудлов тизимининг тўғри фаолият кўрсатишидан манфаатдордир.
Қийноқ масалалари бўйича БМТ ММ	Қўйида қаранг.

### III ҚИСМ. ТҮПЛАНГАН МАЪЛУМОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

<p>Аёлларга қарши зўравонлик қўлланилиши масалалари бўйича ММ</p>	<p>ММ аёлларга нисбатан <u>жинсий аломатлар асосида зўравонлик фактларини</u> кўриб чиқади, — сизнинг хабарингизда нима учун миайян аёл <u>жинсий аломатлар асосида зўравонликка дучор бўлган лигининг изоҳи бўлиши</u> керак. Ушбу мандатниг ўзига хослиги шундаки, бунда давлат амалдорлари томонидан зўравонлик ишлатилиши ҳолларигина эмас, балки давлатниг йўл кўйиб берини сабабли жамиятга ва оиласа нисбатан содир этиладиган ишлар ҳам кўриб чиқилади. ММ, жумладан, асос сифатида бошқа давлатлар учун тавсия қилишда фойдаланиш мумкин бўлган ижобий амалиёт намуналаридан манфаатдор эканлигини умумий ахборот тарзида қайд этиши мумкин. Барча хабарлар маҳфийдир.</p>
<p>Бошқа релевант мавзулар:</p> <p>Болаларни сотиш, болалар фохишибозлиги ва порнография масалалари бўйича ММ, Ҳарбий можаролар пайтида болалар масалалари бўйича БМТБКМВ; Мамлакат ичида жойдан жойга кўчирилган шахслар бўйича БМТБКМВ; Кўчирилгандарга нисбатан инсон ҳукуқлари бўйича ММ, Ирқчилик, ирқий камситиш, ксенофобия ва тоқатсизликниг замонавий шакллари масалалари бўйича ММ, Диний тоқатсизлик масалалари бўйича ММ</p>	

#### ҚИСҚАРТМАЛАР:

БМТБКМВ — БМТ Бош котибининг Махсус вакили

ММ — Махсус маърузачи

ИГ — Ишчи гурӯҳ

#### 4.2.1.2.2. ҚИЙНОҚ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА БМТНИНГ МАХСУС МАЪРУЗАЧИСИ

##### 10-ЖАДВАЛ АСОСИЙ ФАКТЛАР — ҚИЙНОҚ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА БМТНИНГ МАХСУС МАЪРУЗАЧИСИ

АСОСИЙ ФАКТЛАР — Қиийноқ масалалари бўйича БМТниг Махсус маърузачиси		
Келиб чиқипши:	Тартиб-қоида қай тарзда ташкил этилган эди?	Инсон ҳукуқлари бўйича БМТ Комиссиясининг резолюцияси воситасида
	Тартиб-қоида қачон кучга кирган?	1985 й.
Таркиби:	Ушбу тартиб-қоидани неча киши ташкил этади?	1
	Ушбу одамлар мустақил экспертларми ёки давлат вакилларими?	Мустақил эксперт
Мақсад:	Асосий мақсад:	Дунё мамлакатларида қиийноқ амалиёти қўлланилиши муносабати билан мониторингни амалга оширади, Инсон ҳукуқлари бўйича БМТ Комиссиясига маърузалар тақдим этади
	Функциялари:	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Мониторинг</li> <li>• Фактларни аниқлаш</li> </ul>

#### 4.2.1.2.2.1. ҚИЙНОҚ МАСАЛАЛАРИ БҮЙИЧА МАХСУС МАЪРУЗАЧИНИНГ ФАОЛИЯТИ ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

Қийноқ масалалари бүйича Maxsus маърузачининг вазифаси Инсон ҳуқуқлари бүйича БМТ Комиссиясига жаҳонда қийноқ қўлланилиши билан боғлиқ вазиятнинг энг кўп даражада аниқ тавсифини тақдим этишдан иборатдир. Бунинг учун Maxsus маърузачи ахборотнинг ҳар хил манбаларидан, шу жумладан НХТ, хусусий шахслар ва ҳукуматнинг ўзидан фойдаланали. Ушбу ахборот асосида у:

- ўз эътиборига тақдим этилган, ҳақиқатта ўхшаб туюладиган айловлар муносабати билан ҳукумат билан мулоқотга киришиши;
- фактларни аниқлаш бүйича ташрифларни амалга ошириши мумкин.

#### Мулоқот

Maxsus маърузачининг бирор-бир ҳукумат билан мулоқоти икки усулда юз бериши мумкин. Агар Маърузачи айлов асосли деб ҳисобласа, у ҳолда шошилинч апелляция билан чиқади ёки стандарт хабар бериш йўли билан мазкур масалани кўтаради.

Шошилинч апелляция тартиб-қоидаси тақдим этилган, қийноқ хавфидан далолат берадиган ва келажакда қийноқ қўлланилишининг олдини олиш учун фойдаланиладиган ахборотга шошилинч муносабатда бўлиш учун назарда тутилган. Шу сабабли мазкур тартиб-қоидадан, ахборот яқинда бўлиб ўтган воқеаларга тегишли бўлган тақдирдагина, фойдаланилади. Бу тартиб-қоида айловчи эмас, яъни мазкур тартиб-қоида доирасида Ҳукуматга вазиятни қийноқ хавфининг асослилиги ёки асоссизлиги нуқтаи назардан қарамасдан, аниқ шахсга нисбатан қийноқ қўлланилишининг олдини олиш учун зарур бўлган чоралар кўриш зарурлиги тўғрисидаги талаб илгари сурилади.

Стандарт хабарлар ҳукумат томонидан мунтазам равишда тақдим этилади ва уларда индивидуал ишлар (индивидуал аризалар) бүйича айловлар ҳам, умумий тенденциялар, бирор-бир мамлакатда қийноқ қўлланилишига олиб келувчи глобал мойилликлар ва бошқа алоҳида омиллар тўғрисидаги хабарлар (умумий маълумотлар) ҳам мавжуд бўлади.

Ушбу хабарлар ҳукуматга, шу муносабат билан ўз фикрини билдириши учун, берилади. Maxsus маърузачи, ҳукуматдан олинган жавобга қараб, кейинчалик текширув олиб бориши ёки тегишли тавсиялар берishi мумкин. Йил давомида юборилган ва олинган барча хабарлар, нормаларга мувофик, бошқа тавсиялар ва умумий мулоқазалар, шу жумладан қийноқларни тутатишга доир чора-тадбирлар борасидаги тавсиялар билан биргаликда йиллик ҳисоботда эслатилади.

#### Фактларни аниқлаш

Қийноқ масалалари бүйича Maxsus маърузачи, шунингдек, ҳақиқий маълумотлар олиш учун фактларни аниқлаш бүйича ташрифлар қиласи. У бирор-бир мамлакатга ўз билганича ташрифни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмайди. Ташриф учун ҳукуматнинг таклифини олиш зарурдир. Ташриф вақтида Maxsus маърузачи мансабдор шахслар, НХТ вакиллари ва тахмин қилинаётган қурбонлар билан учрашади, шунингдек турма ва полиция/милиция органлари сингари қамоқда сақлаш жойларига боради. Maxsus маърузачининг мақсади жойлардаги вазиятни ба-тафсил ўрганишдир. У ташрифдан кейин мамлакатда муаммонинг кўлами ёки унинг мавжуд эмаслиги тўғрисидаги хуносалар, шунингдек, вазиятни яхшилашига доир тавсиялар бўлган маърузалар тайёрлайди.

**4.2.1.2.2. ҚИЙНОҚ МАСАЛАЛАРИ БҮЙИЧА МАХСУС МАҢРУЗАЧИГА АХБОРОТ ТАҚДИМ ЭТИШ ЙҰЛИ БИЛАН НИМАЛАРГА ЭРИШИШ МУМКИН?**

Ваколатлар Инсон ҳуқуқлари бүйича Комиссия томонидан ва тартиб-қоиданинг оммавий тусдеги билан белгиланади. Махсус маңрузачининг хulosалари юридик мажбурий ҳисобланмайды ва ҳуқуқни құллаш кучига эга бўлмайди. Лекин шунга қарамай, кўпчилик давлатлар оммавий қоралашни қабул қиласди ва Махсус маңрузачи томонидан аниқланган фактлар ошкор қилиниши давлатга таъиқ ўтказади, бу эса ҳукуматларда ислоҳотлар ўтказиш ва олинган тавсиялардан фойдаланишининг бошқа шаклларини жорий этиш йұли билан ҳамкорлик қилишга мойиллик пайдо қиласди.

Агар сиз умумий вазият доирасида чора-тадбирлар қўрилишини хоҳласангиз:

- бирор мамлакатда қийноқ қўлланилиши амалиётини, шу жумладан давлат мансабдор шахсларининг ушбу амалиёт қўлланилишига йўл қўйиб беришини ошкор қилиш;
- вазиятни яхшилашнинг эҳтимол тутилган варианtlари бўйича ҳукуматга тавсиялар бериш;
- муайян бир вазиятга омманинг эътиборини жалб этиш мақсадида фактларни аниқлашга доир ташриф амалга оширилишини талаб қилиш учун Махсус маңрузачини жалб этишингиз **мумкин**.

Агар сиз индивидуал вазиятларда чоралар қўрилишига эришишини хоҳласангиз:

- индивидуал қийноқ ҳодисасини ошкор қилиш;
- индивидуал қийноқ ҳодисалари, шу жумладан қонун бузувчиларни суд тартибида таъқиб қилиш муносабати билан ҳукуматларга тавсиялар бериш;
- қийноқка дучор қилиниши мумкин бўлган шахсларга нисбатан қийноқ қўлланилишининг олдини олишга интилиш, масалан, кишини ҳибсда инкоммуникадо сақламаслик ёки кишига тиббий ёрдам қўрсатилиши талабини қўйиш;
- киши қийноқ хавфидан гувоҳлик берувчи шубҳасиз далиллар бўлган мамлакатга депортация қилинишининг олдини олиш учун Махсус маңрузачини жалб этишингиз **мумкин**.

Махсус маңрузачи:

- тегишли давлатнинг розилигисиз мамлакатга ташриф буюра **олмайди**;
- индивидуал ҳолатларда юридик мажбурий қарорлар қабул қила **олмайди**;
- мамлакатга берилаётган тавсияларнинг мажбурий бажарилишига эриша **олмайди**;
- индивидуумлар кўрган зарарни қолпай **олмайди**.

**4.2.1.2.2.3. ҚИЙНОҚ МАСАЛАЛАРИ БҮЙИЧА МАХСУС МАҢРУЗАЧИГА МҮЛЖАЛЛАНГАН ХАБАРДА НИМАЛАР БҮДИШИ КЕРАК?**

- Агар Махсус маңрузачини қийноқ қўлланилган индивидуал ҳодисага нисбатан шошилинч ҳисобланмаган чоралар кўришга жалб қилмоқчи бўлсангиз, у ҳолда стандарт хабарнинг мазмунига тегишли III қисм, 2.2.2-бобда келтирилган тавсияларни ўрганиб чиқинг.
- Агар Махсус маңрузачини шошилиниш аппеляция бериш тартибидан фойдаланишга ишонтирмоқчи бўлсангиз, у ҳолда юқорида кўрсатилган кўрсатмаларга амал қилишингиз керак, бироқ бунга қўшимча равишида қўйидагиларни ҳам ҳисобга олиш зарур:
  - ⇒ қийноқ ҳодисаси ҳали юз бермаган бўлса, қоидага кўра, қамоққа олиш санаси, вақти ва жойидан фойдаланилади;
  - ⇒ қийноқ хавфи мавжудлигини кўрсатишингиз керак. Бу сиз хавф мавжудлигини кўрсатувчи омилларни: масалан, киши қамоқда инкоммуникадо сақланаётганлигини, ёки ҳибсга олиш тўғрисида билдиришноманинг йўқлиги фактини, ёхуд

муайян киши олдинги ҳибсга олиш пайтида қийноққа дучор қилинганилиги фактини; полиция/милициянинг қайсиdir бўлинмасида ҳибсга олинган кишилар, одатда, қийноққа дучор қилинганилиги ҳақида маълумотлар мавжудлигини, муайян гуруҳ аъзолари қамоққа олингандан кейин кўпинча қийноққа дучор қилинишини қайд этишингиз кераклигини англаатади.

- Аризалар умумий тусда бўлган ҳолатда Maxsus маъruzачига ахборот беришнинг бирор-бир аниқ қоидалари йўқ. Индивидуал ҳодиса ёки битта ҳодиса билан чекланмайлиган аризалар умумий тусдаги аризалар ҳисобланади. Бироқ улар, қоидага кўра, бир канча индивидуал ҳодисаларга асосланади. Улардан конун бузилишларининг умумий тенденцияларини асосланган хабарлар воситасида аниқлашда, шунингдек бирор-бир мамлакатда кйнок қўлланилишига кўмаклашувчи ўзига хос омилларга эътиборни жалб қилишда фойдаланилади. Умумий тусдаги аризалар учун мавзуулар мисоли сифатида куйидагиларни келтириш мумкин:

- ⇒ қийноқнинг муайян турлари, масалан электрошоклар кенг ёйилганилиги;
- ⇒ маҳбусларни кишанда узоқ муддат тутишга рухсат берувчи қонун;
- ⇒ қамоқда узоқ муддат давомида сақлашда қамоқда инкоммуникадо сақлашга рухсат берувчи қонун;
- ⇒ қийноқ қўлланилганлиги учун суд таъқибига учраган шахслар ҳеч қачон хукм қилинмаганлигининг кўплаб далиллари;
- ⇒ муайян полиция/милиция участкалари ёки хавфсизлик органлари бўлинмалари қийноқни қўллашидан гувоҳлик берувчи кўплаб далиллар;
- ⇒ бирор-бир этник гуруҳ аъзолари қийноқ хавфига бошқа шахсларга қараганда кўпроқ дучор қилинишининг кўплаб далиллари;
- ⇒ ҳаёт учун хавфли касал бўлган маҳбусларга тиббий хизмат кўрсатилмаслигининг кўплаб далиллари.

Энг мұхим жиҳат умумий тенденцияларни аниқлашдан иборат эканлигини қайд этиш мумкин. Буни қандай амалга ошириш борасида тавсиялар олиш учун III қисм, 2.2.1-бобга қаранг. Умумий тусдаги аризаларни тасдиқлаш учун қанча кўп ҳодиса топсангиз, шунча яхши — бу сиз томонингиздан аниқланган амалиёт алоҳида ҳодисалар эмас, балки жиддий ва кенг тарқалган мұаммонинг бир қисми эканлигини кўрсатади.

### 4.2.1.2.2.4. АНИҚ МАСЛАҲАТЛАР

- Хабарнинг манбай ва ариза берувчининг шахси тўғрисида ким хабардор қилинади?

Maxsus маъruzachi индивидуал ҳолатда чора кўриши учун, тахмин қилинаётган қурбоннинг исмини тегишли давлат ҳукуматига маълум қилиш зарур. Тахмин қилинаётган қурбоннинг исми иш бўйича ахборот Maxsus маъruzachininинг йиллик ҳисоботида рўйхатдан ўтказилгандан кейин оммавий тарзда маълум бўлади. Агар сиз исмни ёки исмларни ҳукуматга маълум қилишни хоҳдамаслигингизни кўрсатсангиз, бу ҳол бундай иш бўйича терров ўтказиш имконини бермайди, бироқ бошқа ахборот билан биргаликда умумий тусдаги аризалар учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ариза манбайнинг исми ҳукуматга тақдим қилинган хабарда ҳам, йиллик ҳисоботда ҳам ҳеч қачон ошкор қилинмайди.

- Ахборот тақдим этилгандан кейин сиз бирор-бир билдиришнома оласизми?

Сиз ўз аризангиз тўғрисида ҳеч қандай билдиришнома ёки тилхат олмайсиз. Башарти аризангиз давлатга берилса, қоидага кўра, ҳукуматдан олинган барча жавоблар сизга ушбу жавоблар юзасидан мулоҳаза билдиришингизга имконият яратиш учун юборилади. Ҳукуматга юбориладиган барча ишлар Maxsus маъruzachininинг Инсон ҳукуқлари бўйича БМТ Комиссиясига тақдим қилинадиган йиллик ҳисоботида қайд этилади. Шу тариқа бу ҳам сизнинг гувоҳлигингиз асосида бирор-бир иш қилинган-қилинмаганлигини билиш имкониятини беради.

Муайян гурӯҳларга ёки шахсларга нисбатан ёмон муомала ҳолларини кузатиш ва аниқлаш ҳам Қийноқ масалалари бўйича Maxsus маърузачи ишининг бир қисми ҳисобланади. Ҳозирги вақтда Maxsus маърузачи эътиборни, жумладан, болаларга, аёлларга ва инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларига нисбатан ёмон муомалага қаратган. Агар сиз ушбу тоифадаги, шунингдек бошқа гурӯҳлардаги шахсларга тааллукли ахборотга эга бўлсангиз, уни Maxsus маърузачига юбориш жуда муҳимдир.

#### 4.2.1.2.3. МАМЛАКАТЛАР БЎЙИЧА МАЪРУЗАЧИЛАР

Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ Комиссияси, мавзуулар бўйича маърузачилар ва ишчи гурӯҳларга қўшимча равишда мамлакатлар бўйича маърузачиларни (яъни *мустақил экспертылар ёки maxsus вакилларни*) тайинлайди. Уларнинг вазифаси мамлакатда инсон ҳуқуқлари нинг барча жиҳатлари, шу жумладан тегишли қийноқ қўлланилиши ва инсонийликка зид муомала бўйича маърузалар тайёрлашдан иборатdir. Қоидага кўра бундай маърузачилар инсон ҳуқуқлари бўйича вазият, шу жумладан уруш ёки ички можаро вазияти жуда жиддий бўлган мамлакатлар бўйича тайинланади. Бундай тартиб учун бирор-бир муайян мамлакатнинг танланиши сиёсий жиҳатлар билан боғлиқдир. Бироқ бирор-бир мамлакат бўйича маърузачини тайинлаш учун Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия аъзолари орасида консенсус даражаси анча юқори бўлиши керак.

Мавзуулар бўйича маърузачилар каби, мамлакатлар бўйича маърузачиларнинг ҳам асосий мақсади вазият тўғрисида аниқ маълумот тақдим этишдан иборат, бироқ маърузачи жаҳон миёғисида битта жиҳатни ёритиш ўрнига, аниқ бир мамлакатдаги инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ вазият тўғрисидаги барча нарсани қамраб олувчи маъруза тақдим этиши керак. Бундай маърузачи учун қийноқ ва ёмон муомала тўғрисидаги аризалар катта аҳамиятга эга бўлади, чунки у ўзи шуғулланаётган мамлакатдаги шу каби ҳодисалар тўғрисида маъруза тайёрлаши керак. Агар сиз ариза бермоқчи бўлган мамлакат бўйича Maxsus маърузачи тайинланган бўлса, уни сиз хабар берадиган тартиб-қоидалар доираси рўйхатига киритиш зарур. Масалан, агар юқорида эслатиб ўтилган журналист аёлни қўлга олиш ва қамаш Maxsus маърузачи мавжуд бўлган мамлакатда, айтайлик, Мьянма, Экваториал Гвинея ёки Эронда юз берган бўлса, у ушбу ахборотни олиши керак.

Ушбу қўлланмани ёзиш пайтида қуйидаги мамлакатлар учун маҳсус тайинланган мандатлар мавжуд эди:

#### II-ЖАЛВАЛ. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА БМТ КОМИССИЯСИНинг МАМЛАКАТЛАР БЎЙИЧА МАЪРУЗАЧИЛАРИ (1999 й.)

Афғонистон (ММ)	Экваториал Гвилемя (ИХБМТКМВ)	Босиб олинган араб ҳудудлари
Бурунди (ММ)	Собиқ Югославия: Косово (ММ)	(ОС, ММ ва Maxsus қўмита)
Кампучия (БМТБКМВ)	Гаити (МЭ)	Руанда (ИХБМТКМВ)
Кипр (ММ)	Эрон Ислом Республикаси	Сомали (МЭ)
Конго Демократик Республикаси (ММ)	(ИХБМТКМВ)	Судан (ММ)
Шарқий Тимор (ММ)	Ироқ (ММ)	
	Мьянма (ММ)	

#### ҚИСҚАРТМАЛАР

ММ — Maxsus маърузачи;

БМТБКМВ — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг Maxsus вакили;

ИХБМТКМВ — Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ Комиссиясининг маҳсус вакили;

МЭ — мустақил эксперт.

#### 4.2.2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг шартномавий органлари

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг шартномавий органлари БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича бир қанча шартномалари қатнашчиси бўлган мамлакатларнинг ўз мажбуриятларини бажариши жараёнини мониторинг қилиш учун ташкил этилган эди. Қуйида ариза бериш мумкин бўлган асосий қўмиталар келтирилади:

- Қийноқларга қарши қўмита (ҚҚҚ): Қийноқларга қарши конвенция бўйича мажбуриятлар бажарилишини назорат қиласиди;
- Инсон ҳуқуқлари бўйича Қўмита (ИҲҚ): Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт бўйича мажбуриятлар бажарилишини назорат қиласиди;
- Бола ҳуқуқлари бўйича қўмита (БҲҚ): Бола ҳуқуқлари тўғрисида БМТ конвенцияси доирасида мажбуриятлар бажарилишини назорат қиласиди;
- Аёлларга нисбатан камситишга барҳам бериш қўмитаси (АҚБҚ): Аёлларга нисбатан камситишга барҳам бериш бўйича БМТ конвенцияси мажбуриятлари бажарилишини назорат қиласиди;
- Ирқий камситишни тугатиш қўмитаси (ИҚТҚ): ирқий камситишни тугатиш бўйича БМТ конвенцияси мажбуриятлари бажарилишини назорат қиласиди.

Қийноқ тўғрисидаги гувоҳликлар бўлган тақдирда энг релевант қўмита — ҚҚҚ, у асосан қийноқ масаласида эътиборни жалб этади, ИҲҚ — бу ҳам инсон ҳуқуқларининг кенг доирасидаги, шу жумладан қийноқ қўлланилиши масалаларини ҳал этувчи яхши асосланган орган ҳисобланади. Бироқ бошқа қўмиталар ҳам муҳимдир, жумладан, қийноқ одамларнинг айrim тоифаларига, айнан, болалар, аёллар ва ирқий гуруҳларга тегишли бўлган ҳолларда муҳимдир.

Ушбу органларнинг ҳар бири томонидан қўлланиладиган усуллар жуда ўхшашидир. Уларнинг барчаси давлат маъruzalарини ўрганиш ва шарҳлаш ҳуқуқига эга, кўплари эса, шунингдек, индивидуал шикоятларни олиш ёхуд бундай тартиб-қоидани жорий этиш жараёнида бўлиш имкониятига эга.

##### 4.2.2.1. Қийноқларга қарши қўмита

###### 12-ЖАДВАЛ АОСОСИЙ ФАКТЛАР – ҚИЙНОҚЛАРГА ҚАРШИ ҚЎМИТА

АОСОСИЙ ФАКТЛАР – Қийноқларга қарши қўмита		
Келиб чиқиши:	Қай тарзда ташкил этилган?	БМТнинг 1984 йилги Қийноқларга қарши Конвенцияси воситасида
	Қачон иш бошлаган?	1988 й.
Таркиби:	Қўмита таркибига неча киши киради?	10
	Ушбу шахслар мустақил экспертларми ёки давлат вакилларими?	Мустақил экспертлар
Мақсад:	Асосий мақсад:	Давлатлар томонидан ушбу шартнома бўйича қийноқ қўлланилишининг олдини олиш ва у юз берган тақдирда қонунни бузувчиларни жазолашдан иборат бўлган мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш
	Функциялари:	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Давлат маъruzalарини ўрганиш (БМТ ҚҚҚ, 19-модда)</li> <li>• Махфий тергов тартиби воситасида фактларни аниқлаш (БМТ ҚҚҚ, 20-модда)</li> <li>• Давлатлараро шикоятлар (БМТ ҚҚҚ, 21-модда)</li> <li>• Индивидуал шикоятлар (мажбурий эмас) (БМТ ҚҚҚ, 21-модда) (қаранг: III қисм, 4.3.1-боб)</li> </ul>

#### 4.2.2.1.1. ҚИЙНОҚЛАРГА ҚАРШИ ҚЎМИТАИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

Қўмита давлатлар томонидан ўз мажбуриятлари бажарилиши жараёнини Қийноқларга қарши конвенция доирасида мониторинг қилишга, яъни қийноқ қўлланилишининг олдини олишга, уни тақиқлашга, унинг учун жазолашга мўлжалланган. Асосий фойдаланилалиган усул қуидагилардан иборат:

- давлатларга мунтазам тақдим этиладиган маърузаларни ўрганиш (давлат маърузалари тартиб-қоидасини тавсифлаш учун III қисм, 2.3-бобга қаранг).

Қўмита шунингдек:

- Қатнашчи давлатда қийноқ мунтазам равишда амалиётда қўлланилиши тўғрисидаги гувоҳликлар асосида махфий тергов олиб бориши мумкин (айрим қатнашчи давлатлар бунга йўл бермаслиги мумкин бўлса ҳам — қаранг III қисм, 4.2.2.1.4-боб);
- Индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидасини қабул қилган давлатлар учун қийноқ қўлланилишининг аниқ ҳодисалари, шу жумладан киши қийноқ хавфига дучор қилиниши мумкин бўлган мамлакатга депортация қилиниши кутилаётган ҳоллар муносабати билан хусусий шахсларнинг аризаларини кўриб чиқишга йўл қўйилади (ушбу функция III қисм, 4.3.1-бобда кўриб чиқилади).

**Тергов килиш тартиб-коиласи** — бу Конвенция қатнашчиси бўлган давлатда қийноқнинг мунтазам равишда қўлланилиши амалиётини тергов қилишнинг маҳфий тартиб-қоидасидир. Қийноқ амалиёти мунтазам қўлланилиши асоси эканлигини батафсил кўрсатувчи кўрсатмалар мавжуд бўлган ишончли ахборот бўлган тақдирдагина тергов қилишни бошлаш мумкин. Ушбу ахборотнинг асосий қисми НХТдан чиқади, агар сиз қийноқ мунтазам қўлланилиши амалиёти фактини исбот қилиш учун зарур ахборотга эга бўлсангиз, тергов ўтказиш тўғрисида бевосита талаб қўйиш имкониятидан фойдаланишингиз мумкин. Бироқ талабингиз асосида хатти-ҳаракат қилинганлиги тўғрисида сизга хабар берилишини кутманг. Агар қатнашчи давлат розилик берса, тергов фактларни аниқлаш бўйича тегишли мамлакатга ташрифни ўз ичига олиш мумкин. Бундай ҳолларда Қўмита ташрифнинг маҳфийлигини сақлаш тўғрисидаги ўзаро аҳдлашув асосида маҳаллий НХТ билан боғланади.

Пировардида Қўмита қийноқнинг мунтазам қўлланилиши факти юзасидан қарор қабул қиласи. Бу қарор барча тавсиялар илова қилинган ҳолда қатнашчи давлатта берилади. Терговнинг бориши тўғрисидаги ахборот тўлиқ маҳфий бўлади, бироқ тергов тугагандан кейин қатнашчи мамлакатнинг розилиги билан Қўмита бу ҳақда йиллик ҳисоботга қисқача маълумот киритиши мумкин.

#### 4.2.2.1.2. ҚИЙНОҚЛАРГА ҚАРШИ ҚЎМИТАГА АҲБОРОТ ТАҚДИМ ЭТИБ НИМАГА ЭРИШИШ МУМКИН?

**Давлат маърузалари тартиб-коиласи** орқали нимага эришиш мумкинлиги тўғрисида ахборот олиш учун III қисм, 2.3-бобга қаранг.

**Тергов тартиб-коиласи** маҳфий эканлигига қарамай, у ўтказилаётган давлатга нисбатан жуда салбий оқибатлар келтириши мумкин. Мазкур тартиб-коида мамлакатдаги вазият ниҳоятда жиддий деб ҳисобланган ҳоллардагина амал қиласи. Агар давлат мунтазам қийноқлар амалиётига йўл қўйиб бераётганлиги аниқланса, у ҳолда бу мазкур мамлакат учун жиддий жазо ҳисобланади. Тергов жараёни бутун тергов даврида маҳфий бўлиб қолишига қарамай, терговнинг айрим узил-кесил натижаларини оммавий ошкор қилиш имконияти мавжуд бўлади ва қийноқ мунтазам равишда қўлланилиши факти эътироф этилиши ҳам шунга киради. Ҳозирги пайтгача ушбу санкция фақат икки ҳолатда қўлланилган эди. Ҳатто тергов натижалари Қўмита томонидан оликора эълон қилинмаса ҳам, ёки тергов тугагандан кейин узоқ вақт давомида эълон қилинмаса ҳам, шунга қарамай, тартиб-коида фойдали бўлиши мумкин. Қўмита тергов натижаларини оммавий ошкор қилиши мумкинлиги давлатга тазийқ ўтказиши мумкин, натижада давлат қонунчиликни яхшилаш ва фактларни оммавий ошкор қилмасликка Қўмитани кўндириш учун амалиётнинг муайян турининг олдини олиш борасида қадам қўяди.

4.2.2.1.3. ҚИЙНОҚЛАРГА ҚАРШИ ҚЎМИТАГА ЖЎНАТИЛГАН ХАБАРДА НИМАЛАР БЎЛИШИ КЕРАК?

**Давлат маърузалари тартиб-коидаси** контекстидаги хабар бериш мазмунин умумий тўғрисида ахборот олиш учун ІІІ қисм, 2.3.3-бобга қаранг.

Қиийноқларга қарши конвенция бир қанча ўзига хос мажбуриятлар юклайди, уларнинг кўпчилигини қатнашчи давлатлар қонунчилик усувлари ва бошқа усувлар воситасида киритиши керак. Коидага кўра, қатнашчи давлат ушбу ҳолат муносабати билан расмий юридик вазиятни аниқ изоҳлайди. Сизнинг асосий вазифангиз энг кўп мисоллар келтириб, ҳақиқатда нима юз берадётганлигини тавсифлаб беришдан иборатдир. Ҳеч вақт ушбу ҳол айнан *нима* учун юз берадётганлигини асосламасдан туриб, бирор нарса самарасиз эканлиги ҳақида фикр билдирамнг.

Масалан, давлат қиийноқларнинг ва ёмон муомаланинг бошқа шаклларининг олдини олиш учун қонунчилик, маъмурий, суд чоралари ёки бошқа тусдаги чораларни кўрган. Масала бу иш қиийноқларнинг олдини амалда олган-олмаганлигидандир. Бу иш берганлиги/бермаганлигига мисоллар келтиринг.

Агар қиийноқ қонунга мувофиқ жиноий жазоланадиган қилимиш бўлса, у ҳолда бирор-бир мансабдор шахс қонунга мувофиқ жавобгарликка тортилганми ёки ҳукм қилинганми ва у қандай жазо олган? Исталган суд айловларидан ва суд йўли билан таъқиб қилиш тўхтатилганлиги тўғрисидаги қарорлардан мисоллар келтиринг, шунингдек суд орқали ҳукм қилишнинг барча ҳоллари ва олинган жазолар ҳақида ахборот беринг.

Давлат қиийноқлар тўғрисидаги аризалар бўйича тергов олиб борадими ва, агар тергов олиб борса, бундай терговларнинг натижаси қандай бўлади? Масалан, оммавий айловчилар бунга жиддий қарашадими? Тергов суд айловини чиқариш билан тутайдими? Тергов олиб бориш учун қандай усувлардан фойдаланилади?

Қиийноқ қурбонлари компенсация ёки зиённи қоплашнинг бошқа турларини оладиларми? Агар компенсация берилган бўлса, тўланган суммалардан мисоллар келтиринг.

Киши қиийноқ оқибатида берилган ариза асосида ҳукм қилиниши мумкинми? Масалан, агар судья тан олишлар ва бошқа кўрсатмаларни бериш қиийноқ остида содир этилганлигини билса, у кишини ҳукм қилиши мумкинми?

Агар сиз **маҳфий тергов** ўтказилишини талаб қилишга чоғланаётган бўлсангиз, кўзлаган мақсадингиз икки талабни қондириши керак: муйян мамлакатда *мунтазам қиийноқ амалиёти* мавжудлигини исбот қилиш ва унинг юридик жиҳатини изоҳлаш.

**Мунтазам амалиёт:** Қўмита айрим умумий мезонларни таърифлаб берган-ки, улар асосида мунтазам амалиёт қўлланилиши факти тўғрисида хulosса қилиш мумкин. Қўмита қиийноқ кўйидаги ҳолларда мунтазам қўлланилади, деб ҳисоблайди:

- Келтирилган гувоҳликлар қиийноқ ҳоллари муйян жойда, муйян вақтда юз берадиган ягона ҳодиса бўлмай, балки ҳеч бўлмаганда мазкур мамлакатнинг анча қисмида юз берадётган одатдаги, кенг ёйилган ва қасддан қилинган ҳодиса эканлигини ифодалашини кўрсатса.

Бунга қўшимча равишда кўйидагилар ҳам ҳисобга олинади:

- ушбу ҳодиса ҳукуматнинг тўғридан-тўғри нияти ҳисобланмаслиги, балки ҳукумат назорат қила олмайдиган омиллар оқибати бўлиши мумкин. Бундай ҳолда бу марказий ҳукумат томонидан белгиланадиган давлат сиёсати билан унинг маҳаллий ҳокимият органлари даражасида жорий этилиши ўртасидаги тафовутни кўрсатади;
- амалиётда қиийноқ қўлланилиши имконини берадиган номуқобил қонунчилик ҳам қиийноқ амалиёти мунтазамлигининг сабабларидан бири бўлиши мумкин.

НХТ қийноқ ҳодисаларининг кўп миқдори тўғрисидаги ахборотни тақдим этишлари ва, ушбу ҳодисалар тўғрисидаги ахборотни беришга келганда эса, яхши уюшган бўлишлари керак, шу тарзда улар ушбу амалиётнинг мунтазамлигидан энг яхши тарзда фойдалана оладилар. Бу бир-бираидан узилган бир неча ҳодиса тўғрисида ахборот беришнинг ўзи етарли эмаслигини англатади, — ҳодисалар географик жиҳатдан жамланган бўлиши ёхуд, масалан, бирор муайян қонун билан боғланган бўлиши керак.

Контекст: Кўмита бирор мамлакатда мунтазам амалиёт фактини эътироф этиши ёки инкор қилиши учун, у ушбу мамлакатдаги вазият билан, жумладан, юридик контекст билан танишиши керак. Бу мунтазам амалиётнинг эҳтимол тутилган сабабларини, жумладан, номуқобил қонунчиликни аниқлашда Кўмитага ёрдам кўрсатишда мухим ўрин тутади. НХТ мазкур мамлакатдаги терроризмга қарши амалдаги барча қонунлар тўғрисида ахборот тақдим этиши ва Кўмита аъзоларининг эътиборини муаммоларга, масалан, қамоқ узоқ муддат инкоммуникадо давом этишига имкон берувчи ёки мансабдор шахсларни суд таъқибидан ҳимоя қилувчи ҳар қандай қонунларга сабаб бўлиши мумкин бўлган барча қонунларга қаратиши керак.

#### 4.2.2.1.4. АНИҚ МАСЛАҲАТЛАР

- Давлат, қатнашчи давлатлар бирор-бир тарзда изоҳ берган ҳолларидан ташқари, тартиб-қоидадан фойдаланишга рози бўладиган 20-моддага асосан, маҳфий тергов ўтказиш учун Кўмита ваколатларини эътироф этмаслиги тўғрисида баёнот бериш ҳуқуқига эгадир. Агар сиз тергов ўтказилишини талаб қилимоқчи бўлсангиз, дастлаб тегишли давлат бундай баёнот берган—бермаганлигини текширишингиз керак.
- НХТ ушбу тартиб-қоида ишга солинишини талаб этишлари мумкин, бироқ мазкур тартиб-қоида қатъиян маҳфий ҳисобланганлиги сабабли, улар жавоб кутмасликлари керак. Ушбу тартиб-қоиданинг маҳфийлигининг аҳамиятини етарлича баҳоламасликдан тийилинг — агар кимдир сизга бундай тергов мазмунидаги ахборот бериш, шу жумладан, фактларни аниқлаш бўйича ташрифлар тўғрисида мурожаат қиласа, сиз терговнинг маҳфийлигига риоя қилишингиз керак. Акс ҳолда сизнинг ташкилотингизга маслаҳат учун бошқа мурожаат қилишмайди.
- Ҳозирги пайтда Қийноқларга қарши конвенция баённомасини тузиш зарурлиги муҳокама қилинмоқда. Ушбу Конвенция Қийноқларга қарши қўмитага Қийноқлар ҳамда инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёхуд жазолашнинг олдини олиш бўйича Европа қўмитасининг ваколатлари сингари ваколатлар беради. Бу қамоқда сақлаш жойларига мунтазам ташрифлар ўтказиш тизимини йўлга қўйиш имконини беради.

### ІІІ ҚИСМ. ТҮПЛАНГАН МАЪЛУМОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

#### 4.2.2.2. Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита

##### 13-ЖАЛВАЛ АСОСИЙ ФАКТЛАР – ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ҚЎМИТА

АСОСИЙ ФАКТЛАР – Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита		
Келиб чиқиши:	Қўмита қай тарзда ташкил этилган эди?	1966 йилги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт воситасида
	Қўмита қачон иш бошлаган?	1985 й.
Таркиби:	Қўмита таркибига печа кириди?	18
	Ушбу шахслар мустақил экспертларми ёки давлат вакилларими?	Мустақил экспертлар
Мақсад:	Асосий вазифа:	Давлатларнинг мазкур шартнома доирасидаги ўз мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш
	Функциялари:	<ul style="list-style-type: none"><li>Давлат маъruzalарини кўриб чиқиш (ФСҲҲПнинг 40-моддаси)</li><li>Давлатларапо шикоятларни кўриб чиқиш (ФСҲҲП – нинг 41-моддаси) (ҳеч қачон фойдаланилмаган)</li><li>Индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш (мажбурий эмас) ((ФСҲҲПнинг мажбурий бўлмаган протоколи) (қаранг: ІІІ қисм, 4.3.2-боб)</li></ul>

#### 4.2.2.2.1. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ҚЎМИТАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

Қўмита давлат томонидан барча индивидуумларнинг ФСҲҲП да қайд этилган ҳуқуқларига риоя қилиш ва уларни таъминлаш бўйича, шу жумладан азоб-уқубатга солинмаслик ва шафқатсиз, ноинсоний ёки қадр-қимматни ҳўрловчи муомала ёхуд жазога дучор қилинмаслик ҳуқуқини (7-модда), шунингдек озодликдан маҳрум этилган барча шахсларнинг инсоний ва муносиб муомалага бўлган ҳуқуқи (10-модда) бўйича ўз мажбуриятлари бажарилиши учун жавоб беради. Қўмита ушбу вазифаларни икки усуldан фойдаланган ҳолда бажаради:

- қатнашчи давлатлар томонидан мунтазам равища тақдим этиладиган маъruzalарни кўриб чиқиш ва шарҳлаш;
- қонун бузилишининг аниқ ҳодисалари тўғрисидаги индивидуал гувоҳликларни кўриб чиқиш (бу ІІІ қисм, 4.3.2-бобида кўриб чиқилади).

**Давлат маъruzalari тартиб-коидасини** тавсифлаш учун ІІІ қисм, 2.3-бобни қаранг. Ўша жойда давлат маъruzalari тартиб-коидаси маъносида нимага эришиш мумкинлиги ҳамда сизнинг хабарингизда нима бўлиши кераклиги тўғрисидаги ахборот мавжуд.

#### 4.2.2.2. АНИҚ МАСЛАҲАТЛАР

- Вазият талаб этган ҳолларда Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита қатнашчи мамлакатлардан маҳсус маъруза тақдим этилишини талаб қилиши мумкин. Аслида бундай талаб жиддий қонун бузилишлари тўғрисидаги ахборот асосида қўйилиши мумкин. Олдига шундай талаб қўйилган давлатлар орасида мустақиллик эълон қилингандан кейинги даврда собиқ Югославия ҳам бор.
- Имкони бўлса, НХТ маъruzalariдан 25 нусха тақдим этиш керак.

**ІІІ ҚИСМ. ТҮПЛАНГАН МАЪЛУМОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ**

**4.2.2.3. Бошқа қўмиталар**

**14-ЖАДВАЛ АСОСИЙ ФАКТЛАР – БОЛА ХУҚУҚЛАРИ ҚЎМИТАСИ**

<b>АСОСИЙ ФАКТЛАР – Бола хуқуқлари қўмитаси</b>		
Келиб чиқиши:	Қўмита қай тарзда ташкил этилган эди?	БМТнинг 1989 йилги Бола хуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияси воситасида
	Қўмита қачон иш бошлаган?	1991 й.
Таркиби:	Қўмита таркибига неча киши киради?	10
	Ушбу шахслар мустақил экспертларми ёки давлат вакилларими?	Мустақил экспертлар
Мақсад:	Асосий вазифа:	Қатнашчи давлатларнинг ўз мажбуриятлари бажарилишини Бола хуқуқлари қўмитаси доирасида назорат қилиш
	Функциялари:	<ul style="list-style-type: none"> <li>Давлат маърузаларини кўриб чиқиш (БХҚнинг Ҳозирги пайтда индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш имконини берадиган БХҚ протоколини қабул қилиш масаласи муҳокама қилинмоқда.</li> </ul>

**15-ЖАДВАЛ АСОСИЙ ФАКТЛАР – АЁЛЛАРГА НИСБАТАН КАМСИТИШГА БАРҲАМ БЕРИШ ҚЎМИТАСИ**

<b>АСОСИЙ ФАКТЛАР – Аёлларга нисбатан камситишга барҳам бериш қўмитаси</b>		
Келиб чиқиши:	Қўмита қай тарзда ташкил этилган эди?	БМТнинг 1979 йилги Аёлларга нисбатан камситишга барҳам бериш тўғрисидаги Конвенцияси воситасида
	Қўмита қачон иш бошлаган?	1981 й.
Таркиби:	Қўмита таркибига неча киши киради?	23
	Ушбу шахслар мустақил экспертларми ёки давлат вакилларими?	Мустақил экспертлар
Мақсад:	Умумий вазифалари:	Қатнашчи давлатларнинг БМТ нинг Аёлларга нисбатан камситишга барҳам бериш тўғрисидаги Конвенцияси доирасида ўз мажбуриятларини бажаришини назорат қилиш
	Функциялари:	<ul style="list-style-type: none"> <li>Давлат маърузаларини кўриб чиқиш (БМТнинг Аёлларга нисбатан камситишга барҳам бериш тўғрисидаги Конвенцияси 18-моддаси)</li> </ul> <p>1999 йил бошида индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидасини белгилашга қарор қилинди, бироқ бу қўлланма ёзилиши пайтида ушбу тартиб-қоида ҳали амал қилишни бошламаган эди.</p>

### ІІІ ҚИСМ. ТҮПЛАНГАН МАЪЛУМОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

*16-ЖАЛВАЛ АСОСИЙ ФАКТЛАР – ИРҚИЙ КАМСИТИШНИНГ БАРЧА ШАКЛЛАРИНИ ТУГАТИШ ҚЎМИТАСИ*

АСОСИЙ ФАКТЛАР – Ирқий камситишининг барча шаклларини тугатиш қўмитаси		
Келиб чиқиши:	Қўмита қай тарзда ташкил этилган эди?	БМТнинг 1965 йилги Ирқий камситишининг барча шаклларини тугатиш тўғрисидаги халқаро Конвенцияси воситасида
Таркиби:	Қўмита таркибига неча киши киради?	18
	Ушбу шахслар мустақил экспертларми ёки давлат вакилларими?	Мустақил экспертлар
Мақсад:	Умумий вазифалари:	Қатнашчи давлатларнинг БМТнинг Ирқий камситишининг барча шаклларини тугатиш тўғрисидаги халқаро Конвенцияси доирасида ўз мажбуриятларининг бажаришини назорат қилиш
	Функциялари:	<ul style="list-style-type: none"> <li>Давлат маъruzalарини кўриб чиқиш (БМТнинг Ирқий камситишининг барча шаклларини тугатиш тўғрисидаги халқаро Конвенциясининг 9-моддаси)</li> <li>Давлатлараро шикоятларни кўриб чиқиш (БМТнинг Ирқий камситишининг барча шаклларини тугатиш тўғрисидаги халқаро Конвенцияси-нинг 9-моддаси) (ҳеч қачон фойдаланилмаган)</li> <li>Индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш (БМТнинг Ирқий камситишининг барча шаклларини тугатиш тўғрисидаги халқаро Конвенцияси-нинг 14-моддаси (қаранг: III қисм, 4.3.3-боб</li> </ul>

Ҳозирги пайтда ушбу уч қўмитанинг барчаси асосан **давлат маъruzalari тартиб-қоидаси** муносабати билан фаолият кўрсатмоқда. БМТнинг Ирқий камситишининг барча шаклларини тугатиш тўғрисидаги халқаро Конвенцияси ҳозирги пайтда индивидуал шикоятларни кўриб чиқишнинг амалдаги тартиб-қоидасига эга бўлган ягона конвенция ҳисобланади (қаранг: III қисм, 4.3.3-боб), бироқ БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияси ҳам, БМТнинг аёлларга нисбатан камситишига барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси ҳам мазкур тартиб-қоидани яқин келажакда белгилайди.

**Давлат маъruzalari тартиб-қоидасининг** амал қилишини тавсифлаш учун III қисмнинг 2,3-бобига қаранг, унда ушбу тартиб-қоида доирасида нимага эришиш мумкинлиги тўғрисидаги маълумот бор ҳамда мазкур тартиб-қоида доирасида хабарни тайёрлашга доир тавсия берилган.

#### 4.2.2.3.1. АНИҚ МАСЛАҲАТЛАР

БМТнинг Бола ҳуқуқлари қўмитаси ҳузурида навбатдаги мажлис олдидан ишловчи сессия олди ишчи гурӯҳи мавжуд. Навбатдаги мажлис пайтида ишчи гурӯҳ давлат маъruzalарини, НХТ томонидан тақдим этилган ахборот, шунингдек БМТ органлари ва ихтисослаштирилган агентликлар фаолиятига тегишли бўлган ахборотни кўриб чиқиш асосида тузилган масалалар рўйхатини тақдим этади. Мавжуд маълумотлар асосида улар давлатга маъруза кўриб чиқиладиган мажлисгача саволларга ёзма жавоб бериш талабини қўядилар. Шу сабабли НХТ давлат борасидаги ахборотни давлатнинг маъruzasi кўриб чиқилишидан олдинги сессияолди мажлисигача тақдим этиши кераклигини ҳисобга олиш муҳимдир.

- БМТнинг Аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш қўмитаси ҳозирги пайтда давлатларга конвенция доирасидаги барча мажбуриятларни ёритувчи умумий тусдаги маъruzalarни эмас, балки маълум жиҳатларга ёзгиборни қаратган ҳолда батафсилоқ маъruzalarни тузиш тўғрисидаги талабни илгари сурмокда. Бу БМТнинг Аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш қўмитаси НХТдан ҳам маъruzalarning мана шундай типини олишни маъқул кўришини англалади.

**4.3. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизими доирасида шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидаси**

**4.3.1. Қийноқларга қарши қўмита**

17-ЖАДВАЛ. ИНДИВИДУАЛ ШИКОЯТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБ-КОИДАСИНинг АСОСИЙ ХРОНОЛОГИЯСИ: ҚҚБМТК

**АСОСИЙ ХРОНОЛОГИЯ: Индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидаси – ҚҚБМТК**

Сизнинг хабарингизни олиш



ҚҚБМТК аъзоси маърузачи томонидан тайинланади. Маърузачи ҳукуматга хабар бериш тўғрисида қарор қабул қиласди (кўшимча ахборот тақдим этиш тўғрисидаги талаб илгари сурилиши ҳам мумкин)



Хабар мулоҳазалар олиш учун ҳукуматга берилади. Ҳукуматга қуидаги имкониятлар берилади:



йўл қўйиш мумкинлиги юзасидан **3 ой**  
**МОБАЙНИДА** мулоҳазалар тақдим этиш

**ЁКИ** йўл қўйиш мумкинлиги ва ишнинг  
моҳияти юзасидан **олти ой** мобайнода  
мулоҳазалар тақдим этиш



Ҳукуматнинг шарҳлари шикоятчига юборилади, унга:



йўл қўйиш мумкинлиги юзасидан олинган  
мулоҳазалар бўйича жавоблар тақдим этиш  
учун **4 ой** берилади

**ЁКИ** йўл қўйиш ва ишнинг моҳияти  
юзасидан мулоҳазалар тақдим этиш  
учун **6 ой** берилади



ҚҚБМТК йўл қўйиш мумкинлиги юзасидан  
қарор қабул қиласди.



Ишнинг моҳияти юзасидан мулоҳазалар  
тақдим этиш учун **ҳукуматта 6 ой** берилади.



Давлатнинг шарҳлари шикоятчига берилади.

Шикоятчига давлатнинг мулоҳазалари  
юзасидан ўз мулоҳазаларини баён қилиши  
учун **6 ой** берилади.



ҚҚБМТК барча ахборотни кўриб чиқади ва кўриб чиқилаётган иш бўйича  
ўз мавқеени эгаллайди, шунингдек қонун бузилиши факти бор-йўқлигини аниқлайди



Ушбу ахборот шикоятчига ва қатнашчи давлатга берилади. Қатнашчи давлат ҚҚБМТК  
тавсиялари бажарилиши учун кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида ҚҚБМТК га ахборот  
тақдим қилиш учун таклиф этилиши мумкин



ҚҚБМТК нинг йиллик ҳисоботида кўриб чиқилган иш бўйича  
маълумотнома эълон қилинади.

Қаранг: III қисм, 4.2.2.1-боб, «АСОСИЙ ФАКТЛАР – Қийноқларга қарши қўмита».

4.3.1.1. Қумита томонидан кўриб чиқиладиган шикоятлар турлари

Индивидуал шикоятлар тартиб-қоидалари доирасида **кўриб чиқилиши керак бўлган шикоятлар** турлари юзасидан ахборот олиш учун ІІІ қисм, 3.2-бобга қаранг.

Қийноқларга қарши Конвенция қатнашчи давлатларга мажбуриятлар юклайди. Ушбу мажбуриятлар қийноқлар қўлланилиши тақиқланишигагина эмас, балки қийноқ қўлланилишининг олдини олиш чора-тадбирлари кўрилишига, шунингдек қийноқ ҳодисалари содир бўлган тақдирда хукуқий ҳимоя воситалари берилиши юзасидан чоралар кўрилишига ҳам тегишилдири. Бу сиз қийноқ қўлланилиши ҳодисаси юзасидан айблов беришингизнингина эмас, балки Конвенция доирасида қатнашувчи давлатнинг исталган мажбурияти муносабати билан ҳам айблов беришингиз мумкинлигини англатади. Қуйида асосий мажбуриятлар келтирилади (қаранг: ҚҚБМТК нинг 2-16-моддалари):

- муйян киши бирор мамлакатда қийноққа дучор қилинади, деб ҳисоблаш учун салмоқли асослар мавжуд бўлган тақдирда кишини бошқа мамлакатга чиқариб юбормаслик, қайтармаслик ва депортация қилмаслик мажбурияти (3-модда);
- қийноқ тўғрисидаги ҳар қандай аризаларни ўз вақтида ва холисона кўриб чиқиш ҳамда шикоятчилар ва гувоҳларни ариза берилиши туфайли кўрқитишнинг ҳар қандай шаклларидан ҳимоя қилиш мажбурияти (13-модда);
- қийноқ қурбонларини қонунчилик тизими доирасида сатисфакция билан таъминлаш, шунингдек қийноқ қўлланилиши натижасида қурбон вафот этган тақдирда қурбон ёки қурбоннинг қариндошлари учун адолатли ва муқобил компенсация олиш хукуқини бериш мажбурияти (14-модда);
- қийноқ натижасида берилган ҳар қандай баёнотлардан суд муҳокамаси вақтида исбот сифатида фойдаланилишига йўл қўймаслик мажбурияти, айбор қийноқни қўллаганлиги учун жавобгарликка тортилган ҳоллар бундан мустасно (15-модда).

4.3.1.2. Йўл қўйиш мумкинлиги талаблари

Хабар қуйидаги ҳолларда **йўл қўйилиши мумкин эмас**, деб эътироф этилади:

- хабар аноним ҳисобланганда;
- хабар ўзида индивидуал хабар бериш хукуқининг суистеъмол қилинишини ифодалаганда;
- хабар Конвенция қоидаларига мос бўлмаганда;
- ўша масаланинг ўзи халқаро терговнинг бошқа тартиб-қоидаси таркибида қараб чиқилаётган бўлса;
- хукуқий ҳимоянинг давлат ички воситаларининг ҳаммаси ҳам ишга солиб бўлинмaganда; давлат ички тартиб-қоидалари асоссиз равишда узоқ давом этган ёки ижобий натижага эришиш учун қурбонга реал имконият берилмайдиган ҳоллар бундан мустасно.

4.3.1.3. Аниқ маслаҳатлар

- Давлат Қийноқларга қарши Конвенция аъзоси эканлигига ва индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш бўйича 22-моддада қайд этилган тартиб-қоидани қабул қилганлигига ишонч ҳосил қилинг.
- Сиз нафақат аслан қийноқ ҳодисаси муносабати билан, балки Қийноқа қарши Конвенциянинг ҳар қандай қоидаси бузилиши муносабати билан шикоят беришингиз мумкинлигини ёдда тутинг. Қўмитага тақдим этилган ҳолларнинг кўпчилиги, депортация ҳолларидан ташқари, сатисфакция олишга тегишилдири. Агар шикоятингиз Конвенциянинг ушбу қоидалари билан боғлиқ бўлса, қатнашувчи давлатнинг сатисфакция тақдим этишга қодир эмаслигидан далолат берувчи фактларни таъкидлаб ўтишингизга тўғри келади.
- Қўмита ва Котибият тартиб-қоиданинг маҳфийлигига жуда жиддий ёндашади. Бу улар кўриб чиқилаётган иш тўғрисидаги ахборотни хабарнинг муаллифи ёки ишончнома-

### III ҚИСМ. ТҮПЛАНГАН МАЪЛУМОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

да исми түгридан-түғри кўрсатилган вакилидан бошқа бирор кишига ошкор қилмасликларини англатади. Бу, шунингдек, хабар муаллифи ва унинг вакили кўриб чиқиш жараёни тўғрисида бирор-бир ахборотни ошкор қилиши мумкин эмаслигини ҳам англатади. Агар бирор-бир шубҳа пайдо бўлса, қайси ахборотни оммавий ошкор қилиш, қайслиарини эса маҳфий қолдириш масаласида ҳамма вақт Котибият билан маслаҳатлашиш керак.

- Агар сиз индивидуумнинг бўлажак депортацияси муносабати билан шикоят бермоқчи бўлсангиз (КҚБМТКнинг 3-моддаси), ариза беришни сўнгти дақиқага қолдирманг. Кейинги йилларда баъзан вақт билан боғлиқ чораларни сунистество мол қилиш ҳоллари кузатилди ва қўмита бундай аризаларни қабул қилмай қўя бошлади. Котибиятга депортация санаси бевосита эълон қилингандан кейин мурожаат қилиш, ҳатто сиз депортация тўғрисидаги қарор муносабати билан апелляция берган бўлсангиз ҳам, ўзини оқлади. Вазиятни тушунтириинг ва апелляция рад этилган тақдирда Қўмитадан вақтингчалик чоралар кўрилишини талаб қилингиз ҳақида Қўмита аъзоларини огоҳлантириинг. Шунда Қўмита шошиб қолмасдан, сўнгти дақиқада чора кўришга тайёрлана олади. Қўмитада сизга ишингизнинг реал имкониятлари юзасидан маслаҳат ҳам беришлари мумкин.

#### 18-ЖАДВАЛ. ИНДИВИДУАЛ ШИКОЯТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБ-КОИДАСИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ: ҚҚБМТК

ИНДИВИДУАЛ ШИКОЯТЛАРИИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБ-КОИДАСИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ: ҚҚБМТК	
Ушбу тартиб-коида доирасида иш кўриб чиқилишини ким талаб қилиши мумкин?	Ўзини Конвенция бузилишининг қурбони деб ҳисоблаган ариза берган ҳар қандай киши; унинг қариндошлари; қурбон ўзи ариза беришга қодир бўлмаган ва хабарнинг муаллифи ўз хатти-ҳаракатларини қурбоннинг номидан асослай олиши мумкин бўлган ҳолларда маҳсус тайинланган вакил ёки бошқа шахслар
Ариза беришнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган энг кўп муддати мавжудми?	Йўқ. Бироқ, тахмин қилинаётган қонун бузилиши қатнашчи давлат томонидан қонун-коида кучга кирганилиги тўғрисида декларация берилганидан кейин юз бериши керак эди.
Агар сиз ўша фактларнинг ўзини бошқа қонун-коида доирасида кўриб чиқилиши бўйича ишни бошлаган бўлсангиз, ишни мазкур қонун-коида доирасида кўриб чиқиш тўғрисидаги талабга йўл қўйиладими?	Йўқ.
Юридик вакиллик зарурми?	Йўқ.
Молиявий ёрдам олиш имконияти мавжудми?	Йўқ.
<i>Amicus curiae</i> гувоҳлиги қабул қилинадими?	Назарда тутилмаган, бироқ истисно ҳам этилмаган.
Сизнинг хабарингизни ким билади?	Хабар муаллифи ва унинг вакили, Қўмита ва унинг Котибияти, шунингдек қатнашчи давлат. Хабар муаллифининг шахси Қўмита қонун бузилиши фактини эътироф этган тақдирда ошкор қилинади ва муаллифнинг талабига кўра бундай ҳолларда ҳам маҳфий бўлиб қолиши мумкин.
Қонун-коида қанча вақт давом этади?	Қоидага кўра, бир йил, бироқ бундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин.
Карор қабул қилишга кўмаклашиш учун механизм қандай чоралар (агар назарда тутилган бўлса) кўриши мумкин? Масалан, фактларни аниқлаш учун муҳокама қилиш; жойларга ташриф буюриш; ёзма аризалар; оғзаки муҳокамалар; бошқалар.	Ёзма аризалар; оғзаки муҳокамалар.
Бирор-бир шошилинч чоралар назарда тутилганми?	Ха.

## ІІІ ҚИСМ. ТҮПЛАНГАН МАЪЛУМОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

### 4.3.2. Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита

Қаранг: ІІІ қисм, 4.2.2.2-боб. «АСОСИЙ ФАКТЛАР — Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита»

Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитада индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидаси-нинг асосий хронологияси ҚҚБМТК дан фарқ қилмайди. Қаранг: ІІІ қисм, 4.3.1-боб.

Кўриб чиқилиши мумкин бўлган шикоятлар типлари тўғрисида ахборот олиш учун ІІІ қисм, 4.3-бобга қаранг..

#### 4.3.2.1. Йўл қўйиши мумкинлиги талаблари

Хабар қўйидаги ҳолларда **йўл қўйилиши мумкин эмас**, деб эътироф этилади:

- хабар аноним ҳисобланганда;
- хабар ўзида индивидуал хабар бериш ҳуқуқининг суюистеъмол қилинишини ифодалаганда;
- хабар Битим қоидаларига мос бўлмаганда; ўша масаланинг ўзи халқаро терговнинг бошқа тартиб-қоидаси таркибида қараб чиқилаётган бўлса;
- ҳуқуқий ҳимоянинг давлат ички воситаларининг ҳаммаси ҳам ишга солиб бўлинмаганда, давлат ички тартиб-қоидалари асоссиз равишда узоқ давом этган ёки ижобий натижага эришиш учун реал имконият бериладиган ҳоллар бундан мустасно.

#### 19-ЖАЛВАЛ. ИНДИВИДУАЛ ШИКОЯТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБ-ҚОИДАСИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ: ФСҲҲПШИНГ МАЖБУРИЙ БЎЛМАГАН ПРОТОКОЛИ

ИНДИВИДУАЛ ШИКОЯТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБ-ҚОИДАСИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ: ФСҲҲПШИНГ МАЖБУРИЙ БЎЛМАГАН ПРОТОКОЛИ	
Ушбу тартиб-қоида доирасида иш кўриб чиқилишини ким талаб қилиши мумкин?	ФСҲҲП бузилиши курбони бўлганлиги ҳақида баёнот берувчи шахслар. Хабар яқин оила аъзоларидан ёки ваколатди вакилдан кабул қилиниали ( <u>курбонинг ёки унинг оила аъзоларининг номидан ишончнома бўлиши керак</u> ). Курбон шахсан ўзи ҳаракат қилмаган ҳолларда изоҳ бериш керак.
Ариза беришнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган энг кўп муддати мавжудми?	Йўқ, бироқ узоқ вақт ушлаб қолиш учун ҳеч бир асос бўлмаган тақдирда Кўмита бундай ҳолга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиши мумкин.
Агар сиз ўша фактларнинг ўзини бошқа тартиб-қоида доирасида кўриб чиқилиши бўйича ишни бошлаган бўлсангиз, ишни мазкур тартиб-қоида доирасида кўриб чиқиш тўғрисидаги талабга йўл қўйиладими?	Ҳа, башарти қатнашчи давлат шу муносабат билан изоҳ келтирмаган бўлса.
Юридик вакиллик зарурми?	Йўқ
Молиявий ёрдам олиш имконияти мавжудми?	Йўқ
<i>Amicus curiae</i> гувоҳлиги қабул қилинадими?	Йўқ
Сизнинг хабарингизни ким билади?	Қатнашчи давлат айблов муносабати билан шикоятчига жавоб бериш имкониятига эга бўлиши учун шикоятчининг шахси тўғрисида ҳамма вақт хабардор қилинади, бироқ, агар шикоятчи талаб этса, Кўмита шикоятчининг номини оммавий ошкор қилмайди. Шикоятчи ва қатнашчи давлат тартиб-қоида муносабати билан ахборотни ошкор этиш ҳуқуқига эга, шикоятчи ва қатнашчи давлат маҳфийликни талаб қилган ҳоллар бундан мустасно.

### ІІІ ҚИСМ. ТҮПЛАНГАН МАҢЛУМОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Қарор қабул қилишта күмаклашиш учун механизм қандай чораларни (агар назарда тутилган бўлса) қабул қилиши мумкин?	Бутун тартиб-қоида томонларнинг ёзма аризаларига асосланади; бошқа бирор-бир чора кўриш имконияти мавжуд эмас.
Тартиб-қоида қанча вақт давом этади?	Қоидага кўра, икки йилдан беш йилгача, бироқ шошилипч ҳолларда муддат бир йилгача қисқариши мумкин.
Бирор-бир шошилинч ёки вақтингчалик чоралар назарда тутилганми?	Ҳа, бироқ Қўмита ушбу имкониятдан камдан-кам ҳолларда фойдаланади.

#### 4.3.2.2. Аниқ маслаҳатлар

- Давлат ФСҲХП қатнашчиси эканлигига ва индивидуал шикоятларни Мажбурий бўлмаган баённома доирасида кўриб чиқини тартиб-қоидасини қабул қилганилитига ишонч ҳосил қилинг.
- Ушбу тартиб-қоидага биноан, агар хабар муайян вақтда халқаро терговнинг бошқа тартиб-қоидаси доирасида кўриб чиқилаётган бўлса, ҳақиқий эмас, деб эътироф этилади. Бу тугаган бошқа тартиб-қоида доирасида кўриб чиқилган иш йўл қўйиладиган бўлиб чиқиши мумкинлигини англатади. Шу сабабли дастлаб бошқа халқаро тартиб-қоида доирасида ҳуқуқий ҳимоя воситасига эришишга интилиб кўриш, сўнгра эса ишнинг Инсон ҳуқуқлари қўмитасида кўриб чиқилиши учун берилишига ҳаракат қилиш имконияти мавжуддир. Бироқ кўпчилик қатнашчи мамлакатлар олдин бошқа органлар томонидан кўриб чиқилган ҳолларни Қўмитанинг кўриб чиқишига имкон бермайдиган изоҳлар келтиришган. Шу сабабли сизнинг ҳолатингизга тааллуқли бирор-бир изоҳ мавжудлиги тўғрисида хабардор бўлишингиз керак.
- Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита ўз қарорлари шарҳини йиллик ҳисоботга киритиш ўрнига, уларни эълон қиласди.

#### 4.3.3. Бошқа қўмиталар

Қаранг: III қисм, 4.2.2.3-боб. «АСОСИЙ ФАКТЛАР — Бола ҳуқуқлари қўмитаси», «АСОСИЙ ФАКТЛАР — Аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш қўмитаси» ва «АСОСИЙ ФАКТЛАР — Ирқий камситишнинг барча шаклларини тутгатиш қўмитаси».

Юқорида кўрсатиб ўтилган қўмиталардан фақат ИКТҚ индивидуал шикоятларни кўриб чиқади, бироқ яқинда ушбу функция АҚБҚ учун ҳам қабул қилинди, ҳозирги вақтда бу масала Бола ҳуқуқлари қўмитаси борасида муҳокама қилинмоқда.

Ирқий камситишни тутгатиш қўмитасига бериладиган индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидасининг асосий хронологияси Қийноқларга қарши қўмитаникига ўхшаш. Қаранг: III қисм, 4.3.1-боб.

Кўриб чиқишга йўл қўйиладиган шикоятлар типлари борасида ахборот олиш учун III қисм, 4.2-бобга қаранг.

#### 4.3.3.1. Йўл қўйиш мумкинлиги талаблари

Хабар қўйидаги ҳолларда йўл қўйилиши **мумкин эмас**, деб ҳисобланади:

- хабар аноним ҳисобланганда;
- хабар индивидуал хабар бериш ҳуқуқининг суиистеъмол қилинишини ифодалаганда;
- хабар Пакт қоидаларига мос бўлмаганда;
- ўша масаланинг ўзи халқаро терговнинг бошқа тартиб-қоидаси таркибида қараб чиқилаётган бўлса;
- ҳуқуқий ҳимоянинг давлат ички воситаларининг ҳаммаси ҳам ишга солиб бўлинмаганда; давлат ички тартиб-қоидалари асоссиз равишда узоқ давом этган ҳоллар бундан мустасно;

### ІІІ ҚИСМ. ТҮПЛАНГАН МАЪЛУМОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

- хабар ҳуқуқий ҳимоянинг давлат ички воситаларининг ҳаммаси ҳам ишга солиб бўлинган кундан бошлаб олти ой мобайнида берилмаган, истисноли ҳолатлар мавжудлигини исботлаш мумкин бўлган ҳоллар бундан мустасно.

#### 4.3.3.2. Аниқ маслаҳатлар

- Давлат ИКТҚ қатнашчиси эканлигига ишонч ҳосил қилинг ва 14-модда доирасида индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидаси қабул қилинган-қилинмаганигини аниқланг.
- ИКТҚ кўтлаб мамлакатлар томонидан ратификация қилинганлигига қарамай, жуда оз қатнашчи давлатлар индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидасини қабул қилган.
- ИКТҚ индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидасини қабул қилган қатнашчи мамлакатлар бундай шикоятларни давлат ички даражасида кўриб чиқишга ваколатли бўлган миллий орган таъсис этиши ёки тайинлаши мумкинлигини назарда тутади. Агар ушбу орган ҳуқуқий ҳимоя воситасини таъминлай олмаган бўлсагина ИКТҚга ариза бериш керак.
- Агар ариза шу пайтда бошқа ҳалқаро тартиб-қоида доирасида кўриб чиқилаётган бўлса ҳам, ИКТҚ унинг берилишига йўл қўйилиши мумкинлигини эътироф этиши мумкин.
- Шикоятчининг тўғридан-тўғри розилигисиз ИКТҚ унинг шахсини ошкор қилмайди.

#### 20-ЖАДВАЛ. ИНДИВИДУАЛ ШИКОЯТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБ-ҚОИДАСИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ: Ирқий камситишларни тугатиш конвенцияси

Ушбу тартиб-қоида доирасида иш кўриб чиқилишини ким талаб қилиши мумкин?	ИКТҚ бузилишининг курбони бўлганлиги ҳақида баёнот берган ҳар қандай киши. Қоидага кўра, ариза курбон, унинг қариндошлари, маҳсус тайинланган вакиллар томонидан берилиши мумкин, бироқ курбон ўзи шахсан ҳаракат қила олмайдиган ҳолларда ва учинчи томон ўз ҳаракатларини қурбоннинг номидан асослаши мумкин бўлган ҳолларда истисно тарзида баёнот таҳмин қилинаётган курбон номидан учинчи томонлардан олиниши мумкин.
Ариза беришнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган энг кўп муддати мавжудми?	Ҳуқуқий ҳимоянинг давлат ички воситалари тамом бўлгандан кейин олти ой давомида, истисноли ҳолатлар мавжудлигини исботлаш мумкин бўлган ҳоллар бундан мустасно.
Агар сиз ўша фактларнинг ўзини бошқа қонун-қоида доирасида кўриб чиқилиши бўйича иш бошлаган бўлсангиз, ишни мазкур тартиб-қоида доирасида кўриб чиқиш тўғрисидаги талабга йўл қўйиладими?	Ҳа.
Юридик вакиллик зарурми?	Йўқ.
Молиявий ёрдам олиш имконияти мавжудми?	Йўқ.
Amicus curiae гувоҳлиги қабул қилинадими?	Назарда тутилмаган, бироқ истисно ҳам этилмаган.
Сизнинг хабарингизни ким билади?	Қурбоннинг шахси унинг тўғридан-тўғри розилигисиз ошкор этилмайди.
Тартиб-қоида қанча вақт давом этади?	Одатда, 1-3 йил.
Қарор қабул қилишга кўмаклашиш учун механизм қандай чоралар (агар назарда тутилган бўлса) кўриши мумкин? Масалан, фактларни аниқлаш учун муҳокама қилиш; жойларга ташриф буюриш; ёзма аризалар; оғзаки муҳокамалар; бошқалар.	Ёзма аризалар; оғзаки муҳокамалар; БМТ органиларидан ва ихтисослашган агентликлардан зарур ҳужжатлар тақдим этилиши тўғрисидаги талаб.
Бирор-бир шошилинч чоралар назарда тутилганми?	Ҳа.

## 5. МИНТАҚАВИЙ МЕХАНИЗМЛАР ВА ТАРТИБ-ҚОИДАЛАР

### 5.1. Европа тизими

Европа миңтақасида бир қанча ташкилотлар мавжуд. Булар: Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Европа Кенгаши ва Европа Иттифоқи. Қўлланма ёзилиши пайтида фақат Европа Кенгаши қийноқлар ва муомала ҳамда жазолашнинг қадр-қимматни камситувчи бошқа турлари тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқишининг расмий тартиб-қоидаларини белгилаганди, бироқ Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ҳам III қисм, 7-бобга мувофиқ инсон ҳукуқлари соҳасида фаол иш олиб бормоқда.

Европа Кенгаши доирасида қўлланмага алоқадор бўлган иккита ҳукуқий орган мавжуд. Кийноқлар ҳамда инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёхуд жазолашнинг олдини олиш бўйича Европа қўмитаси ва Инсон ҳукуклари бўйича Европа суди. Кийноқларнинг ва файриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёхуд жазолашнинг олдини олиш бўйича Европа қўмитаси батафсил тавсифланади, чунки у ҳозирги пайтда бошқа ҳеч бир орган бажара олмайдиган ноёб функцияни бажармоқда.

Тиллар: Европа Кенгашининг расмий ва иш юритиладиган тиллари — инглиз ва француз тиллари. Ўз аризангизда улбу тиллардан бирида ҳеч бўлмаганда қисқача шарҳ беришга уриниб кўринг. Хабар бериш тиллари юзасидан ахборот олиш учун III қисм, 2.1.1-бобга қаранг.

#### 5.1.1. Маърузалар механизми. Қийноқлар ҳамда инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёхуд жазолашнинг олдини олиш бўйича Европа қўмитаси

21-ЖАДВАЛ. АСОСИЙ ФАКТЛАР – КИЙНОҚЛАР ҲАМДА ИНСОНИЙЛИККА ЗИД ЁКИ ҚАДР-ҚИММАТНИ КАМСИТУВЧИ МУОМАЛА ЁХУД ЖАЗОЛАШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА ЕВРОПА ҚЎМИТАСИ

АСОСИЙ ФАКТЛАР – Қийноқлар ҳамда инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёхуд жазолашнинг олдини олиши бўйича Европа қўмитаси		
Келиб чиқиши:	Қўмита қай тарзда ташкил этилган эди?	1987 йилги Қийноқлар ҳамда инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёхуд жазолашнинг олдини олиш тўғрисида Европа Конвенцияси воситасида
	Қўмита қачон иш бошлаган?	1989 й.
Таркиби:	Қўмита таркибига неча киши киради?	Конвенция қатнашчиси бўлган давлатлар қанча бўлса — шунча (ҳозирги пайтда 40 та)
	Ушбу шахслар мустақил экспертларми ёки давлат вакилларими?	Мустақил экспертлар
Мақсад:	Умумий вазифалари:	Қийноқлар ҳамда инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёхуд жазолашнинг олдини олиш юзасидан чора кўриш йўли билан озодликдан маҳрум этилган шахслар ҳимоя қилиниши даражасини ошириш
	Функциялари:	<ul style="list-style-type: none"> <li>• мониторинг</li> <li>• фактларни аниқлаш</li> </ul>

*5.1.1.1. Қийноқлар ҳамда инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёхуд жазолашнинг олдини олиши бўйича Европа қўмитасининг фаолият кўрсатиши*

Қўмитанинг функциялари соф огоҳлантирувчи функциялардир. Бироқ улар ушбу қўлланманда санаб ўтилган барча механизмлар ичida энг кенг имкониятларга эга. Қўмита озодликдан маҳрум этилган шахслар билан муомала қилиш шаклларини ўрганиш мақсадида қамоқда сақлаш жойларига бориш учун қатнашчи мамлакатларга ташриф буюради, сўнгра маъруза тайёрлайди. Маърузада текширишлар натижалари ҳамда кейинчалик давлатга бериладиган тегишли тавсиялар баён этилади. Ушбу маъруза маҳфий тусга эга бўлади, бироқ давлатнинг розилиги билан оммавий ошкор қилиниши мумкин. Қатнашчи давлат Қўмита билан ҳамкорлик қилишини рад этган ёки унинг тавсияларини бажаришни рад этган алоҳида ҳолатларда Қўмита аниқ бир давлат тўғрисида оммавий декларация қилиш борасида қарор қабул қилиши мумкин. Бутун жараённинг асосий мақсади давлатни оммавий қоралашдан иборат эмас, балки энг муаммоли соҳаларни аниқлашдан ва озодликдан маҳрум этилган шахсларни қийноқча солиш ва уларга нисбатан камситувчи муомалада бўлиш ёки уларни жазолашнинг олдини олиш учун зарур тавсияларни тақдим этишдан иборатdir.

*Кўмита ташрифларининг характерли хусусиятлари:*

Қўмитанинг ташрифлари бошқа ҳуқуқий механизмлардан фарқ қилган ҳолда, қуйидаги хусусиятларга эгадир:

- ташрифлар исталган вақтда юз бериши мумкин;
- ташрифлар аниқ бир қатнашчи давлатнинг юрисдикцияси остида бўлган давлатнинг мансабдор шахслари туфайли ёки расмий кўрсатмалар сабабли озодликдан маҳрум этилган шахслар сақданаёттан ҳар қандай жойга қилиниши мумкин. Бу, одатда, қамоқда сақлаш жойи деб эътироф этиладиган полиция/милиция участкалари, жандармерия, турма, судгача сақлаш ва маъмурий қамоқ жойларигина эмас, балки, шунингдек, ҳарбий объектлар, психиатрия шифохоналари, чет элликларни қамаш жойлари, аэропортларнинг транзит зоналари, хушёхоналар, болалар уйлари ва кексалар уйлари каби муассасаларни ҳам ўз ичига олади;
- қўмита бутун мамлакат бўйлаб саёҳат қилиш ва чеклашларсиз ҳар хил муассасаларни бориб кўриш ҳуқуқига эгадир;
- қўмита озодликдан маҳрум этилган шахслардан хусусий интервью олиш ҳуқуқига эга;
- қўмита зарур ахборотни тақдим этиши мумкин бўлган ҳар қандай киши билан эркин суҳбат қилиш ҳуқуқига эга.

Бошқача айтганда, агар давлат Конвенция юклайдиган мажбуриятларни қабул қилган бўлса, у ҳолда қўмитанинг фаолияти қатнашчи давлатнинг розилигига боғлиқ бўлмаслиги керак.

*Ташрифларни амалга ошириш учун Қўмита томонидан фойдаланиладиган усуllibar:*

Қўмитанинг ташрифлари икки турга бўлинади: даврий ташрифлар ва ad hoc ташрифлар. Даврий ташрифлар барча қатнашчи мамлакатларга мунтазам равишда амалга оширилади. Ad hoc ташрифлар бирор-бир қатнашчи давлатда бирор шошилинч муаммо муносабати билан жиддий ва кўп марта берилган баёнотларга жавобан амалга оширилади ва исталган вақтда амалга оширилиши мумкин. Устига устак, Қўмита илгари тергов ўтказилган ҳолат ёки вазият талаб қилган ҳолларда ташрифларни амалга ошириши мумкин.

Амалиётда Қўмита ўз ташрифи тўғрисида давлатга хабар беришга мажбур бўлмаса ҳам, даврий ташрифлар муносабати билан хабар бериш тартиб-қоидаси ишлаб чиқилган. Ушбу тартиб-қоида қуйидагиларни ўз ичига олади: 1) ташриф амалга ошириладиган мамлакатларни йил бошида эълон қилиш; 2) тегишли давлатни ташриф мўлжалланаётган сана тўғрисида хабардор қилиш ва 3) ташриф бошланишидан бир неча кун олдин делегация бориб кўришни хоҳлаган жойлар рўйхатини давлатта тақдим этиш. Делегация ташриф пайтида, шунингдек, рўйхатда

кўрсатилемаган жойларга эълон қилинмаган ташрифлар қилиши ҳам мумкин. Билдиришномаларнинг ушбу амалиёти шошилинч тартибда амалга оширилиши мумкин булган *ad hoc* ташрифдарда қўлланилмайди.

Давлат ташрифларни кечикитириш учун асос бўлган чекланган муҳим сабабларни келтириш имкониятига эга (давлат мудофааси; аҳоли хавфсизлиги; озодликдан маҳрум этилган шахслар сақланадиган жойларда тартибининг жиддий бузилиши ёхуд оғир жиноят муносабати билан шошилинч сўроқ қилиш). Бироқ, ушбу сабаблардан ташрифни номуайян муддатга бекор қилиш учун эмас, балки ташрифларни кечикитириш учун фойдаланиш мумкин.

#### *5.1.1.2. Қийноқларнинг олдини олиш қўмитасига ахборот тақдим этиши йўли билан нимага эришиш мумкин?*

- **Умумий қоидалар**

Қўмита фаолиятининг маҳфий хусусияти шуки, Котибиятга ахборот юборгач, сиз билдиришнома (ахборот олинганинги тасдиқловчи хат) олганлигинизга қарамай, Қўмита олинган материалларнинг сифати ёки мазмунига бирор-бир баҳо бера олмайди ёки ушбу материалдан фойдаланишнинг эҳтимол тутилган йўлларини кўрсата олмайди. Қўмитага маълумот юборувчи НХТ учун ушбу жараённи жуда чукур қудуққа тош ташлаш билан қиёслаш мумкин — сиз тош қудуқнинг тубига бориб тушганлигини биласиз, бироқ у қаерда эканлигини кўрмайсиз. Бундан жиhibийрон бўлмаслик керак. Қўмита нуқтаи назарига кўра, сиз тақдим этган ахборот қўмита функцияларига мувофиқ бўлган тақдирда бу жуда юқори даражада муҳим бўлади, шу сабабли сизнинг потенциал ютуқларингизни анча узоқ муддатли истиқболдан излаш зарур.

Сизнинг ахборотингиз қўйидаги масалаларда Қўмитага қўмаклашиши мумкин:

- аниқ бир мамлакатда озодликдан маҳрум этилган шахсларга нисбатан муомала шакллари, шунингдек қийноққа солиш ёки ёмон муомалада бўлиши хавфи билан боғлиқ энг жиддий муаммоларга эътиборни жалб этиш ҳамда мазкур муаммоларнинг манбаларини аниқлаш;
- *ad hoc* ташрифини амалга ошириш зарурати юзага келиши мумкинлигини аниқлаш;
- ташрифни режалаштириш ҳамда бориб қўриш керак бўлган муассасаларни аниқлаш, шунингдек батафсил кўриб чиқилиши зарур бўлган соҳаларни аниқлаш;
- мазкур мамлакатдаги ижтимоий ва юридик аҳволни тушуниш;
- Қўмитанинг тавсиялари, жумладан, ҳамкорлик жараёнининг бир қисми ҳисобланган ҳукумат билан мулоқот доирасидаги кафолатлар бажарилиши даражасини аниқлаш;
- Қатнашчи давлатда юз берётган ҳам ижобий, ҳам салбий жараёнларни мониторинг қилиш.

Сизнинг нуқтаи назарингизга кўра, бу сиз ахборот бериш йўли билан озодликдан маҳрум этилган шахсларга нисбатан муомала шаклларига тегишли бўлган жиддий муаммоларни аниқлашга қўмаклашишингизни, ушбу муаммоларнинг сабабларини аниқлашга, шунингдек, уларнинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга ёрдам беришингизни англатади.

- **Индивидуал жихатлар**

Қийноқларнинг олдини олиш Қўмитаси, кўплаб бошқа механизмлардан фарқ қилган ҳолда, индивидуал ҳолатларни кўриб чиқмайди. Европа минтақасида ушбу вазифа фақат индивидуал шикоятлар билан шуғулланувчи Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди зиммасига юкландган. Унинг тавсифи қўйида баён этилади. Қийноқларнинг олдини олиш Қўмитаси қамоққа олинган шахсларни ҳуқуқий ҳимоя воситаси билан таъминлашда эмас, балки улар билан боғлиқ умумий вазиятни кенг кўламда яхшилашга қўмаклашишда ҳамда қийноқ қўлланилиши ҳодисаси юз беришининг олдини олишда анча кенг ваколатлар ва имкониятларга эга. Бироқ индивидуумларни ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан баҳраманд қилиш Қўмитанинг функцияларидан бири ҳисобланмаслиги факти индивидуал шикоятчилар Қўмита фаолиятидан бевосита ёки билвосита шаклда фойда ололмаслигини англатмайди.

Энг аввало шуни қайд этиш зарурки, индивидуал аризалар туфайли қонун бузилишларининг умумий тенденцияларини аниқлаш ва шикоят берувчилар салбий амалиёт тугатилиши оқибатидан анча фойда кўриши имконияти пайдо бўлади. Масалан, агар болалар уйидаги суистеммол қилиш ҳоллари тўғрисида кўплаб аризалар тушса ва Кўмита мазкур масала бўйича текширув ўтказиб, суистеммолликларнинг сабабларини тугатиш юзасидан тегишли кўрсатмалар берса, бу ушбу муассасадагиларнинг барчаси учун бевосита фойда келтиради.

Бундан ташқари, хусусий шахслар номидан аралашиб назарда тутилмаганлигига қарамай, бу Кўмитанинг умумий фаолияти мазмунига кўра юз беради. Бундай аралашибдан бирор-бир муайян амалиётни ёки умумий тусдаги айловни тергов қилиш доирасида амалий мисоллар сифатида фойдаланилади. Масалан, Кўмита аксилтеррористик қонунлар асосида ҳибсга олишнинг индивидуал ҳолларида мазкур тоифадаги шахсларга нисбатан ёмон муносабати билан тушган аризаларни текширади. Шунингдек, делегация бирор-бир мамлакатга ташриф буюришидан олдин шошилинч аралашибни талаб этувчи вазият тўғрисидаги ахборот етказилганда ёки Кўмита хавф остида қолаётган бирор-бир жамоат арбоби қамоқقا олиниши муносабати билан *ad hoc* ташрифни ташкил этганда аралашиб бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда Кўмитанинг ҳуқуқий ҳимоя воситаси билан таъминлаш мақсадида аралашмаслигига қарамай, бу ана шундай самара бериши мумкинлигини эсда тутиш муҳимdir.

#### 5.1.1.3. Қийноқларнинг олдини олиш қўмитасига бериладиган хабарда нималар бўлиши керак?

Маърузаларни кўриб чиқиши механизмига бериш учун ахборот тайёрлаш юзасидан III қисм, 2-бобдаги умумий тавсиялар билан танишинг. Кўрсатиб ўтилганга кўшимча давишила қўйидаги-ларни ҳисобга олиш зарур:

##### Ахборот тақдим этиш шакли

Ахборотингизнинг мазмуни кўзлаган аниқ мақсадингизга боғлиқ. Агар сиз *ad hoc* ташриф буюриш зарур, деб ҳисобласангиз, вазиятнинг шошилинчлиги ва фавқулоддалигини таъкидлашингиз даркор. Ахборот, биринчи навбатда балансли (бунга қандай эришиш тўғрисида тавсия олиш учун III қисм, 2.1.3-бобга қаранг) ва Кўмита томонидан текшириш мумкин бўлган ҳолатда бўлиши керак. Бу қўйидагиларни англатади:

- тақдим этилган гувоҳликлар долзарб бўлиши керак;
- тафсилотлар энг кўп даражада аниқ бўлиши керак.

Ҳар иккала банд жуда муҳимdir, чунки Кўмита ахборотни тешириш имкониятига эга бўлиши керак ва, иккинчи томондан, ариза Кўмита жорий муаммоларни аниқлаши мумкин бўлган даражада долзарб бўлиши керак. Тасдиқловчи далиллар, жумладан, ариза мазмунига мос бўлган тиббий тусдаги исботлар аризангизда битилганларнинг ҳақиқатлиги даражасини оширади.

Тақдим этилаётган ахборот, масалан, муайян давлат томонидан Кўмита тавсияларининг баҳарилишига тааллуқли бўлган ҳоллардан ташқари, бошқа муҳим талаб ҳам мажудлигини қўшимча равишида қайд этиш зарур:

- ахборотнинг асосий йўналиши вазиятнинг умумий тенденцияси мавжудлигини исбот қилишибдан иборат бўлиши керак.

Кўмита фаолияти қатнашчи мамлакатлардаги умумий вазиятни тергов қилиш ва яхшилашга йўналтирилганлигини ҳисобга олганда, ушбу жиҳат жуда муҳим. Агар сиз алоҳида ҳолат тўғрисида ахборот тақдим этсангиз, бу бошқа манбалардан олинган анча кенг ахборот банкининг бир қисми сифатида фойдали бўлиши мумкин (ва шу сабабли ахборотни албатта жўнатиш зарур). Бироқ умумий тусдаги муаммо мавжудлиги фактини эътироф этиш учун бу етарли эмас.

Агар ҳолатлар туркумини тақдим этсангиз, умумий тенденциянинг аниқланиши жараёнига катта ҳисса кўшган бўласиз, бу Қўмитани ушбу масала бўйича кейинги терговлар олиб боришга рағбатлантириши мумкин.

### Хабар мавзуси

Турма ёки полиция/милиция участкаси каби анъанавий тусдаги ёпиқ муассасалар билан чекланиб қолманг. Мазкур муассасалар Қўмита қизиқадиган асосий соҳалар ҳисобланади, албатта, бироқ шахслар давлат мансабдор шахслари кўрсатмаси билан озодликдан маҳрум этилган бошқа муассасалар ҳам мавжуддир, — улар ҳам Қўмита фаолияти соҳасига киради. Мисол сифатида ҳарбий обьектларни, чет элликлар қамоқда сақланадиган жойларни, хушёрхоналарни, болалар уйларини, қариялар уйларини ва руҳий касалликлар шифохоналарини келтириш мумкин. Бу рўйхат ҳали тўлиқ эмас. Кўриб чиқилаётган муассасалар икки талабга жавоб бериши керак: 1) уларда муассасани ўз хоҳишича тарқ этиш хукуқига эга бўлмаган шахслар сақланиши зарур; 2) озодликдан маҳрум этиш хокимият вакиллари хатти-харакати оқибати бўлиши керак.

Сиз, шунингдек, Қўмита озодликдан маҳрум этилган шахсларга ёмон муюмала қилиниши шаклларига тегишли барча жиҳатлардан манфаатдор эканлигини эсда тутишингиз лозим. Бу бирор-бир муассасада қийноқ қўлланилиши билан боғлиқ ҳодисагагина эмас, балки мазкур муассасаларда инсонийликка зид ва камситувчи муҳит яратилишига олиб келувчи барча омилларга, жумладан, камеранинг ўлчамига, гигиена ва санитария ҳолатига, жисмоний машқ билан шуғулланиш, соғлиқ тўғрисида ғамхўрлик қилиш имкониятига, бир кишилик камерада сақлаш ва ташқи олам билан алоқа чекланишига ҳам тааллуқlidir. Қўмита қамоқда сақлашнинг моддий ва ижтимоий шарт-шароитлари муносабати билангина эмас, балки юридик кафолатлар ва ходимларни ўқитишни ўз ичига оловчи кенгроқ нуқтаи назардан ҳам тавсиялар бериши мумкин.

#### *5.1.1.4. Аниқ маслаҳатлар*

- Ахборот бериш фактидан/шикоят берувчининг шахсидан ким хабардор қилинади?

Қийноқларнинг олдини олиш қўмитаси ўз ҳисботларида ахборот берувчиларнинг шахсини ҳеч қачон ошкор қилмайди, иш бўйича ахборот кенг маълум бўлган ҳоллар бундан мустасно. Тегишли талаблар илгари суриладиган бўлса, Қўмита шунингдек ташриф чогида делегация учрашадиган ва Қўмитага ахборот тақдим этадиган НҲТнинг номини ошкор этмайди.

- Тақдим этилган ахборотга бирор-бир жавоб оласизми?

Тартиб-қоида маҳфийлик принципига асосланганлиги учун сиз тақдим этилган ахборотга бирор-бир жавоб олмайсиз.

- Сиз ахборот юбораётган давлат Қийноқ ҳамда қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи муюмала ва жазолашнинг бошқа турларининг олдини олиш бўйича Европа конвенцияси аъзоси эканлигига ишонч ҳосил қилинг.
- Мунтазам ташрифлар муносабати билан ахборот тақдим этиш тўғрисида сўз борганда ахборотни ташриф пайтида бериш мақсадга мувофиқ. Бироқ ушбу ахборот ташрифгача тақдим этилса, янада яхши бўлади, — қўмита аъзолари ушбу ахборот билан олдиндан таниша оладилар. Қўмита жорий йилда қайси мамлакатларга ташриф буюриш ниятида эканлигини аниқланг (йил охирида, одатда, декабрда, Қўмита ушбу ахборот бўлган матбуот-релиз эълон қиласди), шу тарзда сиз тайёргарлик кўришга ва ахборотни олдиндан жўнатишга муваффақ бўласиз. Даврий ташриф йилнинг исталган вақтида юз бериши мумкинлигини қайд этиш муҳим, у ҳолда сиз бу ҳақда фақат бевосита ташриф олдидан билишингиз мумкин.

### ІІІ ҚИСМ. ТҮПЛАНГАН МАЪЛУМОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

- Сиз бирор-бир мамлакатга ташрифнинг Кўмита жадвалига киритилишини кутмаслигингиз керак. Кўмита билан қатнашчи мамлакатлар ўртасидаги мулоқот ташрифлар оралиғида давом этади ва Кўмита воқеалар ривожланишининг бориши тўғрисидаги ахборотга эга бўлиши керак. Сизнинг ахборотингиз *ad hoc* ташрифини амалга оширишни талаб этувчи бирор-бир вазиятни аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.
- Қоидага кўра, Кўмита миллий НХТ билан мамлакатга ташрифининг биринчи кунида учрашади — бу Кўмита аъзоларини энг сўнгги ахборот билан таъминлаш имкониятини беради ҳамда ташриф учун жой танлашга таъсир кўрсатиши мумкин.

#### 5.1.2. Индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидаси. Инсон хукуқлари бўйича Европа суди

##### 22-ЖАДВАЛ АОСОИЙ ФАКТЛАР – ИНСОН ХУКУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЕВРОПА СУДИ

АОСОИЙ ФАКТЛАР – Инсон хукуқлари бўйича Европа суди		
Келиб чиқиши:	Кўмита қай тарзда ташкил этилган эди?	1950 йилда қабул қилинган, 1994 йилда ўзининг 11-баёни асосида қайта кўриб чиқилган Инсон хукуқлари бўйича Европа конвенцияси воситасида.
	Кўмита қачон ўз фаолиятини бошлади?	1998 йилда, қайта кўриб чиқилган тизим доирасида.
Таркиби:	Кўмита таркибига неча киши киради?	Конвенция қатнашчиси бўлган давлатлар қанча бўлса, шунча судья киради.
	Ушбу шахслар мустақил экспертларми ёки давлат вакилларими?	Мустақил экспертлар
Мақсад:	Умумий вазифалари:	ИҲЕК бузилиши муносабати билан шикоятларни кўриб чиқиш
	Функциялари:	<ul style="list-style-type: none"><li>Хукуматлараро шикоятлар (шарт) (ИҲЕКнинг 33-моддаси)</li><li>Индивидуал шикоятлар (шарт) (ИҲЕКнинг 34-моддаси)</li><li>Фактларни аниқлаш (фақат индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидаси доирасида — тартиб-қоиданинг мажбурий бўлмаган босқичи ҳисобланади)</li></ul>

##### 5.1.2.1. Йўл қўйиш мумкинлиги талаби

Хабар қўйидаги ҳолларда йўл қўйиш мумкин эмас, деб эътироф этилади:

- хабар аноним бўлса;
- хабар иш бўйича давлат ички маъмурлари томонидан узил-кесил қарор чиқарилган кундан бошлаб олти ой мобайнида берилмаган бўлса;
- хабарда петиция хукуқи ошкора суистеъмол қилинганлиги кўриниб турган бўлса;
- хабар Конвенция қоидаларига мувофиқ бўлмаса;

- ариза моҳиятига кўра илгари Суд томонидан ёки халқаро терговнинг бўлакча тартиб-қоидаси доирасида кўриб чиқилган бошқа аризадан фарқ қилмаса ҳамда ишга тегишли янги тафсилотлар бўлмаса;
- хуқуқий ҳимоянинг давлат ички воситалари тўла ишга солиниб бўлмаган бўлса, давлат ички тартиб-қоидалари асоссиз равишда узоқ давом этадиган ҳоллар бундан мустасно.

*5.1.2.2. Аризангизда қандай маълумотлар бўлиши керак?*

Сизнинг хатингизда қўйидагилар бўлиши керак:

- шикоятингиз мавзусининг қисқа баёни;
- Конвенцияда назарда тутилган, сизнинг фикрингизча, бузилган деб ҳисобланадиган хукуқларни кўрсатиш;
- сиз томонингиздан фойдаланилган хуқуқий ҳимоя воситаларини кўрсатиш;
- мазкур иш бўйича чиқарилган расмий қарорлар рўйхати, унда ҳар бир қарорнинг санаси, ким томонидан қабул қилингани ва нимадан иборатлиги кўрсатилиши, барча қарорларнинг нусхаларини киритишингиз керак.

Агар сизга сўровнома юборишса, у ҳолда сўровномадаги ва илова хатидаги кўрсатмаларга амал қилинг.

### ІІІ ҚИСМ. ТҮПЛАНГАН МАЪЛУМОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

23-ЖАДВАЛ. ИНДИВИДУАЛ ШИКОЯТЛАРНИ КҮРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБ-КОИДАСИННИГ АСОСИЙ ХРОНОЛОГИЯСИ: ИХЕК

#### Индивидуал шикоятларни күриб чиқиш тартиб-коидасининг АСОСИЙ ХРОНОЛОГИЯСИ: ИХЕК

Сизнинг энг кам ахборот мавжуд бўлган дастлабки жатигиз  
Судга юборилади



Агар иш қўзғаш учун асос мавжудлиги эътироф этилса, сиздан яна ахборот талаб қилишлари мумкин — шу мақсадда сизга сўровнома юборилади



Сизнинг аризантис олингандан кейин рўйхатдан ўтказилади ва кўриб чиқиш учун Судга тақдим этилади



Айблов ариза берилишига йўл қўйилиши мумкинлиги борасида ўз асосларини келтириш учун ҳукуматга берилади



Даъвогар ҳукумат келтирган асосларга жавоб беради



Айрим ҳолларда Суд йўл қўйилиши мумкинлиги масаласида муҳокама ўтказишни тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Сўнгра Суд аризага йўл қўйилиши мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги тўғрисида қарор қабул қиласи



Ишни дўстона ҳал қилиш имконияти кўриб чиқилади



Томонларга ишнинг моҳияттан тааллукли навбатдаги асосларни баён қилиш, ёхуд қўшимча далиллар тақдим этиш таклиф қилинади



Суд ишнинг моҳиятини кўриб чиқади ва суд қарори қабул қиласи, айрим ҳолларда бу қарор оғзаки муҳокама натижасида қабул қилинади



Суд адолатли сатисфикация масаласи бўйича қарор қабул қиласи, бироқ буни кейинроқ қилиш имкониятига ҳам эга



Қатнашчи давлат суд қарори талабини Европа Кенгашининг Вазирлар қўмитаси назорати остида бажариши керак

### ІІІ ҚИСМ. ТҮПЛАНГАН МАЪЛУМОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

24-ЖАДВАЛ. ИНДИВИДУАЛ ШИКОЯТЛАРНИ КҮРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБ-КОИДАСИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АМАЛИЙ ЖИХАТЛАРИ: ИХЕК

Индивидуал шикоятларни күриб чиқиш тартиб-коидасидан фойдаланишнинг АМАЛИЙ ЖИХАТЛАРИ: ИХЕК	
Ушбу тартиб-коида доирасида ишнинг күриб чиқилишини ким талаб қилиши мумкин?	Хусусий шахслар, НХТ ва инсон ҳуқуқлари бузилишининг қурбони бўлгандилари ҳақида арз қилаётган шахслар турори. Ишни, шунингдек, қурбон ўзи шахсан қила олмаган ҳолларда, масалан, бедарак йўқолганда ёки ҳалок бўлганда, қурбоннинг яқин қариндошлари қўзғалиши мумкин.
Ариза беришнинг йўл қўйиладиган энг кўп муддати борми?	Мазкур иш бўйича давлат маъмурлари томонидан узилкесил қарор қабул қилинган кундан бошлаб олти ой мобайнида.
Агар сиз айни бир фактнинг ўзини бошқа тартиб-коида доирасида кўриб чиқиш ташаббуси билан чиқсангиз, ишни мазкур тартиб-коида доирасида кўриб чиқиш тўғрисидаги талабга йўл қўйиладими?	Йўқ
Юридик вакиллик зарурми?	Ариза бериш пайтида бунга зарурят йўқ, бироқ иш йўл қўйилиши мумкин, деб эътироф этилганда кейин бу талаб қилинади, Суд Раиси ариза берувчи томонидан унинг иши тақдим этилишига истисно тариқасида рухсат берган ҳоллар бундан мустасно.
Молиявий ёрдам олиш имконияти мавжудми?	Ха, бироқ, ариза бериш пайтида эмас, балки фақат ариза тўғрисида ҳукуматга маълум қилинган вақтда. Сиздан даромадлар тўғрисида маҳаллий юридик идорада тасдиқланган баёнотни тақдим этиш талаб қилинади, чунки юридик ёрдам молиявий зарурят бўлган тақдирда берилади.
Amicus curiae гувоҳлиги қабул қилинадими?	Ха, тегишли рухсатнома мавжуд бўлган тақдирда (61-коида, суд ишларини юритиш қоидалари).
Сизнинг хабарингизни ким билади?	Суд ишларини юритиш жараёни оммавий бўлади, Палата Раиси ўзгача ҳал этган ҳоллар бундан мустасно. Истисноли ҳолларда, агар ариза берувчи ўз шахсини ошкор қилишни хоҳламаса ва сабабларини кўрсатиб тегишли илтимоснома тақдим этса, Раис анонимликни сақлаш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.
Тартиб-коида қанча вақт давом этади?	Бир неча йил.
Қарор қабул қилишга қўмаклашиш учун механизм қандай чоралар (агар назарда тутилган бўлса) кўриши мумкин? Масалан, фактларни аниқлаш учун муҳокама ўтказиш; жойларга ташрифлар; ёзма аризалар; оғзаки муҳокамалар; бошқалар.	Фактларни аниқлаш; экспертларнинг кўрсатмалари; ёзма аризалар; оғзаки муҳокамалар.
Бирор-бир шошилинч чоралар назарда тутилганми?	Ха, бироқ ушбу амалиёт Суд томонидан ишлаб чиқилган ва у ҳақда Конвенцияда изоҳ берилмаган. Ушбу чоралар фақат алоҳида ҳолларда, асосан киши мамлакатга қайтган тақдирда ҳақиқий ҳафз мавжуд бўлган иммиграция/депортация билан босғлиқ ҳолларда кўрилади (39-коида, суд ишларини юритиш қоидалари).

#### 5.1.2.3. Аниқ маслаҳатлар

- 1998 йилгача қўлланилган илгариги тартиб-коидага мувофиқ ишни кўриб чиқишнинг бошланғич босқичи Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа комиссияси иштирокида юз берар эди. Агар сиз Конвенциянинг прецедент ҳуқуқи доирасида бирор-бир аниқ мавзуни тадқиқ этсангиз, Суднинг суд қарорларидан ташқари, Комиссия маъruzалари бўйича излашишни ҳам унутманг.

- Агар ариза берилиши керак бўлган олти ойлик муддат тамом бўлса ва тўлиқ аризани тайёрлаш учун вақтингиз бўлмаса, сиз «соатни тўхтатиш» учун шикоятингизнинг қисқа шарҳи бўлган қисқача хабар жўнатишингиз мумкин. Сўнгра жуда қисқа муддатларда аризанинг тўлиқ матнини юбориш керак.
- Суд белгилаган чекланган муддатларга риоя қилиш учун ҳисоб рўйхатга олиш санаси бўйича эмас, балки жўнатиши санаси бўйича юритилади, бироқ ариза юборилгандиги тўғрисида Судни ҳеч бўлмаганда чекланган муддат тамом бўлган куни хабардор қилиш тавсия этилади. Буни илова хати нусхасини факс орқали Судга жўнатиши воситасида амалга ошириш мумкин. Буни, шунингдек, электрон почта ёки телефон орқали қилиш ҳам мумкин.
- Суд ўз ташаббуси билан ёки томонлардан бирининг талаби билан мазкур иш бўйича ўзи зарур деб ҳисоблаган ҳар қандай далилни, шу жумладан фактларни аниқлаш бўйича муҳокама ўтказишни ҳам талаб қилиши мумкин. Агар бу томонлардан бирининг талаби билан қилинса, у ҳолда, қоидага кўра, тегишли томон барча харажатларни кўтаради, бироқ Палата ўзгача қарор ҳам қабул қилиши мумкин. Агар сиз харажатни кўтаришни хоҳламасангиз, у ҳолда хатни жуда пухта тайёрлашингиз тавсия қилинади — зарур далилларни олиш учун чора кўриш юзасидан ўз ваколатларидан фойдаланиши мумкинлигини Судга тушунтиришга ҳаракат қилинг.
- Суд ўз фаолиятининг катта қисмини етти судъядан иборат Палатада амалга оширади. Иш муҳим масалага тегишли ёки бирор-бир масалага нисбатан Суднинг нуқтai назари ўзгаришига олиб келади, деб ҳисобланса, у ҳолда жараён кўриб чиқиш учун 17 судъядан иборат Олий Палатага берилиши мумкин. Иш Палата томонидан кўриб чиқилгач ва у бўйича суд қарори чиқарилгач, алоҳида ҳолларда ишнинг Олий Палатада кўриб чиқилиши тўғрисидаги талаб уч ой мобайнida берилишига йўл қўйилади (суд ишларини юритиш қоидаларининг 73-қоидаси).
- Суд қарори чиқарилгандан кейин бир йил мобайнida суд қарори талқин қилиниши тўғрисида талаб берилишига йўл қўйилади (суд ишларини юритиш қоидаларининг 79-қоидаси). Шунингдек иш бўйича Суднинг хуносаларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган янги муҳим фактлар аниқланган тақдирда (аниқлангандан кейин олти ойлик муддатда) суд қарорини қайта кўриб чиқиши талаб қилиш имконияти юзага келади (суд ишларини юритиш қоидаларининг 80-моддаси)

#### 5.2. Америкааро тизим

Шимолий, Марказий ва Жанубий Америка мамлакатлари ҳамда Кариб ҳавzasи мамлакатлари назарда тутиладиган Америка мамлакатлари учун Америка давлатлари ташкилоти (АДТ) минтақавий ташкилот ҳисобланади. АДТ доирасида инсон ҳукуқлари бўйича бир қанча воситалар қабул қилинган: Инсон ҳукуқлари ва мажбуриятлари декларацияси, Қийноқларнинг олдини олиш ва қийноқ қўлланилганлиги учун жазолаш бўйича Америкааро конвенция, Одамларнинг мажбурий йўқолиб қолиши бўйича Америкааро конвенция ва Аёлларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш, жазолаш ва тугатиш бўйича Америкааро конвенция. Ушбу барча воситаларнинг бажарилиши учун иккита механизм: Инсон ҳукуқлари бўйича Америкааро комиссия ва Инсон ҳукуқлари бўйича Америкааро суд мавжуд.

**Тиллар:** Испан, француз, инглиз ва португал тиллари Комиссия ва Суднинг расмий тиллари ҳисобланади. Суд ва Комиссия ўз аъзолари билган тиллардан келиб чиқиб, ўзи иш юритадиган тилларни танлайдилар. Якка шикоятларни кўриб чиқиши тартиб-қоидаси доирасида Суд айрим ишларни кўриб чиқишида ўша тил, шунингдек расмий тиллардан бири ҳисобланиши шарти билан томонлардан бирининг тилида иш кўриш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

**ІІІ ҚИСМ. ТҮПЛАНГАН МАЪЛУМОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ**

**25-ЖАДВАЛ. АСОСИЙ ФАКТЛАР — ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БҮЙИЧА АМЕРИКААРО СУД**

<b>АСОСИЙ ФАКТЛАР — Инсон ҳуқуқлари бүйича Америкааро суд</b>		
Келиб чиқиши:	Құмита қай тарзда ташкил этилган эди?	1969 йилги Инсон ҳуқуқлари бүйича Америка конвенцияси воситасида
	Құмита қаңон ўз фаолиятини бoshлади?	1979 й.
Таркиби:	Құмита таркибиға неча киши киради?	7
	Ушбу шахслар мустақил экспертларми ёки давлат вакилларими?	Мустақил экспертлар
Мақсад:	Асосий вазифалари:	Қатнашчи давлатларнинг Инсон ҳуқуқлари бүйича Америка конвенцияси доирасидаги ўз мажбуриятларини бажаришини назорат қилиш
	Функциялари:	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Индивидуал шикоятлар (шарт эмас) (Инсон ҳуқуқлари бүйича Америка конвенциясининг 61-62-моддалари)</li> </ul>

**26-ЖАДВАЛ. АСОСИЙ ФАКТЛАР — ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БҮЙИЧА АМЕРИКААРО КОМИССИЯ**

<b>АСОСИЙ ФАКТЛАР — Инсон ҳуқуқлари бүйича Америкааро комиссия</b>		
Келиб чиқиши:	Комиссия қаңон ва қай тарзда ташкил этилган эди?	1959 йилда Инсон ҳуқуқлари ва мажбуриятлари Америка декларациясini құллаб-қувватлаш мақсадида АДТ ташқи ишлар вазирларининг резолюцияси воситасида  1969 йилда Инсон ҳуқуқлари бүйича Америкааро конвенция томонидан қайта күриб чиқылған.
	Комиссия таркибиға неча киши киради?	7
Таркиби:	Ушбу шахслар мустақил экспертларми ёки давлат вакилларими?	Мустақил экспертлар
	Асосий вазифалари:	Инсон ҳуқуқлари борасида күмаклашиш ва ҳимоя қилиш
Мақсад:	Функциялари:	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Мониторинг (41-модда, ИХАК)</li> <li>• Фактларни аниқлаш (41-модда, ИХАК)</li> <li>• Давлатлараро шикоятларни күриб чиқиш (мажбурий эмас) (45-модда, ИХАК)</li> <li>• Индивидуал шикоятларни күриб чиқиш (мажбурий ) (44-модда, ИХАК)</li> </ul>

### 5.2.1. Маърузалар механизмлари. Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкааро комиссия

#### 5.2.1.1. Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкааро комиссиянинг амал қилиши

Америкааро комиссия давлатларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича АДТнинг бир қанча восита-лари доирасида ўз мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш учун жавобгардир. Маърузалар бўйича функциялар, шунингдек индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш унинг жавобгарлигига киради (иккинчи банд қўйида кўриб чиқилади, ІІІ қисм, 5.2.2-боб).

АДТ аъзоси бўлган барча давлатларга нисбатан (улар Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка конвенцияси қатнашчиси ёки йўқлигидан қатъи назар) Америкааро комиссия инсон ҳуқуқла-рига нисбатан англаш даражасини оширишга, ҳукуматларга тавсиялар беришга, ишни тергов қилиш бўйича маърузалар ва материаллар тайёрлашга, ҳукуматлардан инсон ҳуқуқлари муносабати билан ахборот тақдим этилишини талаб қилишга, шунингдек инсон ҳуқуқлари соҳасида маслаҳат органи функциясини бажаришга даъват қилинган. Комиссиянинг ушбу қўлланма нуқ-таи назаридан энг муҳим функциялари қўйидагилардан иборатdir:

- фактларни аниқлаш бўйича ташрифлар (тегишли аъзо-давлатнинг розилиги бўлган тақ-дирида), эксперталарнинг кўрсатмалари ва индивидуал петициялар шаклида олинган ҳар хил ахборот асосида муайян мамлакатда инсон ҳуқуқларининг аҳволи муносабати билан маърузалар тайёрлаш;
- комиссия томонидан муайян аъзо давлатлар бўйича ахборотни киритиш амалиёти ишлаб чиқилган йиллик ҳисоботлар тайёрлаш.

Кийнокларнинг олдини олиш ва кийнок қўлланилганлиги учун жазолаш бўйича Америкааро конвенцияга аъзо давлатлар муносабати билан, Комиссия шунингдек:

- Конвенция доирасидаги мажбуриятларни амалга ошириш бўйича кўрилган чоралар му-носабати билан аъзо-давлатдан ахборот олиш, шунингдек ўз йиллик ҳисоботида АДТ мамлакатларида қийноқнинг олдини олиш ва уни қўллаш амалиётини тутатиш муносабати билан вазиятни таҳлил қилишга ваколатлиdir (17-модда).

#### 5.2.1.2. Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкааро комиссияга ахборот берииш йўли билан нимага эришиш мумкин?

Комиссия фактларни аниқлаш бўйича мустақил хатти-ҳаракат қилиш имкониятига эгалиги-га қарамай, айнан ҳар хил манбалардан, шу жумладан НХТдан олинган ахборот туфайли би-ринчи навбатда чора кўрилиши талаб этиладиган вазиятларни аниқлаш мумкин бўлади. Ахбо-рот берилиши:

- вазиятга эътиборни қаратиш;
- умумий вазиятда ижобий ўзгаришларга кўмаклашиш;
- жазосизликка қарши курашини имконини беради.

Устига-устак жойларга ташрифга тайёргарлик доирасида ахборот бериш энг муҳим муаммо-ларга Америкааро комиссиянинг эътиборини янада тортиш имкониятини яратади.

Кийнокларнинг олдини олиш ва кийнок қўлланилганлиги учун жазолаш бўйича Конвенция доирасида Америкааро комиссия аъзо давлатларда қийноқ амалиёти тўғрисида маърузалар тай-ёрлаши мумкин — бу минтақада қийноқ қўлланилиши муаммосига эътиборни қаратишда катта имкониятлар беради.

Бироқ Америкааро комиссия ушбу функцияни бажаришни ҳали бошламади. НХТ қийноқ тўғрисида ахборот тақдим этиш йўли билан ушбу жараёнга кўмаклашиши ва уни рафбатланти-риши мумкин.

**5.2.1.3. Инсон ҳуқуқлари бүйича Америкааро комиссия учун мұлжалланған хабарда нималар бўлиши керак?**

Маърузалар механизмига индивидуал ва умумий тусдаги ахборотни бериш борасидаги тавсиялар учун ІІІ қисм, 2-бобни қаранг.

**5.2.2. Индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидаси. Инсон ҳуқуқлари бүйича Америкааро комиссия**

Қаранг: ІІІ қисм, 2-боб, жадвалилар: «*АСОСИЙ ФАКТЛАР — Инсон ҳуқуқлари бүйича Америкааро комиссия*» ва «*АСОСИЙ ФАКТЛАР — Инсон ҳуқуқлари бүйича Америкааро суд*».

Америкааро тизим доирасида шикоятлар ёки Инсон ҳуқуқлари бүйича Америка конвенциясига (давлат мазкур Конвенция қатнашчиси бўлган тақдирда), ёхуд халқаро ҳуқуқ доирасида инсон ҳуқуқлари бүйича асос бўлувчи стандартларга, жумладан, Инсон ҳуқуқлари ва мажбуриятлари Америка декларацияси асосида (агар давлат АДТ аъзоси бўлса-ю Инсон ҳуқуқлари бүйича Америка конвенцияси қатнашчиси бўлмаса) асосланиши мумкин.

Амалиётда аризаларни кўриб чиқиш тартиб-қоидаси, шикоят Комиссияга юборилган бўлиши кераклиги шарти билан, ҳар иккала ҳолат учун бир хил тарзда амал қиласди. Бироқ шикоятлар:

- Инсон ҳуқуқлари бүйича Америка конвенцияси қатнашчиси бўлган давлатга;
- суднинг юрисдикциясини қабул қилган давлатга тааллуқли бўлган ҳоллардагина Судга берилиши мумкин.

**27-ЖАДВАЛ. ИНДИВИДУАЛ ШИКОЯТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБ-ҚОИДАСИННИГ АСОСИЙ ХРОНОЛОГИЯСИ: АМЕРИКААРО ТИЗИМ**

**Индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидасининг  
АСОСИЙ ХРОНОЛОГИЯСИ: Америкааро тизим  
(КМ = Комиссия; СД = СУД)**

Хабар КМ томонидан қабул қилинади



Иш очилади. Ариза берувчига қўшимча ахборот тақдим этиш талаби қўйилиши мумкин.



Расмий йўл қўйиш мумкинлиги босқичи мавжуд эмас. КМ ушбу босқичда ишга йўл қўйиш мумкин эмаслигини эътироф этиш ҳукукига эга ёхуд ишнинг моҳияти тўғрисида ўз маърузасида ишга йўл қўйилиши мумкинлигини тасдиқлаши мумкин.



Ҳукуматта иш бўйича 90 кунлик (ёки мурдат узайтирилиши тўғрисидаги талаб билан боғлиқ ҳолда 180 кунлик) даврда ахборот тақдим этиш таклиф қилинади. Шошилинч ҳолларда ахборотни шошилинч тақдим этиш тўғрисида талаб қўйилиши мумкин. Ариза берувчига, шунингдек, бошқа ахборотлар тақдим этиш тўғрисида ҳам талаб қўйилиши мумкин.



Ҳар иккала томон бошқа томон тақдим этгандан ахборотни шарҳлаш имкониятга эга бўлади.



КМ жойларга ташриф буюриш, суд муҳокамаси ёки бошқа ҳар қандай зарур воситалар йўли билан ҳам ахборотни мустақил йигиши мумкин.



КМ дўстона тартибга солишга эришиши жараёнида ўз хизматини таклиф этади.



Дўстона тартибга солишга эришилмаган тақдирда, КМ **маҳфий маъруза** тайёрлайди, унда давлатга топшириладиган **хulosалар ва тавсиялар** бўлади.



Агар аъзо-давлат тавсияларни бажармаса ва:



**Давлат ИҲАК қатнашчиси хисобланмаса,**  
ёхуд агар давлат қатнашчи ҳисобланса-да,  
бироқ СД юрисдикциясини қабул қилмаган  
бўлса, у ҳолда КМ иккипчи маъруза тайёрлаши  
мумкин, у, қоидага кўра, оммавий ошкор  
қилинади. Шу билан кўриб чиқиш тугалланади.

**Давлат ИҲАК қатнашчиси хисобланса,**  
**СД юрисдикциясини қабул қилган бўлса,**  
у ҳолда иш СДга берилиши мумкин.  
Бироқ ариза берувчи томонидан эмас,  
балки комиссия ёки қатнашчи давлат  
томонидан **берилади**. КМ бу ишда ёрдам  
беришни ариза берувчига таклиф  
қилиши мумкин.



**СД иш бўйича ёзма ёки оғзаки муҳокамалар**  
воситасида ҳамда бошқа зарур чоралар  
воситасида **ахборот тўплайди**.



**СД қонун бузилганилиги ёки бузилмаганилиги**  
факти бўйича суд қарорини чиқаради.



**СД, шунингдек, компенсация** бериш тўғрисида  
қарор чиқаради, бу ё асосан суд  
қарорида, ёхуд алоҳида қарорда бўлади.

#### 5.2.2.1. Ушбу тартиб-қоидадан фойдаланиши йўли билан нимага эришиши мумкин

Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкааро комиссия:

- индивидуал иш бўйича маъруза шаклида хulosса бериши;
- агар давлат тавсияларини бажариш учун лозим бўлган чоралар кўрмаса, маъruzani оммавий ошкор қилиши;
- шахсларга ўринини қоплаб бўлмайдиган зарар етказилиши хавф солган ҳолларда ҳукуматлардан эҳтиёт чоралар кўришни талаб қилиши;
- ҳукуматга ўйқолгани таҳмин қилинаётган киши жойлашган жой бўйича ахборот тақдим этиш тўғрисида маҳфий тусдаги талабни қўйиши мумкин.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкааро суд:

- юридик мажбурий қарорлар қабул қилиши, шу жумладан қонун бузилиши фактини эътироф этиши;
- қонун бузувчини суд орқали таъқиб қилиш тўғрисида кўрсатма бериши;
- компенсация бериши;
- зарарнинг ўрнини қоплаб бўлмаслик хавфи бўлган шошилинч ҳолларда индивидуумларни ҳимоя қилиш учун вақтингчалик чоралар кўриш тўғрисида кўрсатма бериши мумкин.

#### 5.2.2.2. Кўриб чиқиладиган шикоятлар турлари

**Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкааро комиссия томонидан кўриб чиқиладиган шикоятлар:**

Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка конвенцияси катнашчиси бўлган давлатлар учун шикоятлар қўйидаги шартлар билан кўриб чиқилиши мумкин:

- шикоят Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка конвенцияси бузилганлигини кўрсатади, бунинг учун давлат жавобгарликка тортилиши мумкин (ноҳукумат субъектлар борасида ахборот олиш учун I қисм, 3-6-бобни қаранг).

Ахборот **Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка конвенцияси катнашчиси бўлмаган АДТга аъзо давлатга тааллуқли бўлган ҳолларда**, шикоятлар қўйидаги шартлар билан кўриб чиқилиши мумкин:

- шикоят умумий ҳалқаро қонунчилик доирасидаги, инсон ҳуқуқлари бўйича асос стандартлар бузилишини, жумладан, Инсон ҳуқуқлари ва мажбуриятлари Америка декларациясига ҳавола қилган ҳолда кўрсатади.

**Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкааро комиссия томонидан кўриб чиқиладиган шикоятлар:**

Шикоят қўйидаги шартлар билан кўриб чиқилиши мумкин:

- шикоят Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка конвенцияси бузилганлигини кўрсатади, бунинг учун давлат жавобгарликка тортилиши мумкин (ноҳукумат субъектлар борасида ахборот олиш учун I қисм, 3.6-бобни қаранг);
- шикоят Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка конвенцияси катнашчиси бўлган, Суд юрисдикциясини қабул қилган давлатга тегишилидир;
- шикоят Комиссияда олдиндан кўриб чиқилган;
- шикоят қатнашчи-давлат ёки Комиссия томонидан Судда кўриб чиқишга оширилган.

#### 5.2.2.3. Йўл қўйиш мумкинлиги талаблари

Хабар қўйидаги ҳолларда **йўл қўйиб бўлмайди** деб эътироф этилади:

- ҳуқуқий ҳимоянинг самарали ва лозим бўлган давлат ички воситалари тугал ишга солинмаган бўлса;
- хабар иш бўйича узил-кесил қарор қабул қилинганлиги тўғрисида билдиришнома берилган пайтдан бошлаб олти ой мобайнида ёхуд ҳуқуқий ҳимоянинг давлат ички воситалари тугал ишга солиб бўлинмаган ҳолларда оқилона муддатларда берилмаган бўлса;
- айни ўша фактларнинг ўзи Комиссия ёки бошқа ҳалқаро одил судлов органлари томонидан бошқа иш доирасида кўриб чиқилган ёки ҳозирги пайтда кўриб чиқилаётган бўлса, бошқа ҳодиса қурбоннинг ўзининг ёки қурбоннинг оила аъзоларининг ваколатисиз тақдим этилган ва мазкур иш қурбон, унинг оила аъзолари ёки ваколатли вакили томонидан тақдим этилган ҳоллар бундан мустасно;
- хабар аноним бўлса ёки унда ариза берувчи тўғрисида зарур маълумотлар бўлмаса;
- хабарда инсон ҳуқуқлари бузилишидан далолат берувчи фактлар мавжуд бўлмаса;
- хабар ошкора асоссиз бўлса.

### III ҚИСМ. ТҮПЛАНГАН МАЪЛУМОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

#### 5.2.2.4. Аниқ маслаҳатлар

- Давлат ИҲАК аъзоси эканлигига ва у индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш бўйича Суд ваколатларини эътироф этганлигига ишонч ҳосил қилинг. Акс ҳолда АДГга аъзо давлатларга тааллуқли индивидуал шикоятларни Америка декларацияси асосида бериш мумкин.
- Шикоятлар ИҲАК (ёки Америка декларацияси)га асосланиши керак, бироқ айрим жиҳатларни аниқлаштириш учун, шунингдек, Қийноқларнинг олдини олиш ва қийноқ қўлланилганлиги учун жазолаш бўйича Америкааро конвенцияга, Мажбурий йўқолиш бўйича Америкааро конвенцияга, Аёлларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш ва бунинг учун жазолаш бўйича Америкааро конвенцияга ҳавола қилиш мақсадга мувофиқдир.
- Компенсация бериш масаласини суд кўриб чиқаётган босқичда қурбоннинг вакиллари ёки унинг оиласи вакиллари ушбу масала бўйича ўз далилларини тақдим этиш хукуқига эга бўладилар.

#### 28-ЖАДВАЛ. ИНДИВИДУАЛ ШИКОЯТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБ-ҚОИДАСИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ: АМЕРИКАРО ТИЗИМ

Индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидасидан фойдаланишнинг АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ: Америкаро тизим	
Иш ушбу тартиб-қоида доирасида кўриб чиқилишини ким талаб қилиши мумкин?	Бир ёки бир неча қатнашчи давлат ёхуд учинчи томонлар шахси номидан юридик эътироф этилган ҳар қандай гурӯҳ, шахс ёки НХТ томонидан. Қурбон билан боғлиқ бўлиш шарт эмас, бироқ, қоидага кўра, қурбон билан унинг оиласи ёки ваколатли вакил орқали боғлиқ бўлиш талаб этилади.
Ариза беришнинг йўл қўйиладиган энг кўп муддати мавжудми?	Хукуқий ҳимоянинг давлат ички воситалари тугал ишга солиб бўлингандан кейин олти ой мобайнида ёки хукуқий ҳимоянинг давлат ички воситаларини тугал ишга солиш мумкин бўлмаган ҳолларда фактлар юз бергандан кейин оқилона давр ичидা.
Ўша фактларнинг ўзи бошқа тартиб-қоида доирасида кўриб чиқилиши бўйича ишни бошлаб юборган бўлсангиз, мазкур тартиб-қоида доирасида ишни кўриб чиқиш талабини қўйишга йўл қўйиладими?	Йўқ – бошқа қурбоннинг ёки унинг оиласининг ваколатисиз учинчи томоннинг ташаббуси билан бошқа иш кўтариб чиқилган ҳоллардан ташқари.
Юридик вакиллик зарурми?	Мажбурий эмас, бироқ бўлгани маъқул
Молиявий ёрдам олиш имконияти мавжудми?	Йўқ
Amicus curiae гувоҳлиги қабул қилинадими?	Ха
Сизнинг хабарингизни ким билади?	Ариза берилгандан кейин ариза берувчилар матбуот конференцияси ташкил этишлари мумкин
Тартиб-қоида қанча вақт давом этади?	Бир неча йил давом этиши мумкин
Қарор қабул қилишга кўмаклашиш учун механизм қандай чоралар кўриши мумкин (агар назарда тутилган бўлса)? Масалан, фактларни аниқлаш учун муҳокамалар ўтказиш; жойларга ташрифлар; ёзма аризалар; оғзаки муҳокамалар; бошқалар	Фактларни аниқлаш учун муҳокамалар, жойларга ташрифлар, экспертларнинг кўрсатмалари, ёзма илтимосномалар, оғзаки муҳокамалар
Бирор-бир шошилинч чоралар назарда тутилганми?	Ха

### 5.3. Африка тизими

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Африка тизими Африка Бирлиги Ташкилоти (АБТ)нинг кўмагида қабул қилинган Инсон ва халқлар ҳуқуқлари Африка хартиясига асосланади. Хартия доирасида мажбуриятлар бажарилиши устидан назорат қилиш вазифаси яқин вақтларгача бутунлай Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка комиссиясига юкланди. Африка комиссияси ўз фаолияти доирасида бир қанча маҳсус маъruzачиларни тайёрлади. Булар: Суддан ташқари қатл этиш бўйича маҳсус маъruzachi; Аёллар масалалари бўйича маҳсус маъruzachi ва, айниқса, мазкур қўлланма доирасида муҳим бўлган Африкада турмалар масаласи бўйича маҳсус маъruzачидир. 1998 йилда Африка судининг таъсис протоколи қабул қилинди, у Комиссия билан параллель фаолият кўрсатишни керак, бироқ Суд ўз ишини мазкур протоколни ўн бешта давлат имзолагандан кейин бошлайди. Африка давлатлари томонидан тақдим этилган жорий маълумотларга асосланилса, бу беш йилдан ўн йилгача бўлган вақтни эгаллаши мумкин.

Тиллар: араб, инглиз, француз ва португал тиллари Комиссиянинг расмий тиллари ҳисобланади, бироқ, амалда Кўмита ўз фаолиятини инглиз ва француз тилларида олиб боради. Томонлардан бирортаси бошқа тилда хабар қилмоқчи бўлса, у ҳолда таржима қилиш ишини ўз зиммасига олиши керак.

#### 29-ЖАЛВАЛ АСОСИЙ ФАКТЛАР – ИНСОН ВА ХАЛҚЛАР ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА АФРИКА КОМИССИЯСИ

АСОСИЙ ФАКТЛАР – Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка комиссияси		
Келиб чиқиши:	Комиссия қачон ва қай тарзда ташкил этилган эди?	1981 йилда Инсон ва халқлар ҳуқуқлари Африка хартияси воситасида.
	Комиссия қачон ўз фаолиятини бошлади?	1987 й.
Таркиби:	Комиссия таркибига неча киши киради?	11
	Ушбу шахслар мустақил экспертларми ёки давлат вакилларими?	Мустақил экспертлар
Мақсад:	Асосий вазифалари:	Африкада инсон ва халқлар ҳуқуқлари амалга оширилиши ва ҳимоя қилинишига кўмаклашиш
	Функциялари:	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Давлат маъruzаларини кўриб чиқиш (ИХҲАК 62-моддаси)</li> <li>• Мониторинг (ИХҲАК 45-моддаси)</li> <li>• Фактларни аниқлаш (ИХҲАК 45- ва 58-моддалари)</li> <li>• Хабарларни, шу жумладан давлатлардан олинган хабарларни (ИХҲАК 47-моддаси) ва индивидуал хабарларни (ИХҲАК 58-моддағи) кўриб чиқиш</li> </ul>

### 5.3.1. Маърузалар механизмлари

#### 5.3.1.1. Инсон ва ҳалқлар ҳуқуқлари бўйича Африка комиссияси

##### 5.3.1.1.1. ФУНКЦИЯЛАРИ

Африка комиссияси:

- даврий давлат маърузаларини кўриб чиқиши (ИХҲАК 62-моддаси);
- фактларни ўрганиши ва текширишлар ўтказиши, шу жумладан фактларни аниклаш бўйича ташрифлар қилиши (ИХҲАК 45(1)(а)-моддаси);
- фундаментал текширишлар ўтказиши, шунингдек инсон ҳуқуқлари жиддий ва оғир бузилишининг бир қанча ҳолларини кўрсатувчи хабар олингандан тергов бўйича фаолchorалар кўриши мумкин (ИХҲАК 58-моддаси).

Давлат маърузалари тартиб-қоидаси мавжудлиги борасида ІІІ қисм, 2—3-бобларга қаранг.

##### 5.3.1.1.2. АНИҚ МАСЛАҲАТЛАР

- Келиб чиқиши африкадан бўлган ёки африкадан бўлмаган ҳар қандай жиддий НХТ Африка комиссияси доирасида кузатувчи мақоми берилишини талаб қилиши мумкин. Хабарни жўнатиш учун кузатувчи мақомига эга бўлиш шарт эмас, бироқ ушбу мақомга эга бўлиш ташкилотга айрим ҳуқуқларни беради. Булар: оммавий учрашувларга бориш ва бундай учрашувлар ўтказилганлиги тўғрисида ахборот олиш, Африка комиссиясининг хужжатларини ва у эълон қилган материалларни олиш, шунингдек бирор-бир масаланинг Комиссия кун тартибига киритилишини талаб қилиш. Бирор-бир масаланинг кун тартибига киритилиши тўғрисидаги талаб ҳеч бўлмагандага мажлис очилишидан олдин ўн ҳафта мобайнида берилиши керак.

Кузатувчи мақомини бериш тўғрисидаги талаб ёзма шаклда берилиши ва қуйидагиларни: ташкилотнинг устави, унинг тузилмаси, раҳбарияти, аъзолиги ва амалга ошираётган фолијати тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак. Амалга оширилган фолијат тўғрисидаги маърузаларнинг нусхаларини қўшиб бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Олингандаги ҳар бир аризага маърузачи тайинланади, у мақом бериш ёки бермаслик юзасидан тегишли тавсиялар беради.

*5.3.1.2. Африкада турмалар ва қамоқда сақлаш шароитлари масаласи бүйича маңсус маңрузачи*

30-ЖАЛВАЛ АСОСИЙ ФАКТЛАР – АФРИКАДА ТУРМАЛАР ВА ҚАМОҚДА САҚЛАШ ШАРОИТЛАРИ МАСАЛАСИ БҮЙИЧА  
МАҢСУС МАҢРУЗАЧИ

АСОСИЙ ФАКТЛАР – Африкада турмалар ва қамоқда сақлаш шароитлари масаласи бүйича маңсус маңрузачи		
Келиб чиқиши:	Ушбу механизм қай тарзда ташкил этилган эди?	Инсон ва халқлар ҳукуқлари бүйича Африка комиссияси резолюцияси воситасыда
	Күміта қачон ўз фаолиятini бoshлади?	1996 й.
Таркиби:	Күміта таркибига неча киши киради?	!
	Ушбу шахс мустақил экспертми ёки давлат вакилими?	Мустақил эксперт
Мақсад:	Асосий вазифалари:	ИХХАК қатнашчиси бўлган давлатлар ҳудудидаги озодликдан маҳрум этилган шахслар билан боғлиқ вазиятни тергов қилиши
	Функциялари:	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Мониторинг</li> <li>• Фактларни аниқлаш</li> </ul>

Турмалар ва қамоқда сақлаш шароитлари масаласи бүйича маңсус маңрузачи ўзининг ИХХАК қатнашчилари бўлган барча давлатлар билан боғлиқ функцияларини бажариш ваколатига эгадир.

ТММ (Турмалар масалалари бүйича маңсус маңрузачи):

- муаммоли соҳаларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш юзасидан тавсиялар бериш мақсадида мониторингни амалга ошириш;
- индивидуал ҳолатларда тавсиялар бериш;
- индивидуал ҳолатларда шошилинч чоралар кўрилишини тавсия қилиш;
- ўз мандатига мувофиқ, юз берган ҳолатлар ва вазиятлар юзасидан изланиш олиб бориш ва ахборот олиш;
- қатнашчи давлатлар розилиги билан фактларни аниқлаш бүйича ташрифларни амалга ошириш. Бундай ташрифлар ҳақидаги маңрузалар ИХХАКга оммавий учрашувлар доирасида оғзаки шаклда тақдим этилади ва, гарчи Хартия маңрузалар АБТ давлатлари ва ҳукуматлари бошлиқлари ассамблеяси томонидан ижобий ҳал этилган тақдирдагина ошкор қилиниши кераклигини кўрсатса ҳам, амалда Комиссия мазкур ахборотни АБТнинг рұксатисиз ошкор қиласи.

ТММ қизиқишинининг асосий соҳалари қуйидагиларни ўз ичита олади:

- турмада сақлаш шароитлари;
- қамоқ шароитида соғлиқ масалалари;
- ноқонуний ёки суддан ташқари қўлга олиш ва қамаш;
- озодликдан маҳрум этилган шахслар билан муомала қилиш шакллари;
- қочоқлар, жисмоний ва руҳий касал шахслар ҳамда болалардан иборат алоҳида начор гурухларни қамоқда сақлаш шароитлари.

### ІІІ ҚИСМ. ТҮПЛАНГАН МАЪЛУМОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

#### 5.3.2. Индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиби. Ипсон ва халқлар ҳукуқлари бўйича Африка комиссияси

31-ЖАДВАЛ ИНДИВИДУАЛ ШИКОЯТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБ-КОНДАСИНинг АСОСИЙ ХРОНОЛОГИЯСИ: ИХҲАК

#### Индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қондасининг АСОСИЙ ХРОНОЛОГИЯСИ: ИХҲАК

Индивидуумдан ёки НХТдан маълумот олиш.

Котибият батажилорк ахборот тақдим этилишини талаб қилиши мумкин.



Ахборот зарур ҳажмда бўлган тақдирда  
у ҳукуматга берилади — агар талаб қилингган  
бўлса, хабарни берувчининг шахси  
ошкор қилинмайди

Мавжуд ахборот қонун бузилишидан гувоҳлик  
бериш учун етарли бўлмаса, у ҳолда  
хабар ҳукуматга берilmайди.



Йўл қўйиш мумкинлиги муносабати билан  
ўз шарҳларини бериш юзасидан ҳар  
иккала томон тақлиф этилади



Комиссия ишга йўл қўйилиши мумкинлиги масаласини кўриб чиқади. Агар ишга йўл  
қўйиш мумкин, деб эътироф этилса, у ҳолда Комиссия ишнинг моҳиятини  
кўриб чиқишига ўтади



Комиссия томонларга масалани дўстона ҳал қилиши бўйича хизматларини тақлиф этади



Ишнинг моҳиятини кўриб чиқиш учун ҳар иккি томон иш бўйича далилларни тақдим этиши  
керак. Бу кўпинча Комиссия олдидан оғзаки муҳокама ўтказишни ўз ичига олади



Комиссия Хартия бузилиши ҳолати тўғрисида қарор чиқаради — ишнинг моҳиятини кўриб чиқиш  
тартиб-қондаси маҳфий ўтади



Комиссия Кўмита қарорлари бажарилишини қўллаб-куватлаб, томонлар билан ишлашни давом  
эттиради, бироқ ижрони мажбурлаш бўйича ҳеч қандай механизм мавжуд эмас  
ва бу жиҳатдан Кўмита АБТга таянади

##### 5.3.2.1. Йўл қўйиш мумкинлиги талаблари

Хабар қўйидаги ҳолларда йўл қўйиб бўлмайдиган, деб эътироф этилади:

- унда ариза берувчиларнинг исмлари кўрсатилмаган бўлса (гарчи муаллифлар Кўмитадан анонимлик сақланиб қолишини талаб қилишлари мумкин бўлса ҳам);
- ҳукуқий ҳимоянинг давлат ички воситалари тугал ишга солиб бўлинмаган бўлса, давлат ички тартиб-қондалари асоссиз равишда узоқ давом этадиган ҳоллар бундан мустасно (қаранг: Аниқ маслаҳатлар);

- хабар ҳуқуқий ҳимоянинг давлат ички воситалари тугал ишга солиб бўлингандан кейин оқилона давр мобайнида берилмаган бўлса;
- хабар АБТ Хартияси ёки Африка хартияси қоидаларига мувофиқ бўлмаса;
- хабарда тегишли давлатга нисбатан ҳақоратловчи иборалар бўлса;
- хабар фақат оммавий ахборот воситалари материалларига асосланса;
- хабарда БМТ, АБТ Хартияси ёки Африка хартияси принципларига мувофиқ тартибга солишга эришилган масала кўриб чиқилаётган бўлса.

32-ЖАДВАЛ. ИНДИВИДУАЛ ШИКОЯТЛАРНИ КУРИБ ЧИКИШ ТАРТИБ-КОИДАСИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ: ИХҲАК

Индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидасидан фойдаланишинг АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ: ИХҲАК	
Иш ушбу тартиб-қоида доирасида кўриб чиқилишини ким талаб қилиши мумкин?	Ходиса юз бергани фактини тергов ўтказиш ташаббуси учун зарур бўлган тафсилотлар билан исбот қила оладиган ҳар қандай шахс ёки НХТ — бу Африкадаги вазиятнинг амалда қийинлигини ҳисобга олган ҳолда курбон ёки унинг оила аъзолари бўлиши шарт эмас
Ариза беришнинг йўл қўйиладиган энг кўп муддати мавжудми?	Ариза оқилона давр мобайнида берилиши керак, бироқ Комиссия ушбу қоидани анча эркин талқин қилади
Сиз ўша фактларнинг ўзи бошқа тартиб-қоида доирасида кўриб чиқилиши ташаббуси билан чиқсан гўлсангиз, мазкур тартиб-қоида доирасида ишни кўриб чиқиш талабига йўл қўйиладими?	Йўқ
Юридик вакиллик зарурми?	Йўқ, бироқ руҳсат берилади
Молиявий ёрдам олиш имконияти мавжудми?	Йўқ
Amicus curiae гувоҳлиги қабул қилинадими?	Қўмита учун фойдали бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай ахборот қабул қилинади, бироқ тартиб-қоиданинг маҳфилигига барча риоя қилиши керак
Сизнинг хабарингизни ким билади?	Тегишли талаб берилгандан кейин ариза берувчининг шахси маҳфий бўлиб қолиши мумкин
Тартиб-қоида қанча вақт давом этади?	Дастлабки ишларни кўриб чиқишида узоқ вақт тўхтаб қолиши ҳоллари кузатилди, бироқ ҳозирги вақтда тартиб-қоида 18 ойдан 2 йилгача давом этади
Қарор қабул қилишга кўмаклашиш учун механизм қандай чоралар кўриши мумкин (агар назарда тутилган бўлса)? Масалан, фактларни аниқлаш учун муҳокамалар ўтказиш; жойларга ташрифлар; ёзма аризалар; оғзаки муҳокамалар; бошқалар	Ёзма илтимосномалар, оғзаки муҳокамалар; шикоятлар кўп бўлган тақдирда жойларга ташрифлар
Бирор-бир вақтингчалик ёки шошилинч чоралар назарда тутилганми?	Ҳа

### ІІІ ҚИСМ. ТҮТПЛАНГАН МАЪЛУМОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

#### 5.3.2.2. Аниқ маслаҳатлар

- Қатнашчи-давлат айбловга жавоб бермаса ҳам, комиссия олинган хабар бўйича тергов ўтказади.
- Хабар инсон ва ҳалқлар ҳукуқлари жиддий ва кенг кўламда қонун бузилишига тегишли бўлса, асосий тафсилотлардан ташқари буни ҳам кўрсатиш керак.
- Бузишилар жиддий ва кенг кўламли бўлган тақдирда, шунингдек ҳар хил одамлардан кўп сонли шикоятлар тушганда ёки қонун бузишилар узоқ вақт давом этганда, Комиссия, самарасиз бўлиши ва/ёки ножоиз оқибатларга олиб келиши мумкинлигидан келиб чиқиб, ҳукуқий ҳимоянинг давлат ички воситалари тугал ишга солинишини талаб қилмайди.
- Ариза қонун жиддий ва йирик бузилишидан далолат берса, хабар, ҳукуқий ҳимоянинг давлат ички воситалари тугал ишга солинишига эришиш зарурлигидан қочиб, 58-моддага мувофиқ берилиши мумкин.
- Комиссия хабарларнинг муаллифларидан уларнинг исмлари ва манзиллари кўрсатилишини талаб қиласди, бироқ айрим ҳолатларда (масалан, қонун бузилиши кўп сонли қурбонларни қамраб олганда) барча қурбонларнинг номларини кўрсатиш шарт эмас. Шунга қарамай, ахборот тергов ўтказиш учун етарлича аниқ бўлиши керак.
- Индивидуал шикоятларни кўриб чиқиши тартиб-қоидасининг кўп қисми Комиссиянинг суд ишларини юритиш амалиёти ва қоидаларидан келиб чиқиб ишлаб чиқилган, — агар Хартияниң ўзидан зарур ахборотни топа олмасангиз, ҳайрон бўлманг.

### 5.4. Бошқа минтақалар

Ҳозирги пайтда инсон ҳукуқлари бузилиши тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиши бўйича расмий белгиланган тартиб-қоидалар мавжуд бўлган бошқа минтақалар йўқ, бироқ кўпчилик минтақалар инсон ҳукуқларига кенг кўламда қизиқа бошладилар. Эҳтимол, яқин йилларда аризаларни кўриб чиқиши мумкин бўлган ҳалқаро органлар сони кўпайиши кузатилиши мумкин ва, эҳтимол, кўплаб янги минтақавий органлар Европа, Америка ва Африка минтақаларининг умумий эътироф этилган, текширилган ва самарали тартиб-қоидаларига асосланиши мумкин.

Айни маҳалда, истиқомат қилинаётган мамлакатга бевосита яқин жойда ҳукуқий ҳимоянинг ҳалқаро воситалари мавжуд эмаслигидан ташвиш чекмаслик кераклиги жуда муҳим — БМТ органлари ҳеч қандай географик чегараларни билмайди ва бутун жаҳондаги вазиятни кўриб чиқиши мумкин. Сизнинг мамлакатингиз қайси шартномаларнинг қатнашчиси эканлигини аниқланг ва БМТ аъзоси ҳисобланган ҳар қандай мамлакатдаги вазиятни текшириш учун ношартномавий тартиб-қоидалардан фойдаланиш мумкинлигини эсда туting.

## 6. ХАЛҚАРО ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ ЖАДВАЛЛАРИ

33-ЖАДВАЛ. I ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ – КҚҚ, ИҲҚ ВА ИКТҚ (УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР)

	КҚҚ			КҚҚ		ИКТҚ	
	ДМ	ТТ	ИШҚТ	ДМ	ТТ	ДМ	ИШҚТ
Куйидагилар учун механизмдан фойдаланиши мумкини:							
⇒ Вазиятга эътиборни қартиш?							
• Тартиб-қоида оммавий ошкор қилинадими?	Ҳа	Йўқ	Йўқ	Ҳа	Йўқ	Ҳа	Йўқ
• Ҳулоса оммавий ошкор қилинадими?	Ҳа	эҳтимол	Ҳа	Ҳа	Ҳа	Ҳа	Ҳа
• Механизм фактларни аниқлаш учун ташрифлар қилиши мумкини?	Йўқ	Ҳа	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Йўқ
• Бундай ташриф давомида аниқланган фактлар оммавий ошкор қилинадими?	—	эҳтимол	—	—	—	—	—
⇒ Умумий вазиятда ўзгаришга эришиш?							
• Механизм умумий ёки тизимли хусусиятга эга бўлган тавсиялар бериши мумкини?	Ҳа	Ҳа	Ҳа	Ҳа	Йўқ	Ҳа	Йўқ
• Давлатга ушбу тавсияларни бажариш учун юрилик мажбурият юқлатиладими?	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Йўқ	—	Йўқ	—
• Давлатлар олатда, бу тавсияларни бажарадими?		Ҳа	ҳодисалар етарли эмас	боғлиқ	—	боғлиқ	—
• Механизм тавсиялар бажарилиши устидан назорат қилишини ўз ичига оладими?	навбатдаги маъруза	йўқ, бироқ алоҳида олинган ҳолатлар асосида мумкин	йўқ, бироқ истисно этилмайди	ишлаб чиқиш босқичида	—	навбатдаги маъруза	—
• Механизм ҳамкорлик қилишни рад этётган давлатга қўйиши мумкин бўлган алоҳида санкциялар мавжудми?	Йўқ	қўмита натижалар шархини эълон қилиши мумкин	Йўқ	Йўқ	—	Йўқ	—
⇒ Ҳукукий ҳимояининг индивидуал воситаларидан баҳраманд бўлиш?							
Маърузалар механизмидан:							
Умумий вазият билан боғлиқ ҳолда индивидуал ҳолатларни оммавий ошкор қилиш.							
Депортациянинг олдини олиш							
• Механизм индивидуал ҳолатларда тавсиялар берা оладими?	Йўқ	ҳа, бироқ бу тез-тез юз бермайди	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Йўқ
• Ушбу тавсияларни бажариш учун давлатларга юрилик мажбурият юқлатиладими?	—	Йўқ	—	—	—	—	—
• Давлатлар олатда, бу тавсияларни бажарадими?	—	Ҳа	—	—	—	—	—
• Индивидуал ҳолатларда механизм тавсиялар бажарилишини назорат қилиш механизмини ўз ичига оладими?	—	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Йўқ
• Бирор-бир шошилинч чоралар назарда тутилганми?	—	Ҳа	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Йўқ
• Ушбу чораларни бажариш борасида давлатга юрилик мажбурият юқлатиладими?	—	Йўқ	Ҳа	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Йўқ
• Давлатлар олатда, ушбу кўрсатмаларни бажарадими?	—	Ҳа	—	—	—	—	—

Кискартиришлар: КҚҚ — Қийноққа қарши қўмита; ИҲҚ — Инсон ҳукуқлари бўйича қўмита; ИКТҚ — Ирқий камситишнинг барча шаклларини тутатиш бўйича қўмита; ДМ — давлат маърузалари тартиб-қоидаси; ТТ — тернов қилиш тартиб-қоидаси. ИШҚТ — Индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидаси.

### ІІІ ҚИСМ. ТҮТПЛАНГАН МАЪЛУМОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

34-ЖАДВАЛ, ІІ КИЕСИЙ ТАХЛИЛ – БХК, АКБК, ИХКММ, ВА 1503-ПРОЦЕДУРА (УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР)

	BХК	АКБК	ИХКММ		1503
	ДМ	ДМ	ПС	ФА	ПС
<b>Кўйидагилар учун механизмдан фойдаланиш мумкинми:</b>					
⇒ <b>Вазиятга эътиборни қардиги?</b>					
• Тартиб-қоида оммавий ошкор қилинадими?	Ҳа	Ҳа	Йўқ	Йўқ	Йўқ
• Ҳолоса оммавий ошкор қилинадими?	Ҳа	Ҳа	Ҳа	Ҳа	Йўқ, давлат текшириш жараёнида эканлиги фактидан ташқари
• Механизм фактларни аниқлаш учун ташрифлар қилиши мумкинми?	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Ҳа	Ҳа, бироқ қоидага кўра, ушбу имкониятдан фойдаланмайди
• Бундай ташриф давомида аниқланган фактлар оммавий ошкор қилинадими?	—	—	—	Ҳа	Йўқ
⇒ <b>Умумий вазиятда ўзгаришга эриниш?</b>					
• Механизм умумий ёки тизимли хусусиятга эга бўлган тавсиялар бериши мумкинми?	Ҳа	Ҳа	Ҳа	Ҳа	Ҳа, бироқ маҳфийлик асосида
• Давлатта ушбу тавсияларни бажариш учун юридик мажбурият юклатиладими?	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Йўқ
• Давлатлар одатда, бу тавсияларни бажарадими?	вазиятта боғлиқ навбатдаги маъруза	вазиятта боғлиқ навбатдаги маъруза	вазиятта боғлиқ мулокот давом этиши мумкин	вазиятта боғлиқ навбатдаги маъруза	вазиятта боғлиқ давлат кеъинги йилгача кўриб чиқиши босқицида туриши мумкин
• Механизм тавсияларни бажарилиши устидан назорат қилишни ўз ичига оладими?	Йўқ	Йўқ	Йўқ	—	
• Механизм ҳамкорлик қилишни радиётган давлатга қўйиши мумкин бўлган алоҳида санкциялар мавжудми?	Йўқ	Йўқ	Йўқ	—	
⇒ <b>Хукуқий ҳимоянинг индивидуал воситаларидан баҳраманд бўлиш?</b>					
<b>Маърузалар механизмидан:</b>					
Умумий вазият билан боғлиқ ҳолда индивидуал ҳолатларни оммавий ошкор қилиш.					
<b>Депортацияни олдини олиш</b>					
• Механизм индивидуал ҳолатларда тавсиялар берадими?	Йўқ	Йўқ	Ҳа	Ҳа	
• Ушбу тавсияларни бажариш борасида давлатга юридик мажбурият юклатиладими?	—	—	Йўқ	Йўқ	
• Давлатлар одатда, бу тавсияларни бажаришадими?	—	—	вазиятта боғлиқ	мунтазам	
• Индивидуал ҳолатларда механизм тавсияларни назорат қилишни ўз ичига оладими?	Йўқ	Йўқ	хабар манбаи учун давлатпинг жавоби юзасидан мулодаза билдириш имконияти	мулодотни давом эттириш имконияти	
• Бирор-бир шопшилик чоралар назарда тутилганми?	Йўқ	Йўқ	Ҳа	Ҳа	
• Ушбу чораларни бажариш борасида давлатга юридик мажбурият юклатиладими?	—	—	Ҳа	Ҳа	
• Давлатлар одатда, ушбу кўрсатмаларни бажарадими?	—	—	мунтазам равишда	мунтазам равишда	

Кискартиришга: БХК—Бола хукуқлари қўмитаси; АКБК—Аёлларга нисбатан камситишга барҳам бериш қўмитаси; 1503—1503-процедура; ИХКММ—Инсон хукуqlари бўйича БМТ Комиссиясининг маҳсус маърузачилари/ишли гурӯҳлари/мустакил эксперталари/маҳсус вакиллари; ДМ—давлат маърузалари тартиб-қоидаси; ФА—фактларни аниқлаш; ХАБАР—хабарларни кўриб чиқиши тартиби.

### III ҚИСМ. ТҮПЛАНГАН МАЪЛУМОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

35-ЖАДВАЛ. III КИЕСИЙ ТАХЛИЛ – КОК, ИҲАҚ ВА ИҲАС (УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР)

	КОК		ИҲАҚ		ИҲАС
	ФА	ФА	ИШКТ	ИШКТ	
<b>Куйидагилар учун механизмдан фойдаланиш мумкинми:</b>					
⇒ <b>Вазиятга эътиборни қаратиш?</b>					
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Тартиб-қоида оммавий ошкор қилинадими?</li> <li>• Хулоса оммавий ошкор қилинадими?</li> <li>• Механизм фактларни аниқлаш учун ташрифлар қилиши мумкини?</li> <li>• Бундай ташриф давомида аниқланган <b>фактлар</b> оммавий ошкор қилинадими?</li> </ul>	<p>Йўқ к: фактларни аниқлаш</p> <p>Ҳа</p> <p>давлат эълон қилишга розилик берган тақдирда; амалда кўпчилик давлатлар эътиroz билдиради</p>	<p>Йўқ к: фактларни аниқлаш</p> <p>Ҳа</p>	<p>Йўқ ўз-ўзидан эмас</p> <p>Ҳа</p>	<p>Йўқ Ҳа</p>	
⇒ <b>Умумий вазиятда ўзгаришга эришиш?</b>					
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Механизм умумий ёки тизимли хусусиятта эга бўлган <b>тавсиялар</b> бериши мумкинми?</li> <li>• Давлатга ушбу <b>тавсияларни</b> бажариш учун <b>юридик мажбурият</b> юклатиладими?</li> <li>• Давлатлар <u>одатла</u>, бу тавсияларни бажарадими?</li> <li>• Механизм тавсиялар бажарилиши устидан <b>назоратни</b> ўз ичига оладими?</li> <li>• Механизм ҳамкорлик қилишни рад этаётган давлатларга кўйиши мумкин бўлган алоҳида <b>санкциялар</b> мавжудми?</li> </ul>	<p>Ҳа Йўқ</p> <p>Ҳа</p> <p>кейинги ташрифлар ва мулоқотнинг давом этиши</p> <p>оммавий баёнот</p>	<p>Ҳа Йўқ</p> <p>вазиятга боғлиқ</p> <p>кейинги ташрифлар</p> <p>Йўқ</p>	<p>Ҳа Йўқ</p> <p>вазиятга боғлиқ</p> <p>механизм давлат кўрилган чоралар тўғрисида хабар беришини талаб қилиши мумкин</p> <p>оммавий маъруза/ ишни Судга бериш</p>	<p>Ҳа Йўқ</p> <p>вазиятга боғлиқ</p> <p>механизм давлат кўрилган чоралар тўғрисида хабар беришини талаб қилиши мумкин</p> <p>Йўқ</p>	
⇒ <b>Хукукий ҳимоянинг индивидуал воситаларини олиш?</b>					
<b>Маърузалар механизмидан:</b>					
Умумий вазият билан боғлиқ ҳолда индивидуал ҳолатларни оммавий ошкор қилиш.					
<b>Депортацияни олдини олиш</b>					
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Механизм индивидуал ҳолатларда тавсиялар берадими?</li> <li>• Ушбу тавсияларни бажариш учун давлатларга <b>юридик мажбурият</b> юклатиладими?</li> <li>• Давлатлар <u>одатла</u>, бу тавсияларни бажарадими?</li> <li>• Индивидуал ҳолатларда механизм тавсиялар бажарилишини назорат қилишини ўз ичига оладими?</li> <li>• Бирор-бир <u>шопнилиш</u> чоралар назарда тутилганми?</li> <li>• Ушбу чораларни бажариш борасида давлатта <b>юридик мажбурият</b> юклатиладими?</li> <li>• Давлатлар <u>одатла</u>, ушбу кўрсатмаларни бажарадими?</li> </ul>	<p>Ҳа Йўқ</p> <p>Ҳа</p> <p>эҳтимол</p> <p>эҳтимол</p> <p>Ҳа</p> <p>Йўқ</p> <p>Ҳа</p>	<p>Ҳа Йўқ</p> <p>вазиятга боғлиқ</p> <p>механизм иш бўйича сўраши мумкин</p> <p>Ҳа</p> <p>вазиятга боғлиқ</p>			

**Кискартиришлар:** КОК — Қийноқларнинг олдини олиш қўмитаси; ИҲАҚ — Инсон ҳукуқлари бўйича Америкааро комиссияси; ИҲАС — Инсон ҳукуқлари бўйича Америкааро суд; ФА — фактларни аниқлаш; ИШКТ — индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидаси.

### ІІІ ҚИСМ. ТҮПЛАНГАН МАЪЛУМОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

#### 36-ЖАДВАЛ. IV КИЕСИЙ ТАХЛИЛ – ИХҲАК, ТММ (УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР)

	ИХҲАК			ТММ	
	ФА	ФА/БТ	ИШКТ	ФА	ХАБАР
<b>Куйидагилар учун механизмдан фойдаланиш мумкини:</b>					
⇒ <b>Вазиятга зътиборни қаратиш?</b>					
• Тартиб-қоила оммавий ошкор қилинадими?	Ҳа	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Йўқ
• Хулоса оммавий ошкор қилинадими?	Ҳа	қоидага кўра, ҳа	ИХҲАКнинг йиллик хисоботига киритилади	Ҳа	Ҳа
• Механизм фактларни аниқлаш учун ташрифлар қулиши мумкини?	—	Ҳа	бир қанча шикоятлар муносабати билан	Ҳа	Ҳа
• Бундай ташриф давомида аниқланган фактлар оммавий ошкор қилинадими?	—	қоидага кўра, ҳа, бироқ анча тўхташлар бўлиши мумкин	эҳтимол	Ҳа, бироқ эълон қилишда тўхташ бўлиши мумкин	Ҳа, бироқ эълон қилишда тўхташ бўлиши мумкин
⇒ <b>Умумий вазиятда ўзгаришга эринши?</b>					
• Механизм умумий ёки тизимли хусусиятга эга бўлган тавсиялар бериши мумкини?	Ҳа	Ҳа	Ҳа, агар бу вазиятга тегишли бўлса	Ҳа	Ҳа, агар бу вазиятга тегишли бўлса
• Давлатга ушбу тавсияларни бажариш учун юридик мажбурият юклатиладими?	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Йўқ
• Давлатлар одатда, бу тавсияларни бажарадими?	баъзан	баъзан	баъзан	баъзан	баъзан
• Механизм тавсиялар бажарилishi устидан назоратни ўз ичига оладими?	навбатдаги давлат маъруzasи	масала кун тартибида қолиши мумкин	эҳтимол АБТ воситасида	кейинги миссиялар	истисно этилмайди
• Механизм ҳамкорлик қилишни рад этайтган давлатларга қўйиши мумкин бўлган алоҳида санкциялар мавжудми?	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Йўқ
⇒ <b>Хукукий ҳимоянинг индивидуал воситаларидан баҳраманд бўлиш?</b>					
<b>Маърузалар механизмидан:</b>					
Умумий вазият билан боғлиқ ҳолда индивидуал ҳолатларни оммавий ошкор қилиш.					
<b>Депортациянинг олдини олиш</b>					
• Механизм индивидуал ҳолатларда тавсиялар бера оладими?	Йўқ	Ҳа	Ҳа	Ҳа	Ҳа
• Ушбу тавсияларни бажариш учун давлатларга юридик мажбурият юклатиладими?	—	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Йўқ
• Давлатлар одатда, бу тавсияларни бажарадими?	—	баъзан	баъзан	баъзан	баъзан
• Индивидуал ҳолатларда механизм тавсиялар бажарилishiни назорат қилишини ўз ичига оладими?	—	Йўқ	Йўқ	Йўқ	истисно этилмайди
• Бирор-бир шошилинч чоралар назарда тутилганми?	—	Ҳа	Ҳа	Ҳа	Ҳа
• Ушбу чораларни бажариш борасида давлатга юридик мажбурият юклатиладими?	—	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Йўқ
• Давлатлар одатда, ушбу кўрсатмаларни бажарадими?	—	баъзан	баъзан	баъзан	баъзан

**Кискартиришлар:** ИХҲАК — Инсон ва халқлар бўйича Африка комиссияси; ТММ — Африкала турмалар ва қамоқда сақлаш шароитлари бўйича маҳсус маърузачи; ДМ — давлат маърузаларини кўриб чиқиш тартиб-қоидаси; ФА — фактларни аниқлаш; БТ — батафсул текшириш; ИШКТ — индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидаси; ХАБАР — хабарларни кўриб чиқиш тартиб-қоидаси.

### ІІІ ҚИСМ. ТҮПЛАНГАН МАЪЛУМОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

37-ЖАЛВАЛ. В КИЕСНЙ ТАХЛЛ – ККК, ИХК ВА ИКТК ИНДИВИДУАЛ ШИКОЯТЛАРНИ КҮРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБ-КОИДАСИ

	ККК	ИХК	ИКТК
<b>Куйидагилар учун механизмдан фойдаланиш мумкини:</b>			
⇒ <b>Хукуқий ҳимоянинг индивидуал воситаларидан баҳраманд бўлиш</b>			
<b>Индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-коидаси:</b>			
Копун бузилиши фактининг юридик эътироф этилиши	Ҳа	Ҳа	Ҳа
Депортациянинг олдини олиш	Ҳа	Ҳа	潜力ал имконият мавжуд
<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Компенсациянинг қайси шакли берилиши мумкин (агар назарда тутилган бўлса)?</b></li> </ul>	қонунга риоя қилиш таъминла-ниши учун зарур бўлган ҳаракат-ларни кўрсатиш	қонунга риоя қилиш таъминла-ниши учун зарур бўлган ҳаракат-ларни кўрсатиш	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Узил-кесил қарор чиқаришда давлатга юридик мажбурият юклатиладими?</b></li> <li>• <b>Давлатлар одатда, бу кўрсатмаларни бажаришадими?</b></li> <li>• <b>Суд қарорини мажбурий бажариш йўллари мавжудми?</b></li> </ul>	Иўқ	Иўқ	Иўқ
	қоидага кўра, ҳа мавжуд эмас, бироқ давлатта кўрилган чоралар тўғрисида аҳборот бериш талаби кўйилиши мумкин	вазиятга боғлиқ	вазиятга боғлиқ
<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Вақтичалик ёки шошилиниң чоралар назарда тутилганими?</b></li> <li>• <b>Ушбу чораларни бажариш юзасидан давлатга юридик мажбурият юклатиладими?</b></li> <li>• <b>Данлатлар одатда, ушбу кўрсатмаларни бажарадими?</b></li> </ul>	Ҳа	Иўқ	Иўқ
	қоидага кўра, ҳа	Ҳа	Ҳа

**Кискартиришлар:** ККК – Қийноқларга қарши қўмита; ИХК – Инсон хукуqlари бўйича қўмита; ИКТК – Ирқий камситишни тутагиши бўйича қўмита.

### ІІІ ҚИСМ. ТҮПЛАНГАН МАЪЛУМОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

38-ЖАДВАЛ. VI КИЕСИЙ ТАХЛИЛ – ИХЕС, ИХАК, ИХАС ВА ИХХАК (ИНДИВИДУАЛ ШИКОЯТЛАРНИ КУРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБ-КОИДАСИ)

	ИХЕС	ИХАК	ИХАС	ИХХАК
<b>Күйидагилар учун механизмдан фойдаланиш мумкини:</b>				
⇒ <b>Хукуқий ҳимоянинг индивидуал воситаларидан баҳраманд бўлиш</b>				
<b>Индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-коидаси натижасида:</b>				
Конун бузилиши фактининг юридик эътироф этилиши	Ҳа	Ҳа	Ҳа	Ҳа
Депортациянинг олдини олиш	Ҳа	Ҳа	Ҳа	Ҳа
<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Компенсациянинг қайси шакли берилиши мумкин (агар назарда тутилган бўлса)?</b></li> </ul>	молиявий компенсацияни ўз ичига олиши мумкин	—	компенсация ва хукуқий воситанинг камроқ аниянавий бўлган воситаларини ўз ичига олиши мумкин	—
<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Узил-кесил қарор чиқаришда давлатга юридик мажбурият юклатиладими?</b></li> </ul>	Ҳа	Йўқ	Ҳа	Йўқ
<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Давлатлар олатда, бу кўрсатмаларни бажаришадими?</b></li> </ul>	Ҳа	вазиятга боғлиқ	Ҳа	баъзан
<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Суд қарорини мажбурий бажариш йўллари мавжудми?</b></li> </ul>	чоралар Вазирлар Кўмитаси томонидан курилиши мумкин	Йўқ, бироқ ишнинг Судга берилиши ёки ИХАКда зълон қилиниши мумкинлиги давлатни Суд қарорларини бажаришга мойил қилиши мумкин	давлат ички хукуқий органлари томонидан таъқиб қилиниши мумкин	Йўқ
<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Вақтинчалик ёки шошилинч чоралар назарда тутилганими?</b></li> </ul>	Ҳа	Ҳа	Ҳа	Ҳа
<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Ушбу чораларни бажариш юзасидан давлатга юридик мажбурият юклатиладими?</b></li> </ul>	Йўқ	Йўқ	Ҳа	Йўқ
<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Давлатлар олатда, ушбу кўрсатмаларни бажаришадими?</b></li> </ul>	Ҳа	вазиятга боғлиқ	Ҳа	баъзан

## 7. КЕЙИНГИ ЁРДАМ МАНБАЛАРИ

### 7.1. Кейинги ёрдам нима учун зарур бўлиши мумкин?

Халқаро механизмларнинг расмий тартиб-қоидалари ягона мақсадни — давлатлар халқаро ҳуқуқ соҳасидаги ўз мажбуриятларини бажараётгани ёки йўқлигини аниқлашни кўзлаб барпо этилган. Шу сабабли улар қийиноклар тўғрисидаги гувоҳликлар билан боғлиқ равишда излашингиз зарур бўлган ёрдамнинг ягона шакли ҳисобланмайди. Сиз расмий тартиб-қоидадан ташқари ёки унинг ўрнига бошқа манбалардан ёрдам қидиришингиз мумкин бўлган бир қанча сабаблар мавжуд.

- Баъзи вазиятларда, сиз, эҳтимол, ўз хавфсизлигинизни ўйлаб, ёхуд тартиб-қоидани камситувчи деб ҳисоблаганингиз боисидан халқаро механизмларга мурожаат қилишдан ўзингизни тиарсиз. Индивидуумга ҳуқуқий ҳимоя воситасидан баҳраманд бўлишида ёрдам бериши, унинг ҳаётини сақлаб қолиши мумкин бўлган ёхуд халқаро органлар учун қандайдир бошқача тарзда муҳим бўлиши мумкин бўлган ахборотга эга бўлганингиз тақдирда, сиз, ҳеч бўлмаганда, ахборот йўқолмаслиги учун зарур бўлган тегишли чора-тадбирларни кўришингиз керак — бу сизни шахсан жалб этиши шарт эмас. Эҳтимол тутилган ечимлардан бири шундан иборатки, ахборотни уни тўғри қўллаш учун яхшироқ жиҳозланган бирор ташкилотга ёки гуруҳга бериш лозим. Шунингдек сиз ёрдам олиш ва қўллаб-куватлашлари учун мурожаат қилишингиз мумкин бўлган ташкилотлар ҳам мавжуд. Улар сизга энг мақбул тактикага доир маслаҳат бериши мумкин
- Ҳуқуқий ҳимоя воситасидан баҳраманд бўлиш учун бирор-бир расмий тартиб-қоидадан фойдаланиладими ёки йўқми, бундан қатъи назар қурбонга ҳақиқатда кўрсатишингиз мумкин бўлган энг яхши ёрдам — уни қўллаб-куватлаш ва оқлаш эканлигини ёдда тутиш муҳимдир. Бу ўринда сиз, эҳтимол, алоқа ўрнатишни истаб қолишингиз мумкин бўлган соҳада ихтисослашаётган ташкилотлар мавжуд эканлигини яна эслатиб ўтишга тўғри келади.
- Расмий тартиб-қоида билан параллель равишда фойдаланиш мумкин бўлган битта самарали ва, одатда, тезроқ бўлган бир усул бор — бу лоббилаш, жумладан, Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ Комиссияси ҳамда Инсон ҳуқуқларини қўллаб-куватлаш ва ҳимоя қилиш бўйича кичик комиссия орқали лоббилашдир, бироқ ушбу органлардан ташқари кўплаб бошқа сиёсий ташкилотлар ҳам мавжуд.

### III ҚИСМ. ТҮПЛАНГАН МАЪЛУМОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

#### 39-ЖАЛВАЛ. ЁРДАМНИНГ ЭҲТИМОЛ ТУТИЛГАН МАНБАЛАРИ

ЁРДАМ ТИПЛАРИ	ЁРДАМНИНГ ЭҲТИМОЛ ТУТИЛГАН МАНБАЛАРИ (батафсилоқ 2-иловага қаранг)
Сиз томонинингиздан тақдим этилган ахборот асосида мустақил иш кўриши мумкин бўлган ташкилотлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>Халқаро Қизил Xоч Кўмитаси</li> <li>Коҷоқлар ишлари бўйича БМТнинг маҳсус вакили</li> <li>Тегишли тажрибага эга бўлган халқаро ва миллий НХТ</li> <li>Маҳаллий миссиялар, масалан, ЕХХТ (Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти), Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТнинг маҳсус вакили, шунингдек йирик халқаро НХТ маҳаллий миссиялари</li> <li>Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) конференциялари, Парламентлараро иттифоқ (ПИ) сингари қурбонлар билан ишловчи ташкилотлар</li> </ul>
Қўллаб-қувватлаши ва маслаҳат бериши мумкин бўлган ташкилотлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>Тегишли тажрибага эга бўлган халқаро ва миллий НХТ</li> <li>Профессионал ташкилотлар ва тармоқлар</li> </ul>
Қурбонларни оқлаш жараёснida қўллаб-қувватлаши мумкин бўлган ташкилотлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>Қийноқ қурбонларини қўллаб-қувватлаш бўйича БМТнинг кўнгилли жамғармаси</li> <li>Оқлаш бўйича халқаро ва миллий НХТ</li> </ul>
Лоббилашни самарали ўтказиш мумкин бўлган ташкилотлар ва органлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ Комиссияси</li> <li>Инсон ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўйича БМТнинг кичик комиссияси</li> </ul>

#### 7.2. Ёрдам олишнинг аниқ манбалари

Халқаро Қизил Xоч Кўмитаси (ХҚҲК) биринчи навбатда қуролли тўқнашув доирасида, шунингдек зўравонлик ишлатилиши ва сиёсий тартибсизлик вазиятларида иш кўрувчи бетараф ва мустақил ташкилот ҳисобланади. Ташкилотнинг қароргоҳи Женевада (Швейцария) жойлашган, бироқ ташкилот миссиялари унинг фаолияти учун зарурят бўлган кўплаб мамлакатлардаги жойларда мавжуддир, — одатда миссия ҳукумат билан аҳдлашувга асосан ташкил этилади. Бу жиҳатдан ташкилотнинг функцияларидан бири — маҳбуслар ва мансабдор шахслар ўртасида бетараф воситачи сифатида иш кўриш. Ташкилот вакиллари тўқнашув ёки сиёсий тартибсизликлар туфайли озодликдан маҳрум этилган шахслар қамоқда сақланётган жойларга ташриф буюрадилар, маҳкумларни қамоқда сақлаш шароитини ва улар билан муомала шаклларини ўрганидилар, улар билан суҳбат ўтказадилар, уларнинг қамоқдаги ҳаётига тегишли маълумотларни тўплайдилар. Ташкилот вакиллари ўз фаолияти соҳасига кирувчи маҳбуслар тоифалари қамоқда сақланётган барча жойларга киришни, шунингдек маҳбуслар билан гувоҳлар иштирокисиз маҳфий суҳбат ўтказилиши имконияти берилишини талаб қиласидилар. Бунинг эвазига улар бундай ташрифлар вақтида аниқланган фактларни тўлиқ маҳфий сақлайдилар. Ўзининг алоҳида мандатига ва иш усулига кўра ХҚҲК кўпинча бошқа кўплаб ташкилотлар бора олмайдиган жойларга бора олади.

ХҚҲК ўз шохобчасига эга ва бошқа ташкилотлардан мустақил равищда иш кўради. Бироқ шунга қарамай, Кўмита қонун бузилишининг умумий тенденциялари тўғрисида ахборотни, ушбу талабларни қондириш имкониятига эга бўлган ҳолларда аниқ маҳбуслар, шунингдек бедарак йўқолган шахслар тўғрисида ахборот олиш ҳақидаги талабларни қабул қиласиди. Кўмита бундай ахборотни бевосита қариндошлардан олишни афзал кўради, бироқ шунингдек, ташкилот ишида зарур бўлган маҳфийлик кўрилган чоралар тўғрисида бирор-бир билдиришга йўл қўймаслиги фактини ҳисобга олган ҳолда, НХТдан ҳам ахборот олади. Йўқолган ёки бедарак кетган ҳолларда кўмита оиласа бирор-бир жавоб йўллаши мумкин. Қоидага кўра, кўмита бирор-бир иш кўришдан олдин оила билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатишга

ҳаракат қиласи. Ташкилот амал қиласидаган принцип ҳар қандай ҳаракатни бирор бошқа ташкилотнинг номидан эмас, балки маҳбусларнинг ўзларининг номидан амалга оширишдан иборатdir.

ХҚҲҚга бериладиган ахборотда ҳибсга олиш ва қамоқ түғрисида имкони борича кўпроқ тафсилотлар бўлиши керак. Қоидага кўра, ХҚҲҚ индивидуал ҳолатларга қараганда қонун бузилишининг умумий тенденцияларини кўрсатувчи ҳолларда иш кўришга кўпроқ тайёр эканлигини намойиш қиласи.

#### 7.2.2. Қочоқлар ишлари бўйича БМТнинг махсус вакили

Қочоқлар ишлари бўйича БМТнинг махсус вакили (ҚИБМТМВ) таъқибнинг асосли хавфи сабабли мамлакатни тарк этган ҳамда қайта олмайдиган ёки қайтишни хоҳламайдиган шахсларни (қочоқларни), шунингдек бундай вазиятга тушиб қолган бошқа гуруҳларни, масалан, мамлакат ичida у ёқдан бу ёққа кўчганларни ва фуқаролар уруши натижасида жабр кўрганларни ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича фаолиятни авж олдиради.

Ушбу функцияни амалга ошириш усуllibаридан бири — бутун жаҳонда, ўз мандатига мувофик бўлган шахслар турган жойларда штатдаги ходимлар шохобчасидан фойдаланишдир. Бундай жойлар давлатлар пойтахтларини, ҳалқаро қочоқлар ва мамлакат ичida бир ёқдан бошқа ёққа кўчган шахслар лагерларини, шунингдек чегара бўйлаб жойлашган вилоятларни ўз ичига олади. Ходимларнинг мақсади қочоқларни ва бир жойдан бошқа жойга кўчган шахсларни ҳимоя қилишдан, шунингдек уларга ҳужум қилиниши хавфини энг кам даражага келтиришдан иборатdir. Бундан ташқари, муайян вазиятлarda одамларнинг бир жойдан бошқа жойга кўчишларига олиб келган сабабларни аниқлаш ва бу сабаблар бўйича чоралар кўриши ҳам уларнинг вазифасига киради. Бу жиҳатдан ушбу ходимларни: 1) қочоқларга ва мамлакат ичida бир жойдан бошқа жойга кўчган шахсларга нисбатан уларнинг яшаш жойидаги ёки кўчиш пайтидаги ҳар қандай ёмон муомала ҳоллари ва 2) қочоқларга ҳамда мамлакат ичida бир жойдан бошқа жойга кўчган шахсларга нисбатан лагерлар ҳудудидаги ҳар қандай ёмон муомала ҳоллари түғрисидаги ахборот билан таъминлаш жуда муҳимдир.

#### 7.2.3. Жойларга миссиялар ва ташрифлар

Жойлардаги миссиялар ва ташрифлар ЕХХТ ва БМТ сингари ҳукуматларапо ташкилотлар ҳамда ноҳукумат ташкилотлар томонидан таъсис этилиши мумкин. Фаолиятнинг ушбу турлари ҳам узлусиз, ҳам *ad hoc* (бирор воқеа ва вазиятга жавобан) амалга оширилиши мумкин. Кўпчилик миссиялар мониторингга ва ҳар ҳил манбалардан ахборот тўплашга мўлжалланган.

#### 7.2.4. Ҳалқаро ва маҳаллий НҲТ, шунингдек ёрдам кўрсатувчи бошқа ташкилотлар

Ҳалқаро ва миллий НҲТ доираси ҳақиқатдан ҳам улкан. Зарур тажрибага эга бўлган бирор иирик миллий НҲТ алоқа боғлашда дастлабки нуқта бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бу метод кўпинча ҳукуқий ҳимоянинг давлат ички воситалари ёки сизнинг мамлакатингиз қайси ҳалқаро шартномаларда қатнашашётгани түғрисида зарур ахборотни топишда энг самарали усул ҳисобланади. Ҳалқаро НҲТ ё ахборот берилганлиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олиш, ёхуд эҳтимол тутилган стратегиялар борасида сизга зарур кўрсатмалар бериш йўли билан бебаҳо ёрдам кўрсатиши мумкин. Жумладан, барча нарсани қамраб оловчи «соябон» тузилмаси ҳалқаро НҲТ фаолиятининг самарали шаклларидан бири ҳисобланади. Ушбу тузилмада НҲТ кичикроқ миллий НҲТ тармоқлари учун марказий алоқа нуқтаси сифатида иш кўради. Қоидага кўра, тармоқнинг бир қисмига айланиш учун миллий НҲТ ўз мақсадларини, иш усуllibарини ва бошқаларни изоҳлаб беришлари ҳамда ўз ташкилотлари ва ўзлари тақдим этадиган ахборот ишонч уйғотишни исбот қилишлари зарур. Бундай ташкилотлар мисолини 2-иловадан қаранг.

Профессионал ташкилотлар ва қўллаб-қувватлаш тармоқлари ҳам ёрдам ва мадад бериши мумкин. Бундай ташкилотлар мисолини 2-иловадан қаранг.

### 7.2.5. БМТнинг қийноқлар қурбонларини қўллаб-қувватлаш кўнгилли жамғармаси

БМТнинг қийноқлар қурбонларини қўллаб-қувватлаш кўнгилли жамғармаси қийноқ қурбонларига ва уларнинг оиласига тиббий, психологик, юридик, ижтимоий, гуманитар ва бошқа мададлар кўрсатувчи НХТга молиявий фондлар бериш мақсадида таъсис этилган. Бундай лойиҳани авж олдирмоқчи бўлган ҳар қандай НХТ грант учун жамғармага мурожаат қилиши мумкин. Аризада таклиф этилаётган лойиҳа тўғрисида батафсил ахборот бўлиши зарур ва грантдан қандай фойдаланилганлиги ҳақида ташкилотдан ҳисобот талаб қилинади. Ариза ҳар йили 31 декабргача қабул қилинади, фондлар тахминан олти ойдан кейин тақсимланади. Батафсилроқ 2-иловага қаранг.

### 7.2.6. Лоббилаш

Сўз ҳақиқий ўзгаришлар тўғрисида борганда ҳеч бир нарса жамоатчилик фикрининг ўрнини боса олмайди. Изчил лоббилаш инсон ҳуқуқлари бўйича вазиятни яхшилашига ҳеч бир шубҳа йўқ. Энг кенг лоббилаш Женевада, Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ Комиссияси ва Инсон ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўйича кичик комиссия сессияси пайтида бўлиб ўтади. Давлатлар вакиллари ва Комиссия аъзоларининг лоббилаши кун тартибидан бирор-бир масала олиб ташланишига ёки қайсиdir давлатни айбловчи резолюция қабул қилинишига олиб келиши мумкин. Агар сиз қатнашишдан манфаатдор бўлсангиз, Женевада жойлашган бирор-бир НХТга мурожаат қилинг, улар сессияларда қатнашишга рухсатнома олишда ҳамда ёзма ёхуд оғзаки хабарларни бериш борасида сизни қўллаб-қувватлашади ва зарур ахборот беришади. Алоқа қилишга доир маълумотлар юзасидан 2-иловага қаранг.

Инсон ҳуқуқлари фаол лоббилинадиган бошқа анжуманлар халқаро ташкилотларнинг сиёсий органларини, масалан, Европа парламентини ва, давлатларнинг вакилларини (сизнинг давлатингиз вакиллари бўлиши шарт эмас), жумладан, нуфузли давлатлар вакилларини ўз ичига олади.

**ХУЛОСА**  
**ІІІ ҚИСМ. ТҮПЛАНГАН АХБОРОТНИ ИШЛАШ**

**1. Эҳтимол тутилган стратегияларнинг қисқача баёни**

Чоралар:

- халқаро даражада;
- давлат ички даражасида кўрилиши мумкин.

Агар давлат ички даражасида ҳуқуқий ҳимоянинг самарали воситалари мавжуд бўлса, у ҳолда биринчи навбатда улардан фойдаланишга ҳаракат қилиш, сўнгра халқаро ҳуқуқий механизmlарга мурожаат қилиш зарур. Ҳуқуқий ҳимоянинг давлат ички даражасида эҳтимол тутилган воситалари жиноий жавобгарликка торгишни, фуқаролик жавобгарлигига тортишни, маъмурй жавобгарликка тортишни, интизомий жавобгарликка тортишни ёхуд сиёсий бошпана бериш тўғрисидаги ахборотни ўз ичита олиши мумкин.

Сиз халқаро даражада иш кўришда бирор тактикани танлар экансиз:

- механизmdан фойдаланиш мумкинлигини (сиз ундан фойдалана оласизми);
- ушбу механизм сизнинг вазифаларнинг қанчалик мос келишини ҳисобга олишингиз зарур.

**2. Халқаро маърузалар механизмлари ва улардан фойдаланиш**

Маърузаларнинг халқаро механизми давлатлар инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро қонунлар доирасида ўз мажбуриятларига риоя қилишлари юзасида маъруза тайёрлаш ёки мулоҳаза билдириш учун ахборот олади ва/ёки уни излайди. Сиз томонингиздан олинадиган ахборот ҳам якка тартибдаги, ҳам умумий тусдаги аризаларга тегишли бўлиши мумкин, бироқ асосий мақсад умумий вазиятнинг аниқ манзарасини яратишдан ва тегишли тавсиялар беришдан иборатdir.

Маърузалар механизмлари томонидан ўз функцияларини бажаришда энг кўп қўлланиладиган усуллар:

- мониторинг;
- давлат маърузаларини кўриб чиқиш;
- фактларни аниқлаш бўйича ташрифлар.

Хабарингиз мазмуни ва шакли фойдаланиладиган механизм функциясига мувофиқ бўлиши керак (тавсиялар учун асосий матнга қаранг), бироқ барча хабарлар қуйидаги талабларни қондириши керак:

- фойдаланиладиган бўлиши;
- вазмин ва ҳақиқатга мос бўлиши;
- батафсил бўлиши керак.

**3. Шикоятларни кўриб чиқишининг халқаро тартиб-қоидаси тўғрисида нималарни билиш зарур ва ундан қандай фойдаланиш керак?**

Шикоятларни кўриб чиқишининг халқаро тартиб-қоидаси юридик хусусиятта эга бўлган расмий жаёнини ифодалайди, унинг доирасида индивидуум ёки индивидуумлар групҳи халқаро ҳуқуқий органга шикоят беради, шикоятда шикоят қилувчининг индивидуал ҳуқуқлари бирор аниқ ҳолатда бузилганилиги баён қилинади. Мазкур тартиб-қоида доирасида шикоят, шунингдек, *ариза, петиция* ёки мурожсаат деб аталиши мумкин.

Индивидуал шикоятларни кўриб чиқиша тегишли ҳуқуқий орган қуйидаги саволларга жавоб топиши зарур:

- мазкур орган шикоятни кўриб чиқиши мумкини? Ушбу қоида йўл қўйилиши мумкинлиги деб аталади. Агар орган ҳолатга йўл қўйилиши мумкин эмаслигини (яъни орган шикоятни кўриб чиқа олмаслигини) эътироф этса, иш ёпилган деб ҳисобланади ва иш бўйича фактлар кўриб чиқилмайди (шикоят йўл қўйилиши мумкин эмас, деб эътироф этилиши сабабларини билиш учун асосий матнга қаранг);

### ІІІ ҚИСМ. ТҮПЛАНГАН МАЪЛУМОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

- кўрсатилган фактлар давлат ўз мажбуриятларини бузаётганинги кўрсатадими? Ушбу босқич ишининг моҳиятини кўриб чиқиш, деб аталади ва, агар ҳолат йўл қўйилиши мумкин, деб эътироф этилган бўлса, воқеъ бўлиши мумкин.

Шикоятларни кўриб чиқишнинг халқаро тартиб-қоидаси доирасидаги хабар ҳамма вақт қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- илова қилинадиган хат, унда оз миқдорда тафсилотлар мавжуд бўлади (изоҳлар учун асосий матнга қаранг);
- тасдиқловчи ҳужжатлар имкони борича кўпроқ бўлиши керак (изоҳлар учун асосий матнга қаранг).

#### 4. Механизмлар ва тартиб-қоидалар. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маъruzalari ва тартиб-қоидаларининг релевант механизмлари:

- 1503-процедура;
- Иисон ҳукуқлари бўйича БМТ Комиссиясининг мамлакатлар бўйича маъruzachiлари ва мавзуулар бўйича маъruzачиларининг алоҳида тартиб-қоидалари;
- Қийноқларга қарши қўмита;
- Иисон ҳукуқлари бўйича қўмита;
- Бола ҳукуқлари қўмитаси;
- Аёлларга писбатан камситишга барҳам берин қўмитаси;
- Ирқий камситишни тугатиш қўмитаси.

Шикоятларни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида кўриб чиқишнинг тегишли тартиб-қоидаси қуйидаги ҳужжатларга асосланади:

- Қийноқларга қарши Конвенция (Қийноқларга қарши қўмита воситасида фаолият кўрсатади);
- ФСҲХПнинг факультатив протоколи (Иисон ҳукуқлари бўйича қўмита воситасида фаолият кўрсатади);
- Ирқий камситишни тугатиш бўйича Конвенция (Ирқий камситишни тугатиш бўйича қўмита воситасида фаолият кўрсатади).

#### 5. Минтақавий механизмлар ва тартиб-қоидалар

##### ЕВРОПА

Европа минтақасида маъruzalarning релевант механизмлари:

- Қийноқлар ҳамда инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи муюмала ёхуд жазолашшинг олдини олиш бўйича Европа қўмитаси.

Европа тизимида шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидаси қуйидагиларга асосланади:

- Иисон ҳукуқлари бўйича Европа конвенцияси (Иисон ҳукуқлари бўйича Европа суди воситасида фаолият кўрсатади).

##### АМЕРИКА МАМЛАКАТЛАРИ

Америкааро тизимда маъruzalap механизмлари:

- Иисон ҳукуқлари бўйича Америкааро комиссия.

Америкааро тизимда шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-қоидаси қуйидагиларга асосланади:

- Иисон ҳукуқлари бўйича Америка конвенцияси ёки Иисон ҳукуқлари ва мажбуриятлари Америка декларацияси (Иисон ҳукуқлари бўйича Америка комиссияси ва Суди томонидан амалга оширилади).

### АФРИКА

Африка тизимида маърузалар механизмлари:

- Иисон ва ҳалқлар ҳуқуқлари бўйича Африка комиссияси;
- Африкада турмалар ва қамоқда сақлаш шаронтлари масалалари бўйича маҳсус маърузачи.

Африка тизимида шикоятларни кўриб чиқиши тартиб-қоидаси қўйидагиларга асосланади:

- Иисон ва ҳалқлар ҳуқуқлари бўйича Африка Хартияси (Иисон ва ҳалқлар ҳуқуқлари бўйича Африка комиссияси томонидан амалга оширилади).

### 6. Кейинги ёрдам манбалари

Сиз ҳалқаро ҳуқуқий механизmlарга ўзингизча мурожаат қилишни балки хоҳламассиз ёки сиз ёхуд қурбон учун мадад ва ёрдам керакдир. Ҳатто ўзингиз ҳаракат қилишга қарор қилган бўлсангиз ҳам, жараённи лоббилаш йўли билан тезлаштириш имконияти мавжуд.

Бундай ҳолларда сиз мурожаат қилишингиз мумкин бўлган ташкилотлар ёки органлар қўйидагилардир: **сиз томонингиздан тақдим этилган ахборот асосида мустақил иш кўриши мумкин бўлган ташкилотлар** ёки ахборот бериши ва қўллаб-қувватлаши мумкин бўлган ташкилотлар; қурбонларни оқлаш ва уларга ёрдам кўрсатиш жараёнида кўмаклашиши мумкин бўлган ташкилотлар; шунингдек фаол лоббилаш самарали бўлиши мумкин бўлган ташкилотлар.



## ИЛОВА

- 1. I илова. Релевант воситалар рўйхати**
- 2. II илова. Алоқа ўрнаташ учун маълумотлар ва кейинги ахборотларни олиш**
- 3. III илова. Аризаларнинг стандарт шакллари**
- 4. IV илова. Одам танаси диаграммаси**



## 1. 1 ИЛОВА. РЕЛЕВАНТ ВОСИТАЛАР РҮЙХАТИ

Қуйида көлтириладиган барча воситалар, мөнжият эътибори билан, ёмон муюмала муносабати билан, агар имкони бўлса, халқаро ҳуқуқий органларга ёки миллий тизим доирасида шикоят қилмоқчи бўлган ҳар қандай киши учун фойдали бўлиши мумкин. Ахборот бирор-бир муайян соҳага тегишли бўлган ҳуқуқий воситаларни излашни енгиллаштириш учун мавзу аломатига кўра ташкил этилган. Мавзули бўлимлар ичидаги ташкилотлар келиб чиқишига кўра, яъни уларни ташкил этган халқаро ташкилотлар бўйича хилларга ажратилган. Кўлам чекланганлиги туфайли барча ҳуқуқий воситаларни көлтириш имкони йўқ, бироқ 2-иловада бошқа ҳуқуқий воситалар ҳақида ахборот олиш мумкин бўлган манбаларга ҳавола қилинади.

### 1. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА УМУМИЙ ВОСИТАЛАР

#### Бирлашган Миллатлар Ташкилоти

- Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси;
- Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт;
- Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга Факультатив протокол.

#### Европа Конгаси

- Инсон ҳуқуқлари Европа конвенцияси

#### Америка давлатлари ташкилотлари

- Инсон ҳуқуқлари ва мажбуриятлари Америка декларацияси
- Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка конвенцияси

#### Африка Бирлиги Ташкилоти

- Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка хартияси

### 2. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ҚИЙНОҚЛАРГА АЛОҚАСИ БЎЛГАН ҲУҚУҚИЙ ВОСИТАЛАРИ

#### Бирлашган Миллатлар Ташкилоти

- Барча кишиларни қийноқ ҳамда муюмала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларидан ҳимоя қилиш бўйича декларация;
- Қийноқ ҳамда муюмала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, гайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи бошқа турларига қарши конвенция

#### Европа Конгаси

- Қийноқларнинг олдини олиш Европа конвенцияси

#### Америка давлатлари ташкилоти

- Қийноқларнинг олдини олиш ва қийноқ қўлланилганлиги учун жазолаш бўйича Америкааро конвенцияси

### 3. РАСМАН ҚАМОҚДА САҚЛАНАЁТГАН ШАХСЛАР БИЛАН МУОМАЛА ШАКЛЛАРИ БЎЙИЧА УМУМИЙ СТАНДАРТЛАР

#### Бирлашган Миллатлар Ташкилоти

- маҳбуслар билан муюмала қилишнинг стандарт минимал қоидалари;
- маҳбуслар билан муюмала қилишнинг асосий принциплари;
- ҳар қандай шаклдаги қамоқдаги ёки озодликдан маҳрум этилган барча шахсларни ҳимоя қилиш учун принциплар тўплами;
- озодликдан маҳрум этилган вояга етмаганларни ҳимоя қилиш бўйича БМТ қоидалари;
- вояга етмаганларга нисбатан одилсудловни амалга ошириш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг стандарт минимал қоидалари («Пекин қоидалари»).

**Европа Кенгани**

- Европа турма қоидалари

**4. ПРОФЕССИОНАЛ СТАНДАРТЛАР**

**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти**

- тиббиёт ходимларига, жумладан, маҳбусларни ва асиrlарни қийноқ қўлланилишидан ва шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёхуд жазолашнинг бошқа турларидан ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган врачларга нисбатан қўлланиладиган тиббиёт этикаси принциплари;
- ёриб кўриш қоидалари;
- ҳукуқни муҳофаза қилувчи мансабдор шахсларнинг Хулқ-автор кодекси;
- ҳукуқни муҳофаза қилувчи мансабдор шахслар томонидан кучдан ва ўқ отар қуроллардан фойдаланишининг асосий принциплари;
- ҳукуқшунослар фаолиятининг асосий принциплари;
- оммавий айловчи функциясини ижро этиш нормалари.

**Европа Кенгаси**

- Полиция тўғрисида декларация

**5. АЁЛЛАРГА АЛОҚАДОР БЎЛГАН ВОСИТАЛАР**

**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти**

- Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида декларация;
- Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида конвенция;
- Аёлларга нисбатан зўравонлик ишлатилишига барҳам бериш тўғрисида декларация.

**Америка давлатлари ташкилоти**

- Аёлларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш, унинг учун жазолаш ва унинг барча шаклларини тугатиш тўғрисида Америкааро конвенция.

**6. БОЛАЛАРГА ТААЛЛУҚЛИ ВОСИТАЛАР**

**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти**

- Бола ҳуқуqlари декларацияси;
- Бола ҳуқуqlари конвенцияси;
- Озодликдан маҳрум этилган вояга етмаганларни ҳимоя қилиш бўйича БМТ қоидалари;
- Вояга стмаганларга нисбатан одилсудловни амалга ошириш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг стандарт минимал қоидалари («Пекин қоидалари»).

**Африка Бирлиги Ташкилоти**

- Бола ҳуқуqlари ва тинчлиги бўйича Африка хартияси.

**7. РУҲИЙ КАСАЛЛИК ТУФАЙЛИ ҚАМОҚДА БЎЛГАН ШАХСЛАРГА ТААЛЛУҚЛИ ВОСИТАЛАР**

**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти**

- Руҳий касалликдан азоб чекувчи шахсларни ҳимоя қилиш ва руҳий соғлиқни муҳофаза қилишни яхшилаш принциплари.

**8. ИРҚИЙ КАМСИТИШГА, АПАРТЕИДГА ВА ГЕНОЦИДГА ТААЛЛУҚЛИ ВОСИТАЛАР**

**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти**

- Ирқий камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисида БМТ декларацияси;
- Ирқий камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисида халқаро конвенция;
- Геноцид жиноятининг олдини олиш ва унинг учун жазолаш тўғрисида конвенция;
- Апартеид жиноятини тўхтатиш ва унинг учун жазолаш тўғрисида халқаро конвенция.

## 9. ИРКИЙ КАМСИТИНГА, АПАРТЕИДГА ВА ГЕНОЦИДГА ТААЛЛУҚЛИ ВОСИТАЛАР

### Бирлашган Миллатлар Тацқилоти

- Барча одамларни мажбурий йўқолишдан ҳимоя қилиш тўғрисида декларация;
- Суддан ташқари ва ўэбошимча экзекуция ҳолларининг олдини самарали олиш ва тергов қилиш принциплари.

### Америка давлатлари ташқилоти

- Шахсларнинг мажбурий йўқолиши бўйича Америкааро конвенция.

## 10. ГУМАНИТАР ҲУҚУҚ ВОСИТАЛАРИ

- Ҳаракатдаги қуролли кучлардаги ярадорлар ва беморларнинг қисматларини енгиллаштириш тўғрисида I Женева конвенцияси;
- Денгиздаги қуролли кучлар таркибидан бўлмис ярадорлар, беморлар, кема ҳалокатига учраган шахсларнинг қисматларини енгиллаштириш тўғрисида II Женева конвенцияси;
- Ҳарбий асрirlар билан қилинадиган муомала тўғрисида III Женева конвенцияси;
- Уруш вақтида фуқаро аҳолини ҳимоя қилиш тўғрисида IV Женева конвенцияси;
- Ҳалқаро қуролли можаролар қурбонларини ҳимоя қилишга тааллукли, 1949 йил 12 августда қабул қилинган Женева Конвенцияларига доир кўшимча протокол (I кўшимча Протокол);
- Ҳалқаро бўлмаган тусдаги қуролли можаролар қурбонларини ҳимоя қилиш тўғрисида 1949 йил 12 августда қабул қилинган Женева Конвенцияларининг қўшимча протоколи (II Протокол);

## 11. БОШҚА РЕЛЕВАНТ ВОСИТАЛАР

### Бирлашган Миллатлар Тацқилоти

- Жаҳонда тан олинган ҳуқуқлар ва асосий эркинликларни қўллаб-кувватлаш ҳамда ҳимоя қилиш муносабати билан индивидуумлар, гуруҳлар ва жамоат органларининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги тўғрисида декларация («Инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари тўғрисида декларация»);
- Ўлим ҳукми ижро этилишини кутаётган шахсларнинг ҳуқуқлари ҳимоясининг ҳуқуқий кафолатлари;
- Жиноятлар ва суиистеъмол қилинган ҳокимият қурбонлари борасида одилсудловнинг асосий принциплари декларацияси;
- Ҳалқаро жиноят суди Устави.

## 2. П ИЛОВА. АЛОҚА ЎРНАТИШ УЧУН МАЪЛУМОТЛАР ВА КЕЙИНГИ АХБОРОТЛАРНИ ОЛИШ

### АЛОҚА УЧУН МАЪЛУМОТЛАР

#### ХАЛҚАРО МЕХАНИЗМЛАР:

##### ИНСОН ВА ХАЛҚЛАР ҲУҚУҚЛАРИ БҮЙИЧА АФРИКА КОМИССИЯСИ

Kairaba Avenue, P.O. Box 673  
Banjul, The Gambia  
телефон: +220-392962  
факс: +220-390764  
Email: achpr@achpr.gm

##### ҚИЙНОҚЛАРГА ҚАРШИ ҚҮМИТА

OCHR-UNOG  
CH 1211 Geneva 10, Switzerland  
телефон: +41-22-917 9000  
факс: +41-22-917 9011  
Email: webadmin.hchr@unog.ch/  
Интернет: <http://www.unhchr.ch/>

##### ИРҚИЙ КАМСИТИШНИ ТУГАТИШ ҚҮМИТАСИ

OCHR-UNOG  
CH 1211 Geneva 10, Switzerland  
телефон: +41-22-917 9000  
факс: +41-22-917 9011  
Email: webadmin.hchr@unog.ch  
Интернет: <http://www.unhchr.ch/>

##### АЁЛЛАРГА НИСБАТАН КАМСИТИШГА БАРҲАМ БЕРИШ ҚҮМИТАСИ

OHCHR-UNOG  
CH 1211 Geneva 10, Switzerland  
телефон: +41-22-917 9000  
факс: +41-22-917 9011  
Email: webadmin.hchr@unog.ch  
Интернет: <http://www.unhchr.ch/>

##### БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ҚҮМИТАСИ

OHCHR-UNOG  
CH 1211 Geneva 10, Switzerland  
телефон: +41-22-917 9000  
факс: +41-22-917 9011  
Email: webadmin.hchr@unog.ch  
Интернет: <http://www.unhchr.ch/>

**ҚИЙНОҚЛАР ҲАМДА ИНСОНИЙЛІККА ЗИД ЁКИ ҚАДР-ҚИММАТНИ КАМСИТУВЧИ МУОМАЛА  
ЁХУД ЖАЗОЛАШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЕВРОПА ҚҮМИТАСИ**

Council of Europe  
F-67075 Strasbourg Cedex  
France  
Email: Human.Rights.Info@coe.int  
телефон: +33-3-88 41 20 24  
факс: +33-3-88 41 27 04  
Интернет: <http://www.cpt.coeint/>

**ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БҮЙИЧА ЕВРОПА СУДИ**

European Court of Human Rights  
Council of Europe  
F-67075 Strasbourg-Cedex  
France  
телефон: +33-3-88-41 20 18  
факс: +33-3-88 41 27 30  
Интернет: <http://www.echr.coe.int/>

**ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БҮЙИЧА ҚҮМИТА**

OHCHR-UNOG  
CH 1211 Geneva 10, Switzerland  
телефон: +41-22-917 9000  
факс: +41-22-917 9011  
Email: webadmin.hchr@unog.ch  
Интернет: <http://www.unhchr.ch/>

**ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БҮЙИЧА АМЕРИКААРО КОМИССИЯ**

Inter-American Commission on Human Rights  
1889 F St., NW, Washington, DC., USA 20006  
телефон: +1-202-458 6002  
факс: +1-202-458 3992  
Email: cidhoea@oas.org  
Интернет: <http://www.cidh.oas.org>

**ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БҮЙИЧА АМЕРИКААРО СУД**

Inter-American Court of Human Rights  
Apdo 6906-1000  
San José, Costa Rica  
телефон: +506-234 0581 or +506-225 3333  
факс: +506-234 0584  
Email: corteidh@sol.racsa.co.cr  
Интернет: <http://www1.umn.edu/humanrts/iachr/iachr.html>

**ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БҮЙИЧА БМТ ОЛИЙ КОМИССАРИ БОҢҚАРМАСИ**

OHCHR-UNOG  
CH 1211 Geneva 10, Switzerland  
телефон: +41-22-917 9000  
факс: +41-22-917 0099  
Email: webadmin.hchr@unog.ch  
Интернет: <http://www.unhchr.ch/> (Миссиянинг жойлардаги барча ИХБМТОКБ ҳақидаги тафсилотларни, шунингдек инсон ҳуқуқлари бүйича күпілаб халқаро ҳуқуқий воситалар матнини ўз ичига олади).

**АФРИКАДА ТУРМАЛАР ВА ҚАМОҚДА САҚЛАП ШАРОИТЛАРИ МАСАЛАЛАРИ БҮЙИЧА  
МАХСУС МАЪРУЗАЧИ**

Kairaba Avenue, P.O. Box 673  
Banjul, The Gambia  
телефон: +220-392962  
факс: +220-390764  
Email: achpr@achpr.gm

**ҚИЙНОҚ МАСАЛАЛАРИ БҮЙИЧА БМТнинг МАХСУС МАЪРУЗАЧИСИ**

ОНCHR-UNOG  
CH 1211 Geneva 10, Switzerland  
телефон: +41-22-917 9000  
факс: +41-22-917 9006  
Email: webadmin.hchr@unog.ch  
Интернет: <http://www.unhchr.ch/>

**1503-ПРОЦЕДУРА**

ОНCHR-UNOG  
CH 1211 Geneva 10, Switzerland  
телефон: +41-22-917 9000  
факс: +41-22-917 9011  
Email: webadmin.hchr@unog.ch  
Интернет: <http://www.unhchr.ch/>

**ЁРДАМ ОЛИШНИНГ БОШКА МАНБАЛАРИ:**

⇒ Хукуматлараро ихтисослаштирилган агентликлар:

**ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИ**

International Labour Standards and Human Rights Departments (NORMES)  
4 route de Morillons  
ch-1211 Geneva 22  
Switzerland  
телефон: +41-22-799 7126  
факс: +41-22-799 6926  
Email: [infleg@ilo.org](mailto:infleg@ilo.org)  
Интернет: <http://www.ilo.org/>

**ДЕМОКРАТИК МУАССАСАЛАР ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БОШҚАРМАСИ**

(Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти)  
Organization for Security and Co-operation in Europe  
Office for Democratic Institutions and Human Rights  
Aleje Ujazdowskie 19  
00-557 Warsaw  
Poland  
телефон: +48-22-520 06 00  
факс: +48-22-520 06 05  
Email: [office@odihr.osce.waw.pl](mailto:office@odihr.osce.waw.pl)  
Интернет: <http://www.osce.org/odihr/> (жойлардаги фаолият түғрисида жорий тафсилотлар мавжуд)

**БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ДАСТУРИ (БМТГД)**

1 UN Plaza  
New York NY 10017  
United States

Интернет: <http://www.un.org> (ушбу сайт бутун дунёда БМТГД нинг кўплаб маҳаллий бошқармалига кириш имконини беради)

**ҚОЧОҚЛАР ИШЛАРИ БЎЙИЧА БМТНИНГ ОЛИЙ КОМИССАРИ**

C.P. 2500,  
1211 Geneva 2,  
Switzerland

Интернет: <http://www.unhchr.ch> (БМТ Олий комиссарларининг барча маҳаллий миссияларининг электрон почтаси манзиллари ва улар тўғрисидаги тафсилотларга ҳаволалар мавжуд)

**ЮНИСЕФ:**

UNICEF House  
3 United Nations Plaza  
New York, New York 10017  
U.S.A.  
телефон: +1-212-326 7000  
факс: +1-212-887 7465  
Интернет: <http://www.unicef.org>

**⇒ Халқаро инсонпарварлик ташкилотлари:****ХАЛҚАРО ҚИЗИЛ ХОЧ ҚҮМИТАСИ**

19 Avenue de la Paix  
CH 1202 Geneva  
Switzerland  
телефон: +41-22-734 60 01  
факс: +41-22-733 20 57 (ахборот маркази)  
Email: webmaster.gva@icrc.org  
Интернет: <http://www.icrc.org>

**⇒ Халқаро НХТ****«Соябон» ташкилотлар:****ҚИЙНОҚЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА УЮШМА  
(ASSOCIATION POUR LA PREVENTION DE LA TORTURE) (APT)**

Route de Ferney 10  
Case Postale 2267  
CH-1211 Geneva 2  
Switzerland  
телефон: +41-22-734 2088  
факс: +41-22-734 5649  
Email: apt@apt.ch  
Интернет: <http://www.apt.ch> (кўплаб маърузалар ва тадқиқотлар нусхалари мавжуд)

**ҚИЙНОҚЛАРГА ҚАРШИ ЖАҲОН ТАШКИЛОТИ (ORGANISATION MONDIALE  
CONTRE LA TORTURE) (OMCT)**

International Sekretariat  
PO Box 35 - 37 Rue de Varembe  
CH 1211 Geneva CIC 20  
Switzerland  
телефон: +41-22-733 3140  
факс: +41-22-733 1051  
Email: omct@omct.org  
Интернет: <http://www.omct.org/>

**ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ЛИГАСИ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТИ (FEDERATION INTERNATIONALE  
DES LIGUES DES DROITS DE L'HOMME) (FIDH)**

17 Passage de la Main d'Or  
75011 Paris, FRANCE  
телефон: +33-1-43 55 25 18  
факс: +33-1-43 55 18 80  
Email: fidh@csi.com  
Интернет: <http://www.fidh.imaginet.fr/>

**Бошқа халқаро НХТ:**

**ХАЛҚАРО АМНИСТИЯ ТАШКИЛОТИ (AMNESTY INTERNATIONAL) (AI)**

International Sekretariat  
1 Easton St  
London  
WC1X 8DJ  
UK  
телефон: +44-171-413 5500  
факс: +44-171-956 1157  
Email: amnestyis@amnesty.org  
Интернет: <http://www.amnesty.org/> (сайт ХА ташкилотининг барча маъruzalari ва matbuot-reliiza-  
рига, шунингдек миллий филиаллар бўйича алоқа ахборотига кириш имконини беради)

**ҚИЙНОҚЛАР ВА ЎЛИМ ЖАЗОСИНИ БЕКОР ҚИЛИШ ХРИСТИАН ҲАРАКАТИ  
(L'ACTION DES CHRETIENS POUR L'ABOLITION DE LA TORTURE ET DES  
EXECUTIONS CAPITALES) (ACAT)**

7 rue Georges Lardennois  
75019 Paris  
телефон: +33-1-40 40 42 43  
факс: +33-1-40 40 42 44  
Email: acat-fr@worldnet.fr  
Интернет: <http://home.worldnet.fr/acatfr/>

**ҚИЙНОҚЛАР ВА ЎЛИМ ЖАЗОСИНИ БЕКОР ҚИЛИШ ҲАРАКАТИ ХАЛҚАРО  
ФЕДЕРАЦИЯСИ (FIACAT)**

Federation Internationale de l'ACAT  
27 rue de Maubeuge  
75009 PARIS  
France  
телефон: +33-1-42 80 01 60  
факс: +33-1-42 80 20 89

Email: Fi.Acat@wanadoo.fr  
**ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ**  
**(HUMAN RIGHTS INTERNET) (HRI)**

8 York Street, Suite 302  
 Ottawa, Ontario  
 KIN 5S6 Canada  
 телефон: +1-613-789 7407  
 факс: +1-643-789 7417  
 Email: hri@hri.ca  
 Интернет: <http://www.hri.ca/>

**ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МОНИТОРИ**  
**(HUMAN RIGHTS WATCH) (HRW)**

350 Fifth Avenue, 34<sup>th</sup> Floor  
 New York, NY  
 10118-3299 USA  
 телефон: +1-212-290 4700  
 факс: +1-212-736 1300  
 Email: hrwnyc@hrw.org  
 Интернет: <http://www.hrw.org/>

**ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БҮЙИЧА ХАЛҚАРО ХЕЛЬСИНКИ ФЕДЕРАЦИЯСИ (INTERNATIONAL HELSINKI FEDERATION FOR HUMAN RIGHTS)**

Rummelhardtg. 2/18  
 A-1090 Vienna  
**AUSTRIA**  
 телефон: +43-1-408 88 22  
 факс: +43-1-408 88 22-50  
 Email: office@ihf-hr.org  
 Интернет: <http://www.ihf-hr.org/>

**ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ АМЕРИКАРО ИНСТИТУТИ (INTER-AMERICAN INSTITUTE OF HUMAN RIGHTS)**

A.P. 10.080-1000  
 San Jose, Costa Rica  
 Tel: +506-234 0404  
 факс: +506-234 0955  
 Email: instituto@iadh.ed.cr  
 Интернет: <http://www.iadh.ed.cr/>

**ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ХАЛҚАРО ХИЗМАТИ (INTERNATIONAL SERVICE FOR HUMAN RIGHTS)**  
 (БМТ тизимидаи фойдаланишни истовчи НҲТга ахборот тақдим этади ва уларни қўллаб-қувватлайди)

1 Rue de Varembe  
 P.O. Box 16  
 Ch-1211 Geneva CIC  
 Switzerland  
 телефон: +41-22-733 5123  
 факс: +41-22-733 0826

**ЖИНОЯТ ИСЛОҲОТЛАРИ ХАЛҚАРО УЮШМАСИ  
(PENAL REFORM INTERNATIONAL)**

Unit 114, The Chandlery  
50 Westminster Bridge Rd  
London SE1 7QY  
United Kingdom  
телефон: +44-171-724 7678  
факс: +44-171-721 8785  
Email: Headofsecretariat @pri.org.uk  
Интернет: <http://www.penalreform.org> (минтақавий бошқармалар түғрисида ахборот мавжуд)

**ВРАЧЛАР ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УЧУН  
(PHYSICIANS FOR HUMAN RIGHTS) (PHR)**

100 Boylston St.  
Suite 702  
Boston, MA 02116  
United States  
телефон: +1-617-695 0041  
факс: +1-617-695 0307  
Email: phrusa@igc.apc.org  
Интернет: <http://www.phrusa.org/>

⇒ Курбонларга ёрдам бериш:

**ҚИЙНОҚ ҚУРБОНЛАРИНИ ОҚЛАШ БҮЙИЧА ХАЛҚАРО КЕНГАШ  
(INTERNATIONAL REHABILITATION COUNCIL FOR TORTURE VICTIMS) (IRCT)**

P.O. Box 2107  
DK-1014 Copenhagen K  
Denmark  
телефон: +45-33-76 06 90  
факс: +45-33-76 05 00  
Email: irct@irct.org  
Интернет: <http://www.irct.org> (күплаб мамлакатлардан қийноқ қурбоилари түғрисида аниқ ахборотга эга).

**БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ҚИЙНОҚ ҚУРБОНЛАРИНИ ҚҰЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ  
КҮНГИЛЛИ ЖАМҒАРМАСИ  
(UNITED NATIONS VOLUNTARY FUND FOR VICTIMS OF TORTURE)**

(Қийноқ қурбонлари учун оқлаш лойиҳаларини излашда ёрдам күрсатади)

ОНЧР-UNOG (Trust funds Unit)  
CH-1211 Geneva 10  
телефон: +41-22-917 9000  
факс: +41-22-917 9011  
Email: dpremont.hchr@unog.ch  
Интернет: <http://www.unhchr.ch/>

⇒ Профессионал ташкилотлар:

**ПАРЛАМЕНТЛАРАРО БИРЛАШМА (INTER-PARLIAMENTARY UNION) (IPU)**

C.P. 438  
1211 GENEVA 19  
Switzerland  
телефон: +41-22-919 41 50  
факс: +41-22-733 31 41, +41-22-919 41 60  
Email: postbox@mail.ipu.org  
Интернет: <http://www.ipu.org/>

**ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УЧУН ҲУҚУҚШУНОСЛАР ҚҮМИТАСИ  
(LAWYERS COMMITTEE FOR HUMAN RIGHTS) (LCHR)**

333 Seventh Avenue, 13<sup>th</sup> Floor  
New York, NY 10001  
United States  
телефон: +1-212-845 5200  
факс: +1-212-845 5299  
Email: Ichrbn@Ichrl.org  
Интернет: <http://www.ipu.org/>

**ЖАҲОН ТИББИЁТ ҮЮШМАСИ (WORLD MEDICAL ASSOCIATION) (WMA)**

PO Box 63  
01212 Ferney-Voltaire Cedex  
France  
телефон: +33-4-50 40 75 75  
факс: +33-4-50 40 59 37  
Email: info@wma.net  
Интернет: <http://www.wma.net/>

**КЕЙИНГИ ЁРДАМ ОЛИШ**

- Ушбу қўлланмада эслатиб ўтилган **воситалар матнларини** қаердан топиш мумкин?

Воситалар матнини олишнинг энг осон йўли — Интернетдан фойдаланиш. Қоидага кўра, воситаларнинг матнларини ташкилотларнинг веб-саҳифалари орқали топиш мумкин (веб-сайтлар манзилларини аниқлаш учун юқорида келтирилган алоқа учун маълумотларга қаранг). <Http://www.unchr.ch/html/intist.htm> саҳифасида жойлашган ИҲБМТОКБ (Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ Олий комиссари бошқармаси)нинг веб-сайти кўплаб халқаро шартномалар матнларини излашнинг бошланғич нуқтаси бўлади. Бошқа бир фойдали веб-сайт — <Http://www1.umn.edu/humanrts/> саҳифасида жойлашган Миннесота университети сайти ва Интернетдаги юқорида келтирилган инсон ҳуқуқлари сайти. Бу ҳар икки сайт кўплаб халқаро воситаларга кириш имконини беради.

Агар сиз Интернетдан фойдалана олмасангиз, у ҳолда тегишли ташкилотларнинг номига ёзма шаклда талаб юбориб, зарур матнларни олишингиз мумкин. Бироқ, мазкур матнларга эга бўлиши эҳтимоли тутилган бирор НҲТга мурожаат қилиш энг осон йўлдир. Бундан ташқари, ушбу матнларнинг кўпчилигини жамоат ёки университетлар кутубхоналаридан топиш мумкин. Шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича хужжатлар тўпламларини олиш имконияти ҳам мавжуд.

Барча ҳолларда аниқ бир давлат мазкур шартномани **ратификация қилғанлыгыга ишонч ҳосил қилинг**, шунингдек изоҳлар билдирилган бўлиши мумкинлигидан хабардор бўлинг.

- Ушбу кўлланмада баён қилинган ҳалқаро механизмлар маърузалари нусхаларини қаердан топиш мумкин?

Кўпчилик механизмларнинг маърузаларидан Интернет орқали фойдаланиш мумкинлигини қайд этиш зарур. ИХБМТОКБга асосланган механизмлар эълон қилинган кўпчилик, эҳтимол, барча расмий ҳужжатлардан фойдаланиш имконини берувчи жуда яхши ишлаб чиқилган веб-сайтда жойлашган. Инсон ва ҳалқлар хукуқлари бўйича Африка комиссияси ҳали веб-сайтга эга эмас, бироқ Комиссиянинг кўпчилик маърузалари Миннесота штати университетининг юқорида эслатиб ўтилган веб-сайтида жойлаштирилган. Бошқа йўли ташкилотга хат жўнатишидан, бошқа НХТга мурожаат қилишдан ёки зарур материалларни кутубхонадан топишдан иборат бўлиши мумкин.

- Қийноқлар ҳужжатлаштирилганлиги ҳақидаги ахборотни кўпроқ қаердан топиш мумкин?

Кўплаб фойдали ахборотни Стамбул протоколидан ва Қийноқлар ва инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёхуд жазолашни самарали тергов қилиш ва ҳужжатлаштириш бўйича маълумотномадан топиш мумкин. Ушбу ҳужжатларда қийноқ кулланилганда тергов ўтказишининг юридик жиҳатлари, жумладан, қийноқ қурбонларини тиббий текшириш тўғрисидаги ахборот батафсил баён қилинган. Бу ҳақда кўпроқ билишни хоҳловчи профессионал врачларга Протоколни ўрганиш тавсия қилинади. Протокол ИХБМТОКБнинг кўмагида 2000 йилда эълон қилинади. Ҳозирги пайтда ҳужжатни Врачлар инсон хукуқлари учун уюшмасидан олиш мумкин, уюшма ҳам ўзининг веб-сайти орқали барча хоҳловчиларга ушбу ҳужжатни тақдим этади (юқорида келтирилган алоқа учун маълумотни қаранг).

Миннесота протоколи ҳамда Суддан ташқари ва ўзбошимчалик билан қилинадиган экзекуцияларнинг оддини самарали олиш ва тергов қилиш бўйича маълумотномада ҳам ўлик жасадларни, шу жумладан қийноқ натижасида вафот этганларнинг жасадларини ёриб кўриш ва ўрганиш бўйича батафсил маълумотлар мавжуд. Ушбу материалларни ИХБМТОКБ воситасида олиш мумкин: (1991) *UN Pub. Sales No. E.91.IV.1 (doc. ST/CSDHA/12)*.

- Ҳалқаро хукуқ ва қийноқ амалиёти юзасидан батафсилроқ маълумот олиш учун Найджела С. Родлининг материалини қаранг: «Асиirlар билан ҳалқаро хукуқ асосида муомала қилиш шакллари», 2-нашри, «Оксфорд Пресс» (1999); *Rodley, Nigel S., The Treatment of Prisoners Under International Law, 2<sup>d</sup> edition, Oxford Press (1999)*.
- Инсон хукуқлари бўйича ҳалқаро механизмлардан фойдаланиш юзасидан батафсилроқ маълумот олиш учун Хурст Хонумнинг материалига қаранг: «Инсон хукуқлари ҳалқаро амалиёти бўйича маълумотнома», 3-нашри; *Hannum, Hurst, Guide to International Human Rights Practice, 3<sup>d</sup> edition, Transnational Publishers, Ardsley, New York (1999)*.

### 3. III ИЛОВА. АРИЗАЛАРНИНГ СТАНДАРТ ШАКЛЛАРИ

#### Кийпоклар масалалари буйича Махсус маърузачига ариза бериш учун сурʼонома намунаси

Кийноқлар тўғрисида ахборот Махсус маърузачига ёзма шаклда берилиши ва Инсон ҳукуқлари буйича БМТ Бошқармаси Олий комиссари номига, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Женевадаги Канцеляриясига, CH-1211 Geneva 10, Switzerland га юборилиши керак. Махсус маърузачи камида қўйида келтириладиган ахборотга эга бўлган, аниқ асосланган индивидуал ҳолатларни кўриб чиқади:

- курбоннинг тўлиқ номи;
- ҳодиса (ҳодисалар) юз берган сана (ҳеч булмаганда ой ва йил);
- курбон қўлга олинган жой (шаҳар, вилоят ва бошқалар) ва ёмон муюмалада бўлинган жой;
- ёмон муюмаланинг ва бунинг натижасида юзага келган тан жароҳатларининг тавсифи;
- хабар берган шахс ёки ташкилот тўғрисидаги ахборот, — ушбу маълумотлар махфий бўлиб қолали.

Зарурат бўлганда талаб қилинадиган миқдорда саҳифалар қўшилиши керак. Ҳамма вақт тиббий хulosалар, полиция/милицияда тузилган протоколлар сингари ишга алоқадор бўлган тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхаларини киритиш зарур. Ҳамма вақт асл нусхани эмас, балки кўчирилган нусхани юбориш зарур.

#### I. Ёмон муюмалага дучор қилинган инсон шахси

- Фамилияси.
- Исми, отасининг исми (бошқа исмлари):
- Жинси (эр/аёл)
- Туғилган йили:
- Фуқаролиги:
- Машгулоти тури:
- Шахсини тасдиқловчи ҳужжат раками (агар бўлса):
- Фаолият турлари (касаба уюшмалари, сиёsat, дин, гуманитар соҳалар, ҳукуқни ҳимоя қилиш фаолияти, матбуот ва бошқалар):
- Яшаш ва иш маʼзили:

#### II. Ёмон муюмала қилинган жойдаги ҳолатлар

- Хибсга олинган ва кейинчалик қийноқ қўлланилган сана ва жой.
- Қўлга олиш ва/ёки қийноқни амалга оширган бўлинма тури (полиция/милиция, хавфсизлик хизмати, ҳарбий кучлар, ҳарбийлаштирилган тузилмалар, турманинг мансабдор шахслари, бошқа шахслар).
- Курбонга қамоқдалиги пайтида адвокат, қариндошлар ёки дўстлар билан учрашишга рухсат берилганми? Рухсат берилган бўлса, ҳибсга олингандан кейин қанча вақт ўтгач?
- Ёмон муюмаланинг фойдаланилган усуулларини баён қилинг:
- Ёмон муюмала натижасида қандай тан жароҳатлари етказилган?
- Ёмон муюмаладан кўзланган мақсад тахминан нимадан иборат бўлган?
- Курбон юз берган ҳодисагача ёки ундан кейин бирор врач текширувидан ўтгаюми? Агар ўтган бўлса, бу айнан қаҷон юз берган? Текшириш турма ёки давлат врачи томонидан ўтказилганми?

И. Ёмон мумомала натижасида олинган тан жароқатлари тегишли тарзда даволанганми?

К. Тиббий текшириу ёмон мумомала оқибатида етказилган тан жароқатлари исботини врач сезадиган тарзда ўтказилганми? Тиббий хulosы тайёрланганми ёки бирор-бир маълумотнома берилганми? Агар хulosы тайёрланган булса, ундан нима маълум бўлади?

Л. Агар қурбон қамоқда вафот этган бўлса, ёриб кўрилганми ёки суд экспертизаси ўтказилганми? Натижалари қандай бўлган?

### III. Ҳукуқий ҳимоя воситалари

Қурбон, унинг оиласи ёки вакили томонидан бирор ҳукуқий ҳимоя олишга уриниб кўрилганми (масъул органларга, суд инстанцияларига, сиёсий ташкилотларга ва бошқаларга шикоятлар)? Агар шикоят қилинган бўлса, унинг натижаси қандай бўлган?

### IV. Ариза берувчи тўғрисидаги маълумотлар

- а) фамилияси:
- б) исми:
- в) қурбон билан ўзаро алоқаси:
- г) қайси ташкилот номидан иш юритади:
- д) тўлиқ манзили:

**ФСХХПга Факультатив протокол доирасидаги хабарнинг намунаси**

Куйидагилар учун хабар: Инсон ҳуқуқлари бўйича қумита, ИҲБМТОКБ.

c/o OHCHR-UNOG, 1211 Geneva 10, Switzerland

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга Факультатив протокол доирасида кўриб чиқиш учун берилган.

**I. Хабар муаллифи тўғрисида маълумот**

Фамилияси .....	Исми(отасининг исми ва б) .....
Фуқаролиги .....	Касби .....
Тугилган санаси ва жойи .....	
Яшаш жойи .....	
Махфий хат-хабарлар учун манзил (яшаш жойидан фарқ қилган ҳолларда) .....	

Хабар:

- а) қуида баён этилган қонун бузилиши ёки қонун бузилишларининг қурбони .....
- б) тахмин қилинаётган қурбоннинг (курбонларнинг) ваколатли вакили/юридик) масалаҳатчиси .....
- в) бошқа .....

Агар тегишли бандниг рўпарасида (с) белгиси бўлса, у ҳолда муаллиф:

(i) у қурбон (курбонлар)нинг номидан ким сифатида иш кўради (масалан, тахмин қилинаётган қурбон (тахмин қилинаётган қурбонлар) билан қариндошлик алоқалари ёхуд бошқа шахсий алоқалар)

(ii) қурбон (курбонлар) нима учун ўзи (ўзлари) хабар бера олмайди?

Қурбонга бирор-бир алоқаси бўлмаган учинчи томон унинг номидан хабар бера олмайди.

**II. Тахмин қилинаётган қурбон (курбонлар) тўғрисида маълумот  
(агар қурбон муаллифи бўлмаса тўлдирилади)**

Фамилияси .....	Исми(отасининг исми ва б) .....
Фуқаролиги .....	Касби .....
Тугилган санаси ва жойи .....	
Манзили ёки турган жойи .....	

**III. Шикоят тегишли бўлган давлат/бузилган моддалар/ҳуқуқий ҳимоянинг давлат ички воситалари**

Халқаро пакт қатнашчиси бўлган давлат ((мамлакат)нинг номи, ва хабар берилишида асос бўлган Факультатив протокол:

Ҳуқуқий ҳимоянинг давлат ички воситаларини тугал ишга солиш учун тахмин қилинаётган қурбон (курбонлар) номидан қўлланган тадбирлар, — суд органларига ёки давлат ҳокимиятининг бошқа органларига мурожаат; бу қачон юз берган ва қандай натижаларга эришилган (имкони борича ишга тегишли бўлган барча суд қарорлари ва маъмурий қарорлар нусхаларини киритинг):

Агар ҳуқуқий ҳимоянинг давлат ички воситалари тугал ишга солинмаган бўлса, буни изоҳлаб беринг:

**IV. Бошқа халқаро тартиб-қоидалар**

Ушбу ҳолат бўйича халқаро терговнинг бошқа тартиб-қоидаларига ёки бошқа муассасага (масалан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкааро комиссияга ёки Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа комиссиясига) ариза берилганми? Агар мурожаат қилинган бўлса, санани ва эришилган натижаларни кўрсатинг:

**V. Аризанинг далиллари**


Тахмин қилинаётган қонун бузилиши ёки қонун бузилишлари фактининг батафсил баёнини (шу жумладан сана-ни) келтиринг. Тавсифлаш учун зарур миқдорда саҳифалар қўшимча қилинг.

Муалифнинг имзоси: .....


Сана: .....

4. IV ИЛОВА. ОДАМ ТАНАСИ ДИАГРАММАСИ

АЕЛЛАР — ОЛДДАН ВА ОРКАДАН КҮРИНИШИ



ЭРКАКЛАР – ОЛДАН ВА ОРКАДАН КҮРИНИШИ



## ПРЕДМЕТ КҮРСАТКИЧ

### А

*ad hoc* ташрифлари, 124, 125, 126, 128  
*amicus curiae* гувоҳлиги, 29, 55  
*amicus curiae*, 88, 91  
*amparo*, 72

### Н

*Habeas corpus*, 72

### А

адвокатдан фойдаланиш, 9, 18, 27, 79  
аёллар, 16, 17, 39, 66, 67, 77, 102, 103, 104  
азоб чекиш даражаси, 108, 109, 115, 132, 138,  
146, 162  
айблов, 58  
ариза бериш шакли, 154  
армия, 15, 44, 50, 70, 77, 78, 127  
ахлоқий қийноқ, 17, 54  
аэропортларнинг транзит зоналари, 124

### Б

бармоқ, 14  
бажаришга мажбур қилиш, 142  
бедарак йўқолиш, 16, 18, 31  
БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий кенгаси,  
97, 99  
БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий комиссия-  
си, 96  
болалар тақсимлаш марказлари, 49  
болалар, 2, 16, 17, 39, 41, 59, 74, 104, 108, 109,  
115, 121, 126, 141, 146, 156, 162  
бошпаналар, 22

### В

вазиятлар бўйича БМТ кичик комиссиясининг  
ишчи гуруҳи, 98  
вақтинчалик чоралар, 69, 72, 86, 88, 92, 119,  
137  
врачлар, 5, 9, 16, 21, 35, 46, 56, 79, 84

### Г

ўлим жазоси ижро этилиши сохтакорлиги, 13  
гувоҳлар, 4, 21, 29, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 40, 43,  
44, 45, 46, 49, 51, 52, 53, 55, 56, 118  
турух қилиб қамаш, 39, 59

### Д

давлат ички хуқуқи бўйича ҳуқуқшунос, 71  
давлат ички хуқуқи, 22, 24, 28  
давлат ички қонунчилиги, 24  
давлат мансабдор шахсларишинг йўл қўйиб  
бериши,  
давлат маърузалари, 61, 65, 73, 80, 81, 82, 109,  
110, 111, 113, 114, 115, 116, 139, 140, 146,  
155  
давлатнинг мансабдор шахслари, 3, 11, 15, 16,  
22, 27, 42, 43, 59, 71, 72, 78, 84, 90, 102,  
105  
даврий ташрифлар,  
далил, 6, 8, 13, 18, 19, 21, 29, 31  
дўстона тартибга солиш, 88, 130, 136, 142  
депортация, 11, 22, 23, 27, 51, 57, 69, 72, 74,  
86, 90, 92, 103, 110, 118, 119, 131, 145, 146,  
147, 148, 149, 150  
динга эътиқод қилувчилар,

### Е

Европа парламенти, 57, 154

### Ж

жавобгарликка тортиш муддати, 34, 59  
жазо,  
жандарм, 27  
жандармерия, 15, 124  
жиноий жавобгарлик, 155  
жиноят иши, 20, 70  
жиноят содир этилганлигини эътироф этиш,  
жиноят суд ишларини юритиш, 70  
жинси, 13, 17, 34, 43, 59, 78, 79, 104, 170  
жойларга миссиялар, 152, 153

### З

зўрлаб номусга тегиш, 3, 13, 17, 24, 74, 77, 102  
зўрлаш,

### И

илова қилинадиган хат, 93, 132  
инкоммуникадо, 72  
инкоммуникадо қамаш, 27, 31, 77, 84, 106, 107,  
113

инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари, 103, 108  
Инсон ҳуқуқлари бүйича Америкааро комиссия, 67, 133, 135, 136, 137, 147, 150, 158  
Инсон ҳуқуқлари бүйича Америкааро суд, 137, 147, 150  
Инсон ҳуқуқлари бүйича БМТ Комиссияси, 57, 64, 95, 96, 97, 98, 99, 101, 102, 103, 104, 105, 106, 108, 109, 146, 151, 152, 154, 156  
Инсон ҳуқуқлари бүйича БМТнинг Олий Вакили канцелярияси, 95, 101  
Инсон ҳуқуқлари бүйича БМТнинг Олий комиссари бошқармаси, 164  
Инсон ҳуқуқлари бүйича Европа комиссияси, 131  
Инсон ҳуқуқлари бүйича Европа суди, 4, 25, 67, 123, 125, 128, 150, 156, 165  
Инсон ҳуқуқлари бүйича миллий комиссия, 84  
Инсон ҳуқуқлари бүйича миллий комиссиялар, 72  
Инсон ҳуқуқлариниң құллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бүйича БМТнинг кичик комиссияси, 97  
инсон ҳуқуқларининг қўпол равишда бузилиши, 100  
инсон ҳуқуқларининг қўпол равишда бузилишлари, 29  
Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бүйича Африка комиссияси, 139, 140, 141, 142, 148, 150, 156, 172  
инсониятга қарши жиноятлар тўғрисидаги қонун, 28  
*инсониятга қарши жиноятлар*, 24, 25  
интервью, 6, 7, 8, 31, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 41, 42, 53, 59, 124, 154  
интизомий жавобгарлик, 155  
интизомий суд ишлари, 71  
ирқчилик, 104  
исботлар, 6, 8, 13, 18, 19, 21, 29, 31, 33, 52, 53, 57, 58, 60, 100, 118, 126, 130  
исботловчи ҳужжатлар, 6, 32, 34, 78, 80, 93, 155  
исботловчи далиллар, 31, 52, 57, 60, 101  
ички низолар, 8, 16, 108  
иш юритиладиган тиллар, 74, 94, 95, 123, 132  
ишининг моҳияти,  
ишончнома, 93, 119

## Қ

қамоқда сақлаш жойи, 19, 20, 28  
қамоқдагини ўтказиш, 18, 44  
құллаб-қувватлаш ва реабилитация, 6  
кўрқитиш, 11, 13, 15, 16, 18, 19, 27, 33, 38, 91, 118  
қонунни бузувчилар, 24

қочоқлар, 19, 21, 22, 28, 51, 57, 141, 152  
куролли низолар тўғрисида халқаро қонун, 23, 28, 70

## К

калтаклаш, 14, 15, 74  
касб этикаси, 7, 21, 38  
кўзни боғлаш, 44  
кўрсатмалар, 55, 56, 137, 134, 138  
кўчирилганлар, 104  
кекса ёшдаги шахслар, 16  
кечикириб бўлмайдиган чоралар, 10  
компенсация, 2, 10, 27, 69, 70, 71, 90, 91, 103, 112, 118, 136, 137, 138, 149, 150

## Л

Лобиллаш, 25, 28, 96, 151, 152, 154

## М

мавзули механизмлар, 102  
маданият омили, 14  
маданият, 13, 34  
мамлакатдан чиқарип юбориш, 57, 71, 118  
махсус вакил қилинганлар, 65, 69  
махсус маърузачилар, 57, 72, 74, 95, 99, 101, 102, 103, 105, 106, 107, 108, 109, 139, 141, 146, 168  
махфилик, 7, 20, 21, 34, 36, 37, 80, 93, 94, 97, 101, 104, 109, 110, 111, 112, 119, 120, 124, 125, 127, 136, 143, 146, 154  
маъмурӣ жавобгарлик, 155  
маъмурӣ қарор, 61, 93, 175  
милиция/полиция/милиция участкалари, 19  
минтақавий ташкилотлар, 64  
мониторинг, 18, 61, 65, 67, 73, 76, 96, 103, 104, 110, 125, 133, 139, 141, 155  
мухолифат кучлари, 16, 23, 25

## Н

назорат қилувчи органлар, 13  
ноқонуний қамаш, 102, 103  
нормалар, 12

## О

оддий жиноятчилар, 16  
оэчилик, 16  
оқлаш, 84, 151, 152, 157, 168

олий жазо, 14  
олинган ахборотга асосланган розилик, 8, 21,  
36, 38, 56, 59  
**омбудсман**, 72  
оммавий ахборот воситалари, 34, 57, 103, 143  
оммавий баёнот,

## П

Паластин осиб ўлдириши, 13  
**Парламент бўлинмалари**, 43  
полиция/милиция участкалари, 48, 77, 127  
полиция/милиция, 7, 17, 20, 21, 27, 28, 44, 47,  
50, 56, 70, 71, 74, 78, 83, 84, 91, 93, 105,  
107, 124, 127, 162  
принциплар, 31  
протоколлар, 21  
профессионал ташкилотлар, 8, 152, 154  
профессионал тиббиёт ходимлари, 20  
процессуал нормалар, 94  
психиатрик клиникалар, 50

## Р

расмий вакил, 93  
расмий тиллар, 74, 95, 132, 139  
резолюция, 64, 102, 104, 133, 141, 154  
руҳий далиллар, 54, 56

## С

сўровнома, 55, 60, 129, 130, 153  
сўроқ, 15, 16, 17, 27, 42, 44, 47, 48, 49, 56, 72,  
91, 125  
сўроқни олиб бориш жараёни, 18  
сиёсий бошпана, 71, 72  
сиёсий маҳбуслар, 16  
сиёсий тартибсизликлар, 19, 22, 28, 152  
соғлиқни сақлаш соҳасида ишловчи профес-  
сионаллар, 7, 16  
суд айблови, 9, 24  
суд ишлари адолатли олиб борилишига бўлган  
хукуқ, 4  
суд ишларини юритиш қоидалари, 63  
суд механизмлари, 63  
суд орқали таъқиб қилиш, 6, 104, 113, 136  
суд орқали тергов қилиш, 60

суд тақиқи, 72  
суд тартиб-қоидалари, 32, 52  
суд тиббиёти, 21, 53  
судлов ишларини юритиш, 144  
судьялар ва адвокатларнинг мустақиллиги,  
104

## Т

тасдиқланиши, 8, 22, 32, 34, 58, 59,  
тан жазоси, 14  
тан жароҳатлари, 21, 31, 33, 46, 48, 51, 53, 56,  
58, 79, 172  
таржимон, 36, 37, 40, 59  
тергаб-текшириш, 3, 12, 15, 18, 20, 35, 46, 58,  
70, 79, 86, 93, 110, 111, 113, 118, 120, 121,  
127, 129, 140, 143, 146, 163, 168  
тергов остидаги маҳкумлар, 18  
тергов, 15, 16, 17, 27, 42, 44, 47, 48, 49, 56, 72,  
91, 125  
тиббиёт ходимлари, 53  
тиббий хулоса, 19, 21, 34, 46, 52, 84, 93,  
тизимли амалиёт,  
турмалар, 14, 18, 21, 27, 39, 141

## Х

хабарлар бўйича БМТ кичик комиссиясининг  
ишчи гурӯҳи, 98  
хавфсизлик органлари, 18, 107  
хавфсизлик, 4, 5, 15, 18, 27, 34, 36, 38, 40, 71,  
87, 123  
халқаро жиной суд, 23, 24, 163  
халқаро трибунал, 23  
ҳаёт хукуқи, 18, 87

## Э

электрошок, 3, 15, 74, 77, 107  
эътироф этиш,  
этник гурӯҳлар, 16, 107

## Ю

юридик вакил, 45, 46, 85, 94  
юрисдикция, 87, 124, 137

КАМИЙ ЖИФФАР

**ҚИЙНОҚЛАР:  
АХБОРОТЛАР ТУЗИШ БҮЙИЧА ҚҰЛЛАНМА**

*Инсон ҳуқуқтарини ұмоя қилишининг халқаро тизими контекстида қийноқлар түркесидаги  
аризаларни ұзарып атап көрді*

Таржимонлар *Д. Бегимқулов, Х. Жалолов*  
Мұхаррир *Ш. Мансуров*  
Рассом *Ж. Гурова*  
Компьютерда сағифаловчы *Ш. Сохібов*

Босишга 01.12.03 да ружсат этилди. Бичими 60×90<sup>1/4</sup>,  
«Таймс» гарнитураси. Офсет босма. 23,0 шартли б.т. 25,53 нашр б.т.  
Нусхаси 300. 207-рақамли буюртма.

«ARNAPRINT» МЧЖ босмахонасида босилди.  
Тошкент, X. Бойқаро кўчаси, 51.



